O'qituvchining kasbiy rivojlanishi, pedagogik mahorati kabi muammolar bir qator olimlar tomonidan tadqiq etilgan. Jumladan, M.Ochilov, N.N.Azizxo'jayeva, N.Saidaxmadov, O'.Q.Tolipov, F.R.Yuzlikaev, Y.R.Yuzlikaeva SH.Q.Mardonov, T.G'afforova, G.I Gorskiy, V.I.Zagviyazinskiy, N.V Kuzmina, L.M.Mitina kabilarning ishlari bunga misol bo'ladi.

O'qituvchilarning pedogogik usullarini yaxlit tizim sifatida qo'llash muamolari V.I. Andreva, V.S.Ilina, Yu.P.Sokolnikovalarning ishlarida yoritilgan. Barcha tadqiqotlarda mualiflar pedagogik mahoratning asosi sifatida o'qituvchning shaxsiy sifatlarini ajratib ko'rsatganlar [3].

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonini tashkil etishda o'qituvchining kasbiy rivojlanishi, yetukligi muhim ahamiyatga ega. O'qituvchining pedagogik mahorati shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonini muvofaqiyatli tashkil etish imkonini beradi. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonini tashkil etishdan ko'zlanadigan asosiy maqsad o'quvchilarni uzluksiz rivojlantirishdan iborat. O'qituvchi o'quvchilar bilan shaxsga yo'naltirilgan o'quv maqsadiga erishish uchun birgalikda izlanishlar olib boorish kerak. Buning uchun o'qituvchida kreativlik, o'z-o'zini tanqid qilish masuliyatlilik, tolerantlik, qiziquvchanlik, empatiya kabi sifatlar barqarorlashgan bo'lishi lozim.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonini tashkil etish uchun o'qituvchi yangicha pedagogik tafakkur egasi bo'lishi kerak. Bu quyidagilarda o'z ifodasini topadi:

- shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonida o'qituvchining e'tibori o'quvchilar shaxsiga qaratilishi;

-o'qituvchi o'zini pedagogik jarayonining birinchi subekti sifatida anglashi;

-pedagogik voqelikni chuqur his etish va shu voqelik ichida harakat qila olish;

-o'quvchilar bilan o'zaro muloqatga tayyor bo'lishi, ularning o'ziga xosligini hisobga ola bilishi;

- turli pedagogik vaziyatlar, ularni yechish yo'llarini bashorat qilishi;

-hamkasblarining ilg'or tajribalarini o'rganishi, umumlashtira olishi va o'z faoliyatida qo'llashi kabilar.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonida o'quvchilarda ham, o'qituvchi ham o'zini shu jarayonning subekti sifatida namoyon qila olishi va faoliyat ko'rsatishi muhimdir. O'qituvchi har bir o'quvchilardagi betakror shaxs sifatida yondashishi va uning shaxsiy rivojlanishi, o'quv materialni o'zlashtirishiga muntazam yordam ko'rsata olishi zarur. O'qituvchi shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonini muvafaqiyatli tashkil etishi uchun yangi hamda muqobil pedagogik qarashlarini muntazam o'zlashtirishi, o'z faoliyatida ilg'or pedagogik texnologiyalarini qo'llashi talab etiladi.

Shaxsga yo'naltirilgan jarayonini tashkil etishda pedagogning ijodkorligi muhim ahamiyatga ega. Chunki o'qituvchining ijodkorligi va o'quvchilar bilan ruhiy jihatdan yaqinlashuvini ta'minlaydi va ularni ma'naviy ahloqiy tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan bir qatorda, o'zi bilan o'quvchilar orasida vujudga keladigan qarama-qarshiliklarni ham yengishda uning ijodkorligi alohida ahamiyat kasb etadi. Bu qarama-qarshiliklar aksariyat hollarda quyidagilarda namoyon bo'ladi:

-o'quv dasturida ifodalangan o'quv yuklamasi bilan o'quvchilardagi individual imkoniyatlari orasidagi;

-o'quv materialining mazmunida qoida va ta'riflarning ko'pligi bilan o'quvchilarda g'oyalar, dunyoqarashlar yondashuvlarni o'rgatishga intilishi orasida;

-o'qituvchining shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonini tashkil etishdagi o'ziga xos yondashuvi bilan bu sohadagi ilmiy qarashlar orasida mavjud bo'lgan qarama qarshiliklar misolida bu faoliyat yaqqol namoyon bo'ladi. Bunday sharoitda o'qituvchi dastlab qarama-qarshiliklarni fikran bartaraf etadi. O'zining shaxsiy, ijodiy qarashlari kutilgan samarani berishiga ishonch hosil qilgan keyin ularni pedagogik faoliyati davomida qo'llaydi.

Chunonchi:

- shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonida o'qituvchi o'quvchilar o'quv materialini o'zlashtirish jarayonida duch keladigan qiyinchiliklarni bartaraf eta olishi;

-o'quvchilarning bilish faoliyati natijalarini oldindan ko'ra olishi va ularning shaxsiy rivojlanishiga ko'maklashishi;

-o'quvchilarning shaxsiy rivojlanish bosqichlari izchilligini belgilashi va ularning shaxsiy takomillashish yo'llarini izlashi lozim.

An'anaviy ta'lim tizimi shaxsga yo'naltirilgan ta'limga nisbatan o'quvchilarni uzluksiz rivojlantirish sohasida bir qator mashg'ulot hisoblanadi. Chunki unda o'quv jarayonining markazida o'quv materialini turadi. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilarda shaxsiy markazi o'rin egallaydi. Shaxsga yo'naltirilgan ta'limning maqsadi o'quvchilarda shaxsini to'laqonli, uzluksiz va maqsadga muvofiq tarzda aqliy-intelektual, jismoniy, ma'naviy jihatdan rivojlantirishga qaratilgan. Ta'limning shaxsga yo'naltiruvchanlik xususiyati quyidagilarda namoyon bo'ladi: mustaqillik, o'ziga xoslik, o'z-o'zini tatbiq etuvchanlik, ijodkorlikka undovchilik, shakllantiruvchanlik, yo'naltiruvchanlik, fikriy ijodiylik, ta'sirchanlik, tanqidiylik, to'qnashuvchanlik, ifodalilik, dalil keltiruvchanlikni shakllantirish olishida. Bu jarayonda o'quvchilarda shaxsida o'zi va o'zgalarning hayotiga yuksak ma'naviy, madaniy nuqtayi nazaradan turib yondashish sifatleri qaror topadi. Yuqorida aytilgan fikrlar o'qituvchiga ham aloqadordir.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim jarayonini samarali tashkil etishning ilmiy asoslarini yaratish uchun quyidagilar yo'nalishlarda ilmiy-tadqiqot ishlarini amalga oshirish taqazo qiliniyapti:

- shaxsga yo'naltirilgan ta'lim tarbiya jarayonini tashkil etishning pedagogik imkoniyatlarini ochish;
- ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilarga nisbatan qatiyatli munosabatni qaror toptirish;
- o'quvchilarning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda ko'p hadli ta'lim-tarbiya maydonlarini tashkil etish;
- umumiy o'rta ta'lim jarayonini shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalar va konsepsiyalar bilan ta'minlash.

Yuqorida keltirilgan fikrlar bugungi kunda shaxsga yo'naltirilgan ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishning pedagogik imkoniyatlarini aniqlash o'ta dolzarb muammo ekanligidan dalolat beradi.

ADABIYOTLAR

1. Колесникова И.А. Педагогическая реальность в зеркале межпарадигмальной рефлексии. - СПбУМП, 1999. – 442.
2. Петровский А.В., Шпалинский В.В. Социальная психология коллектива: Учеб. пособие. -М, 1978.
3. Илин В.С.Ñ. Формирование личности школьника. - М.У.Педагогика, 1984. – 144 с.

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АНГЛАШ
МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*Абдижамилова Маҳфуза Махмудовна
Бошлангич таълим кафедраси ўқитувчиси
Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон*

Аннотация: Мақолада асосан бошлангич синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш жараёنлари, ўқиш саводхонлиги, онгли ўқиш ва матнни ўқиб тушуниш хусусиятлари ҳақида баён этилади.

Калит сўзлар: Матн, ўқиб тушуниш, ўқиш саводхонлиги, онгли ўқиш, ижодий ўқиш ва тушуниш жараёни.

**ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ ПОНИМАНИЕ У
УЧАЩИХСЯ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ**

*Абдижамилова Маҳфуза Махмудовна
Преподаватель кафедры Начальное образование
Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В статье в основном описываются процессы понимания прочитанного, читательская грамотность, осознанное чтение и понимание прочитанного текста учащимися начальных классов

Ключевые слова: текст, понимание прочитанного, читательская грамотность, осознанное чтение, творческое чтение и процесс понимания. чтение, творческое чтение и процесс понимания.

**ESTABLISHING UNDERSTANDING SKILLS OF STUDENTS IN
PRIMARY EDUCATION**

*Abdijamilova Makhfuza Maxmudovna
Teacher of the Primary Education department
Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Annotation The article mainly describes the features of fluency, fluency literacy, conscious fluency and text fluency of elementary school students.

Keywords: Text, fluency, fluency literacy, conscious fluency, creative fluency and comprehension process.

Кириш. Жаҳон тажрибасидан маълумки, 3-4-синф ўқувчилари маълумот излаш, матнларни шарҳлаш, уларнинг мазмунини оғзаки ва ёзма шаклда акс эттиришни, матнни нима ҳақида эканлигини англаши, ўқилган матнни баҳолаш кўникмаларини эгаллаган бўлишлари лозим.

Шунингдек, бошланғич таълимда ўқувчиларнинг англаш малакаларини шакллантириш орқали уларнинг ўқиб тушуниш малакаларини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалаларнинг бири сифатида қаралмоқда.

Таълим тизими ҳам замон талаблари асосида ўқувчининг нафақат билим, кўникма ва малакасини ривожлантиришга, балки уни ўз лаёқати ва қобилиятларидан етарлича фойдалана оладиган, ташқи муҳит ва жамият билан муносабатга кириши оладиган, тез ўзгарувчан шароитларга мослаша оладиган шахс сифатида тарбиялашга асосий эътиборни қаратмоқда. Бу борада ривожлантирилиши лозим бўлган бир қанча йўналишлар мавжуд бўлиб, бунда ўқиш саводхонлигининг ўрни аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам кўп йиллардан буён турли мамлакатларнинг олимлари ва педагоглари ўқувчилар учун ўқиш жараёнини қизиқарли ва самарали олиб бориш масаласида бош қотирганлар. Кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар натижасида олимлар томонидан ўқиш жараёнини қандай олиб бориш мумкинлиги, матн билан ишлашда қандай стратегияларни қўллаш зарурлиги юзасидан бир қанча илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу тариқа аввал педагогикада “ўқиб тушуниш” атамаси қўллана бошланди, кейинчалик эса В.П.Шетеметевский томонидан “онгли ўқиш” тушунчаси фанга кириб кела бошлади. Шунингдек, “Онгли ўқиш” атамасини К.Д.Ушинскийнинг ҳам бир қанча асарларида учратиш мумкин [1]. Бошқа муаллифларнинг асарларида эса ушбу жараён “ижодий ўқиш” деб ҳам аталганлигини кузатишимиз мумкин [2].

Йиллар ўтиши билан мазкур жараён ўзининг нақадар муҳимлиги, инсоннинг юксалиши, жамиятда ўз ўринини топишида бекиёс аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ жиҳатлар ҳар бир даврнинг методист олимлари, педагог ва психологлари томонидан ўрганилган бўлиб, бу жараён билан боғлиқ атама ҳам ҳар томонлама мукамал шаклга келтирилди. Эндиликда у ўқувчининг ҳарф таниш ва матнда берилган турли графемаларни ўзаро боғлаган ҳолда сўз шаклига келтириб талаффуз эта олиш кўникмаси деган тушунчадан анча кенг маънодаги тушунчага айланиб улгурган.


Маълумки, кейинги йилларда замонавий тил таълимининг асосий мақсади ўқувчиларда англаш билан боғлиқ (ўқиб тушуниш ва тинглаб тушуниш)га га оид нутқий кўникмаларни шакллантиришга қаратилмоқда. Шу мақсадда тил ўқитиш методикасида ушбу масала илмий-методик муаммо сифатида алоҳида тадқиқот ишларини олиб боришни, ўрганилган илмий-назарий маълумотларни тажриба синови асосида синаб кўришни ва шу асосда керакли хулосаларни чиқариш, ишлаб чиқилган методик тавсияларни амалиётга жорий этишни талаб

қилади.

Англаш билан боғлиқ малакаларни шакллантириш масаласи мамлакатимиз таълим тизимига сўнгги йилларда кириб келаётган халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, PIRLS) да муваффақиятли иштирок этиш мақсади асосида пайдо бўла бошлади. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил декабрда қабул қилинган қарори [3]га асосан бугунги кунда ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги боғлиқ кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўқувчиларнинг 2022 йилда ўтказилиши режалаштирилган тадқиқотларда иштирок этиши ва ижобий натижаларни қўлга киритиши учун бир қанча қўлланмалар, ўқув-методик адабиётларнинг нашр қилинганлиги сўзимизнинг далили бўлиб хизмат қилмоқда.

2019 йилда бошланғич синф ўқитувчилари, методистлар ва соҳа мутахассислари учун “Халқаро тадқиқотларда бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш” мавзусидаги методик қўлланма нашрдан чиққан. Ушбу қўлланмада таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси (International Association for the Evaluation of Educational Achievement – IEA) томонидан ўтказиладиган PIRLS (Progress in international reading literacy study) тадқиқоти доирасида фойдаланилган материаллар асосида тузилган бўлиб, унда PIRLS халқаро тадқиқотининг мазмун-моҳияти, ўқиш саводхонлигини баҳолаш йўналишига оид асосий тушунчаларнинг таърифи, топшириқлар, уларнинг тавсифи ва ечиш йўллари бўйича тавсиялар келтирилган.

Юқоридаги фикрларимизни давом эттирган ҳолда ушбу қўлланмада ўқиш саводхонлигига берилган таърифга эътиборингизни қаратмоқчимиз: “Ўқиш саводхонлиги – жамият томонидан талаб қилинадиган ва инсон томонидан қадрланадиган ёзма тилнинг шакллари идрок этиш ва амалиётда қўллай олиш қобилиятидир” [4]. Кўриб турганимиздек, эндиликда ўқиш саводхонлиги шунчаки бошланғич таълим жараёнида саводхонлик жараёни (алифбони ўрганиш) билан боғлиқ бўлган тор доирадаги тушунча эмас. PIRLS халқаро баҳолаш дастурининг асосий мақсади ўқиш саводхонлигини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг синфда ва синфдан ташқари ўқишининг иккита кенг қамровли мақсади: яъни бадий тажриба орттириш, муаллифнинг нуқтайи назари, матнда қўлланган бадий тасвир воситаларини аниқлаш, уларнинг вазифасини тушуниш, матнда берилган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатини ифодалай олиш, ундаги маълумотлардан келажак ҳаётнинг қайсидир жабҳасида қўллай олиш билан боғлиқ жуда зарур ҳаётий кўникмаларни шакллантиришни мақсад қилади.



Ўқиш саводхонлиги ХХІ асрда яшаётган жамият аъзолари учун функционал саводхонликни белгилаб берувчи энг муҳим ўлчов ёки мезонлардан бири. Шу маънода бугунги кунда жуда кўплаб хориж олимлари ушбу кўникмани шакллантириш, бу жараёнга таъсир этувчи педагогик ва психологик омиллар, уни шакллантириш ва ривожлантиришда қандай ёндашувлардан фойдаланиш кераклиги, кўникмани ҳосил қилишга оид методика тавсиялар ва баҳолаш жараёнига оид муҳим тадқиқотларни олиб борганлар ва керакли хулосаларни чиқарганлар.

Хорижлик олим Д.Б.Элкониининг фикрига кўра ўқиш нутқ фаолияти ва ақлий жараёнлар билан боғлиқ фаолиятдир. Бошланғич синфда савод чиқаришнинг бош мақсади ҳарфларни уларнинг график модели ёрдамида товуш сифатида талаффуз этиш ҳаракатини амалга ошира олиш саналади [5]. Албатта, ушбу қараш бир неча йиллар олдин шаклланган бўлиб, унда ўқиш жараёни боланинг ақлий ва нутқ фаолиятининг бир вақтдаги самарали фаолияти натижаси эканлиги билан боғлиқ хулосаларни кўриш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам ўқиб тушуниш жараёнининг инсон миёсида кечиши билан боғлиқ тадқиқотларнинг салмоқли қисми ушбу жараёнга оид психологик хулосаларни ишлаб чиқишга, бунда инсон онгида кечадиган бир қанча жараёнларнинг таъсири борлигини ўрганишга бағишланган. Бу борада ўзбек илмий тадқиқотчиси Ф.Шаропованиннг ҳам хулосалари мавжуд бўлиб, қуйироқда биз ушбу хулосалар таҳлили ҳақидаги фикрларимиз билан таништиришга ҳаракат қиламиз.

Илмий изланишларимиз давомида биз ўқиш стратегиялари ва уларни амалиётга жорий этиш масаласи билан боғлиқ маълумотлар билан танишиб чиқдик. Бу борада Н.Н.Сметанникованиннг “Обучения стратегия чтения” [6] номли қўлланмасида ўқиб тушунишнинг интерактив модели ишлаб чиқилганлигининг гувоҳи бўлдик. Унинг фикрига кўра ўқиш жараёни икки муҳим компонентни ўзида акс эттиради: перцептив (визуал) ва семантик (тушуниш). Ушбу қўлланмада ўқиб тушунишнинг интерактив модели муаллифнинг муайян матнни тушуниш бу – ўзининг шахсий матнини яратиш билан боғлиқ жараён эканлиги ҳақида фикрлар келтирилган бўлиб, муаллиф шундай матнни яратиш қуйидаги тўрт омилга боғлиқ деб ҳисоблайди:

1. Ўқиб тушуниш тажрибаси ва билим;
2. Матннинг ўзига хос хусусиятлари;
3. Ўргатилаётган контекстнинг характеристикаси (мақсад, ўқув топшириқлари);
4. Қўлланадиган стратегиялар.

Шунингдек, ўқиб тушуниш жараёнини бу борада илмий изланиш олиб борган Д.Кукнинг тавсифига кўра қуйидагича англаш мумкин:



Ўқиб тушунишнинг интерактив моделида мавжуд билимлар ва кўникмаларга асосланади, бундан ташқари ўқувчининг шахсий-субъектив характеристикасига ҳам боғлиқлиги таъкидланади [7].

“Ўқиш кўникмасини шакллантириш ўқитувчининг энг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади” дейди бу борада тадқиқот олиб борган хорижлик олима [8]. Унинг методик тавсиялари билан танишар эканмиз, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини шакллантиришда қуйидаги бир қанча методик стратегияларни амалга ошириш аҳамиятли эканлиги билан танишдик. Жумладан, ўқувчилар билан биргаликда овоз чиқариб ўқиш, ўқувчиларга ўқиш, ёзиш ва матн мазмунини муҳокама қилиш имкониятини берувчи усуллардан фойдаланиш, ўқувчилар билан тез-тез матнларни ўқиш машғулотларини олиб бориш, ўқувчиларни ўзлари маъноларини тушунмаган сўзларини ажратиб чиқишга ҳамда улар устида ишлашга ўргатиш, ўқувчиларнинг оғзаки нутқи, сўз бойлиги ва орфографик саводхонлигини доимий назорат қилиб туриш, матн мазмуни ва берилган топшириқ ўртасидаги алоқани ўрната олиши учун махсус методик усуллардан фойдаланиш каби бир қанча методик тавсиялари тадқиқотимиз доирасида олиб бориладиган тажриба-синов ишларини ташкил қилишда қўл келади деб ўйлаймиз.

Шунингдек, хорижда ўқиш саводхонлигини шакллантириш масаласи ҳақида сўз борар экан, бизнинг илмий тадқиқотимиз мавзуси билан боғлиқ бўлган бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини шакллантиришга оид баъзи қўлланмалар[9] мазмуни билан танишганимизда ҳар бир берилган матн ва топшириқлар учун матн

омилларининг алоҳида, топшириқ тавсифининг алоҳида берилганлиги ҳамда ушбу жараёнда ўқитувчининг вазифаси нимадан иборат эканлиги билан боғлиқ методик характерга эга бўлган тавсифлар билан танишдик.

Н.Е.Колганова[10] кичик ёшдаги болаларнинг ўқиш билан боғлиқ компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик омиллари ҳақида сўз юритар экан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келганлигининг гувоҳи бўлдик: замонавий метод ва интерфаол усулларни қўллаш орқали кичик ёшдаги ўқувчиларда ўқиш фаолиятига бўлган қизиқишни ошириш, уларнинг ушбу фаолият билан шуғулланишга бўлган рағбатини қўллаб-қувватлаш; кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини китоб ва матн билан ишлашга оид кўникмаларни ривожантириш ва мустаҳкамлаш орқали такомиллаштириб бориш; кичик ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган, шу ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган синф ва синфдан ташқари ўқув материалларининг ўзаро интеграциясини амалга ошириш ва шу орқали болалар адабиётини ўқитишнинг янги қирраларини кашф этиш ва мустақил ўқиш фаолиятига ўқувчиларни тайёрлаш; ўқитувчилар учун муайян ўқитиш технологиясини ярата олиш ва шу орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўқиш билан боғлиқ когнитив жараёнларининг самарали кечишига ёрдам бериш; самарали ўқиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш, таълимнинг барча босқичларида уни назорат қилиш.

Бундан ташқари, ўрганишларимиз давомида хорижда ўқиш саводхонлигини шакллантириш масаласи нафақат дарс жараёнларида, балки дарсдан ташқари машғулотлар ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликдаги турли лойиҳалар ёрдамида ҳам амалга оширилишига оид маълумотлар билан танишдик. Жумладан, бу борада М.Г.Блажукнинг бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини дарсдан ташқари машғулотларда шакллантириш масаласидаги илмий қарашлари аҳамиятга моликдир. У ўз ишида синфдан ташқари машғулотларнинг дарс жараёнидан қайси жиҳатдан фарқланиши ҳақида фикр юритар экан, шундай машғулотларда ўқиб тушуниш малакасини шакллантириш дастури қуйидаги мазмунга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги тавсияларни бериб ўтганлар: ушбу дастур мақсадига кўра ўқиб тушунишга оид қандай кўникмаларни шакллантириш лозимлиги аниқланади; белгиланган кўникмалар асосида дастур мазмунини ишлаб чиқиш; белгаланган кўникмаларни шакллантириш учун қандай усул ва методлар танлаб олинганлигини белгилаб олиш; дастур доирасида қандай методик лойиҳалар ишлаб чиқилиши режалаштирилганлиги ва уни амалга оширишдан кўзланган мақсадни белгилаб олиш [11].

Хулоса қилиб айтганда, ўқиш саводхонлигини шакллантиришга

оид хорижий ёндашувлар билан танишиш жараёнида ўқишга бўлган мотивацияни уйғотишда ўқиш жараёнини мароқли ўтишини таъминлаш, бирор маълумотни ўзлаштириш ва унга кўра бирор амалий топшириқни бажара олишга эришиш, болаларга фонетика, акустика, луғат бойлиги, тез ўқиш, англаш ва мустақил ўқий олиш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган турли методик усулларни ишлаб чиқишга зарурат бор.

АДАБИЁТЛАР

1. Ланин, Б.А. Методика преподавания литературы: Учебная хрестоматия- практикум: Для студентов высших педагогических учебных заведений [Текст] / Б.А. Ланин. – М.: Эксмо, 2007. – 512 с.

2. Буслаев, Ф.И. О преподавании отечественного языка / – М.: Либроком, 2010. - 360 с.

3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2018-yil 8-dekabrdagi 997-sonli qarori. –Toshkent, 2019.

4. Xalqaro tadqiqotlarda boshlang‘ich sinf o‘quvchilarning o‘qish savodxonligini baholash. Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo‘llanma. – Toshkent: Sharq, 2019.

5. Эльконин, Д.Б. Как научить детей читать: Избранные психологические труды. М.: Изд-во «Институт практической психологии», Воронеж: НПО «МОДЭК», 1997. – С. 323–349.

6. Н.Н.Сметанникова. Обучения стратегия чтения. Баласс, 2013. – С.128.

7. A.Heath. Teaching reading: strategies & methods to encourage learning. 11 may 2021.

8. Kemba A. N.Namdi. Guide teaching reading at the primary school. 2005.

9. Колганова Наталья Евгеньевна. Педагогические условия формирования основ читательской компетентности младших школьников, автореферат. диссертаци ин асоискани еучено йстепен и кандидат апедагогически хнау к . – Тамбов, 2013.

10. Совершенствование читательских умений младших школьников во внеурочной деятельности. Блажук Мария Григорьевна, Екатеринбург, 2017.

11.Presentation Primary School, Sexton Street, Limerick, particularly Kaye Twomey and Máire O Sullivan. 2016.

ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Абдижамилова Маҳфуза Махмудовна
Бошлангич таълим кафедраси ўқитувчиси
Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон*

Аннотация: Она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш кўникмасини шакллантиришнинг бугунги кундаги ҳолати ва ўқиш саводхонлигини шакллантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: ўқиш саводхонлиги, билим, кўникма ва малака, оғзаки ва ёзма нутқ.

АНАЛИЗ ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ ЧТЕНИЯ И ПОНИМАНИЯ НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА И ЧИТАТЕЛЬСКОЙ ГРАМОТНОСТИ

*Абдижамилова Маҳфуза Махмудовна
Преподаватель кафедры Начальное образование*

Аннотация. В статье описано современное состояние в формировании у учащихся навыков чтения и понимания на уроках родного языка и читательской грамотности. Также описываются основные цели и задачи формирования читательской грамотности.

Ключевые слова: читательская грамотность, знания, умения и навыки, устная и письменная коммуникация.

ANALYSIS OF THE FORMATION OF READING AND UNDERSTANDING SKILLS IN THE LESSONS OF THE NATIVE LANGUAGE AND READING LITERACY

*Abdijamilova Makhfuza Maxmudovna
Teacher of the Primary Education department
Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Annotation. The article describes the current state in the formation of students' reading and understanding skills in the lessons of their native language and reading literacy. It also describes the main goals and objectives of the formation of reading literacy.

Key words: reading literacy, knowledge, skills, oral and written communication.

Кириш. Замонавий методикада ўқиш саводхонлигини шакллантириш қанчалик долзарб ва аҳамиятли мавзу эканлигини ҳисобга олган ҳолда диссертациямизнинг ушбу қисмида она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш кўникмасини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати қай даражада эканлигига оид тадқиқотларимиз натижаларини келтириб ўтамиз. Қўйилган мақсад асосида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг амалдаги давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Республикаси таълим


тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси [1] да белгилаб берилган вазифалар асосида яратилган она тили ва ўқиш саводхонлиги фанига оид миллий ўқув дастури, дарслик, ўқитувчи китоби сингари методик воситалар таҳлили олиб борилди.

Бундан ташқари бугунги кунда ўқиш саводхонлиги тушунчаси, унинг аҳамияти, уни шакллантириш усуллари ҳақидаги мавжуд билимлар қай даражада шакллланганлигини синовдан ўтказиш учун бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида сўровномалар ташкиллаштирилди ва таҳлил қилинди.

Шунингдек, таълим соҳасида ўқиш саводхонлигини шакллантириш билан боғлиқ методик тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йилда қабул қилинган Қарори [2] га асосан 3-4 йилдан бери ташкиллаштириб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда ўқувчиларнинг ҳам мазкур кўникмалари қай даражада шакллланганлигини аниқлаш мақсадида бошланғич тажриба-синов ишларини олиб бордик, натижаларни таҳлил қилдик, тегишли хулосаларни чиқардик.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг амалдаги давлат таълим стандартларида айнан она тили ва ўқиш саводхонлигига оид малака талаблари эмас, она тили ва ўқиш фанига оид малака талаблари келтирилганлиги учун ушбу малака талабларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида келтириб, уларда ўқиш саводхонлиги билан боғлиқ мақсадлар қандай мазмунда белгилаб олинганлигига ўз муносабатимизни билдирамиз.

Ўқиш саводхонлигини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад ҳамда она тили фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад билан танишар эканмиз, улар маълум маънода ўзаро ҳамоҳанг эканлигига амин бўлдик:



Кўриб турганингиздек, 2017 йилда қабул қилинган ДТС [3] да она тили фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсаднинг муайян жиҳатлар(китобхонлик маданияти шаклланган, мутақил ва ижодий фикрлай оладиган, ўзгалар фикрини англайдиган)и ўқиш саводхонлигини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад билан мос


келиши белгиланган.

Она тили фанини ўқитишдан кўзланган мақсад асосида белгилаб олинган вазифаларнинг ҳам айримлари ушбу кўникмани шакллантиришга доир таълим мазмунини ишлаб чиқиш учун қонуний асос вазифасини ўтай олади:

-ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда саводли баён қила олишга қаратилган нутқий компетенцияни ривожлантириш;

-ўқувчиларда грамматикага оид ўзлаштириладиган билимларни (фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) ривожлантириш [3].

Худди шу сингари ўқиш фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад ва унинг вазифаларига ҳам назар ташлаймиз:



Келтирилган чизма орқали она тили фанига нисбатан ўқиш фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад айнан ўқиш саводхонлигини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсадларнинг бири, яъни бадиий тажриба орттириш билан жуда мос (адабий-эстетик дидини шакллантириш ҳамда уларда мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш, ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш) келишини англаш мумкин. Аммо ҳар иккала фаннинг мақсадлари таҳлил қилинганда ўқиш саводхонлигини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсадларнинг иккинчиси, яъни ахборотларни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ жиҳат(ахборот матнлари асосида ўқиш саводхонлигини

шакллантириш) очик ҳолда қолганлини кўриш мумкин.

Шунга қарамай ўқиш фанининг мақсади асосида ушбу фаннинг олдига қўйилган вазифалар таҳлили олиб борилганида эса айнан ахборотлар билан ишлашга қаратилган турли нутқ услубларига оид матнлар билан ишлаш вазифаси ҳам мавжуд эканлиги (ёзма нутқда юксак саводхонлик, адабий тил меъёрларига риоя этиш, услубий ранг-барангликдан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш) [3] ушбу фанни ўқитиш орқали ўқувчиларда ўқиш билан боғлиқ айрим кўникмаларни шакллантиришнинг имкони борлигини англатади.

Ҳар иккала фаннинг ўз олдига қўйган мақсади ва шу асосда белгилаб берилган вазифалари муайян маънода функционал саводхонлик таркибига кирувчи ўқиш саводхонлигини айнан бошланғич синф ўқувчиларида шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад билан мос келиши кўриниб турибди. Аммо ушбу мақсадга эришиш, белгиланган вазифалар асосида ўқув дастури ва дарсликларни ҳам шу мақсадга хизмат қиладиган мазмунда яратиш таълим жараёнини ташкил этишнинг энг муҳим қоидаларидан бири саналади.

Шу мақсадда тадқиқотимиз давомида она тили ва ўқиш фанига оид бўлган малака талаблари ичидан айнан ўқиш саводхонлигини шакллантириш билан боғлиқ бўлганларигагина эътиборингизни қаратамиз. 2017 йилда қабул қилинган ДТСда ўқиб тушуниш билан боғлиқ бўлган қуйидаги малака талаблари белгилаб олинган.

Она тили фани бўйича:

1. Нутқий компетенция

A1

- берилан топшириқ, содда матнларни тинглаб тушуна олади;
- матнни тушуниб ўқий олади.

A1+

- содда матннинг асосий мазмунини тушунади ва тушунтира олади;
- матн мазмунини тушуниб ифодали ўқий олади.

Ўқиш фани бўйича:

1. Адабий-нутқий компетенция

A1

- эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, ҳикоят, масал, халқ кўшиқлари, ҳикоя, шеърларни ўқиб тушунади ва мазмунини қайта сўзлаб бера олади;

- ёзма ва босма ҳарфларни, улар ифодаладиган товушларни тўғри талаффуз эта олади;

- матнни гап оҳангига риоя қилган ҳолда аниқ ва равоқ ўқий олади;
- бир дақиқада 50-55 сўзни ўқий олади;

- монологик ва диалогик нутқда ўз фикрини аниқ ифодалай олади;
- ўрганилган мавзулар доирасида 5-6 гапдан иборат кичик ижодий матн ёза олади;

- мактаб кутубхонасидан фойдалана олади;

A1+

- бир дақиқада 55-60 сўзни ўқий олади;
- асар қаҳрамонлари, табиат тасвири ҳақида 7-8 гапдан иборат кичик ижодий матн ёза олади;

2. Бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси

A1

- матндаги сўз ва гапларнинг маъноларини тушуна олади;
- асар мазмунидан таъсирлана олади;
- халқ оғзаки ижоди намуналарини (эртақ, топишмоқ, мақол, масал, тез айтишни) фарқлай олади;

- ўрганилган асарларнинг номи, муаллифи, мазмуни ва қаҳрамонларини ажрата олади;

- асар қаҳрамонларига муносабат билдира олади;

- ўқилган асар мазмунига оид савол ва топшириқларга жавоб бера олади.

A1+

- мустақил ўқиш учун тавсия этилган асарларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар мазмунини тушуниб, қайта ҳикоя қила олади, асар қаҳрамонларига муносабат билдира олади.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизими ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони [4] да “узлуксиз таълим мазмунини сифат жиҳатдан янгилаш”, “ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш” каби вазифалар белгилаб берилган бўлиб, мазкур вазифалар асосида Она тили фанидан Миллий ўқув дастури [5] ни яратиш, бунинг учун эса етакчи олимлар томонидан “Умумий ўрта таълим мактабларида она тили фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси” [5] ишлаб чиқилди.

Шу асосда бугунги кунда ушбу миллий ўқув дастури асосида дарсликлар (1-3-синфлар учун “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарслиги), машқ дафтари ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланмалар яратилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 1-3-синф ўқувчилари айнан шу дарсликлар асосида таълим олаётганлигини ҳисобга олган ҳолда биз Миллий ўқув дастурида ўқиш саводхонлигини шакллантириш билан боғлиқ таълим мазмуни қай даражада ёритилганлиги билан танишдик.



АДАБИЁТЛАР

1. “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. Toshkent – 2019.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2018-yil 8-dekabrda 997-sonli qarori. Toshkent – 2019.

3. Umumiy o‘rta ta’limning ona tili fanidan davlat ta’lim standartlari va o‘quv dasturi. T.: 2017-yil, 6-aprel.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил, 29 апрель.

5. Ona tili fani bo‘yicha Milliy o‘quv dasturi, 2020-yil.

ХАЛҚНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ҚАДРИЯТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аляминов Хайрулла Исламович

*Қорақалпоқ Миллий Университети, Архитектура кафедраси
доценти. Нукус шаҳри. Қорақалпоғистон Республикаси*

Аннотация: Мазкур мақолада халқнинг меъморий ёдгорликларини ўрганиши унинг маданий ўзгачалигини, ўтмишида бунёд этилган санъат асарларини асраб авайлаш, миллий урф-одатларни сақлаш келажакдаги маънавий маданиятимизнинг юксалиши ва ривожланишини белгилаб бериши ҳақида айтилади.

Калит сўзлар: архитектуравий ёдгорликлар, ҳўжалик буюмлари, кулолчилик идишлари, маънавий-маданий мерос, ёғоч ўймакорлиги ва тош архитектураси объектлари, нақшни элементлар.

ЗНАЧЕНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ НАРОДА НА ОСНОВЕ ЦЕННОСТНОГО ПОДХОДА

Аляминов Хайрулла Исламович

*Каракалпакский национальный университет, доцент кафедры
архитектуры. Город Нукус. Республика Каракалпакстан*

Аннотация: В данной статье говорится о том, что изучение архитектурных памятников нации определяет ее культурное своеобразие, сохранение созданных в прошлом произведений искусства, сохранение национальных традиций определяют подъем и развитие нашего духовного культура в будущем.

Ключевые слова: памятники архитектуры, предметы быта, гончарство, духовно-культурное наследие, предметы резьбы по дереву и камню, элементы узора.

THE SIGNIFICANCE OF STUDYING THE HISTORICAL- CULTURAL MONUMENTS OF THE PEOPLE BASED ON A VALUABLE APPROACH

Alyaminov Khairulla Islamovich

*Karakalpak National University, Associate Professor of the Department
of Architecture. The city of Nukus. Republic of Karakalpakstan*

Abstract: In this article, it is said that the study of the architectural monuments of the nation determines its cultural uniqueness, the preservation

of the works of art created in the past, and the preservation of national traditions determine the rise and development of our spiritual culture in the future

Key words: architectural monuments, household items, pottery, spiritual and cultural heritage, objects of wood carving and stone architecture, pattern elements.

Республикамизда талабаларни тарихий-маданий меросга хурмат ва қадриятли ёндашувни таркиб топтириш халқнинг бой меросини чуқур ўрганиш орқали уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларинидан ҳисобланади. Шунингдек, талабаларда қадриятли ёндашувларни ривожлантириш уларнинг тарихий архитектуравий ёдгорликлар ва маданиятга қизиқишларини ошириш, қадрияли ёндашувлар асосида ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. 2022-2026 йилларга мўжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг «Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш» деб номланган бесинчи йўналишида «Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш» устувор мақсад қилиб белгиланди. Қорақалпоқ халқининг санъати ўзига хос бежиримлиги ва соддалиги билан бошқа халқлар санъатидан ажралиб туради. Унинг санъатига даҳлдор манбаларда халқнинг яшаб ўтган тарихини англаш ва шу орқали халқнинг меҳнатсевар, соддадил, бағри кенг меҳмондўстлигини пайқаш мумкин.

Археологик материаллар халқнинг ўтмишдаги ҳаётини, ижтимоий аҳволини, дунёқарашини ва ҳаётдаги ўзгаришларни аниқлайди. Бундай ашёвий манбалар халқнинг ҳозирги кунгача етиб келмаган, унутилган асл тарихини тиклашга, ундаги вужудга келган бўшлиқни тўлдиришда бебаҳо асосий манбалар ҳисобланади. Талабаларнинг тафаккур тарзини маънавий-ахлоқий, интеллектуал, қадриятли ёндашувни ривожлантириш имконини берадиган билиш фаолиятини ривожлантирадиган, маънавий-маданий мерос, архитектуравий ёдгорликлар ёрдамида фаоллаштириш инсоннинг ақлий, маънавий тараққиётини таъминлаш имконини беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида аждодларимиз мероси бўлмиш архитектуравий ёдгорликларни ўрганиш ва ёш авлодни маънавий-интеллектуал юксалтиришда ушбу меросдан фойдаланиш устувор аҳамият касб этмоқда. Қорақалпоқ халқининг архитектуравий ёдгорликлари, хўжалик буюмлари, кулолчилик идишлари ва ҳ.з. ўтмиш тарихи билан боғлиқ буюмларни дарс жараёнларида натура сифатида фойдаланиш ва талабаларга халқнинг тасвирлаш санъати

тарихи ҳақида қушимча маълумотлар бериб борилса талабанинг ишида ижодий юксалишни кўзатишимиз мумкин. Шунингдек, натурали ҳар томонлама синчковлик билан ўрганишни ва тасвирлаш санъатидаги энг биринчи амал қилиши керак бўлган томонини «кузатишнинг» қанчалик муҳим эканлигини тушуниб етишига ёрдам беради. Бу нафақат тасвирлаш жараёнида балки унинг ҳаёти давомида ёрдам бериши аниқ.

Халқнинг меъморий ёдгорликларини ўрганиш унинг маданий ўзгачалигини, ўтмишда бунёд этилган санъат асарларини асраб авайлаш, миллий урф-одатларни сақлаш орқали маданий турмушимиз яхшиланиб, ёшларнинг бу хунарга қизиқишини орттиради. Келажакдаги маънавий маданиятимизнинг юксалиши ва ривожланишини белгилаб беради.

Ҳозирги Олий таълим тизимида қадриятли ёндашув асосида талабаларнинг касбий ҳамда назарий билимларини ривожлантиришнинг муайян шакл ва методлари ҳамда ушбу мақсадга йўналтирилган таълимнинг мазмунини аниқлашга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Таълим мазмуни таркибида тарихий-маданий, архитектуравий ёдгорликлар орқали талабаларнинг қадриятли ёндашувини ривожлантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бунинг учун олий таълим муассасаларида талабаларнинг интеллектуал жиҳатдан ривожланган, билиш имкониятлари кенг, фаол субъект сифатида намоён бўлиши учун қулай шароит яратиш лозим.

Талабалар биринчи навбатда ўзларининг ижтимоий нуқтаи назарлари ва билиш имкониятларини намоён эта олишлари керак. Олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган билиш муносабатлари тизими ўзига хос педагогик жараёнда ташкил этилади. Бу кўп жиҳатдан бўлажак мутахассиснинг имкониятларини кенгайтириш ва касбий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни мақсадга йўналтирилган ўқув-тарбия тизими сифатида ташкил этилади. Ушбу жараёнда бўлажак архитекторларнинг келгусидаги фаолияти учун зарур бўлган касбий, ҳамда назарий билимлар, кўникма, малака, компетенциялар ҳамда халқининг кўп асрлик ижтимоий тажрибаси ва маданий-тарихий ёдгорликлари тақдим этилади. Ўз навбатида буларнинг барчаси бўлажак архитекторларни касбий ҳамда ижтимоий жиҳатдан шакллантиришга хизмат қилади. Уларнинг ижодий лаёқатлари, маънавий-маданий дунёқараши ҳамда қадимий архитектуравий ёдгорликларга қадриятли ёндашувни ривожлантиришга хизмат қилади.

Махсус ташкил этилган педагогик жараёнда талабаларнинг ахлоқий-эстетик нуқтаи назарлар шахснинг касбий-ижодий ривожланиши, эътиқоди ва билиш фаолиятининг ривожланишига хизмат қилади. Таълим жараёнида талабаларга билимлар тизими, кўникмалар ва фаолият

тажрибаси, таълимотлар фаол билиш жараёнида тақдим этилади. Бу жараёнда талабаларнинг идроки ва тасавури ривожланиб, ижтимоий тажрибани ўзлаштириш, у ҳақида фикрлаш ва ундан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Ўқув жараёнида талабалар кўп асрлик маданий бойликларнинг моҳиятини чуқурроқ англаш, уни ўзлаштириш ва ўз касбий ижтимоий фаолиятларида қўллаш имкониятларига эга бўладилар. Талабалар онгида қадриятли ёдашувни натижасида муайян объект ҳақидаги маълумотлар жамланади ва акс этади.

Билиш фаолияти умумий маънода хиссий идрок, назарий тафаккур ва амалий фаолият бирлигидан иборат. У инсон фаолиятининг турли босқичларида турлича намоён бўлиб, муносабатлар тизимини ифодалайди.

Ўқув жараёнида талабалар тажрибалар ўтказиш, лойиҳалаш, мустақил изланишларни амалга ошириш, амалий топшириқлар, тадқиқотчилик вазифаларини бажариш каби билиш фаолиятларини амалга оширадилар.

Талабаларнинг тарихий-маданий ёдгорликларни билиш фаолиятини кўп асрлик ижтимоий тажриба ва дидактик воситалар ёрдамида фаоллаштириш натижасида уларда ижодкорлик, мустақил билим олиш, ўз касбий фаолиятини ривожлантириш имконияти кенгайди. Талабаларнинг қадриятли ёдашувини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик воситалар ва технологияларни излаш, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига тадбиқ этиш орқали таълим сифатини такомиллаштириш имкониятлари кенгайди.

Талабаларнинг тарихий-маданий ёдгорликларга қадриятли ёндашувни ривожлантиришда аудиториядаги педагогик жараёнлар билан бир қаторда мустақил ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Билим, кўникма, малакалар ва аналитик-таҳлилий компетенциялар билан бир қаторда ижтимоий тажрибадан ҳаётий вазиятларда фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш орқали ҳам талабаларнинг қадриятли ёндашувни фаолиятини ривожлантириш мумкин. Бунда ўқув материаллари билан ишлаш жараёнида талабалар турли ўқув предметлари билан боғлиқ фаолият усулларини ҳам эгаллашлари зарур. Ўқув предметлари билан боғлиқ ҳолда фаолият усулларини қўллаш қуйидагиларни ўз ичига олади: таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш, оммалаштириш, топшириқларни ечиш алгоритмларини қўллаш, ташхис қўйиш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Таълим натижасида талабалар билимларни қўллаш алгоритмлари, топшириқларни ечиш жараёнида улардан фойдаланиш лаёқатига эга бўлишлари лозим. Талабаларда бундай фаолиятни шакллантириш натижасида мустақил ишлаш, топшириқларни бажариш учун

сарфланадиган вақтни қисқартириш, ўқув материалларини ўзлаштириш учун сарфлагандагина кучни тежаш имконини беради.

Талабаларни санъатнинг амалий–декоратив хусусиятлари билан таништириш, уларни ёғоч ўймакорлиги ва тош архитектураси объектлари асосида уларнинг тасвирий техника малакаларини шакллантириш учун ўқитувчи санъат дарсларини алоҳида блоклар шаклида ташкил этишни билиши керак. Бу катта аҳамиятга эга. Масалан, нақшларни чизик ичида тасвирлаш билан боғлиқ бўлган фаолият мазмунига қуйидагилар киради: чизикдаги нақшнинг намуналарини чизиш; чизик ичидаги тугалланмаган нақшни элементлар билан тўлдириш; чизик ичидаги нақшнинг кўрсатилган схемасини сақлаб қолган ҳолда чизик ичидаги нақшнинг мотивини ўзлаштириш; чизик ичидаги нақшни тўлиқ ижодий бажариш.

Қорақалпоқ халқининг азал–азалдан турмушини безашда, уй деворларини ҳар томонлама гўзал қилишда нақш безакларидан фойдаланган.

Нақш -халқнинг миллий ўзгачалигини кўрсатади, нақшни ҳар хил шаклда ишласа бўлади. Нақш учун ҳар хил ранглар фойдаланилади, унда ҳайвонлар, кушлар ва ўсимликлар дунёсидан айрим шакллари ифодалаш мумкин. Унинг учун олдин учбурчак, доира, ромб ва ҳ.к. шакллар чизилади. Нақш асосан табиат кўринишлари бўйича ишланганини яхши биламиз. Чунки, табиат чиройли манзараларни инсонлар учун совға қилади. Инсон табиат кўринишлари асосида бой тушунчаларга эга бўлади. Сабаби, табиатдаги ҳар хил ранглар, гўзаллик ва б.к. ҳақиқий нақшнинг келиб чиқишига асос бўлади. Қорақалпоқ наққошлик санъати табиат кўринишларини ифодалашга асосланган бўлиб, нақш орқали туғилиб ўсган ўлкасига муҳаббатини, табиатига қизиқишини намоён этган. Нақшларга ранглар беришда ҳам қорақалпоқ халқи ўзига хослик ярата олган. Халқимизнинг наққошлик санъатидаги ютуқларидан бири нақшларни нафақат табиат кўринишларига асосланиб балки халқнинг миллий урф-одатлари билан турмуш шароитига ҳам асосланади. Қорақалпоқ халқ ҳунармандчилиги санъати бўйича яқин вақтлардан бошлаб чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шунинг учун ҳам бир неча нақш элементлари (нусхаларнинг) юқорида таъкидлаганимиздек битта ном билан номланган. Буни олимларимиз ўз тадқиқотларида битта нақш элементларининг бир неча мотивларини аниқлаган.

Шундай қилиб юқорида таъкидланганидек, қорақалпоқ халқ амалий санъати намуналари талабаларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш билан биргаликда уларда санъатнинг ўзига хос колоритини, миллий менталитетини англашга уларда қадриятли ёнлашувни ривожлантиришга ёрдам беради.



Демак, хулоса қилиб айтиш жоизки, бугунги кун талаб этаётган миллий истиқлол ғояси билан суғорилган, мустақил фикрга эга, қалбида Ватан тўйғуси бар уриб турган ёшларни тарбиялаб вояга етказишда архитектуравий туркум дарсларида тарихий-маданий ёдгорликлар ва халқ амалий санъати материалларини қўллаш ўз самарасини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.[www.Lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Алламуратов А. История искусств Каракалпакстана (на каракалпакском языке). – Нукус, 1968. – 125 с.
3. Алламуратов А. Каракалпакская народная вышивка. – Нукус: Каракалпакстан, 1977. – 80 с.

МЕТОДИКА ПРАКТИЧЕСКОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОСВОЕННЫХ ЗНАНИИ И НАВЫКОВ ПО РОДНОМУ ЯЗЫКУ

Аннаева Мая Раджапбаевна

*стажёр-преподаватель кафедры начального образования Нукус
ГПИ имени Ажинияза*

Аннотация: в статье рассматриваются методы совершенствования преподавания туркменского языка в средних школах.

Ключевые слова: инновация, эксперимент, метод, исключение, дидактические направления, категория тест интервью.

ONA TILIDA OLGAN BILIM VA KO'NIKMALARNI AMALDA FOYDALANISH USULLARI.

Annaeva Maya Radjapbaevna

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti "Boshlang'ich
ta'lim" kafedrasi stajyor - o'qituvchisi*

Annotasiya: Maqolada umumta'lim maktablarida turkman tilini o'qitishni takomillashtirish usullari haqida so'z boradi.

Kalit so'zi: innovatsiya, eksperiment, metod, tajriba-sinov, didaktik jihatlar, kategoriya, suhbat test.

METHODOLOGY OF PRACTICAL USE OF MASTERED KNOWLEDGE AND SKILLS IN THE NATIVE LANGUAGE

Annaeva Maya Rajapbaevna

*trainee teacher of the Department of Primary Education of the Nukus
State Pedagogical Institute named after Azhiniyaz*

Abstract: the article discusses methods of improving the teaching of the Turkmen language in secondary schools.

Key words: innovation, experiment, method, exclusion, didactic directions, category, interview test.

Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы, определенная Президентом нашей страны Шавкатом Мирзиевым, практически охватила все сферы, в связи с этим в стране осуществляется большие перспективные работы.

Разработка методики преподавания родного языка в образовательных учреждениях, повышение квалификации учителей, переподготовка педагогов, повышение уровня их профессионального образования имеет особое значение в решении поставленных задач по повышению

качества образования Республики Узбекистан [1, 2].

Это порождает гордость за практическую работу, связанную с методикой, позволяющей учащимся применять полученные знания на родном языке.

Если обосновать методику преподавания родного языка на примере самостоятельных знаний, то методику можно рассматривать в виде обобщенной и единичной методики. При преподавании курса методики можно дать следующие сведения:

- совокупность теоретических знаний, изучаемых в средних и высших учебных заведениях;
- совокупность практических методов, используемых учителем в обучении;

Например, современный и инициативный учитель, посещая конференцию педагогов, будет знакомиться с их типовыми рабочими планами.

Посредством этого осуществляется осмысление объектов специальной научно-теоретической, практической и экспериментально-проверочной работы как педагогических знаний. В основном, методы обучения родному языку комментируются следующим образом: «методика обучения родному языку» - это знания, изучающие цели, содержание, методы и пути обучения и воспитания на материале родного языка.

Методика преподавания родного языка велась двумя различными способами:

- а) проводится по общей методике на базе сразу нескольких близких языков;
- б) единичная методика - занимается вопросом изучения норм письменного и устного языка, относящихся к определенному языку.

Вместе с тем, по мере развития методологической науки происходит разделение на исторические, экспериментальные, относительные и стоит также упомянуть о возникновении нескольких отдельных методик. В современной методике этой области можно увидеть, что одни и те же основные и вспомогательные методы реализации все еще находятся в стадии разработки. Они следующие:

- изучение методической литературы и их критический анализ;
- изучение опытов и образцов уроков передовых учителей;
- наблюдение и испытание.

Приведенные выше работы имеют большое значение для студентов и преподавателей, осуществляющих практическую и научно-методическую работу. Следовательно, каждая из этих практик имеет широкий спектр применения:

- Изучение методической литературы и их критический анализ. Изучение и анализ зарубежной литературы на территории нашей страны означает начало научной деятельности. При изучении каждого вопроса необходим широкий интерес к его истории.

К числу литератур об истории в современных условиях преподавания родного языка относятся учебники по методике чтения, методические брошюры, монографии, статьи, учебные пособия и архивные материалы. Методология для разработанной исследовательской работы и связанной с ней научной деятельностью будет соответствовать цели анализа ожиданий.

Изучение опыта работы квалифицированных педагогов. Это главное условие подготовленной научно-исследовательской работы. На его основе заключается установление взаимосвязи объективных закономерностей явлений между исследователем, осуществляющим научную деятельность, и накоплением инновационного. Следовательно, использование этого метода может свидетельствовать о несовершенстве и жизнеспособности теории метода, о том, в какой степени предлагаемые методы соответствуют цели. После того, как каждый изученный инновационный опыт будет обобщен, мы сможем получить хорошее представление о применении в образовании. Этот метод основан на глубоком изучении, который работает с чтением. В изучении и обобщении имеется ввиду виды школ, в которых осуществляется обучение и его условия. Например, преподавание в школах и высших учебных заведениях, где уроки чтения проводятся на туркменском языке, уроки и процесс обучения не совпадают. При обучении и обобщении практического опыта уроки и внеклассные работы рассматриваются как испытание. Этот метод также применяется в методологической науке. Еще одним способом изучения инновационного опыта является посещение семинаров, обучающих курсов, собраний, конференции и использование их материалов.

Эксперимент. Это один из самых необходимых методов реализации. По направлению, эксперимент делится на 3 группы:

- а) опыты, проводимые в зависимости от цели обучения;
- б) опыты по обучению и содержанию;
- в) опыты, которые подходят условиям и методике обучения [4,5].

Abstract: the article analyzes the methods and advantages of working in multimedia presentations of the genres of the Karakalpak folk children's oral art in preschool educational institutions, teaching children, putting them into practice and on the basis of this, developing their speech, teaching methods.

Key words: Karakalpak folklore, multimedia presentation, children's literature, riddles, tongue twisters, artistic word creation, cognitive thinking, organization of preschool education.

Hozirgi vaqtda axborotlashtirish jarayoni jadal sur'atlar bilan rivojlanishi natijasida jamiyatimizning barcha sohalarida ma'lumotlar elektronlashgan, dasturlashgan va bu albatta insonlarga qulaylik tug'dirmoqda. Mamlakatimizda kompyuterlar ta'lim sohasida juda uzoq vaqtdan beri xizmat qilib, AKTdan foydalanish bosqichma-bosqich maktabgacha ta'lim tizimiga ham kiritilmoqda. Maktabgacha ta'lim tarbiyachilari, 3-Renesans avlodlarini yangi axborot davriga to'g'ri tarbiyalab, moslashtirib borishi zarur. Zamonaviy sharoitda, yangi axborot texnologiyalarining keng joriy etilishi bilan maktabgacha yoshdagi bolalarning nutqini rivojlantirish muammosi dolzarbligicha qolmoqda. Zero, bilimlarni yanada o'zlashtirish va bolalarning har tomonlama rivojlanishi esa nutq qobiliyatining rivojlanish darajasiga bog'liq.

Hozirgi zamonaviy ota-onalar o'z farzandlariga kam muloqat qiladilar, ularni dialog nutqiga undamaydi, shuning uchun bolalar nutqi unchalik ifodali emas, bolalar nutqida ko'pincha grammatik xatoga yo'l qoyadilar,

bir bo'g'inli javoblar bilan cheklanadilar. Nutqining kam rivojlanganligi, so'z boyligining kambag'alligi tufayli bolalar ko'pincha nutqni rivojlantirish darslarida qiziqishni yo'qotadilar va o'rganish motivatsiyasi ham yo'q. Bunday vaqtda bolalarning nutqini qoraqalpoq xalq bolalar ogzaki ijodi janrlari orqali rivojlantirish (Qoraqalpog'iston Respublikasi sharoitida) va kompyuter texnologiyalaridan foydalanish bizga yordam beradi. Kompyuterning imkoniyatlari cheksizdir. Bu tarbiyachiga maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'lum bir o'yin holatiga jalb qilish, o'quv faoliyatini yanada mazmunli, qiziqarli, jozibali va haqiqatan ham zamonaviy qilish imkonini beradi.

Keyingi vaqtlari maktabgacha ta'lim tashkiloti barcha pedagoglari AKT orqali o'z bilimlarini yetishtirish, o'z-o'zini tarbiyalash, yangi ma'lumotlarni izlash, tajriba almashish uchun ham, o'quv faoliyati jarayonida ham foydalanishadi. Qoraqalpoq xalq bolalar og'zaki ijodi janrlarini kompyuterda foydalanish tarbiyachi uchun cheksiz imkoniyatlarni ochib beradi. Kompyuter tarbiyachiga bolalar va ota-onalar bilan ishlashda, o'quv faoliyatiga tayyorgarlik ko'rayotganda eng yaxshi yordamchisi bo'ladi. Bugun biz o'quv jarayonida qoraqalpoq xalq bolalar og'zaki ijodi janrlarini multimediali taqdimotlardan foydalanishga to'xtalamiz.

Qoraqalpoq xalqi ham boshqa xalqlar kabi bolalarini kichkina paytidan boshlab ilmga, badiiy so'z mahoratiga, ilm-fanga, hunarmandchilikka o'rgatgan. Gapga chechanlik, hushchaqshaqlikka, baxshilikga qiziqtirib, har xil aytishlar musobaqalarida yengib chiqish yo'llarini nasihat qilib, ularning shaxs bo'lib shakllanishida xalq og'zaki ijodlarida har bitta janrdan o'z o'rnida, tarbiyaviy xarakterda foydalanib kelgan. Bolalarning ongiga xalq og'zaki ijodini multimedia taqdimotlari orqali o'z milliyligini singdirish va bobolarimizdan bizga me'ros bo'lib kelgan folklor ijodi va badiiy asarlarni o'rgatib borganimizda bolada so'z boyligi oshadi, o'z ona tiliga hurmati oshadi va shu asosida to'g'ri gapirishni o'rganadi, atrof-muhit haqida estetik ko'z-qarashlari shakllanadi. Bolalarning so'z mahoratiga bo'lgan qiziqishi kuchaygan sayin yakka-yolg'iz ijodiy qirralari ham ko'rina boshlaydi.

Qoraqalpoq xalq bolalar ogzaki ijodi janrlarini multimedia taqdimotlari kompyuter dasturlari yordamida axborotni taqdim etishning qulay va samarali usuli hisoblanadi. U dinamikani, ovozni va tasvirni birlashtiradi. [1-260] Multimedia taqdimotidan foydalanishning afzalliklari, masalan ertak va qo'shiqlarni oladigan bo'lsak:

- bola ertakni animatsiyalar yoki multimediya orqali ko'rganda bir vaqtning o'zida bolaning xotirasida ko'proq malumotlar to'planadi va buning natijasida ertakni yaxshi o'zlashtirish, qiziqish paydo bo'lib mazmunini yaxshi tushinadi;

- kognitiv rivojlanish yuzaga kelib, bolaning zehni o'tkirlashib ijobiy his-tuyg'ular paydo bo'ladi;

- ertak bolaning dunyoqarashini kengaytirib, uning hayotga degan ongli munasabatin shakllantiradi;

- bola ertaktagi qahramonlarning yaxshilik yo'lidagi obrazlaridan o'ziga tarbiyaviy ta'sirlar olib bu tushunchalar bolaning ongida bir umr saqlanib

qoladi;

- bola ertak orqali o'ziga ishonchi ortib, intellektuallik qobiliyati, kompetentlik rivojlanadi;

- qo'shiqlarni esa tez yod etib olish ko'nikmasi va nutqi rivojlanadi;

- multimediyadan foydalanish tarbiyachi va ota-ona uchun ham qulay, bolani qiziqitira oladigan, va yana kam xarajat usul hisoblanadi;

Kompyuter taqdimotlarini yaratish ushuni maxsus dasturlar ishlab chiqilgan. Eng mashhur dasturlardan biri bu Microsoft Office paketining bir qismi bo'lgan PowerPoint ("power point"). Bunda tarbiyachi bemaol slaydlar yaratib keyin animatsiyaga keltirib ovoz bersa bo'ladi.

Endi multimedia taqdimotidan foydalanishning afzallik taraflari:

- multimedia taqdimotlari katta imkoniyatga ega. Kompyuter maktabgacha yoshdagi bolalarga eng yaqin va tushunarli bo'lgan majoziy turdagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

- hodisalar va ob'ektlarni dinamikada namoyish qilish imkoniyati tufayli maktabgacha yoshdagi bolalarning e'tiborini faollashtiradi;

- materialni yaxshiroq o'zlashtirishga yordam beradi, chunki bu jarayon bolalarni idrok etishning barcha kanallarini o'z ichiga oladi;

- vizual, mexanik, eshitish va hissiy;

- taqdimotlar, ayniqsa, o'ynoqi tarzda, bolalarda katta qiziqish uyg'otadi, uzoq vaqt davomida e'tiborni tortadi.

- ommaviy axborot vositalarining ko'p qirraligi: matn, grafika, fotosurat, video, audio, o'yin, test natijada turli xil ish shakllariga ega mini dastur. Shuning bilan birga bolaning sog'lig'ini saqlashga ham katta itibor qaratish kerak:

- ushbu texnologiyalarni qo'llashda tarbiyachi, birinchi navbatda, maktabgacha ta'lim muassasalarining qurilmasi, mazmuni va rejimiga qo'yiladigan sanitariya-epidemiologiya talablariga amal qilish kerak;

- 5-7 yoshdagi bolalar uchun kompyuterlardan foydalangan holda kuniga 1 martadan ko'p bo'lmagan hamda haftasiga 3 martadan ko'p bo'lmagan holda amalga oshirilishi kerak;

- bolalar bilan kompyuterda ishlagandan so'ng, ko'zlar uchun mashqlar o'tkaziladi;

- 5 yoshli bolalar uchun kompyuter bilan ishlashning uzluksiz davomiyligi 10 daqiqa va 6-7 yosh bolalar uchun 15 daqiqa;

5 yoshli bolalarga o'quv faoliyati boshida bir nechta slaydlardan foydalaning. 6-7 yoshdagi bolalar uchun ko'proq slaydlar qo'llaniladi. Masalan: nutq o'stirish darsida "P" harfini to'g'ri aytishi ushuni qoraqalpoq xalq bolalar og'zaki ijodidagi tez aytishlardan foydalanamiz.

Minaw pal qaymaq,

Pay qanday pal qaymaq?

May qatilgan pal qaymaq,

Pal tatigan pal qaymaq! [2-412] -deb qaymoqning rasmini ko'rsatamiz hamda "P" tovushini to'g'ri talaffuz qilishni va tez aytishga o'rgatamiz.

Tabiat bilan tanishtirish darslarida bolalarning qushlarni sevish va atrof muhitni ozada tutish, tabiat haqidagi bilimlarini o'zlashtirish maqsadida

topishmoqlardan foydalanilsa bo'ladi.

Masalan:

Ústihde sholaq, basında tumaq,

Báharde keledi, súyinshi sorap. (ópepek)

Zuw-zuw baradı, aspannan qaraydı,

Shóp-shardı shoqıydı, ılaydan sebet toqıydı. (qarlıgash) [3-422].

Bolalarga qushlarning rasmini ko'rsatish va tanishtirish bilan birga ularning video tasvirlarini ko'rsatib qushlarning sayrashlarini va bolalar qushning sayrashlarini ko'rsatib berish ham nutq rivojlanishiga tasir ko'rsatadi.

“Ta’limga ajratilgan investitsiya davlatga yuzlap foyda keltirishi mumkin” degan edi hurmatli Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev. Albatta bolalarni maktabgacha davrdan boshlab ilm olishga qiziqtirish, iqtidorli bolalarni to’g’ri yunaltirish va chet el maktabgacha ta’lim texnologiyalaridan o’z mentalitetimizga mos ravishda foydalanish jamiyatimiz oldida turgan dolzarb muammolardan biri bo’lib hisoblanadi. Sababi, jamiyatimizning taraqqiyoti farzandlarimizning jismoniy va ruhiy sog’lom yetukligi, sifatli bilim olishi, ilmiy sohalarga qiziqishi, ijtimoiy, iqtisodiy tarbiyalanishi bilan uzviy bog’liq.

3-7 yoshdagi bolalar uchun qoraqalpoq xalq ertaklari va bolalar qo’shiqlari orqali bola ijtimoiy hayotga ham moslashib boradi. Jamiyatda o’zini qanaqa tutish, odob-axloh me’yorlari, atrofdagi insonlarga va jonzotlarga yaxshi munosabatda bo’lishni, tejomkorlik hamda o’z oldiga maqsad qo’yish va unga erishish kabi yaxshi fazilatlarini o’rganadi. Demak, bu loyiha orqali biz multimedia tarzida ishlab uni MTT lariga ommalashtirsak iqtisodiy tomondan yengilroq bo’ladi, bir vaqtning o’zida televizor orqali 20-25 bolalar tomosha qilishi mumkin. Albatta bu tarbiyachi uchun ham qulay bo’ladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun multimedia taqdimotidan foydalanganda matnni butunlay chiqarib tashlash yaxshiroqdir. Ammo agar zarur bo’lsa, taqdimot uchun tayyorlov guruhlarida minimal shrift hajmi 18, matn yaxshi o’qilishi kerak. Taqdimotga loyqa rasmlar kiritilmasligi kerak. Bu xunuk va ko’zni charchatadi. Bir slaydda turli formatdagi grafik fayllarni, masalan, fotosuratlar va chizmalarni bir vaqtning o’zida ishlatish tavsiya etilmaydi[4]. Taqdimot uchun fotosuratni tanlashda siz sifatga e’tibor berishingiz kerak: Ertakdagi hayvonlarning tajovuzkor xatti-harakatlari bo’lgan rasmlardan foydalanish tavsiya etilmaydi. Kichik maktabgacha yoshdagi bolalar uchun taqdimotda siz yorqin va dinamik slaydlardan foydalanishingiz mumkin. Kattaroq maktabgacha yoshdagi bolalar uchun biz rang-baranglik va yorqinlikni cheklaymiz, keraksiz animatsiyalarni olib tashlaymiz.

Kompyuter bolalarning intellektual rivojlanishi uchun yangi kuchli vosita ekanligini e’tirof etgan holda, uni maktabgacha ta’lim muassasalarida ta’lim maqsadlarida qo’llash sog’liqni saqlashni tejaydigan texnologiyalarni hisobga olgan holda qurilishi kerakligini yodda tuting. Shuning uchun, tarbiyachi qoraqalpoq xalq bolalar og’zaki ijodi janrlarini kompyuterdan foydalanganda quyidagi qoidalarga amal qilishi kerak:



1. Multimedia taqdimotlarini (5 - 7 daqiqa) qisqa qiling.
2. Bolaning holatini kuzatib boring.
3. Kompyuter bilan ishlagandan keyin ochiq havoda o'yinlar va jismoniy mashqlar o'tkazing.
4. Bolaning sog'lig'i holatini, kompyuterda ishlashga qarshi ko'rsatmalar mavjudligini aniqlang.

Psixologlarning ta'kidlashicha, bola texnologiyadan deyarli qo'rqmaydi, kompyuter har qanday yangi o'yinchoq kabi bolalar uchun jozibali. Zamonaviy bolalar ba'zan kompyuter texnologiyalari sohasida ancha bilag'on bo'lib chiqadi va tezroq o'rganadi, shuning uchun maktabgacha ta'limda AKTdan foydalanish zarurati bugungi kunda aniq.

Qoraqalpoq xalq bolalar ogzaki ijodi janrlarini AKTdan foydalangan holda nutqni rivojlantirish bo'yicha ishimda men quyidagi variantlardan foydalanaman:

- bir qator syujetli rasmlar asosida hikoya tuzish;
- bolalar qo'shiqlarini animatsiyalar orqali eshittirish;
- zanjirli hikoyalar;

O'yinlar: «Yechimini top», «Qaysi ertak qahramoni», «Tez aytishni tingla va tez ayt».

Bunday darslar doirasida vizual va eshitish analizatori yordamida aqliy faoliyat va ijodiy tasavvuri faollashadi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, maktabgacha yoshdagi bolalarning sof ona tilida nutqini rivojlantirish, qoraqalpoq bolalar xalq og'zaki ijodini o'rgatishda multimedia taqdimotlari, kompyuter dasturlari orqali amaliyotga tatbiq etish, tarbiyachilar uchun uslubiy qollanmalar qoraqalpoq tilida yaratilganda, kelajak avlodga milliy qadriyatlar, manaviy meroslarni sof holida yetkazib beriladi.

ADABIYOTLAR

1. Maktabgacha pedagogika Sh.Sodiqova Toshkent-2017 260-bet
2. "Qaraqalpaq folklori" 99-tom, Nukus "Ilim" 2015-yil. 412-bet
3. "Qaraqalpaq folklori" 99-tom, Nukus "Ilim" 2015-yil. 422-bet
4. <https://moluch.ru/archive/111/27834/>

FIZIKANI O'QITISHDA MODULLI O'QITISHNING AMALIY AHAMIYATI

Babaxova Gulziba Ziyatbaevna

*13.00.02-Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi mutaxassisligi
doktoranti*

Nukus davlat pedagogika instituti, Uzbekistan

Annotatsiya: Ushbu maqolada fizikani o'qitishda an'anaviy o'qitishdan emas, balki modulli o'qitish bo'yicha ko'rsatmalar berilgan. an'anaviy ta'limdagi qog'ozbozlik va faqat gina o'qituvchining faoliyati bilan cheklangan bo'ladi. Fizika tabiiy fan bo'lganligi uchun uni o'qitishda modulli o'qitish katta ahamiyatga ega. Bunda talabalarga mustaqil topshiriqlar ko'p beriladi, kichik guruhlarda va yakka tartibda ham o'z ustida ishlashga undaydi.

Kalit so'zlar: modulli-reyting, an'anaviy, tashkillashtirish, pedagogika, texnologiya, yondoshuv, kognitiv, motiv, modulli o'qitish, atom fizikasi.

ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ В ОБУЧЕНИИ ФИЗИКЕ

Бабахова Гульзыба Зиятбаевна

13.00.02-Докторант теории и методики обучения и воспитания

*Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В этой статье даются рекомендации по модульному обучению, а не традиционному обучению при обучении физике. бумажная работа в традиционном образовании и только Джина будет ограничена работой учителя. Поскольку физика является естественной наукой, модульное обучение имеет большое значение в ее преподавании. При этом учащимся часто дают самостоятельные задания, поощряют работать над собой как в небольших группах, так и индивидуально.

Ключевые слова: модульный-рейтинг, традиционный, организационный, педагогика, технология, подход, познавательный, мотив, модульное обучение, атомная физика.

THE PRACTICAL SIGNIFICANCE OF MODULAR LEARNING IN TEACHING PHYSICS

Babakhova Gulzyba Ziyatbaevna

13.00.02-Doctoral student of the theory and methods of education and upbringing, Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Annotation: This article provides recommendations for modular learning, rather than traditional learning when teaching physics. paperwork in traditional education and only Gina will be limited to teacher work. Since physics is a natural science, modular learning is of great importance in its teaching. At the same time, students are often given independent tasks,

encouraged to work on themselves both in small groups and individually.

Key words: modular-rating, traditional, organizational, pedagogy, technology, approach, cognitive, motive, modular training, atomic physics.

Kirish. Modulli-reyting texnologiyasini amalga oshirish bu-talabaning o'quv mashg'ulotlarida ishlarni tashkil etish xususiyatini tubdan o'zgartiradi. An'anaviy o'qitishda o'qituvchi talabalar uchun o'quv ma'lumotlarining asosiy manbayi hisoblanadi (chunki barcha talabalar darsliklar va muammoli kitoblar bilan ta'minlanmaganligi sababli, talabalar darslikdagi ma'lumotlarni mustaqil ravishda o'rganishlari samarasiz, talabalar mashg'ulotlarga darsliklar va kitoblarni olib kelmaydilar). Shu sababli, o'qituvchi o'quv mashg'ulotlarining ko'p qismida yangi materialni taqdim etadi, taxta oldida turadi va talabalar ham ko'pincha yangi mavzu bo'yicha konspekt qiladi. Tadqiqotchi E.U. Kapenovning ta'kidlashicha, axborot jamiyatida o'qituvchi atrofidagi dunyo haqida asosiy ma'lumot manbai bo'lishni to'xtatgan va o'qitishda asosiy e'tibor faoliyat usullarini rivojlantirishga qaratilgan. Shubhasiz, ushbu yondoshuv doirasida darslikning funktsiyalari goyasi o'zgaradi, standart o'quv dasturlari to'liq emas va an'anaviy o'qitish usullari sezilarli darajada qayta ko'rib chiqishni talab qiladi[1,5-bet].


Modulli reyting texnologiyasi bilan talabalar darsda individual o'quv vositasini-o'quv elementi-o'quv ma'lumotlarining tashuvchisi hisoblanadi, bunday ishlash bilan biz ning tajribamiz 2-3 baravar tezroq va samaradorliroq bo'ladi. Birinchidan, ko'z oldida joylashgan matnni o'qish tezroq va osonroq. Ikkinchidan, o'quv elementida taqdim etish uchun ilmiy taqdimotining hajmi, ketma-ketligi va chuqurligini optimallashtirish, tuzish va visual namoyish qilish va hokozalarda chuqur qayta ishlanadi, shuning uchun uni o'zlashtirish an'anaviy darslik matniga qaraganda ancha samarali amalga oshiriladi, uning tarkibida mavjud ma'lumotlar ahamiyatsiz va ikkinchi darajali ma'lumotlar. Uchinchidan, o'qitish vositasi sifatida o'quv elementi uslubiy va tarkibiy funktsiyalarini birlashtiradi, bu esa uning mazmuni bilan ishlashni individual sur'atda tashkil etishga imkon beradi, o'z-o'zini tarbiyalash va o'zini o'zi boshqarish ko'nikmalarini rivojlantirishni rag'batlantiradi, bu esa o'z navbatida o'quv faoliyati samaradorligini oshiradi.

Shu munosabat bilan talabalar uchun o'quv risolalarida o'quv mazmunin loyihalash va taqdim etishgamuhim talablar qo'yiladi: shrift o'lchamlari va rang sxemalari, o'quv ma'lumotlarini vizual ravishda namoyish etish, vazifalarni shakllantirish, psixologik charshoq va xavotirni engillashtiradigan rasmlar yoki ramzlardan foydalanish va boshqalar. Shuning uchun o'quv-metodik materiallarni loyihalash jarayonida pedagogic va kognitiv psixologiya, pedagogika, testologiya, neyropedagogika va boshqa sohadagi mutaxassislar fikrlarini inobatga olish zarur.

Modulli reyting texnologiyasini ishlab chiqishda talabalar uchun o'quv-uslubiy materiallar bilan bir qatorda o'qituvchi uchun metodik qo'llanma ishlab chiqilishi kerak. Bu o'quv jarayonini tashkil etish usullari, usullarni

tanlash va qo'llashning amaliy tajribasini tizimli ravishda umumlashtirish va o'quv jarayonini tashkillashtirish, shuningdek ushbu tajribani bitta fan o'qituvchilari o'rtasida almashish uchun sharoit yaratadi.

Modulli reyting texnologiyasida faoliyat rejimi nafaqat o'quv muassasasidagi o'quv jarayoni jadvali, balki guruhdagi modullarning o'quv elementlarini o'rganish soni va ketma-ketligi bilan ham belgilanadi. Biz o'quv jarayonining grafigini plastic xususiyatlar berishni tavsiya etamiz, ba'zi o'quv mashqulotlarini juft para bo'lib o'tkazishni rejalashtiramiz. Masalan, O'E-1 "Issiqlik nurlanishi. Kirxgof qonuni. Stefan –boltsman va Vintsent qonuni", O'E-2 "Reley Djins qonuni. Plank gipotezasi. Plank formulasi" va O'E-3 "Fotonlar. Rentgen spektrining qisqato'lqinli diapazoni" o'quv elementlarini bir juftlikda o'rganish mumkin yoki 1-rasmda ko'rsatilgan modul ustuniga muvofiq bitta juftlikda bir nechta o'quv elementlarini o'rganish mumkin. O'quv elementlarini o'rganish ketma-ketligi modulning o'quv mazmunini joylashtirish mantig'I bilan belgilanishi kerak va bitta darsda o'rganiladigan o'quv elementlari soni talabalar uchun o'quv materialining qiyinchiliklari asosida rejalashtirilishi va modulli reyting texnologiyasini amalga oshirish jarayonida tuzatilishi kerak.



1-rasm.

Vodorod atomi spektridagi qonuniyatlar. Bor postulatlarini modulning gafik sxemasi. Bu yerda O'E1 "Issiqlik nurlanishi. Kirxgof qonuni. Stefan –boltsman va Vintsent qonuni", O'E2- Reley Djins qonuni. Plank gipotezasi. Plank formulasi, O'E3-. Rentgen spektrining qisqato'lqinli diapazoni, O'E4- Tashqi fotoeffekt va uning asosiy qonunlari, O'E5- Fotonlar. Kompton effekti, O'E6- Vodorod atomi spektridagi qonuniyatlar. Bor postulatlarini

Fizika mutaxassisligi talabalarining o'quv rejasidagi fanlarning o'quv dasturining mazmuni va tuzilishining o'zgarib turishi ta'limni tashkillashtirishning yangi shakllarini yaratish va o'qitishning usullari o'zgartirishga olib keladi. Tashkiliy shakllar modul-reytingli o'qitish texnologiyasiga, o'quv dasturi modullarining faoliyat xususiyatiga mos kelishi kerak. Faoliyatning turli shakllarining kombinatsiyasi, talabalarning mustaqil ishlarini aniq tashkil etish, darsdan tashqari tadbirlarni otkazish alohida rol o'ynaydi.

Ko'plab tadqiqotchilar, masalan A. B. Morozov va D.V. Cherniklevler uzluksizlikni modulli texnologik jihatdan muhim afzallik sifatida tan oladi, chunki ular o'rganishga turli yondoshuvlarni birlashtirishga imkon beradi[2,459-bet]. O'quv jarayoning samaradorligini oshirish modulli reytingli o'qitish texnologiyasida o'quv motivatsiyasini oshirish uchun

faol o'qitish va o'-o'zini o'qitish usullarini, samarali faoliyatning oqilobna usullarini qo'llashga katta e'tibor berilishi kerak. Ushbu imkoniyatlar muammoli o'qitish usullari, hamkorlikda o'rganish, o'z-o'zini va o'zaro o'rganish orqali amalga oshirilishi mumkin.

Texnologik imkoniyatlarni kengaytirish va o'quv jarayoning samaradorligini oshirish, modulli ta'limni amalga oshirishda mantiqiy va texnik fikrlashni rivojlantirish uchun muammoli o'qitish usullaridan foydalanish kerak. Oily va o'rta kasb-hunar ta'limi muommalarini o'rganishda A.A. Verbitskiy kognitiv motiv ta'limning eng samarali motivlaridan biri sifatida "har safar birinchi marta, vaziyatli ehtiyoj sifatida tug'iladi va muammoli vaziyatning ajralmas elementi hisoblanadi" deb ta'kidlaydi [3,47-bet].

E.P. Ilyin o'zining ilmiy asarlarida shuni ko'rsatadiki, o'quv faoliyatining umumiy motivatsiyasi(kasbiy,kognitiv, ijtimoiy-siyosiy, shaxsan-mavqeli) asosida talabalar nafaqat fanning kasbiy tayyorgorlik uchun ahamiyati va ushbu sohaga qiziqishi, ushbu fanni o'zlashtirishdagi qiyinchiliklar o'lchovi tufayli turli xil o'quv fanlariga ma'ulum bir munosabatni rivojlantiradilar, bular, o'z kasblaridan,shuningdek, o'qitish sifati, ushbu fan o'qituvchisi bilan munosabatlar [4,267-bet]. Shu bilan birga, ijobiy motivatsiya haqida gapirganda, u "birinchi tassurot his-tuyg'ularini kutish odamga bir vaqtda va moslashuvchan qaror qabul qilishga va o'z xatti-harakatlarini boshqarishga imkon beradi, bu esa umid va yengilikni kuchaytiradigan yoki qo'rquv va qiziqishlarni kamaytiradigan reaksiyalarini keltirib chiqaradi" [4,69-bet]. Shu munosabat bilan modulli reyting texnologiyasida o'qitishning turli xil o'yin shakllari va usullarini qo'llash, o'quv dasturi sub'ektlarining munosabatlarini o'rnatishga va fizikani o'rganish uchun ijobiy motivatsiyani shakllantirishga yordam beradigan ekskursiyalar va darsdan tashqari tadbirlarni o'tkazish muhim hisoblanadi.

Zamonaviy ilmiy ishlarning tahlili hamkorlikda o'qitish kattaimkoniyatlarga ega ekanligini ko'rsatadi. Modulli o'qitishning tashkiliy ko'rinishining tashqi shakllari talabalarning bilim darajasini hisobga olmagan holda juft yoki kichik jamoada o'qitish usullaridan foydalanish bilan boyitilishi mumkin. Kichik guruhlarda o'qitishni amalga oshirishda shaxsiyatning kuchli irodasi, irodaviy fazilyatlari tarbiyalanadi, jamoada ishlash qobiliyati, o'zingiz bilgan va qila oladigan bilimlarni boshqalarga o'rgatish qobiliyati rivojlanadi. Ya.A.Komenskiy ta'limotiga ko'ra [5,180-bet] biz o'z bilimlarimizni boshqasiga yetkazish qobiliyatining alohida ahamiyatini ta'kidlaymiz, shunki tushuntirish jarayonida ularning tuzilishi, umumlashtirilishi,mantiqliy ketma-ketlikda joylashishi sodir bo'ladi. Talabalarni modullar tarkibini o'zlashtirish bo'yicha birgalikda ishlashda rag'batlantirishni taklif qilamiz-masalan, murakkab masalarni tahlil qilish,

o'rganilgan bilimlarni sinovdan o'tkazish hisoblanadi.

Yakunlab aytganda, tadqiqotimiz natijasida modulli ta'lim asosida o'qitish asosida talabalarga ayniqsa mustaqil ta'lim ishlash va o'z-o'zlari bilan juftliklarda ishlash katta ahamiyatga ega ekanligi da'lilandi.

ADABIYOTLAR

1. Капенов Е. У. Информатизация учебного процесса, как составляющая подготовки специалиста, востребованного на рынке труда / Е. У. Капенов // Специалист. - 2002. - № 4. - С. 5-7.

2. Морозов, А. В. Креативная педагогика и психология [Текст] / А. В. Морозов, Д. В. Чернилевский. - М.: Традиция, 2004. - 559 с

3. Вербицкий, А. А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход [Текст]: метод, пособие / А. А. Вербицкий. - М.: Высш. шк., 1991. -207 с.

4. Ильин, Е. П. Мотивация и мотивы [Текст] / Е. П. Ильин. - СПб.: Питер, 2008. -512 с.

5. Коменский, Я. А. Избранные педагогические сочинения [Текст]: в 2 т. / Я. А. Коменский. - М.: Педагогика, 1982. - Т. 2. - 576 с

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРИНИНГ
ВАТАНГА САДОҚАТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ХАЛҚ ТУШУНЧАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Байниязова Гулбахар Муратбаена

*«Умумий педагогика ва психология» кафедрасининг ассистент
ўқитувчиси. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти,
Ўзбекистон*

Аннотация. Мақолада мактаб ўқувчи-ёшларининг ватанга садоқат маданиятини шакллантиришида, анъанага айланиб бораётган оммавий ахборот воситалари, умумтаълим мактаби ўқувчи-ёшларнинг онгига Ватанни севиши, миллий мафқурани сингдириши, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозловчи комил инсон сифатини шакллантириши аҳамияти батафсил ёртилган.

Калит сўзлар: мактаб ўқувчилар, ватанпарварлик, тарбия, миллий қадрият, маданият, келажак авлод.

**ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО
ПОНИМАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ КУЛЬТУРЫ ВЕРНОСТИ
ОТЕЧЕСТВУ У УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ
ШКОЛЫ**

Байниязова Гулбахар Муратбаена

Ассистент преподавателя

Кафедра общей педагогики и психологии

*Нукусский государственный педагогический институт имени
Ажинияза*

Аннотация. В статье описывается значение средств массовой информации, ставшее традицией, в формировании у школьников культуры лояльности к Родине, значение привития любви к Родине, а также национальной идеологии, формирование совершенное человеческое качество, уважающее национальные и общечеловеческие ценности.

Ключевые слова: школьники, патриотизм, воспитание, национальная ценность, культура, будущее поколение.

**WAYS OF IMPROVING PUBLIC UNDERSTANDING IN
FORMING CULTURE OF LOYALTY TO THE HOMELAND
AMONG STUDENTS OF A COMPREHENSIVE SCHOOL**

Bayniyazova Gulbakhar Muratbaevna

Assistant teacher

Department of general pedagogy and psychology

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Annotation. The article describes in detail the importance of mass media, which is becoming a tradition, in the formation of the culture of loyalty to the

country among schoolchildren, the importance of inculcating the love of the Motherland, national ideology, and the formation of a perfect human quality that respects national and universal values.

Key words: school pupils, patriotism, education, national value, culture, future generation.

Мамлакатда халқпарвар одам юксак баҳоланади. Шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари жараёнида миллий мафкура, юксак маънавий ва ахлоқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар тараққиёти, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бугунги кунда анъанага айланиб бораётган оммавий ахборот воситалари вакиллари, яъни радио ва телевидение, газета ва журналлар ходимлари, олим ва адиблар, жамоат ташкилотлари ходимлари билан ўтказилаётган учрашувлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши бунга мисол бўла олади. Ҳозирги кунда олиб борилаётган маънавий-маърифий, миллий мафкуравий ва ғоявий тарбия ишларимизнинг ривожига қўшилажак катта вазифаларни юклади. Фармон умумтаълим мактаби ўқувчи-ёшларнинг онгига Ватанни севиш, миллий мафкурани сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозловчи комил инсон сифатини шакллантириш вазифаларини қўйди[1]. Ушбу вазифаларни бажаришда, аввало, бу соҳада фаолият кўрсатаётган юқори малакали мутахассислардан иборат гуруҳ тузишимиз ва унинг асосий вазифаси этиб республикадаги барча ўқув юртлари таълим ва тарбия ишларида, ўқувчи-ёшлар онгида ватанпарварлик ғояларини шакллантиришнинг муҳим масалаларини пухта ўйлаб, илмий-назарий асосини ишлаб чиқаришимиз керак бўлади. Бунда асосий эътиборни жамиятимиз ва миллатимизни бирлаштирувчи куч она - Ватанни севиш, қадриятларимизни асраб-авайлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, келажакка ишонч билан боқиш, мустақилликка ҳавф солувчи турли экстремистик оқимлар ва гуруҳларга мурасасиз бўлиш, Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш каби ғояларни асос қилиб олиш лозим.

Миллий истиқлолни қўлга киритган бугунги тарихий даврда ҳар бир инсон Ватан туйғусини тўла ҳис қилиши лозим. Озодлик нишонаси нақадар лаззатли, ана шундай ҳолатда, учиги шайланган куш мағрур бўлиши эсинга келади. Мағрурликни ҳис қилиш эса, жасоратнинг

бошланишидир. Буни тушунган кишида Ватан туйғуси бўлади «Ватан» деб дабдабали тарзда кўкрагига урадиган кишиларга кўпам ишониб бўлмайди. Ватан туйғуси ботиний холат, уни юракка жой этиб, керакли пайтда ҳеч иккиланмай фидоийлик кўрсатиб, садоқат-ла ўзининг фарзандлик бурчини бажарадиган кишиларгина Ватанни чинаккам севишга қодирдир. Жони ширин, жондан ҳам ватан ширин, деб бекорга айтмаганлар. Ватанга муҳаббат ўз ота - онасига, оиласига, элу юртига, ерига, халқига бўлган муҳаббат билан боғлиқ. Ватанга муҳаббати бўлмаган инсонни ота - онасига меҳри бор десалар, бунга ишониб бўлмайди.

Шунингдек, «халқ билан дўст бўлсанг номинг чиқади» деб тасдиқланади. Халқ билан дўст бўлиш унинг орини ҳимоялашдагина эмас, балки у билан бирга яшашда, аччиқ-чучугини бирга тотишда, у билан қоришиб кетишида. Бердак: «Ягона суйанчигим халқим паноҳим. Юзимни сўлдирар душман шу учун» деганида халқ одамнинг обрўсини кўтарадиган, рағбатлантирадиган, шу билан бир қаторда керак жойида ҳимоя ҳам қиладиган улкан куч ҳисобланади. Демак, халққа хизмат қилиш, бу хизматни ўзининг шахсий манфаатларидан юқори қўйиш шахс маънавиятининг юксак чўққисидир[2].

«Йигит бўлсанг арслондек туғилган,
Хизмат қилгил доимо ҳам халқ учун,
Йигит бўлса арслондек туғилган,
Хизмат қилмас қора бошнинг ғами учун». (Бердак)

Халқпарвар, халқ билан бирга бўлиш, халқ ғамига шерик, халқ дардига дардкаш, кўпчиликнинг кўнглидан чиқиш бу нафақат ғоя, балки шу билан бирга одобилик бўлиб ҳам ҳисобланади. Шунинг учун «Халқ сийлаган қалий бўлмас» дейди боболаримиз. Инсон одамлар орасида, жамият муҳитини манфаати билан боғлаши лозим. У халқни, халқ эса уни тушунмоғи керак. Бунинг учун ҳар бир киши халқ дардига дармон бўлиши, кузатиб ва қай холатда бўлмасин у билан бирга бўлиши лозим. Унинг кун тартибига қўйган саволига жавоб топишга ҳаракат қилиши шарт. Бунинг учун катта инқилоблар қилиш шарт эмас. У ўша кўчанинг, ўша жамоатнинг, ўша кўни-қўшнилари манфаатларидан чиққан талаблар ҳисобланади. Бу талабларни бирданига бажариб ташлаш ҳам зарур эмас, уни ёруғликка чиқариб, кўпчиликка етказиб, яхшиликка сафарбар этса бас. Одам кучли, билимли, илмли бўлиши мумкин. Лекин унинг одамийлик хусусияти фақат ўзини севиш, ўзига хизмат қилиш эмас, ҳаммага хизмат қилишидадир. Юлдуздек ялтираб барчага нур сочишга интилмаса, у инсон бўла олмайди. Шунинг учун халқ тўғри айтган:

«Олим бўлиш осон,

Одам бўлиш қийин».

Сахий, номусли, бағрикенг, камтар, меҳнаткаш, меҳрибон, кўпчиликка бўлсин деган одамларни халқ яхши кўради, унга ҳавас қилади. Бундай болаларнинг ота-онасига раҳмат айтибгина қолмасдан, уни «бизнинг бола» деб айтади. «Яхши бола нафақат отасининг, балки элнинг боласи» дегани шундан қолган.

Алишер Навоий қуйидаги мисраларда ватандан айрилиш инсон учун оғир жудолик эканлигига урғу беради:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Қорақалпоқ халқининг ўтган бой тарихи билан, юксалган маданияти билан, ривожланган илм ва техникаси билан ажойиб ишлари, табиий ресурслари билан фахрланамиз ва уни ардоқлаб ҳеч бир юртдан кам демаймиз.

«Гина қилиб юртни ташлаб кетгандан,
Қадрини билмас жойда хизмат этгандан,
Ёт юртларда мусофирлик чеккандан,
Уриб-сўкиб хўрласа да эл яхши».

(Ажиниёз)

Ўрта Осиёда қадимги халқлар орасида ҳам ўз юрти ва қабилалари учун курашган мард кишилар бўлган [3]. Уларнинг қаҳрамонликлари авлоддан-авлодга ўтиб афсоналарга айланган. Масалан, Малика Тўмариснинг Эрон шоҳи Кир билан олиб борган уруши, аёл боши билан фарзанди ва Ватанига бўлган меҳри туфайли енгилмас деб ном таратган. Бу ватанпарвар ва жасоратли аёл ҳақида ижодкорлар қанчадан-қанча ижод қилганларки, бу аёлнинг мардлиги кишини илҳомлантиради ва ёшларни тарбиялашда яхши мисол бўлиб хизмат қилади. Бундай ватанпарварлик жасорат халқимизнинг юзлаб, минглаб фарзандлари томонидан турли тарзда такрорланиб келган. Биз ёшларимизни ҳалол яшашга, ишлашга, аъло ўқишга мотивация қилишимиз зарур. Биз шулар билан ўзимизнинг ватанпарварлигимизни кўрсатишимиз керак. Умумтаълим мактаблардан бошлаб то Олий таълим муассасаларида таълим оладиган ўқувчи-ёшлар учун махсус ўқув қўлланмалар, дарслик ва методик тавсиялар етарли даражада чоп этилиб амалиётга татбиқ этилиб борилмақда. Бундай ҳолатни тўғрилаш мақсадида, биз ўзимизга мақсад этиб қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида яратилган бастакор ва ёзувчиларимизни Ватан ҳақидаги, бадий асарларимизни, шунингдек ўқувчиларимизни Ватанга садоқат, миллий ғурур, ифтихор тўйғуларини шакллантириш масаласи бугунги кунда энг муҳим долзарб

масалалардан эканлигини кўрсатмоқда.

Халқнинг яхши ва ёмон томонларига диққат сол, уларнинг фойдали ва зарарли ишларини ва бу ишларнинг қандай самара беришини кузатиб бор, ундан кейин ўз манфаатини талаб қил ва қайси нарсанинг халқ манфаатига яқин турганини ўрган. Мана, шундан ақл ва хунар ўрганиб, юксак мартабага эриш. Бу иш сенда иккита нарса билан пайдо бўлади. Ё билган хунарингга яраша иш қилиш йўли билан ёки билмаган хунарни ўрганиш йўли билан.

Улкан ислохотлар амалга оширилаётган юртимизда ўз эътиқодига суянган, танлаган йўлидан қайтмайдиган, ватан шаънини ҳар нарсадан устун деб биладиган ёшларнинг бўлиши давр талабидир. Чунки, мустақкам эътиқодга ва мустақил фикрга эга бўлган ёшларгина юртимиз фаровонлигини юксакларга кўтара олади. Республикамизда олиб борилаётган сиёсатнинг ва Хурматли Президентимиз Ш.М.Мириёвнинг даъватларининг моҳияти ҳам маънавияти теранг, бошқалар фикрига эргашмайдиган, иймон-эътиқоди соф авлодни етиштириш масаласини ташкил этади. Зеро, эътиқодсизлик, турли ёт оқим ва мафкураларга эргашиб ҳолати жамиятни инқироз сари етаклайди. Шу боис, бизнинг президентимиз деярли барча фармойиш ва чиқишларида чоп этилган асарларида ёшлар тарбиясига жиддий ёндошиб ва уларни ёт ғоялардан муҳофаза қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Ёш авлод онгига ватан нима эканлигини кенгроқ тарғиб қилиш, инсон учун ватаннинг ягона эканини аниқлаш таълим-тарбия жараёнининг асосий вазифасидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сонли қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018 й., 09/18/140/0816-сон; 24.03.2020 й., 09/20/179/0350-сон).

2. «Бердақ таңламалы шығармалары» Нөкис «Қарақалпақстан» баспасы. 1987-жыл.

3. Утебаев Т.Т. Қорақалпоғистонда XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши. – Нукус. Билим, 2015-йил.

OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALAR BILIMINI BAHOLASH MEZONLARI

Bazarbaeva Aygul Kuanishbaevna

stajyor tadqiqotchisi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, O'zbekiston

Izoh: Ushbu maqolada ahamiyati haqida tushuncha berilgan mezon oliy o'quv yurtlarida talabalar baholanadigan va ularning o'quv jarayoni va talabalarning ta'limini yaxshilashda qanday rol o'ynashi. Baholash jarayonining maqsadlari tushunchasi ham ko'rib chiqiladi, standart baholash jarayoniga misol keltirilgan. Baholash tizimlari haqida qisqacha tushuncha berilgan, shuningdek normalarga asoslangan va mezonlarga asoslangan tuzilmalarning afzalliklari va kamchiliklari batafsil tavsiflangan.

Kalit so'zlar: Baholash jarayonining o'rni, baholash mezonlari, baholash tuzilmalari, baholash jarayoni, baholash jarayonining maqsadi, baholash tuzilmalaridan foydalanishning afzalliklari va kamchiliklari, baholash tizimlari.

КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ В ВУЗЕ

Базарбаева Айгуль Куанишбаевна

Нукусский государственный педагогический институт имени

Ажинияза стажер-исследователь, Узбекистан, г. Нукус.

Аннотация: в этой статье дается представление о важности критерий в высших учебных заведениях, по которому оцениваются студенты и какую роль они играют в улучшении учебного процесса и обучения студентов. Также рассматривается понятие целей процесса оценки, приводится пример стандартного процесса оценки. Дается краткое представление о системах оценки, а также подробно описываются преимущества и недостатки структур, основанных на нормах и критериях.

Ключевые слова: Роль процесса оценивания, критерии оценивания, структуры оценивания, процесс оценивания, цель процесса оценивания, недостатки и преимущества при использовании структур оценивания, системы оценивания.

ASSESSMENT CRITERIA OF STUDENTS' KNOWLEDGE IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Bazarbaeva Aygul Kuanishbaevna

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

trainee researcher, Uzbekistan, Nukus.

Annotation: This article provides an understanding of the importance of the criteria by which students are evaluated in higher education institutions and how they play a role in improving the learning process and student learning. The concept of the goals of the evaluation process is also discussed,

and an example of a standard evaluation process is given. A brief overview of assessment systems is given, and the advantages and disadvantages of norm-based and criteria-based structures are described in detail.

Keywords: The role of the assessment process, assessment criteria, assessment structures, assessment process, purpose of the assessment process, advantages and disadvantages of using assessment structures, assessment systems.

Baholash ta'limning barcha darajalarida o'qitish jarayonida muhim rol o'ynaydi. Hech shubha yo'qki, har qanday baholash tizimi talabalar nimani o'rganayotganini va buni qanday amalga oshirayotganini aniqlaydi. Shuning uchun, baholash biz qanday dars berayotganimizni, qanday o'qitish usullaridan foydalanayotganimizni va o'qitish metodologiyasiga qanday yangiliklarni kiritganimizni belgilaydi. Ammo baholash nafaqat baholar va imtihonlar haqida. Bu, shuningdek, talabalar va ularning ta'lim sifatini yaxshiroq bilish va bu bilimlardan ularning manfaati uchun foydalanish haqida. Baholash, shubhasiz o'qitish jarayonining asosiy «harakatlantiruvchi kuchlaridan» biridir. Shuning uchun fakultet nafaqat hozirgi vaqtda qo'llanilayotgan turli xil baholash shakllarining texnik jihatlari, balki ularning afzalliklari va kamchiliklari bilan ham tanish bo'lishi muhimdir [1].

Baholash talabalarning bilim olishiga katta umidlarni o'rnatish, belgilangan o'quv natijalariga erishishdagi yutuqlarni o'lchash va universitetning akademik dasturlarini takomillashtirish uchun fikrlash, muhokama qilish va fikr-mulohazalar uchun asos yaratish bo'yicha doimiy jarayon. Bu taxminlar va standartlarni ochiq va ommaga ochiq qiladigan tizimli va sikllik jarayondir.

Baholash muqarrar ravishda o'quvchilarning o'rganishga qanday yondashishini, shu jumladan ular nimaga e'tibor qaratishlarini va uni qanday o'rganishlarini shakllantiradi. Baholash tadbiridan olingan ma'lumotlar turli maqsadlarda ishlatilishi mumkin, jumladan:

- Ishga qabul qilish, kasbni litsenziyalash yoki ilg'or o'qishga qabul qilishda keyinchalik foydalanish yoki qaror qabul qilish uchun talabalarning transkriptlarida qayd etilgan baholash ko'rinishidagi yutuqlarni rasmiy sertifikatlash;
- Talabalarga o'z ishlarini yoki ish faoliyatini qanday yaxshilashlari mumkinligi to'g'risida diagnostika va tavsiyalar berish, bu fikr-mulohazalar aniq, ma'lumotli, o'z vaqtida va dolzarb bo'lishi kerak;
- Ularni takomillashtirishga ko'maklashish maqsadida o'qitish sifati, o'quv dasturi va kurs tuzilishini baholash;
- Muassasa, akkreditatsiya qiluvchi organlar, ish beruvchilar va keng jamoatchilik oldida javobgarlik.

Turli xil baholash maqsadlaridan dastlabki ikkitasi asosiy va o'zlarining

tavsiflovchilariga ega. Yakuniy hisobot yakuniy hisoblanadi, xususan, o'quvchilarning ish faoliyatini yaxshilashga qaratilgan baholash esa shakllantiruvchi hisoblanadi.

Baholash-bu har kuni talabaning o'qish jarayonida qaerdaligini baholash orqali amalga oshiriladi. Baholash talabalar asosan o'qituvchi savollar berganda, ularning uy vazifalarini o'qiyotganda va ularning hisobotlarini tinglaganda sodir bo'ladi. Ushbu baholashlar temp, o'rganish strategiyalari va «qaerga borish» bo'yicha o'quv qarorlarini belgilaydi. Eng aniq natijaga erishish uchun talabalar haqiqiy vaziyatlarda kuzatilishi va baholanishi kerak; shuning uchun ta'limni isloh qilishda tez-tez ishlatiladigan «haqiqiy baholash» atamasi. O'lchovlarni amalga oshirish uchun o'quv tanaffusini yaratadigan standartlashtirilgan testlardan farqli o'laroq, baholash sinfdagi darslarning tabiiy oqimining bir qismi bo'lishi kerak. O'quv dasturi talabaning tafakkuri haqida tushuncha berganida, bu talabani baholash uchun tabiiy vaqt. Bunday aniq baho beradigan narsa bo'lishi shart emas-bu siz uchun ham, talaba uchun ham ma'lumot olish uchun bo'lishi mumkin.

Baholash jarayoni. Baholash jarayoni sizga dastlabki ma'lumotlarni olish imkonini beradi, ularning asosida kurs oxirida olingan ta'lim to'g'risida xulosa chiqariladi. Baholash topshiriqlari turli shakllarda, javoblar esa turli formatlarda bo'lishi mumkin. Bularga sinf testlari, ko'p tanlovli testlar yoki boshqa ob'ektiv testlar, dala yoki loyiha ishlari bo'yicha hisobotlar, uy insholari (kurs ishlari, topshiriqlar), seminar taqdimotlari, studiya ishlari, ijodiy loyihalar, professional nutqlar va an'anaviy cheklangan vaqt imtihonlari kiradi. Baholash jarayonining standart sxemasi 1-rasmda keltirilgan.


Kursning yakuniy ko'rsatkichlari odatda juda qo'pol tarzda baholanadi. Shkaladagi mos yozuvlar nuqtalari so'zlar bilan belgilanishi mumkin (ajoyib, yaxshi, qoniqarli...), raqamlar (7, 6, 5...) yoki harflar (A, B, C...). O'tish / o'tish ballari shkalada faqat ikki bosqichga ega; kengaytirilgan shakalalar 10 yoki undan ortiq bosqichga ega bo'lishi mumkin.

Shkalalar oliy o'quv yurti tomonidan belgilanishi, viloyat yoki milliy siyosatga muvofiq talab qilinishi mumkin. Turli xil oliy o'quv yurtlarida reyting o'lchov shkalalari yoki tizimlari turlicha bo'lgan hollarda, ekvivalentlik jadvallari talabalarni akademik kreditga o'tkazishni osonlashtirish uchun konvertatsiya qilishga imkon beradi. Masalan, Evropa kredit o'tkazish tizimi, butun Evropa Boloniya jarayoni doirasida barcha imzolagan davlatlar uchun yagona o'lchov shkalasini qabul qilib, butun Evropa bo'ylab talabalarning harakatchanligini asosiy maqsadlaridan biri sifatida belgilaydi. Baholashlar, shuningdek, individual talabalarning baholash topshiriqlariga javoblarini baholash hisobotlarini tuzish uchun ishlatilishi mumkin. Shu maqsadda o'lchov shkalasi \pm belgilar yordamida ishlab chiqilishi mumkin. Shuningdek, 0-30 yoki 0-100 kabi tasodifiy shkala bo'yicha raqamli ballar yoki ballar

baholash topshiriqlariga individual javoblar uchun ishlatilishi mumkin. Kursni baholash turli xil baholash topshiriqlaridan olingan baholarni yig'ish yo'li bilan hisoblanadi. Kutilyotgan qiymatlarning bir-biriga mos kelmaydigan diapazonlari turli sinflarga mos keladi. Berilgan diapazondagi barcha umumiy ballarga bir xil ball berilganligi sababli, kurs ballari aniq pozitsiyani emas, balki yutuqlar oralig'ini anglatadi.

(GPA) talaba ma'lum bir vaqt oralig'ida (masalan, bir semestr uchun) yoki bir nechta tugallangan kurslarda (masalan, butun o'quv dasturi uchun) olgan barcha kurs baholarining o'rtacha o'lchami sifatida hisoblanadi. O'lcham koeffitsientlari hissa qo'shadigan kurslarning nisbiy qiymatlarini aks ettiradi.

Shakl 1. Baholash jarayonining standart sxemasi.



To'g'ridan-to'g'ri va og'zaki baholar GPA hisoblash uchun raqamli ekvivalentlarga ega. Baholashga asoslangan institutsional qoidalar, odatda, talabalar chuqurroq tadqiqotlarga o'tishlari yoki o'tmasliklari mumkin bo'lgan shartlarni belgilaydi. Juda past GPA yoki juda ko'p kichik yoki qoniqarsiz baholar talabaning davom etishiga to'sqinlik qilishi mumkin. Doimiy ravishda past ko'rsatkichlar stipendiya dasturidan chetlanish davriga olib kelishi mumkin [2].

Shuningdek, asosiy maqsadlardan biri formativ hisoblanadi. Oddiy nutqda shakllantiruvchi faoliyat uni kerakli maqsadga yaqinlashtirish uchun rivojlanish bosqichlarida biror narsani shakllantirish bilan bog'liq. Formativ baholash talabaning ishini malakali baholash natijasi talabaning kelajakdagi faoliyati sifatini qanday yaxshilashi bilan bog'liq. Fikr-mulohaza asosiy shakllantiruvchi vosita bo'lib, uni qanday yaxshilash mumkinligi haqidagi tavsiyalar bilan biror narsa qanchalik muvaffaqiyatli amalga oshirilganligi haqidagi ma'lumotlardan iborat. Shakllantiruvchi va yig'uvchi o'rtasidagi

asosiy farq vaqt jadvaliga emas, balki maqsad va natijaga bog'liq. Sof texnik ma'noda, kelajakdagi ko'rsatkichlarni yaxshilashga hech qanday hissa qo'shmaydigan har qanday fikr-mulohazalar, ta'rifga ko'ra, shakllantiruvchi emas. Shu bilan birga, baholash natijasida olingan ma'lumotlar boshqa (yaxshilanmaydigan) maqsadlarga xizmat qilishi mumkin, masalan, ma'lum bir baho berish uchun asoslarni tushuntirish. Fikr-mulohazalarning asabiy tomoni shundaki, odatda talabalarga har tomonlama maslahat berish uchun qilingan sa'y-harakatlarga qaramay, ko'pincha kichik yaxshilanishlar mavjud. Agar baholash natijasida yaxshilanish ehtimolini oshirishni istasak, kursni baholash dasturlarini (shu jumladan muddatlarni) ishlab chiqish juda muhimdir.

Baholash topshiriqlari har bir kursning maqsad va vazifalarini aniq aks ettirishi kerak bo'lsa-da, ko'rsatilgan haqiqiy vazifalar faqat ishlab chiqilishi mumkin bo'lgan barcha vazifalarning namunasini tashkil qiladi. Bundan tashqari, talabalar Real vaqt rejimida ma'lum bir holatda qanday munosabatda bo'lishlari to'g'risida qaror qabul qilishadi va ballar sifat bo'yicha qarorlarida biroz farq qiladi. Ushbu va boshqa omillarning umumiy ta'siri taqsimlangan ballarga, shuningdek o'quv natijalariga biroz aniqlik kiritishdir. Oddiy baholash o'lchovlarining qo'polligidan tashqari, talabalar o'rtasidagi baholardagi kichik farqlar asosiy yutuqlardagi farqlarni aks ettirmaydi. Chunki baholash o'rganishga faqat bilvosita, mantiqiy xulosa orqali ta'sir qilishi mumkin, ular tabiatan jadval uzunligi kabi jismoniy o'lchovdan farq qiladi [3].

Barcha fanlardagi baholash jarayonning turli bosqichlarida har doim sub'ektiv hukmlarga tayanadigan qo'pol vositalardan foydalanadi. Natijada, ekvivalentlar hech qachon aniq yoki bir-biriga tenglashtirilmaydi. Ushbu mavzuni yanada muhokama qilish tezda ishonchlilik va haqiqiylikni o'lchov shalsining asosiy tushunchalarini ko'rib chiqishga olib keladi. Agar bir xil kursda bir xil talabalar uchun turli xil baholash dasturlari ishlab chiqilgan va amalga oshirilgan bo'lsa va agar talabalar ularga mustaqil voqealar sifatida javob berishlari mumkin deb taxmin qilinsa, individual talabalar uchun baholar kamdan-kam hollarda bir xil bo'ladi. Har doim xato bor. Shunga qaramay, ekvivalentlar odatda ta'kidlangandan so'ng qat'iy aniq o'lchov shalalari sifatida qaraladi. Shuningdek, markalar xuddi pul birliklari kabi muomala qilinadi, turli manbalardan olingan markalarga ekvivalent qiymat beriladi. Raqamlar, xususan, ob'ektiv hukmlar shakliga ega. Baholash dasturlarini ishlab chiqish, baholash vazifalari spetsifikatsiyalari sifatini nazorat qilish va markerlarni to'g'ri kalibrlashga katta e'tibor berish orqali o'lchov xatosini kamaytirish mumkin (lekin yo'q qilinmaydi). Biroq, ushbu uchta jihat barcha mumkin bo'lgan xato manbalarini hisobga olmaydi.

Oliy ta'limdagi akademik yutuqlar uchun standartlashtirilgan o'lchov

birliklariga ega bo'lgan universal o'lchav shkalalari uchun mos yozuvlar tizimi mavjud emas. Talabalar ishini baholash har doim baholarga ahamiyat beradigan mos yozuvlar doirasida amalga oshiriladi. Har bir ma'lumotnoma tizimi baholarni olish, talqin qilish va ulardan foydalanish bo'yicha shartnomalar, qoidalar va protseduralar to'plamidan iborat. Eng ko'p ishlatiladigan tuzilmalar me'yorlarga asoslangan va mezonlarga asoslangan tuzilmalardir. Normalarga havola uzoq tarixga ega. U oliy ta'lim amaliyotiga shu qadar chuqur singib ketganki, ko'plab o'qituvchilar uchun hech bo'lmaganda uning elementlari tabiiy ko'rinadi. Ratsiondan foydalanadigan ta'lim muassasalarida turli kurslardagi baholar bir xil asosiy qoidalarga (egri chiziq bo'yicha baholash) muvofiq taqsimlanishini ta'minlaydigan protseduralar mavjud. Masalan, eng yaxshi o'quvchilarning atigi 10 foizi eng yuqori bahoni, keyingi 15 foizi ikkinchi eng yuqori bahoni va boshqalarni olishi mumkin. Shunday qilib, berilgan har xil baholarning nisbati juda qattiq nazorat qilinadi. Maqsad-ta'lim muassasasi bo'ylab baholarning nisbiy qiymatining taqqoslanishini ta'minlash. Ushbu tamoyil faqat turli xil baholarning taqsimlanishiga bog'liq, shuning uchun asosiy baholarning chastotalarni taqsimlash shakli muhim emas. U nosimmetrik va qo'ng'iroq shaklida bo'lishi mumkin, qiyshaygan yoki hatto to'rtburchaklar shaklida bo'lishi mumkin. Statistika normal bog'lanish va normal ehtimollik taqsimoti o'rtasida interkom mavjud emas, garchi ko'pincha katta sinflar uchun umumiy ball taqsimoti taxminan qo'ng'iroq shaklida bo'ladi.

Normlarni bog'lash, ehtimol, haddan tashqari baholarni taqiqlashning eng oddiy turini ta'minlaydi, ikkinchisi adolatsiz yuqori baholarni berish bilan bog'liq.

Talabalar yakka tartibda yoki guruhda qanchalik yaxshi ishlashlaridan qat'i nazar, baholarning taqsimlanishi har doim bir xil bo'ladi. Ajablanarlisi shundaki, ushbu baholash tizimi bir necha sabablarga ko'ra tashvishga sabab bo'ladi, ularning ba'zilar axloqiy ahamiyatga ega. Ular orasida muayyan talabaning ish faoliyatini na talaba, na o'qituvchi nazorat qila olmaydigan guruhning boshqa a'zolarining ko'rsatkichlari bilan solishtirish adolatsizlikdir. Normlarga qat'iy rioya qilish har qanday mutlaq ma'noda akademik standartlarni hisobga olishdan qochadi. Shuningdek, u tarkibiy jihatdan o'zini o'zi sozlaydi, chunki u o'qitish sifati va baholash dasturining tuzilishi kabi omillarga avtomatik ravishda ko'z yumadi. Bu kuzatuvchining nuqtai nazariga qarab kamchilik (chunki u yomon o'rganish va baholashni yashiradi) yoki afzallik (chunki bu ularni qoplaydi) sifatida ko'rilishi mumkin. Hatto me'yorlarga havolalar baholash uchun asos sifatida aniq ishlatilmasa ham, normalarga asoslangan amaliyot hali ham keng tarqalgan [4].

Mezonga asoslangan baholash normalarni bog'lashdan ko'ra qisqaroq tarixga ega. Nazariy asos kamroq tanish va unchalik yaxshi ishlab chiqilmagan.

Asosiy g'oya-akademik ko'rsatkichlarning mutlaq darajasiga qarab baho berish. Shu nuqtai nazardan, mutlaq degani, taqdim etilgan ishning sifati belgilangan nazorat punktlari bilan taqqoslanadi, ular bir marta berilgan bo'lsa, boshqa talabalarning yutuqlaridan mustaqil ravishda ishlaydi va bir xil kursning ketma-ket takliflari davomida barqaror bo'lib qoladi. Hech bo'lmaganda faraziy ravishda, ma'lum bir guruhdagi barcha talabalar, agar ularning ishi talab qilinadigan chegarani qondirish yoki undan oshib ketish uchun etarli sifatga ega bo'lsa, eng yuqori baho olishlari mumkin edi.

Amalda, albatta, bu ehtimoldan yiroq, garchi ehtimollik nazariyasi shuni ko'rsatadiki, hamma narsa teng bo'lsa, bu juda kichik guruhlar uchun ko'proq bo'ladi. Vazifani belgilash paytida mezonlar talabalar e'tiboriga etkaziladi. Keyin talabalar o'z ishlarini yuborishdan oldin ularni shakllantirib, ularni kuzatib borishlari mumkin. Ushbu faol rolga qo'shimcha ravishda, aniq mezonlardan foydalanishning belgilangan yoki nazarda tutilgan maqsadlari quyidagilarni o'z ichiga oladi: talabalarga baholar aniqlanadigan asoslarni tushunishga imkon berish orqali baholash jarayonining shaffofligini oshirish; aniq shakllantiruvchi fikr-mulohazalarni yanada samarali va o'z vaqtida taqdim etishni ta'minlash va baholashlar talabalarning ish sifatini bevosita aks ettirishini ta'minlash orqali baholash inflyatsiyasini minimallashtirish. Ikkinchisiga faqat turli xil mahorat darajalari uchun tegishli standartlarni o'rnatish orqali erishish mumkin. Bu o'z-o'zidan qiyin vazifa.

So'nggi o'n yilliklarda oliy o'quv yurtlarida o'qitish va o'qitishga yondashuvlar o'qituvchiga yo'naltirilgan va talabalarga yo'naltirilgan. Talabalarga yo'naltirilgan baholash nafaqat kengroq baholash usullarini o'z ichiga oladi, balki talabalarga kengaytirilgan yoki murakkab javoblar qanday baholanishi haqida tushuncha berish qarorini ham aks ettiradi [5].

Mezonga yo'naltirish ushbu xalqaro harakatning bir qismidir. Ushbu yondashuvlarni engillashtirish uchun ishlatiladigan o'ziga xos vositalar orasida odatda markerlar baholashda foydalanadigan mezonlarni belgilaydigan sarlavhalar, tasniflash sxemalari va baholash qo'llanmalaridan foydalanish, shuningdek mezonlar standartlari, mezonlarning og'irligi kabi boshqa ma'lumotlar mavjud.

Normalar va mezonlarga asoslangan baholash doirasidan tashqari, boshqa norasmiy asoslar baholash vaqtida individual talabalarga haqiqiy baho berishga ta'sir qilishi mumkin. Ular rasmiy ramka sifatida emas, balki bilvosita harakat qilishadi. Ular tavakkal qilish, qat'iyatlilik, katta kuch sarflash yoki sezilarli yaxshilanish uchun bonus ballarini berishni o'z ichiga oladi.

Qabul qilingan baholash tizimidan qat'i nazar, ular akademik muvaffaqiyat standartlarini saqlash uchun chuqur g'amxo'rlik bilan birlashtirilgan. Oxir oqibat, albatta, muassasa obro'si xavf ostida.



Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, baholash jarayoni talabalarning o'qishga qanday yondashishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Baholash usullaridagi yangiliklarga, talqin tuzilmalarini ishlab chiqishga va moslashuvchanlikni oshirishga qaramay, yangi texnologiyalar, tegishli baholash topshiriqlarini ishlab chiqish va bajarishni o'z ichiga olgan asosiy tadbirlar, yuqori darajadagi kognitiv natijalarga e'tibor, baholash mezonlari, baholash, baholarni belgilash, talqin qilish va akademik standartlarning umumiy saqlanishi, albatta ular umuman oliy o'quv yurtining doimiy javobgarligi bo'lib qolmoqda.

ADABIYOTLAR

1. Sadler, D Royce. (2010). Assessment in Higher Education. 10.1016/B978-0-08-044894-7.00336-5.
2. Baume, D. (2001), "A briefing on assessment of portfolios Learning and Teaching Support Network, York".
3. Nulty, D. D. (2009) "GIHE Good Practice Guide: Peer and Self Assessment – strategies for academic staff".
4. Сейтназаров К.К., Калимбетов К.И. Информатика фанини ўқитишда самарали методларни танлаб олишда қарорлар қабул қилиш тизими // «Cluster of pedagogical education»: Building 2A, Istikbol Street, Chirchik, Tashkent region, Uzbekistan chirchikcluster@gmail.com Problems and Solutions JUNE 25-26, 2022 Б. 755-759.
5. R.S. Patel (2012), "Formative assessment: concept and understanding" Vol No,1 ISSN 2277-7733

ONA TILI DARSLARIDA SCAFFOLDING METODINI FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Bazarbayeva Ulbolsin Bazarbay kizi

70110501 - “Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang’ich ta’lim)” mutaxassisligi 2 - bosqich magistranti.

Nukus davlat pedagogika instituti, O‘zbekiston

Annotatsiya: Maqolada boshlang’ich sinflarda o‘qitishning eng samarali usullaridan biri bo‘lgan “Skaffolding” metodini dars jarayonida qo‘llash va uning qanchalik samaradorligi haqida bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: Skaffolding, metod, boshlang’ich sinf, texnika, ona tili, ko‘nikma, bilim.

ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА СКАФФOLDING НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА

Базарбаева Улбосын Базарбай кызы

70110501 - Магистрант 2 - курса по специальности «Теория и методика образования и воспитания (Начальное образование)»

*Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В статье рассказывается о применении в процессе урока одного из самых эффективных методов обучения в начальных классах - метода “Скаффолдинг”.

Ключевые слова: Скаффолдинг, метод, начальный класс, техника, родной язык, навыки, знания.

THE IMPORTANCE OF USING THE SCAFFOLDING METHOD IN THE LESSONS OF THE NATIVE LANGUAGE

Bazarbayeva Ulbolsin Bazarbay kizi

70110501 - Master’s student of the 2nd year in the specialty of “Theory and Methods of Education and Upbringing (Primary Education)” Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Annotation: The article describes the application of one of the most effective teaching methods in primary school - the method of “Skaffolding” in the course of the lesson.

Keywords: Skaffolding, method, elementary education, technique, native language, skills, knowledge.

Bugungi yangi O‘zbekistonda ta’lim sohasida yuz berayotgan

o'zgarishlardan, yoshlarga yaratilgan imkoniyatlardan unumli foydalana olish, chet el tajribalarini o'rganish va uni amaliyotga joriy etish, ilim-fan sohasini yanada rivojlantirish kabi ahamiyatli vazifalar bugungi kunning dolzarb muommolariga aylanmoqda. Shuningdek, maktablardagi ta'lim tizimini yangilash, bugungi kun talablariga javob beradigan innovacion darslik yaratish, yangi metod va usullarni dars jarayonida qo'llash, bolalarning sifatli bilim olishiga yordam berishga xizmat qiladi.

Jamiyatimizda o'qituvchi - ustozlarning obro'sini oshirish, ularning mehnatlarini munosib baholash, hurmatli kasb egalari sifatida tan olish, ularni munosib rag'batlantirish, ta'lim tizimini yangi bosqichga olib chiqish maqsadida, 2020-yilning 6-noyabr kuni "O'zbekistonning yangi rivojlanish davrida ta'lim-tarbiya va ilm sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6108-sonli Prezident Farmoni qabul qilindi va u chin ma'noda mamlakatimizning pedagog martabasini ko'tarish va ta'lim-tarbiya tizimini rivojlantirish bo'yicha ishlarning amaliy ifodasi bo'ldi [1].

Prezidentimiz o'z bayonotida „Maktabda o'qitish metodikasi o'zgarmasa, ta'lim sifati ham, mazmuni ham o'zgarmaydi,-deb aytib o'tgan edi [2].

Bugungi kungacha o'qituvchilar ta'lim tizimida bir qancha usullarni qo'llab kelishmoqda. To'g'ri, biz qo'llab kelgan usullar yoshlarimizda o'z natijasini yomon ko'rsatgani yo'q. Binobarin, ilg'or mamlakatlar qatoridan o'rin olish uchun bu metod usullar yetarli emas. Hozirgi texnologiya davrida bolalarning ongi, o'ylashi, fikr yuritishi ancha yuqori darajada rivojlanib kelmoqda.

Zamonaviy dars berish metodlaridan asosiysi interaktiv metodlar bo'lib, o'qituvchi bilan o'quvchi birgalikda harakat etadi, o'quvchi mustaqil fikrlay olishga yo'naltiriladi. Ana shunday metodlardan biri scaffolding metodi bo'lib hisoblanadi. Scaffolding bu – bilim berish jarayonida ishtirokchilar orasidagi o'zaro ishonishga asoslangan hamkorlik bo'lib, o'quvchining vazifalarni o'qituvchining yordamida bajarishi bo'lib hisoblanadi. Scaffolding metodining ahamiyatli tarafi shunda, o'quvchi berilgan bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirib olgandan keyin, bu yordam asta-sekinlik bilan olib tashlanadi va o'quvchi mustaqil fikrlay olish qobiliyatiga ega bo'ladi.

“Scaffolding” nazariyasi birinchi marta 1950-yillarning oxirida kognitiv-psixolog Jerom Bruner tomonidan kiritilgan. “Scaffolding” so'zi ingliz tilidan olingan bo'lib, qurilishlarda devor yoniga yog'och yoki metalldan qavat-qavat qilib ishlangan “narvon”, “iskala” degan ma'noni anglatadi. Gibbons (2002-yil)ning ta'kidlashicha, “iskala” binoni qurish yoki ta'mirlash vaqtida o'rnatilayotgan vaqtinchalik inshootdir. Bruner (2002) ham Wud Gibbonsning fikrlarini qo'llab quvvatlagan holda, “iskala” tom ma'noda odatda bino atrofida joylashtirilgan har qanday narsa uchun ishlatiladigan atamadir deb ta'kidlaydi. Binoni qurishda vaqtinchalik inshoot sifatida

foydalaniladi. Boshqacha qilib aytganda, bino o‘zini qo‘llab-quvvatlashga qodir bo‘lishi bilanoq, iskala olib tashlanadi. Iskala vaqtinchalik, ammo binoning muvaffaqiyatli qurilishi uchun zarurdir [3].

Olimlar scaffolding texnologiyasining besh asosiy xossalarini aniqladi: harakatlarning niyatlilik, harakatlarning maqsadga muvofiqligi, harakatlar tuzilishi, vazifalarni bajarish jarayonidagi hamkorlik, naturalizatsiya (o‘rganish) harakatlar [4].

Scaffolding har xil texnikalardan foydalanishni qamrab oladi :

1. Katta ishni kichikroqlarga bo‘lish;
2. “Baland ovozda fikrlash” taktikasini qo‘llash, ya’ni talabalar tomonidan aytilishi yoki ovoz berish topshiriq bajarilgandan keyin uning ustida o‘ylash jarayoni;
3. O‘quvchilarning guruhdagi birgalikdagi hamkorligi va guruh a’zolari o‘rtasidagi dialog;
4. O‘qituvchining maqsadli «belgilari» (savollar yoki visual belgilar) [4].

1983 yilda Artur Applebi va Judit Lenger bu tamoyillarni besh scaffolding kriteriyalari bilan quyidagicha ko‘rsatadi :

1. Maqsadlilik: vazifa aniq maqsadni egallashi kerak, unga muvofiq talabning harakatlari yo‘naltiriladi.
2. Tegishlilik: vazifa mustaqil yechish uchun yetarlicha qiyin bo‘lishi kerak, biroq o‘qituvchining yordami bilan talabning harakatlariga bo‘ysunishi kerak.
3. Strukturaviy: vazifa shunday tuzilishi kerak, o‘quvchi fikrlarining tabiiy oqimiga yordam beradi, uni to‘g‘ri yechimga yo‘naltiradi.
4. Hamkorlik: Talaba o‘qituvchini baholovchi nazoratchi sifatida emas, balki hamkorlik etuvchi sifatida qabul qilishi zarur.
5. Internalizatsiya: bilim va ko‘nikmalar talaba tomonidan o‘zlashtirilganidan keyin, tashqari “rekvizitlar” oz-ozdan olib tashlanishi kerak [5].

1975-yilda Brunerning hamkasbi Devid Vud Devid Middlton bilan hamkorlikda iskala qurishga o‘xshash jarayonni tasvirlaydigan qog‘ozni nashr etdi, Ushbu tadqiqotda onalar o‘z farzandlariga bloklarni qanday yig‘ishni o‘rgatishadi. Onalari bilan tandem qurgan va ulardan maslahat olgan bolalar yolg‘iz qurganlarga qaraganda ancha murakkab tuzilmalarga ega bo‘lishdi. Eng muvaffaqiyatli bo‘lganlar, onalari bolaning vazifani qanchalik yaxshi bajarganiga qarab qo‘llab-quvvatlash strategiyasini o‘zgartirgan bolalar edi. Ish osonlashganda, yordam minimal bo‘lib qoldi. Bolalar qiyinchiliklarga duch kelganda, onalarga aniqroq ko‘rsatmalar berdi yoki vazifani qanday bajarish kerakligi ko‘rsatildi [6].

Shunday qilib, scaffolding texnologiyasi faqat o‘quvchilarga emas, ba’lki o‘qituvchilarga ham yordam berishi mumkin. Bu metodika o‘quvchilar

bilimini nazorat qilishga asoslanadi, ya'ni o'qituvchi o'quvchilarning muvaffaqiyatli bo'lishini va o'qish jarayonidagi maxsus bir o'zgarishlarga vaqtida javob berishi mumkin.

Darslarda o'qish materiallari o'quvchilarga qiyin bo'lmasligi uchun ularni bo'laklarga bo'lib o'qitish kerak bo'ladi. Masalan, agar siz o'qishni o'rgatish uchun yordamchi so'zlardan foydalansangiz, dastlab lug'aviy so'zlar haqida gaplashgandan keyin hikoyada nima bo'layotganligini tahlil qilasiz. Kalit so'zlar o'quvchilarga yangi narsani o'zlashtirishga yordam beradi.

Scaffolding metodini boshlang'ich sinfning hamma sinflarida qo'llasak bo'ladi. Sababi, boshlang'ich sinf o'quvchilari hali yangi narsani o'rganishga qiynaladi va bunda o'qituvchining o'rni beqiyosdir. Ayniqsa, 1-sinf o'quvchilari o'qish, yozishga qiynalishadi va shuning uchun o'qituvchi ularga ko'p yordam beradi. 2-sinfda ham yil boshida o'qituvchi yordam beradi, keyin o'zi mustaqil yozib, o'qiy boshlaydi. 3-4-sinf bo'lganlarida bu yordam kamayib bora beradi. Chunki endi ularga qo'lidan ushlab yozdirishni, bo'lib-bo'lib o'qitishni hojati yo'q, faqatgina yangi mavzu bo'yicha tushuncha berish va ko'rsatish kifoya.

Boshlang'ich sinflarning ona tili darslarida scaffolding metodini qo'llanish usullarini quyidagicha keltirib o'tamiz.

Masalan, 1-sinf Ona tili darsligida "Juwán hám jínishke dawıslı sesler" mavzusida mashqlar berilgan. Bu mashqlar 19-sahifadan 22-sahifalarni o'z ichiga oladi.

2-shınıǵıw. Kóp noqattıń ornına tiyisli sózlerdi qoyıp, gáplerdi kóshiriń.

... ádepli oqıwshı. Ol berilgen tapsırmanı ..., sabaqtan qalmaydı. Barlıq sabaǵınan ... oqıydı. Úkesin jubatadı, tawıqqa ... saladı. Buzawǵa ... beredi.

Kerekli sózler: dán, Amangúl, jaqsı, orınlaydı, suw [7, 20].

3-shınıǵıw. Sózlerdi kóshirip, jínishke dawıslı seslerdiń astın sızıń.

Qoyan, qoy, qozı, túye, pıshıq, úyrek, buzaw, ılaq, sıyır, eshki, kúshik, gójek, tayınshaq [7, 20-21].

7-shınıǵıw. Tómenдеги sózlerdegi a háribiniń ornına á háribin, o háribiniń ornına ó háribin qoyıp, kóshirip jazıń.

San-s...n, soz-s...z, tol-t...l.

Bol-b...l, ot-...t, tor-t...r.

Úlgi: san-sán, ot-ót[7, 22].

1-sinf o'quvchilari yozishni va o'qishni to'liq o'zlashtira olmaganligi sababli, o'qituvchi o'quvchilarga mashqlarni yozishiga yordam beradi. 2- mashqda berilgan kerakli so'zlar orqali scaffolding metodi qo'llanilgan bo'lsa, 3-mashqda o'qituvchining o'zi o'quvchilarga yordamni taklif etadi. Ya'ni o'quvchilarga berilgan topshiriqning unli tovushlarni yozib ko'rsatadi.

2-sinf ona tili darsligida "Zattıń is-harakatin bildiretuǵın sózler" mavzusida 84-sahifadan boshlab, 89-sahifagacha mashqlar berilgan.

176 - shınıǵıw. Kóp noqattıń ornına kerekli sózlerdi qoyıp kóshiriń.

Kún jarqıradı. Samal Suw Qońıraw Búlbúl Jawın
Tasbaqa Úyrek

Kerekli sózler: aǵadı, sayraydı, esedi, shınıǵırlaydı, tırbańlaydı, jawadı, júzedi[8, 85].

177- shınıǵıw. Berilgen sózler járdeminde birneshe gápler qurap aytıp berin[8].

Oradı, aydaydı, aytadı, suwǵaradı, teredi, ushadı, sekiredi, ońlaydı, boyaydı, tigatedi, sıbaydı.

Úlgi: Tal ósedi [8,].

2-sinf o‘quvchilari bu mashqlarni bajarishda o‘qituvchining yordamiga tayangan holda, mavzularni o‘zlashtirib boradilar. O‘qituvchi qandaydir bir yordamni taklif qilganidan keyin, o‘quvchilar asta - sekinlik bilan vazifalarni mustaqil yoza boshlaydi.

3 - sinf ona tili darslarida “Sóz túrlewshi qosımtalar” mavzusi berilgan. Bu mavzudagi mashqlarni ko‘rib chiqamiz.

101 - shınıǵıw. Kóp noqattıń ornına tiyisli qosımtalardı qoyıp, kóshirip jazıń.

Men... ana... mektep... muǵallım bolıp isleydi. Bos waqıtlarda ol bizler... qızıqlı kitap... oqıp beredi. Áke... mektep... esapshı. Úke... oqıwshı.

Kerekli qosımtalar: -in, -m, -te, -ı, -ge, -lar[9,42].

104-shınıǵıw. Kóp noqattıń ornına tiyisli qosımtalardı qoyıp, kóshirip jazıń. Qosımtalardıń xızmetin túsindirin.

Shaxsanem men... eń jaqın dostım. Biz... bir klas... oqıymız. Úyler... de jaqın. Onıń ana... shıpa... . Awıl... emlew...da isleydi [9].

104 - mashqda kerakli qo‘shimchalar berilmaganligi sababli, o‘quvchilarga o‘qituvchining o‘zi namuna ko‘rsatib yozib beradi. 3- sinf o‘quvchilarida mashqlarni mustaqil ishlashga ko‘nikmalar shakllanib boradi.

4 - sinf ona tili darsligida “Ataw sepligi” mavzusiga 73-sahifadan boshlab, 74-sahifagacha mashqlar berilgan. Ulardan bir nechtasini ko‘rib chiqamiz.

155 - shınıǵıw. Kóp noqattıń ornına ataw sepliginde turǵan atlıq sózlerdin tiyislin qoyıp, kóshirip jazıń.

1... - densawlıqtıń saqshıları. 2 ... - o‘quvchilardıń tereń bilim alıwdaǵı eń jaqın dostı, aqılǵóyi va járdemshisi. 3. ... jumısqa ketti. 4. ... sabaqqa kirdi. 5. Kóshe boyında ósip turǵan ... hawanı tazartadı, dem alıwdı jaqsılaydı.

Kerekli sózler: kitap, muǵallım, terekler, aǵam, shıpakerler [10, 73-74].

157-shınıǵıw. Kóshirip jazıp, ataw sepliginde turǵan sózlerdin astın sızın.

1.Oqıwshı barlıq jerde tártipli bolıp júriwi tiyis. 2. Mekteptin dógeresine hár túrli güller egilgen. 3. Tazagúl taxtaǵa shıqtı. 4. Mektep – bilim orayı.

Úlgi: Qalın qar jawdı. (qar-ne?)[10].

4 - sinf o‘quvchilari mashqlarni o‘zlari mustaqil bajara oladilar. O‘qituvchi faqat yangi mavzularni o‘tgan vaqtlarida ularga yordam beradi. O‘quvchilar

yangi narsani o‘zlashtirib olgandan keyin, o‘qituvchi tomonidan berilgan yordam kamayib yoki butkul yo‘qolib boradi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlab o‘tish joyizki, o‘qituvchilar sinfdagi barcha o‘quvchilarning mavzuni birdek o‘rganishi, yangi mavzularni to‘g‘ri tushungan holda eslab qolishi uchun turli metodlardan foydalanishadi, yuqoridagi misol, fikrlardan kelib chiqqan holda aytishimiz mumkinki boshlang‘ich sinf ona tili darslarida scaffolding metodini yanada ko‘proq qo‘llasak samarali natijalarga erishamiz.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yilning 6-noyabrdagi “O‘zbekistonning yangi rivojlanish davrida ta’lim-tarbiya va ilm sohalarini rivojlantirish choralari haqida”gi PF 6108-sonli Farmoni <https://lex.uz/docs/508599>

2. Prezidentimizning 2020-yil 30-oktabrdagi Mamlakatimizda ta’lim-tarbiya tizimini shakllantirish, ilm-fan sohasi rivojini tezlashtirish masalalari muhokamasi bo‘yicha bo‘lib o‘tgan videoselektor yig‘ilishi <https://yuz.uz/uz/news/talim-tarbiya-tizimi-taraqqiyotning-yangi-bosqichi-muhokama-qilindi>

3. P. Gibbons, “Scaffolding language, scaffolding learning, 2015.

4. Hammond, J. / Gibbons, P., 2005 Putting scaffolding to work: The contribution of scaffolding in articulating ESL education. Prospect Vol. 20, No. 1 April 2005, 6-30.

5. Скаффолдинг в учебном процессе. <https://nitforyou.com/scaffolding/>

6. Скаффолдинг: что такое теория строительных лесов и как применять ее в обучении. <https://skillbox.ru/media/education/scaffolding-teoriya-stroitelnykh-lesov/>.

7. B. Qutlimuratov, G. Qutlimuratova “Ana tili” 1-klass ushın sabaqlıq. Nókis “Bilim” 2019

8. B. Qutlimuratov, Q. Xojamuratova, G. Qutlimuratova “Ana tili” 2-klass ushın sabaqlıq. Nókis Qaraqalpaqstan 2018.

9. E. Dáwenov, J. Usanova, X. Abdijabbarova “Ana tili” 3-klass ushın sabaqlıq. Nókis Qaraqalpaqstan 2019.

10. E. Dáwenov, M. Qudaybergenov, J. Usanova “Ana til” 4-klass ushın sabaqlıq. Nókis Qaraqalpaqstan 2017.

BOSHLANG'ICH SINIF ONA TILI TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH

Berdibayeva Aymira Naurizbayevna

Boshlang'ich ta'lim kafedrsi o'qituvchisi.

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, O'zbekiston

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarining kreativ tafakkurini oshirishning dolzarb masalalari haqida so'z yuritilgan bo'lib, pedagogik faoliyatda boshlang'ich sinf o'qituvchisining o'quvchilar bilan ishlashidagi amaliy natijalar va ularni amalga oshirishni o'ziga xos xususiyatlari haqida axborot berilgan.

Kalit so'zlar: Kreativlik, fikrlash, piza testlar, metodika, pedagogik.

РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ РОДНОЙ ЯЗЫК ОБУЧЕНИЯ

Бердибаева Аймира Наурызбаевна

Преподаватель кафедры начального образования.

*Нукусского государственного педагогического института,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье говорится об актуальных вопросах повышения творческого мышления учащихся начальных классов, практических результатах работы учителя начальных классов с учащимися в педагогической деятельности и особенностях их реализации.

Ключевые слова: Креативность, мышление, пицца-тесты, методика, педагогика.

DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE THINKING IN PRIMARY CLASS MOTHER LANGUAGE EDUCATION

Berdibayeva Aymira Naurizbayevna

Teacher of the primary education department.

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyoz, Uzbekistan

Abstract: This article talks about the actual issues of increasing the creative thinking of elementary school students, the practical results of the elementary school teacher's work with students in pedagogical activities and the specific features of their implementation. information is provided.

Key words: Creativity, thinking, pizza tests, methodology, pedagogy.

Yurtimizda olib borilayotgan islohotlarning amaliy samarasi o'laroq boshlang'ich sinf o'quvchilarining turli xil o'yinlar, qolaversa ko'ngilochar musobaqalar va oquv metodlarini tashkil etish ahamiyatli hisoblanadi. Oliy ta'lim markazlari bilan hamkorlikda boshlang'ich sinf o'quvchilarining turli ta'lim sohalarida bo'lgani kabi ona tili ta'limida ham oquvchilarning kreativ tafakkurini rivojlantirish borasida turli ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan: Shuni misollar tariqasida keltirish mumkinki, boshlang'ich sinf o'quvchilarining dastlabki ta'limi ya'ni birinchi sinf o'quvchilari uchun alifbo va o'qish kitoblar ona tili ta'lim kitoblarda kreativlikni oshirish maqsadida turli xil ko'ngilochar o'yinlar ularning zerikmasliklarini ta'minlash, darsga qiziqishlari va darsning mohiyatini oshirish darsga faolligini ta'minlash maqsadida turli xil audiorolliklar,

Videoroliklar bilan birgalikda tarqatma materiallar, ko'rgazmali qurollar bilan darsning samaradorligini oshirish yuzasidan olib borilayotgan ishlarning samarasi bugun kunda o'z natijasini berib kelmoqda. E'tibor qaratamiz to'rtinchi sinf ya'ni boshlang'ich sinf o'quvchilarining ikkinchi, to'rtinchi sinflarining ona tili ta'limida olib borilayotgan rivojlanish va integratsiyalashtirish ishlarini va tafakkurini rivojlantirishdagi turli ijobiy g'oyalar qanday usulda amalga oshirilmoqda degan savolga quyidagicha javob berish mumkin. Bunda boshlang'ich sinf ona tili kitobidan mashqlar bilan birgalikda ya'ni o'quvchi-yoshlarning fikrlashini dunyoqarashini oshirishda intellektual salohiyatini yanada oshirishga qaratilgan mashqlarning berilishi bu albatta yaxshidir. "Boshlang'ich sinf o'quvchilarida shunday bir xodisa kuzatiladiki, ular fikrlashga, dunyoqarashni oshirishga bo'lgan e'tiborning mavjudligini o'zlari sezmasliklari mumkin, biroq o'qish kitoblari va boshqa kitoblardan ona tili ta'limi kitoblarda ushbu narsa yaqqol ajralib turadi"[1].

Misol tariqasida - mavzu sifatida tanlangan obyekt va sub'ekt ortasidagi mulohazalarga e'tibor qaratib ko'ramiz. Buning uchun siz ona tili kitobining mavzulardan birida "Nutqimiz til ko'rki" mavzusi berilgan, bunda faqatgina mashq va qoidalaridan iboratgina yondashuv bo'libgina qolmay bundan tashqari sur'atlarning ham berilishi ya'ni bundan maqsad kreativ yondashishdan asosiy - g'oyaviy maqsad shundan iboratki oquvchilarning su'ratga qarab birqancha o'quvchilar yoki do'stlar bilan suhbatlashish turganligi namunasini keltirish mumkin.

Bundan tashqari kuz manzaralari degan mavzu o'tilyapti, unda suratning kuz holati tasvirlanishi va bu orqali kuzda qilinadigan ishlar ya'ni mevalarning terib olinishi, kuzda qilinadigan ishlar, daraxtlarning barglarining sarg'ayishi, sovuqning kuzatilishi va ulardagi sifatlar bilan o'quvchining tasavvur qobiliyati yanada rivojlanadi. Bu oz-ozidan kreativ fikrlashga, so'zlovchining so'zlash qobiliyatini oshirishga yordam beradi. Misol uchun siz ona tili kitobida mashqlarning birida kelgan daraxt rasmni korsating iz, bunda

oquvchilar daraxtning hajmini, katta yoki kichikligi bundan tashqari daraxt tanasining rangi, barglarining kuzdagi rangi tasvirlanadi. Bunda albatta yaxshi amallar ko‘rish mumkin. Qo‘shimcha tariqasida shuni aytish mumkinki, o‘quvchilarning boshlang‘ich ta‘limi shunday bir xodisa kuzatilaki, bunda asosan mantiqiylikka urg‘u beriladi ya‘ni shunday bir hodisalar va mashqlarda keladigan yoki gaplar beriladiki, ularning orasida ochiq joylarning tashlab ketilishi (ko‘p nuqtalar nazarda tutilyapti) va shu ochiqlik o‘rniga muqobil so‘zning qo‘yilishi talab qilinadi. “Kundalik turmush tarzimizda ishlatadigan so‘zlarni qo‘llay olish qobiliyatidan kelib chiqib ya‘ni uslublar doirasidan albatta chiqib ketmagan holatda uslubiy xolislikni saqlagan holatda shunday yondashuv haqida aytib o‘tish va qolaversa undan samarali foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi” [2].

Endi o‘z o‘rnida shuni ham aytib o‘tish lozimki, o‘qituvchining ya‘nk pedagog oquvchilarga nisbatan ularning fikrlarni bilgan va ular bilan mulohaza yuritgani holatda ular bilan yondashgan tarzda metodlardan foydalanishi albatta o‘rinlidir. Bajarilayotgan amaliyotning har tomonlama intellektual salohiyatini oshirishda ularning dunyoqarashi, fikrlashiga mos mavzularning tanlanishi ham albatta yaxshi va bu borada oliy ta‘lim muassasalarida shunday ko‘nikmalar borki, mavzularning mustahkamlanishida yoki takrorlash darslarida pedagoglarning o‘quvchilari bilan hamkorlikda ishlashini amalga oshirishda ularning har qanday mavzu yuzasidan suhbat qurishni istab turgan ekanliklari, ularga qaysi mavzu yuzasidan olib boriladigan mashqlar, savol-javoblar, test topshiriqlari tanlash va bajarish qobiliyatining erkinligi qarab qanday mavzu tanlash kerakligi ular bilan muhokama qilinadi va sarlovha sifatida qoyiladi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari bilan ishlatadigan pedagoglar asosan ikkita narsaga e‘tibor qaratishlari lozim. Birinchisi shaxsiy rivojlanishni ta‘minlovchi ko‘nikmalar va kreativ yondashuv ikkinchisi - jamoaviy tarzda yondashish va rivojlanishini ta‘minlaydigan metod va uslublar prinsiplaridan foydalanishni afzal ko‘rishadi. Bundan tashqari bolalarda o‘ziga xos yondashuvni tashkil etish va ulanishning turli natijalarini berilishi ular o‘rtasida o‘zini takomillashtirishga xizmat qilib shaxsiy rivojlantirish yoki jamoaviy rivojlantirishning turli bir qancha korsatmalari, tamoyillarida namoyon bo‘ladi.

“Dars davomida savollar yoki javoblar bilan rag‘batlantirish ularni doimiy ravishda qo‘llab-quvvatlash hamda buning natijasida maktab o‘quvchilarda o‘ziga bo‘lgan ishonchning ortishiga olib keladi. Bunga qo‘shimcha tarzda aytish mumkinki, bolalarning shaxsi ya‘ni mustaqil ravishda mashqlarni bajarishi mustaqil ravishda fikrlashi ish faoliyatini tashkil etish, ta‘minlash ham albatta katta natijalarga olib keladi va bu maktab boshlang‘ich o‘quvchilarning kelajakdagi jamiyat va shaxs faoliyatiga nisbatan shaxsiy javobgarlikning shakllanish bosqichlarini ta‘minlab berishda asosiy dasturiy

manba bo‘lib xizmat qilishi bu hech birimizga sir emas” [3].

Bolalarning o‘zaro yoki jamoaviy mustaqil faoliyatini tashkil etish va ularga har tomonlama yordam berishini shakllantirish lozim. Bolalarning qiziqishlarini inobatga olgan holatlar da ularga o‘zlari uchun qiziq bolgan mavzular doirasida mashqlar berilishi, misol uchun: biror bir narsalar yasab kelish, biror rasmlarni chizib kelishi mumkin va hatto shunday mashqlar doirasida bolalar bilan ishlash va albatta ularning rivojlanishlari predmeti konstruktivlik, kommunikativlik xususiyatlarini oshirishda albatta o‘ziga xos manba bo‘lib xizmat qiladi. Bundan tashqari bir necha omillar borki, bola shaxsiyatida rivojlanishining kreativ bosqichlarini ochib berishda, o‘zini rivojlantirishda, turlarga uchrashishga yordam beradigan mana shu narsalardan qochish lozim. Bolalarda shakllanayotgan fikrda ikkilamchilik ya‘ni tavakkaldan qo‘rqish, muqobil javobni olsammikan yoki boshqa bir javobda qolgani ma‘qul. Ikkilamchilikdan qochishni shakllantirish, yigitlar va qizlar o‘rtasida boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ortasida muomala madaniyatini shakllantirish, ular o‘rtasida hurmatsizlikdan qochishga, ular o‘rtasida bir-biriga hurmat va shaxsiy fikrlarni muhokama qilish, hurmat qilish tamoyillarini shakllantirish katta asosiy dasturiy manbalarni yaratib beradi. Quidagilarga e‘tibor qaratamiz:

1. Boshlang‘ich ta‘lim ona tili darsliklarining jahon standartlariga mos kelishi bilan birgalikda o‘quvchilar o‘zlashirishiga muvofiqlashtirilgan bo‘lishi lozimligi;

2. Boshlang‘ich ta‘lim ona tili darsliklarining tarkibida piza testlar, mantiqiy mashqlar, boshqotirmalar sinf mavjud bo‘lishi;

3. Boshlang‘ich ta‘lim ona tili darsliklarining tarkibiy qismlari tuzilish jihatidan har tomonlama ijobiylikni tashkil etishi va o‘ziga xos bo‘lishi;

4. Boshlang‘ich ta‘lim ona tili darsliklarining muvofiqlashtiruvchi kengash va oliy ta‘lim vazirliklarining tavsiyasi asosida chop etilishi;

5. Boshlang‘ich ta‘lim ona tili darslarining tashkil etilishida o‘qituvchi va o‘quvchi hamkorligini ta‘minlashning o‘ziga xos xususiyatlari.

“Maktab darsliklarining boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun ona tili kitoblarda shunday bir mashqlar berilganki, bunda yakka shaxs fikrlashi, dunyoqarashining shaxs fantaziyasining yuqori bosqichlarni shakllantirishda xizmat qiluvchi mashqlar vauning berilishi ham albatta bu yaxshi biroq, boshqalarga qaraganda shaxsning dunyoqarashi shakllanishi bilan jamoaviy shakllanish o‘rtasida tafovutning yuzaga kelmasligini ta‘minlash lozim”[4].

Har qanday holatda ham har qanday holatda ham ularning krativ dunyoqarashini shakllantirish, ularga yutuqlarga erishishlarida maslahatlar berish, shaxsiy dunyoqarashi shakllantirish borasida salmoqli vazifalar belgilanib olinadi. Maktab o‘quvchilarining boshlang‘ich ona tili kitoblarida keng yoritib berilgan, yaqinda ashrdan chiqqan yangi ona tili kitoblarida

boshlang'ich sinf o'quvchilarining ushbu darsliklari jahon andozalarning asosiy normalariga mos kelishi kuzatiladi. O'quvchilarning o'zaro bir-biri bilan hamjihatlikda hamkorlikda ishlashining rivojlanishiga olib keladi va ularning natijalari o'laroq sarhisob qilinadi. Ona tili darsliklarda berilgan mashqlar yoki adabiyotlar umuman olganda, topshiriqlarning tahliliy natijaga tortilishi hamda ular o'rtasidagi munozara va muzokaralarning natijalari inobatga olinadi. Ta'lim tizimida yangi mazmuning turli tmoyilligi ya'ni biz tog'ri fikrlash yoki so'zlay olish asosida mana shu fikrlashda xatoliklarga yo'l qo'ymasligimiz zarur. Tamoyillar fikrlashlar albatta kreativlikning yangi boshqacha yog'imdan ishda yordam beradi. Bunda mashqlar asosida mavzular doirasida fikrlash qobiliyatini oshirish borasida o'quvchilarga so'zlarning muqobilini tanlash, o'zlari gaplar tuzish kabi topshiriqlarni berish lozim va albatta maqsadga muvofiq boladi. O'qituvchilar hamkorligi mana shunday mustaqil ijodiy faoliyati natijasida tashkil etiladigan bo'lsa yaxshi natijalar kuzatiladi ya'ni bunda oqituvchi kreativ yondoshgan holatda o'z quvchisini kashf etishi lozim. Ushbu holatda boshlang'ich sinf o'quvchilarning faoliyatini ta'minlash ular ortasidagi kreativlikni yaratishga zamin hozirlash bu pedagogning vazifasi hisoblanadi. Kreativlikni shakllantirishda asosiy dasturiy manbalar quyidagilardan iborat:

- videoroliklar;
- audiorolliklar;
- piza testlar;
- mantiqiy misollar;
- fikrlashga qaratilgan mashqlar;
- shaxsiy erkinlik, shaxsiy fikr;
- shaxsiy yoki jamoaviy shakllanish.

“Haqiqatdan ham kashf etilayotgan o'quvchi o'qituvchining yutug'i demakdir. Ana shu jarayoniga etarlicha e'tibor qaratish lozimki, boshlang'ich tashkil etilgan ta'limda har bir sinf o'quvchisining odatiy kundalik turmush sharoitida yetarlicha o'rin qoldira oladigan ta'limning boshlanish ta'limda ahamiyatli hodisadir. Shuning uchun boshlang'ich talimda olgan bilimni kelajakda ham qo'llay olishi, hayoti davomida unga foydasi tegishini unutmaslik lozim. Shu boisdan ham o'quvchi kreativ bo'lishga intiladi, oddiylikdan jamoaviylikfan qochgan holatda boshqacha yondashish, ozgachalik o'ziga xoslik sezilib turadi va bu albatta samaradorlikni shakllantirishda katta xizmat qiladi”. [5].

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tish mumkinki, boshlang'ich sinf o'quvchilarning ona tili ta'lim darslarida kreativ tivojlanishlarini shakllantirish bosqichlari albatta birinchi sinfdan boshlanib to'rtinchi beshinchi sinf gacha davom etadi. Bunday o'qituvchi ya'ni tajribali pedagog o'z o'quvchisining birinchi sinf ekanligidan to'rtinchi sinf bo'lguniga qadar qanday yo'nalishda



yoki qanday sohaga nisbatan qiziqishining e'tiborga molik xususiyatlarni aniqlashga erishish va bunda ona tili ta'lim mashqlari davomiyligida shaxsiy rivojlanish jamoaviy rivojlanish shaxsiy dunyoqarashni oshirishda lozim bo'ladigan mashqlar fikrlashga, so'zlash qobiliyatiga molik savol-javoblar, davra suhbatlarini shakllantirish, pedagoglarning o'quvchilari bilan birga rivojlanishda dasturiy manba bo'ladi va ushbu manbalar asosida boshlang'ich ta'lim ona tili o'qish kitoblarining ham mavjud ekanligi tahsinga sazovor.

ADABIYOTLAR

1. Mirziyoyev SH.M “Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz”. Toshkent - 2017.
2. “Pedagogik kompetentlilik va kreativlik asoslar” moduli bo'yicha o'quv - uslubiy qo'llanma. Toshkent - 2015.
3. Jo'rayev P.X., Raximov B.X., Xolmatov Sh.F “Yangi pedagogik texnologiyalar. Muammoli ta'limga asoslangan o'quv - metodik qo'llanma”. Toshkent - 2005.
4. Azizov. B “Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari”. Ped. fan. dok... dis. – Toshkent – 2003.
5. Aliyev. A “O'quvchilarning ijodkorlik qobiliyati”. – Toshkent – 1991.

**BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING O'QUV
MALAKASINI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYASI***Jadigerova Gulnaz Nietbaevna**70110501 - "Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim)" mutaxassisligi 2-bosqich magistranti.**Nukus davlat pedagogika instituti, O'zbekiston*

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarining aqliy faoliyatini shakllantirish usullari ko'rib chiqiladi. Boshlang'ich ta'limda qo'llaniladigan metodlar izohlanadi. Boshlang'ich sinflarda o'quv darslarini olib borishdagi pedagogik texnologiyalar haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: Intellekt, qobiliyat, metod, pedagogik texnologiya, didaktik o'yin, ifodali o'qish.

**ТЕХНОЛОГИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У
УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ***Джадигерова Гульназ Ниетбаевна**70110501 - магистрант 2 ступени специальности "Теория и методика образования и обучения (начальное образование)".**Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье рассматриваются методы формирования мыслительной деятельности учащихся начальных классов. Объясняются методы, применяемые в начальном образовании, обсуждаются педагогические технологии проведения уроков в начальных классах.

Ключевые слова: Интеллект, способность, метод, педагогическая технология, дидактическая игра, выразительное чтение.

**TECHNOLOGY OF EDUCATIONAL COMPETENCIES OF
PRIMARY CLASS STUDENTS***Jadigerova Gulnaz Nietbaevna**70110501 - Master's student of the 2nd stage of the specialty "Theory and Methodology of Education and Training (Primary Education)".**Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Abstract: This article examines the methods of forming the mental activity of primary school students. The methods used in primary education are explained. The pedagogical technologies for conducting educational classes in primary classes are discussed.

Key words: Intellect, ability, method, pedagogical technology, didactic game, expressive reading.

Mustaqillikka erishganimizdan so‘ng mamlakatimizda jamiyat hayotini tubdan o‘zgartirish bo‘yicha qator chora - tadbirlar amalga oshirilmoqda. Iqtisodiyot, turizm, sog‘liqni saqlash va ta‘lim tizimidagi islohotlar ham vatanimiz rivojiga sezilarli ta‘sir ko‘rsatmoqda. Ta‘lim tizimi mamlakatning buguni va ertangi kelajagini belgilaydigan asosiy tamoyillardan biri bo‘lib hisoblanadi. Ta‘lim sifati o‘quvchilarning bilim darajasini belgilaydi va ayni shu narsa kelajak uchun poydevor bo‘lib xizmat qiladi. Yigirma birinchi asr axborot kommunikatsiya davri bir qator sohalarga o‘z ta‘sirini ko‘rsatmoqda. Rivojlanish asrida kuzatilayotgan o‘zgarishlar shaxslarni jadallik bilan harakat qilishga undaydi. Chinakam oqilona ta‘lim ta‘lim oluvchining ongini ham xulqini ham o‘zgartiradi. Pedagogik faoliyat alohida va murakkab mehnat turi sifatida ahamiyatlidir. Ayniqsa, boshlang‘ich sinf o‘quvchilari jismonan va ruhan ancha nozik. Ularga dars jarayonlarini olib borish ham ancha mushkul [1].

Boshlang‘ich sinflar uchun bir qator me‘yoriy ko‘rsatkichlar belgilangan. O‘qish texnikasi bo‘yicha miqdoriy ko‘rsatkich 80-90 so‘zni tashkil etadi. Qo‘yiladigan asosiy talablar to‘g‘ri talaffuz qilish, so‘zlarni to‘g‘ri o‘qiy olish, tinish belgilariga e‘tibor berish. Bu jarayon ancha murakkab bo‘lib darsni o‘zlashtirmagan o‘quvchilar o‘qishga qiynaladi va yuqori sinfga o‘tgach bir qancha qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Boshlang‘ich sinfdan o‘qishni yaxshi o‘zlashtirmagan o‘quvchida yuqori sinflarda boshqa fanlar bilan bog‘liq muammolar paydo bo‘la boshlaydi. O‘qish texnikasi nutqni to‘liq shakllantiradi. Fikrlarni aniq tiniq shaklda ifoda qilishga xizmat qiladi. Boshlang‘ich ta‘lim shunday ahamiyatga egaki, bu davrda o‘quvchining ongi yuqori ko‘rsatkichlarga harakat qiladi. Ayni shu davrda bolaning o‘qish darajasi nisbatan yuqori bo‘ladi. Rasmi ma‘lumotlar, kreativ dars ishlanmalar o‘quvchining diqqat-e‘tiborini torta oladi. Shuning uchun ham dars jarayonini qiziqarli metodlar yordamida tashkil etish ancha foydali va o‘zining yuqori samaradorligi bilan ajralib turadi.

Ayni maktab davrida birinchi sinfga qadam qo‘ygan o‘quvchida bir qator o‘zgarishlar kuzatiladi. Shuning uchun ham pedagog kadrlar ehtiyotkoronalik bilan psixologik nuqtayi nazardan yondashishlari zarur. Boshlang‘ich ta‘lim me‘zonlarida o‘quvchilarning o‘qish malakasining alohida sifatleri va ijodiy fikrlash qobiliyati, o‘zini - o‘zi nazorat qila olishi, nutq madaniyatini shakllantirish, husnixat savodi kabi ko‘nikmalarni egallashlari qayd etib o‘tilgan.

Boshlang‘ich sinflar uchun asosiy darslik sifatida “O‘qish” kitobidan foydalaniladi. Bu kitobning asosiy vazifasi o‘quvchilarning tafakkur qobiliyatini oshirish, fikrlash doirasini kengaytirish, fikrlarni yozma tarzda

bayon eta olish, erkin muloqatda bo'lish ko'nikmalarini hosil qilishdan iborat. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'zlashtirish darajasiga pedagogik texnologiyalardagi usullar, vositalar ularni to'g'ri foydalanish ta'sir etadi. Avvalo, ta'lim jarayonini qiziqarli shaklda tashkil etish lozim. Bolaning diqqati chalg'isa, darsni o'zlashtirishda muammolar yuzaga keladi. Dars jarayonida turli o'yinlardan foydalanish katta ahamiyatga ega. Hozirgi davrda boshlang'ich ta'lim jarayonida o'quvchining yosh xususiyatlari, shaxsiy tabiati, intellektual darajasiga ko'ra didaktik o'yinlar metodi keng qo'llaniladi. Didaktik o'yinlar metodi o'quvchilarning dars jarayonidagi jadalligini oshirib beradi. Didaktik o'yinlarning bir necha turlari mavjud. Ularning asosiy turlariga intellektual va harakatli o'yinlarni kiritish mumkin. Bu o'yinlarning maqsadi o'quvchini aqliy harakatga undash, tafakkurni shakllantirish. Bundan tashqari bu o'yinlar o'quvchilarda aqliy, jismoniy, ma'naviy, axloqiy, psixologik ko'nikmalarni shakllantirib beradi. O'yin detallarini dars jarayoniga tadbiq etish o'quvchining diqqatini tortadi. O'quvchi o'ziga tanish narsalar yordamida o'zini erkin tuta boshlaydi. Didaktik o'yin turlarini tanlashda ishtirokchilarning tarkibiga, soniga va vaqtga e'tibor qaratish kerak. O'quvchi bu mashqlarni odatiy ko'nikma sifatida bajarishi kerak. Didaktik o'yinlarga dam olish yoki vaqt o'tkazish vositasi sifatida emas, ta'lim beruvchi aktiv faoliyat sifatida qarash lozim. Pedagogik texnologiyalarning afzalligi interfaol usullardan iborat ekanligidadir. O'qish jarayonini samarali tashkil etish borasida boshlang'ich sinflarda o'qish darsligini o'tish uchun ifodali o'qish metodidan foydalanish mumkin. Berilgan matnni to'g'ri va ohang jihatidan mukammal o'qish o'quvchining nutqiy madaniyatini rivojlantiradi. Shuningdek, ma'lum bir asarning mazmunini anglab yetishiga xizmat qiladi. Dars jarayoni avvalida o'quvchilarda motivni shakllantirish zarur ya'ni bu jarayonni o'tgan mavzular bo'yicha savollar yordamida mustahkamlash mumkin. To'g'ri javoblar uchun o'quvchini rag'batlantirish kerak. Buning uchun turli xil kartochkalar, o'quv qurollarini aks ettirgan buyumlardan foydalansa bo'ladi. O'quvchida motiv shakllangandan so'ng diqqat oshadi va u sizni e'tibor bilan tinglaydi. Pedagoglarda gapirish ohangi alohida ahamiyatga ega. Chunki ovozning balandlik darajasi, intonatsiya o'quvchidagi ruhiy holatlarni boshqaradi [2].

Ta'lim o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi hamkorlik asosida shakllanadigan jarayon. Bu bosqichda shaxs taraqqiy topadi. Dars jarayonida o'qituvchi o'z bilim va ko'nikmalarini amaliy mashg'ulotlar ko'rinishida oson va tez yetkazib bera oladi. Ta'limning maqsadi jamiyat ehtiyojlariga xizmat qilishdir. Ilg'or pedagogik texnologiyalar ta'lim samaradorligini oshiradi. Dars mashg'ulotlarida o'yinlarni tashkil etish topshiriqlarni takrorlash va mustahkamlashda ijobiy samara beradi. Dars jarayonlarida axborot vositalari kompyuter, slayd, video va audio ma'lumotlardan foydalanish hozirgi kundagi

asosiy prinsiplardan biri. Ayni shu jarayonga oid videotopishmoq metodini qo'llash ancha o'rinli. Bu metodda o'quvchiga tasviriy ifodalangan bir necha videoko'rinishlar namoyish etiladi. O'quvchilar kuzatishlari natijasida jarayonni izohlab beradi va daftarlariga ham belgilab olishadi. O'qituvchi bergan savollarga javob beradi. Boshlang'ich ta'limda rivojlantiruvchi dars sifatida "Multimedia – dars", "Slaydli dars", "Seminar dars" kabilarni qo'llash mumkin. Seminar dars o'quvchilarni mustaqil shug'ullanishga undaydi. O'qituvchi yo'naltiruvchi vazifasini bajaradi. Multimediali darslarda o'quv materiallari ko'rgazmali shaklda taqdim etiladi. Multimedia texnologiyalariga asoslangan darslarda axborotlar matn ko'rinishida emas animatsiya shaklida namoyon bo'ladi. Bu esa o'quvchilarda fanga bo'lgan qiziqish uyg'onishi, o'zlashtirish darajasining yuqori ko'rsatkichga yo'nalishiga sabab bo'ladi [3].

Xulosa o'rnida aytish joizki, boshlang'ich ta'lim o'quvchining ilk bilimlar poydevorini shakllantirib beradigan alohida bir tizim. Mana shu davrda atrof - muhit haqida, jamiyatda bo'layotgan voqea - hodisalar haqida boshlang'ich tasavvurlar yuzaga keladi. Pedagog kadrlar boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'quvchilarga har biriga individual tarzda yondashishi talab etiladi. Ayni davrda olingan bilimlar asosida butun bir kelajak yaratiladi. Bolalardagi bo'ladigan psixologik o'zgarishlarni to'g'ri qabul qilish lozim. Birinchi sinf o'quvchilari tabiatan o'zgacha xususiyatga ega bo'ladi. Ularda ayni vaqtda adaptatsiya jarayoni yuz beradi. Pedagoglar tomonidan qilingan har qanaqa qo'pollik o'quvchining ruhiy holatini o'zgartiradi.

Ta'lim jarayonini ko'proq o'yinlar bilan yaxlitlikda tashkil etish dars samaradorligini oshiradi. O'quvchilarda dars jarayoniga nisbatan ijobiy kayfiyatni shakllantiradi. Shuningdek dars sifatini kafolatlaydi. Ta'lim sifati ertangi kunni belgilaydi. Bugungi kunda pedagogika sohasida yangi metodlardan foydalanib dars jarayonini tashkil etish asosiy tamoyillardan biri bo'lib qolmaqda. Shu boisdan ham hozirgi davr o'qituvchilari uddaburon zamon bilan teng qadam tashlaydigan ilg'or kadr bo'lishi talab etiladi. Zero, ta'lim insoniyatning butun bashariyatning kelajagini belgilaydigan tushuncha.

ADABIYOTLAR

1. N.Azizxo'jayev "Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat" Toshkent-2006.
2. N.X.Avliyaqulov, N.N.Musayeva "Pedagogik texnologiyalar" Toshkent-2008.
3. J.Yo'ldoshev, S.Usmonov "Pedagogik texnologiya asoslari" Toshkent-2004.

XALQ OG‘ZAKI IJODI NAMUNALARI ASOSIDA BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINING MA‘NAVIY EHTIYOJINI SHAKLLANTIRISHNING SHART-SHAROITLARI

Esemuratova Turganbike Aytmuratovna

Matmuratova Guliston Kamalatdinovna

*Boshlang‘ich ta’lim fakulteti “Umumiy pedagogika va psixologiya”
kafedrası katta o‘qituvchilari.*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti.

Nukus shahri. O‘zbekiston Respublikasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada ma’naviyat, ruhiyat, mentalitet tushunchalariga keng ta’rif beriladi va boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida milliy qadriyatlarni egallashga bo‘lgan ehtiyojni shakllantirishning ilmiy pedagogik asoslarini belgilab berish, o‘quv-tarbiya jarayonida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida milliy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirishga xizmat qiladigan didaktik vositalarni aniqlash, o‘quvchilarda milliy qadriyatlarni egallashga bo‘lgan ehtiyojni shakllantirishga yo‘naltirilgan pedagogik tizimni vujudga keltirish kabilar yoritilgan.

Tayanch so‘zlar: Ma’naviyat, o‘qituvchi, o‘quvchi, pedagogik ta’sir ko‘rsatish, milliy-ma’naviy qadriyatlar, ma’naviy ehtiyoj.

УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ НА ПРИМЕРАХ НАРОДНОГО ТВОРЧЕСТВА

Есемуратова Турганбике Айтмуратовна

Матмуратова Гулистан Камалатдиновна

*Старшие преподаватели кафедры «Общая педагогика и
психология» факультета начального образования*

*Нукусского государственного педагогического института имени
Ажинияза. Город Нукус. Республика Узбекистан*

Аннотация: В данной статье широко определены понятия духовность, психика, mentalitet, а также определены научно-педагогические основы формирования потребности в овладении национальными ценностями у учащихся начальной школы, в образовательном процессе начальной школы, школьников. Определение дидактических средств, служащих для формирования у учащихся потребности в овладении национальными ценностями, создание педагогической системы, направленной на формирование у учащихся потребности в овладении национальными ценностями и др.

Ключевые слова: Духовность, учитель, ученик, педагогическое

воздействие, национально-духовные ценности, духовная потребность.

CONDITIONS FOR THE FORMATION OF THE SPIRITUAL NEEDS OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS ON THE EXAMPLES OF FOLK ART

Esemuratova Turganbike Aytmuratovna

Matmuratova Gulistan Kamalatdinovna

*Senior teachers of the Department of «General Pedagogy and
Psychology» of the Faculty of Primary Education of the Nukus State
Pedagogical Institute named after Ajiniyaz. The city of Nukus. Republic of
Uzbekistan*

Annotation: This article broadly defines the concepts of spirituality, psyche, mentality, and also defines the scientific and pedagogical foundations for the formation of the need for mastering national values among elementary school students, in the educational process of elementary school. schoolchildren “Determining the didactic means that serve to form the need for students to master national values, the creation of a pedagogical system aimed at shaping the need for students to master national values, etc.

Key words: Spirituality, teacher, student, pedagogical influence, national-spiritual values, spiritual need.

Kirish. Ma’naviyat tushunchasi tarkibiga kiradigan turli tushunchalar, o‘quv predmetlariaro munosabatlar orqali kengayib, boyib boradi. Insonning ma’naviy dunyosi hamda o‘ziga xosligi vujudga keladigan ma’naviy ehtiyojlarning asosini tashkil qiladi. Shuning uchun ham birinchi navbatda, o‘quvchilarda ma’naviy ehtiyojni vujudga keltiradigan manbalarni aniqlash lozim. Ma’naviy ehtiyoj tushunchasi milliy, diniy, tarixiy tushunchalar bilan bevosita bog‘liqdir. Ma’naviy ehtiyoj tushunchasi xalq madaniyati, diniy qarashlarini egallash ehtiyoji bilan chambarchas bog‘liq. Chunonchi diniy qarashlar va diniy e’tiqod insonni poklaydi, uning ruhiyatini engillashtiradi. Insonning ichki dunyosi va ruhiyatiga kuchli ta’sir ko‘rsatishda islom dini keng imkoniyatlarga ega. Diniy qarashlarda inson jismi va ruhiyati, yaxshilik va yomonlik, gunoh va savob qarama-qarshi qo‘yilib, bu tushunchalar insonni ma’naviy takomillashuvga chorlaydi. Biz o‘z tadqiqotimiz davomida o‘quvchi ruhiyati va uning ma’naviy poklanishga bo‘lgan ehtiyojlarinishakllantirish muammolari ustida ham to‘xtalamiz.

O‘quvchilarda milliy-ma’naviy qadriyatlarni egallashga bo‘lgan ehtiyoj ularni insonning tabiiy imkoniyatlarini to‘la anglab etishga undaydi. O‘quvchi o‘zining jismi, ruhiyati, qalbi va ma’naviyatining bir butun, yaxlit hodisa ekanligini anglab etadi. Chunki insonda 3 ta aniq birlik mavjud-bu jism, qalb va ruhiyatdir. Biz bu uchlik orasida ruhiyat tushunchasiga alohida

to'xtalamiz. Chunki o'quvchining milliy-ma'naviy qadriyatlarini egallash ehtiyoji, uning ruhiyatiga pedagogik ta'sir ko'rsatish orqali shakllantiriladi.

Ruhiyat tushunchasiga O'zbekiston milliy entsiklopediyasida quyidagicha ta'rif berilgan: Ruhiyat (psixika)-yuksak darajada tashkil topgan materiya (miya)ning voqelikni alohida shaklda aks ettirishdan iborat xususiyati. Asosan, sezgi, tasavvur, tafakkur, irodaviy xatti- harakat va boshqa sub'ektiv obrazlarda aks etadi [1].

Ruhiyat tushunchasi inson tushunchasining tarkibiy qismi bo'lganligi uchun ham unda muayyan ehtiyojni shakllantirish jarayonida shaxsning jismi va qalbi bilan yaxlit tarzda o'rganilishi maqsadga muvofiqdir. Masalan, zardushtiylik hamda islom dini ta'limotida jism, qalb va ruhiyat kabi tushunchalarning har biri haqida batafsil fikr bildirilgan.

Inson tanasi xudo tomonidan yaratilgan bo'lib, u mayda qum charrachalaridan tarkib topgan. Shuning uchun inson erga taalluqlidir. Inson o'zining jismi bilan boshqa mavjudodlardan farq qilmaydi. Inson ham boshqa mavjudodlar singari o'z jismining ehtiyojlarini qondirishga intiladi. Inson jismining ehtiyojlari xilma-xil bo'lib, ular ikki yo'nalishda qondiriladi: o'z-o'zini asrash ehtiyoji va hayotni davom ettirish ehtiyoji. Inson jismi tashqi olam bilan muloqotga kirishishi uchun unga 5 ta sezgi a'zolari ato etilgan: ko'rish, eshitish, hid bilish, ta'm sezish va tayanch harakat organlari.

E'tirof etilgan ikkinchi tushuncha-bu qalbdur. Qalb ham insonga xudo tomonidan berilgan. Qalb jismga hayot bag'ishlaydi, uni boshqaradi. U insonning hayotiy quvvatini tashkil qiladi. Insonning qalbi, uning jismi va ruhiyatini bog'laydi. Qalbning butun harakati insonning hissiyotlari, fikri hamda istagi, ehtiyojlarini harakatga keltirishga xizmat qiladi. Qalb istak, aql, hissiyotning ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladi. Bilim olish, milliy-ma'naviy qadriyatlarini egallash ehtiyoji ham inson qalbining xohishidir.

- insonga xos muhim unsurlardan yana biri ruhiyatdir. Inson ruhiyati 3 xil ko'rinishga ega: xudodan qo'rqish, vijdon hamda xudoga sig'inish. Xudodan qo'rqish hissi o'zgarimas qat'iy e'tiqod bilan bog'liq holatdir. Shaxs qalban xudoning mavjudligiga ishonadi va unga e'tiqod qiladi. Gunoh ishlarni qilishda undan qo'rqadi. Inson ruhiyatining ikkinchi muhim ko'rinishi bu vijdondir. Vijdon insonga nima to'g'riyu nima noto'g'ri ekanligi to'g'risida ko'rsatma beradi. Qaysi ishni bajarish kerak-u qaysisini bajarmaslik kerakligini ta'kidlab turadi. U shaxsning ichki hakami hisoblanadi. Uchinchi ko'rinish xudoga sajda qilishdan iboratdir. Inson ruhiyati o'zining o'zligini tabiat va xudodan izlaydi. Xudoga sajda qiladi, unga intiladi. U sajda orqali ruh ehtiyojini qondiradi [2].

Fandagi ilg'or qarashlar bugungi kundagi inson ruhiyati o'z-o'zini anglash, vijdon amri bilan ish tutish, erkinlik va intuitsiyaga ehtiyojmand ekanligini har tomonlama asoslamoqda. Shu bilan bir qatorda inson ruhiyati mushohada, aql-idrok va zakovatni egallashga ham intiladi, unga ehtiyoj

sezadi. Chunki inson ruhiyati aql-zakovatni egallash orqali o‘z ehtiyojlarini qondirish, muhim qarorlar qabul qilishga moyil bo‘ladi.

Inson hayotida ruhiyatning amaliy jihatdan ustivor o‘rin egallashini ta’kidlab, mutaxassilar u har doim muhabbat, quvonch, tinchlik, sabr-toqat, yaxshilik, ezgulik, rahm-shafqat, ishonch, bardoshga ehtiyoj sezishini ko‘rsatib o‘tganlar. Bunday ehtiyoj birinchi navbatda o‘zbek xalqining uzoq asrlar davomida oqlanib, katta amaliy natija berib kelgan milliy-ma’naviy qadriyatlarini egallash natijasidagina qondiriladi.

Har bir inson bilimni egallashi, dono va zukko bo‘lishi kerak, jamiyat yoki eskirgan donolik va qonuniy huquqlarga asoslanmagan jinoyatchi, yovuz odamning bosimi ostida yo‘qoladi, tartibsizlik va tartibsizlik, beadablik va nomussizlik, xoinlar va boshqa noto‘g‘ri ishlar. Fandan bexabarlik va bilim savodsizlik va qoloqlikka olib keladi”. Yoshlikda o‘zlashtirilgan ilm o‘zlashtirilgan namunadir tosh va u ongda yorqin aks etadi, u bir necha ming marta ibodat qilishga arziydi «[3].

Yuqoridagilardan shu narsa ayon bo‘ladiki, o‘quvchilarda ezgu amallarni egallashga bo‘lgan ehtiyojni shakllantirish orqali, ularni ma’naviy, ruhiy barkamollikka undashga yo‘naltirilgan pedagogik tizimni vujudga keltirish bgungi kunning o‘z echimini kutayotgan dolzarb ijtimoiy-pedagogik muammolaridan biridir. Ta’lim jarayonida o‘quvchining jismoniy, ruhiy hamda hissiy ehtiyojlarini shakllantirish uchun qulay pedagogik shart-sharoit yaratish maqsadga muvofiqdir. Yosh vujudga jismoniy, ruhiy hamda qalban poklikka intilish ehtiyoji vujudga kelgandagina, u ezgu amallarni egallay boshlaydi.

Qalb pokligi va istagi bu shaxsning o‘z orzulari va intilishlari bilan bog‘liq holatdir. U hissiyotlarga asoslanadi. Inson har doim jism va qalb ehtiyoji tufayli takomillashishga intiladi. O‘zining shaxsiy hayoti va “Men”ini qaror toptiradi. Insonning shaxsiy hayoti uning ong darajasi bilan belgilanadi va o‘zining “Men”ida aks etadi. Uning “Men”i shaxsiy tabiati, uning iqtidori, etukligi, yutuqlari, baxt-saodati, barkamolligida namoyon bo‘ladi. Insonning ruhiyati uning hayot tarzini belgilovchi asosiy omildir. Xuddi shunday ehtiyoj tufayli, o‘quvchilar ma’naviy qadriyatlarni izchil o‘zlashtirishi mumkin.

O‘quvchilarda milliy-ma’naviy qadriyatlarni egalash haqida fikr yuritganda, e’tiborimizni eng avvalo o‘zbek xalqining mentaliteti bilan bog‘liq jihalariga qaratamiz. Mentalitet – (lotincha mentalis-aqliy) – ayrim kishi yoki ijtimoiy guruhga xos aqliy qobiliyat darajasi, ma’naviy salohiyat. Jamiyat, millat yoki shaxsning mentaliteti, ularning o‘ziga xos tarixiy an’analari, urf-odatlarini, diniy e’tiqodini ham qamrab oladi. Har bir millatning mentaliteti uning tarixi, yashab turgan shart-sharoiti, ijtimoiy faolligi va boshqa bir qancha omillar bilan bog‘langan bo‘ladi. Chunki ushbu tushunchaning tahlili o‘quvchilarda milliy–ma’naviy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirish tizimini vujudga keltirish uchun nihoyatda muhimdir. O‘zbek xalqi milliy

mentalitetining asosini islomiy e'tiqot tashkil etadi. Ota-bobolarimiz necha asrlar mobaynida shu bepoyon mintaqada qanday hamjihat bo'lib, qanday qadriyatlar asosida yashab kelgan bo'lsa, bugun ham, ta'bir joiz, tarix va hayot gardishi, tabiatning o'zi bizni-butun O'rta Osiyo xalqlarini aynan ana shunday do'stlik va hamkorlik ruhida hayot kechirishga da'vat etmoqda.

Bir so'z bilan aytganda, tarixiy voqelikka mana shunday qarash, jamuljam bo'lib yashash tuyg'usi biz uchun hayot falsafasiga, yana ham aniqrog'i, hayot qoidasiga aylanib ketgan. Zamonaviy tilda aytadigan bo'lsak, bu milliy mentalitetimizning asosini tashkil etadigan, bizni boshqalardan ajratib turadigan shunday bir xususiyatki, uni sezmaslik, anglamaslik, ko'rmaslik umuman mumkin emas".

Jamiyatda amalga oshirilayotgan tub o'zgarishlar, shuningdek ta'lim sohasidagi islohotlar har tomonlama ongli fikr yuritishni taqozo qiladi.

Asosiy qism.

Ma'lumki, o'zbek xalqi o'zining asl ma'naviy madaniyatidan ko'p yillar davomida asta-sekin uzoqlashdi. Milliy ildizlarimiz va an'alarimizdan uzoqlashish milliy ijtimoiy ongning tanazzuliga olib keldi. Ma'naviy ildizlardan uzoqlashish natijasida jamiyat hayotidagi ijtimoiy muhit, ijtimoiy munosabatlar buziladi. Ma'naviy inqiroz, o'zligidan uzoqlashish vujudga keladi, xudbinlik va jinoyatchilik kuchayadi. Bu jarayonda ayniqsa, yoshlar ko'proq qatnasha boshlaydilar, mavjud bo'shliq o'rnini yot madaniyatlar egallay boshlaydi. Yoshlar bu ta'sirga ko'proq beriladilar.

Shuning uchun ham bugungi kunga kelib, jamiyat maktab o'quvchilarining ijtimoiy-ma'naviy, milliy madaniyatni egallash ehtiyojini shakllantirishga zaruriyat sezmoqda. Buning uchun yoshlarni yo'naltiradigan, ularda milliy ma'naviy qadriyatlarni egallashga ehtiyoj hosil qiladigan ta'lim jarayonini tashkil etish zaruriyati vujudga kelmoqda. Bunday jarayon o'quvchi yoshlarga o'zining shaxsiy hayotini tashkil etish, qurishga yordam beradi. Ularning ma'naviyati o'sadi, o'zlari va jamiyat uchun mas'uliyatli qarorlar qabul qila boshlaydilar, o'z hayot yo'llarini to'g'ri va ongli tanlashlari uchun imkoniyat tug'iladi. Bularning barchasi ta'lim-tarbiya jarayonini o'quvchilarda milliy ma'naviy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirishga yo'naltirish asosida amalga oshiriladi. Insonparvarona ta'lim jarayonining markazida o'quvchi shaxsi qo'yilishi bugungi kunning muhim talabidir. Chunki har bir o'quvchi ta'lim-tarbiya jarayonining sub'ekti sifatida betakrordir. Maktabda o'qituvchi hamda o'quvchilar ma'naviy, hissiy jihatdan umumiy yaxlitlikka ega bo'lishlari kerak.

Bugungi kunga kelib shaxs ma'naviyati hamda ma'naviyatlilik darajasi haqida juda ko'p gapirilmoqda. Bu sohada talaygina ilmiy tadqiqot ishlari ham amalga oshirilgan. Bu ishlar shubhasiz ta'lim oluvchilar ma'naviyatini ularning ehtiyojlari darajasida shakllantirishda muhim o'rin egallaydi. Biroq,

ushbu yo‘nalishdagi aksariyat ishlarda ma‘naviyat tushunchasi, uni o‘quvchi ongiga etkazish, u yoki bu o‘quv predmeti doirasida ta‘lim oluvchilar ma‘naviyatini shakllantirish haqida fikr yuritilgan. Shuning uchun ham bugungi kunda o‘quvchi shaxsi ma‘naviyatini shakllantirishning muhim jihatlari, jumladan ularda milliy-ma‘naviy qadriyatlarni egallashga bo‘lgan ehtiyojlarni tarkib toptirish orqali o‘quvchilar ma‘naviyatini tarkib toptirish ustida izchil, tizimli tadqiqot ishlarini amalga oshirish muhimdir.

Buning uchun o‘quvchilarda milliy-ma‘naviyatni egallash ehtiyojini shakllantirish muammosini pedagogik, psixologiya, falsafiy jihatdan chuqur tahlil etish lozim. Jamiyat a‘zolarida ma‘naviy ehtiyojni shakllantirish sohasida bir qator faylasuflar muhim nazariy ahamiyatga ega bo‘lgan ilmiy tadqiqot ishlarini amalga oshirganlar. Jumladan, L.N.Kogan, L.M.Arangel’skiy, A.G.Zdravomislov, O.G.Drobnitskiy kabilar. Bu ishlarda ma‘naviy ehtiyoj axloqiy faoliyatni amalga oshirishda rag‘batlantiruvchi omil sifatida talqin etilgan.

Shu bilan bir qatorda, shaxsning ma‘naviy ehtiyojini shakllantirish muammosi bir qator psixologlarning ham e‘tiborlarini o‘zida jalb etgan. Ular ma‘naviy ehtiyojni tashqi muhitda inson jismi, uning faoliyati uchun zarur bo‘lgan zaruriyat sifatida tadqiq qilganlar. Masalan, A.N.Leont’ev bu ehtiyojni qanday anglash kerak, S.L.Rubinshtey ma‘naviy ehtiyoj inson hayoti va rivojlanishini ta‘minlovchi omil sifatida, G.A.Fortunatovning ehtiyojning ifodalanishi kabi ishlari bunga misol bo‘la oladi. Shaxs strukturasi ma‘naviy ehtiyojning xarakteri va o‘rni masalasi V.N.Myasichev, shaxsning axloqiy rivojlanish jarayonida ehtiyojning o‘rni B.G.Anan’ev va L.I.Bojovich, insonning hissiyotlari, hissiy dunyosi, qiziqishlari, imkoniyatlari, tuyg‘ulari, diqqat-e‘tibori, tafakkuri bilan ma‘naviy ehtiyojning aloqadorligi masalasi L.S.Vigotskiy, P.M.Yakobson, shaxs ma‘naviy ehtiyoji shakllanishida faoliyatning o‘rni A.N.Leont’ev, ma‘naviy ehtiyojning qaror topishida turli qarashlar va qoidalarning o‘rni D.N.Uznadze, ehtiyojning rivojlanishida o‘z-o‘zini baholash va muloqot ko‘nikmalarining o‘rni A.A.Bodalev, L.I.Ruvinskiy, ehtiyojning shakllanishida qadriyatli yo‘nalishning qaror topishi I.S.Konlar tomonidan tadqiq etilgan.

So‘nggi yillarda xorijlik psixologlar tomonidan shaxs ma‘naviy ehtiyojining quyidagi yo‘nalishlari alohida o‘rganilgan, inson tafakkurining taraqqiyotida ehtiyojning o‘rni, inson ongining qaror topishida ehtiyojning ahamiyati, inson xulq-atvori va ehtiyojlarining aloqadorligi, shaxsning qadriyatli yo‘nalishlariga ehtiyojning ta‘siri masalalari A.Maslou, K.Rodgerslar tomonidan tadqiq etilgan [4].

Pedagogikada bu muammo quyidagicha tadqiq etilgan, K.D.Ushinskiy ma‘naviy ehtiyojning hosil bo‘lishi va shakllanishi, P.P.Blonskiy shaxsning ma‘naviy-axloqiy rivojlanishida hissiyotning ahamiyati, S.T.Shatskiy

shaxsning ma'naviy shakllanishida ijtimoiy omilning o'rni, N.I.Pirogovning yuqori darajadagi axloq va ilmiy dunyoqarashga ega bo'lgan shaxsning insoniylik haqidagi qarashlari, tarbiyaning asosiy ekanligi haqidagi g'oyasi kabilar shular jumlasidandir.

Xulosa. Yuqorida bayon etilgan fikrlarga asoslangan holda shuni ta'kidlash kerakki, bugungi kunda umumiy o'rta ta'lim maktablarida vujudga kelgan zaruriyat bilan milliy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirish jarayoni orasidagi qarama-qarshilikni bartaraf etish uchun yagona maqsadga yo'naltirilgan boshlang'ich sinflarning milliy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirishga qaratilgan pedagogik tizimni vujudga keltirish maqsadga muvofiqdir. Shu bilan bir qatorda boshlang'ich sinf o'quvchilarida milliy qadriyatlarni egallashga bo'lgan ma'naviy ehtiyojni shakllantirish strategiyalarini aniqlash va ularni amaliyotga tadbiiq etish vositalari, usul va metodlarini belgilab berish ham muhim vazifalardan biridir.

Bu sirada quyidagi muammolarni echish zaruriyati tug'ilmoqda: boshlang'ich sinf o'quvchilarida milliy qadriyatlarni egallashga bo'lgan ehtiyojni shakllantirishning ilmiy pedagogik asoslarini belgilab berish, o'quv-tarbiya jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarida milliy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirishga xizmat qiladigan didaktik vositalarni aniqlash, o'quvchilarda milliy qadriyatlarni egallashga bo'lgan ehtiyojni shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik tizimni vujudga keltirish kabilar.

Ma'naviyat tushunchasining yaxlit mazmuni o'z ichiga bir qator tushunchalarni qamrab oladi. Turli ilmiy manbalarda ma'naviy ehtiyoj tushunchasiga turlicha ta'rif beriladi.

O'zbekiston Milliy entsiklopediyasida ma'naviyat tushunchasi quyidagicha izohlangan: Ma'naviyat - "ma'no" so'zidan olingan bo'lib, inson ruhiy va aqliy olamini ifodalovchi tushuncha. U kishilarning falsafiy, huquqiy, ilmiy, badiiy, axloqiy, diniy tasavvurlarlarini o'z ichiga oladi.

ADABIYOTLAR

1. Buriev O. Oila va yangi an'analar Toshkent O'qituvchi-1988 y.
2. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Toshkent Fan-1990 y.
3. T.Esemuratova, G.Matmuratova, S.Omarov. «The use of folk works in the upbringing pupils to moral and intelligence.» Academy 6 (57) (2020): 83-87.
4. J.Fozilov «O'quvchi ma'naviyatini shakllantirish» Toshkent-2000 y.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРИХНИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОРТТИРИШ ОМИЛИ

Эскараев Талгат Амангелдиевич

Нукус давлат педагогика институти докторанти, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада ахборот технологиялари тарихни ўқитишнинг самарадорлигини орттириш омили. Таълимни ахборотлаштириш талабалар ва ўқитувчилар ходимларининг сайёрамизнинг турли қисмларида сақланадиган катта миқдордаги маълумотларга эркин кириш учун шароит яратиш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: ахборот технология, лойиҳа, анъанавий, замонавий технология, ресурс, масофавий, универсал, восита, субъект, объект.

ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ – ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИСТОРИИ

Эскараев Талгат Амангельдиевич

*Докторант Нукусского государственного педагогического
института, Узбекистон*

Аннотация: В статье информационные технологии являются фактором повышения эффективности преподавания истории. Информатизация образования посвящена вопросам создания условий для свободного доступа обучающихся и ППС к большим массивам информации, хранящимся в разных уголках нашей планеты.

Ключевые слова: информационные технологии, проект, традиционные, современные технологии, ресурс, удаленный, универсальный, инструмент, субъект, объект.

INFORMATION TECHNOLOGY IS A FACTOR INCREASING THE EFFICIENCY OF HISTORY TEACHING

Eskaraev Talgat Amangeldievich

Doctoral student of Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekiston

Abstract: In the article, information technology is a factor of increasing the effectiveness of history teaching. Informatization of education is devoted to the issues of creating conditions for students and teaching staff to freely access large amounts of information stored in different parts of our planet.

Keywords: information technology, project, traditional, modern technology, resource, remote, universal, tool, subject, object.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида илғор рақамли иқтисодиёт механизми, ижтимоий ва масофавий электрон муассасалар ва қурилмалар бунёдкорлиги, замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратувчи ёш креатив (ижодий) фикрловчи мутахассис олимларни тарбиялаш, уларни замон талабига жавоб берадиган илмий ва услубий ғоялар, лойиҳалар ва тавсиялар билан қуроллантириш муҳим давлат даражасига молик аҳамият касб этмоқда. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида мактаблар ва университетларда таълим мазмунини янгилаш фақат янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва профессионал ўқитувчиларни тегишли тайёрлаш орқали мумкин. Шунинг учун бугунги кунда гуманитар фанлар, хусусан тарих ва ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида инновацион технологияларни ва шахсий компьютердан тизимли фойдаланишни жорий этиш жуда муҳимдир. Янги ахборот технологиялар, анъанавий ўқитиш усулларини алмаштирмасдан, уларни тўлдиради ва бутун таълим тизимини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратади. Технологиялар учун технологияларни ишлаб чиқиш эмас, балки улардан билим ва ўрганишга қизиқишни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун фойдаланиш замонавий таълимнинг долзарб вазифасидир, уни модернизация қилишда таълимни ахборотлаштиришга алоҳида аҳамият берилади.

Ҳозирги кунда педагогик муаммоларни ахборот технологиялари ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Ўқитишнинг ахборот технологиялари ўқув фаолиятини амалга ошириш учун ишлатиладиган электрон воситалар ва уларнинг ишлаш усулларини белгилайди. Таълимни ахборотлаштириш талабалар ва ўқитувчилар ходимларининг сайёрамизнинг турли қисмларида сақланадиган катта миқдордаги маълумотларга эркин кириш учун шароит яратиш деб тушуниш зарур [1].

Таълимни модернизациялаш ва ягона ўқув ахборот муҳитини яратишдан асосий мақсад ахборот технологиялари воситасида замонавий педагогик технологияларни жорий этиш орқали таълим сифатини оширишдан иборат. Ахборотлаштириш анъанавий ва замонавий педагогик технологиялар интеграциясини таъминлайди. Таълим муассасасининг ўқув ахборот муҳити таълимни ахборотлаштириш, ўқитишнинг ахборот технологиялари, анъанавий ва замонавий педагогик технологиялар каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Ахборотлаштиришнинг асосий вазифаси ахборотлаштиришнинг маълумотлар базасини яратишдир. Ахборот базаси: ахборотни қайта ишлашнинг универсал воситалари, ахборот муаммоларини ҳал қилишнинг умумий усуллари, таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш усуллари. Моддий - техник база, унинг асоси компьютерлаштиришдир, гарчи у ахборотлаштиришнинг жуда

муҳим таркибий қисми сифатида қаралса ҳам, бошқа техник воситалар билан бир қаторда: аудио, видео ва мультимедиа, телекоммуникация воситалари.

Илмий-услубий база икки жиҳатдан кўриб чиқилади:

- а) ўқув фаолиятида АКТдан фойдаланиш;
- б) ахборот-таълим ресурсларини яратиш.

Ахборотлаштиришнинг мазмуни таълим ва ахборот тизимини барқарор ривожланиш ва самарадорликнинг асосий зонасига киришни таъминлайдиган чора-тадбирлар мажмуи бўлиши мумкин. Ахборотлаштириш натижасида ишончли, ўз вақтида ва сифатли маълумотларни бериш механизмларини бошлаши мумкин бўлган, таълим ва ахборот хизматлари доирасини кенгайтиришни, индивидуал таълим траекториясини танлаш ва таълим сифатини яхшилаш имкониятини берадиган таълим ва ахборот муҳити яратилади.

Таълим тизимининг асосини юқори сифатли ва юқори технологик ахборот-таълим муҳити ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб ва қиммат вазифадир. «Аmmo айнан у таълим тизимининг технологик асосини тубдан модернизация қилишга, замонавий талабларга жавоб берадиган очиқ таълим тизимига ўтишга имкон беради» [2]. Электрон ва анъанавий ўқув материаллари ягона таълим муҳитининг бир қисми сифатида бир - бирини уйғун равишда тўлдириши керак. Энг янги ахборот технологияларидан фойдаланиш анъанавий усуллар билан ҳал қилиниши қийин ёки имконсиз бўлган педагогик муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериши керак.

Университетнинг ахборот - таълим муҳитини яратиш ва ривожлантириш учун таълим муассасасининг илмий-услубий, ахборот, технологик, ташкилий ва педагогик салоҳияти максимал даражада жалб қилиниши керак. Чуқур анъаналарга эга бўлган мавжуд таълим тизимининг тажрибаси ва афзалликларидан фойдаланган ҳолда, таълим муассасасида мавжуд бўлган барча ахборот технологияларини бирлаштирган янги очиқ таълим тизимини яратиш, педагогик ва бошқарув ходимларининг услубий ва ахборот воситаларидан тўлиқ онгли фойдаланишга ўтишини таъминлаш керак.

Таълимни ахборотлаштириш жараёни, фан соҳалари ва атроф-муҳит қонунларини билишнинг интеграция тенденцияларини қўллаб-қувватлаш, унинг потенциалидан талаба шахсини ривожлантириш, унинг ижодкорлик даражасини ошириш, муқобил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, атроф-муҳитни ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш учун ёндашувларни ишлаб чиқишни амалга оширади ҳам ўқув, амалий вазифаларнинг ечимини топиш стратегияси, ўрганилаётган объектлар, ходисалар, жараёнлар, улар ўртасидаги

алоқаларни моделлаштириш асосида қарорларни амалга ошириш натижаларини башорат қилиш.

Таълим мақсадлари ва мазмунини ўзгартириш таълимни ахборотлаштириш жараёнида етакчи бўгин ҳисобланади. Ўқув жараёнини технологик қайта жиҳозлаш, ўқитишнинг янги усуллари ва ташкилий шакллари пайдо бўлиши таклиф етилган мақсадларга еришишни таъминловчи воситадир.

Таълим мазмунининг ўзгариши бир неча йўналишда боради, уларнинг аҳамияти жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ривожланиши билан ўзгаради:

- Биринчи йўналиш информатика соҳасида талабаларнинг касбий тайёргарлигини таъминлайдиган ўқув фанларини шакллантириш билан боғлиқ.

- Иккинчи йўналиш - кенгайиб бораётган ахборотлаштириш воситалари, улардан фойдаланиш инсон фаолиятининг барча соҳаларида зарур бўлиб келмоқда. Ушбу жараён барча даражадаги барча ўқув фанларининг мавзу мазмунини ўзгартиришга олиб келади.

- Учинчи йўналиш ахборотлаштиришнинг ўқув мақсадларига чуқур таъсири билан боғлиқ. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнлари ривожланиб бориши, инсоният томонидан тўпланган билимларни, ҳар бир инсон учун зарур бўлган таълимнинг энциклопедик табиати ҳақидаги ғояларни қайта қуриш ишлари олиб борилиши билан у тобора кўпроқ сезилади.

Агар анъанавий таълим тизимида дарслик билим манбаи бўлса ва ўқитувчи билишнинг бошқарувчи субъекти бўлса, унда таълимнинг янги парадигмасида у кўпроқ талабаларнинг мустақил билим фаолияти ташкилотчиси, ваколатли маслаҳатчи ва ёрдамчи сифатида ишлайди.

Ушбу тизимнинг барча элементлари ўқитувчи, талаба ва ахборот технологиялари воситалари ўртасида ҳар хил мустақил фаолият турларини (ахборот-таълим ва экспериментал тадқиқотлар) бажаришга йўналтирилган фаол ахборот ўзаро таъсири жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига ёрдам берадиган ахборот-мавзу муҳитида ишлайди. Янги ахборот технологиялари деганда замонавий техник ахборот воситалари (аудио, видео, компютер ва компютер ўқув дастурлари, электрон почта, Интернет ва веб - технологиялар) ёрдамида барча технологиялар назарда тутилади.

Таълим соҳасидаги мутахассислар орасида жуда кенг тарқалган фикр шундан иборатки, таълим жараёнида компютер ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш таълимни модернизациялаш учун зарур бўлган ягона нарса ҳисобланади. Бироқ, таълимда ахборот технологияларининг ўзи эмас, балки ундан фойдаланиш таълим

мақсадларига тўғри эришиш учун қанчалик хизмат қилади. Бу шуни англатадики, ўқув технологияларини танглаш ўқув курсларининг мазмуни, тингловчиларнинг фаоллик даражаси, уларнинг ўқув жараёнига жалб қилиниши, аниқ мақсадлар ва кутилаётган ўқув натижаларини таҳлил қилишга асосланган бўлиши керак. Шунинг учун таълимда ахборот технологияларини жорий этишнинг энг муҳим босқичи уни жорий этиш учун қулай бўлган дидактик шароитларни аниқлашдир.

Уни жорий этишнинг дидактик шартлари – бу профессор-ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти натижасида юзага келган, уни жорий этиш асосида талабаларнинг касбий тайёргарлиги даражасининг сифат жиҳатидан ўзгаришига ҳисса қўшадиган интеграл ўқув мақсадларини амалга оширадиган субъект-объект-субъект муҳитининг педагогик буюртма қилинган ҳолати. Буларга қуйидагилар киради:

- таълим муассасаларида ахборот технологиялари бўйича ўқитишни амалга оширишга имкон берувчи замонавий техник воситаларнинг мавжудлиги (компьютерлар ва унинг локал тармоқлари, мультимедиа, CD ROM маълумотлар базалари ва зарур педагогик дастурий таъминот);

- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини амалга ошириш учун ўқитувчилар таркибининг етарли даражада малакаси;

- янги нарсаларни ўрганишга тайёрлик, ундан фойдаланишга ўқув предметлари (талабалар ва ўқитувчилар) нинг ижобий психологик-педагогик муносабати мавжудлиги;

- таълимнинг янги мақсадларига ва жамиятда содир бўлаётган ахборотлаштириш жараёнига мос келадиган фанларнинг интеграциялашган курсларини яратиш.

Замонавий ахборот технологияларига йўналтириш қуйидаги қоидаларнинг бажарилиши билан изоҳланади:

- модулликни ўрганиш тамойилларида; «натижага бергунча ўрганиш»; ўқувчининг бошланғич тайёргарлик даражасига қараб траектория ва машғулот вақтининг ўзгарувчанлиги;

- ўқитишнинг шакл ва усулларида, фаол усулларда, масофавий таълим олиш имконияти; таълимни индивидуаллаштириш;

- ўқув жараёнини назорат қилиш ва бошқариш усулларида, модуллар бўйича тақсимланган назорат; тезкор ва объектив назорат; назорат натижалари асосида индивидуал дастурларни сошлаш; автоматлаштирилган таълимни бошқариш тизимларига ўтиш;

- ўқитиш воситаларида компьютер дастурлари, тренажёрлар, электрон энциклопедиялар, маълумотлар базалари, ахборот қидирув тизимлари, multimedia муҳитларидан фойдаланилади.

Анъанавий технологиялар интеграциясини ахборотлаштиришнинг

асосий вазифаси деб замонавий ягона ахборот таълим муҳитини яратиш деп биламиз. Таълимга табақалаштирилган ёндашувни замонавий ахборот технологиялари ва мультимедиа лойиҳалари ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин. Ўқитувчи талабанинг индивидуал қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа мавзусини шакллантиради, уни ижодий ишларга ундайди. Бундай ҳолда, талаба ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятига ега, материални тақдим этиш шакли, уни тақдим этиш усули ва кетма-кетлигини мустақил равишда танлайди. Ўқув дастурлари ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам деярли чексиз имкониятларни тақдим этади, чунки улар яхши ташкил этилган маълумотларга ега. Иллюстрациялар, анимациялар ва видеоклипларнинг кўплиги, материалнинг гиперматнли тақдимоти, овозли аккомпанимент, билимларни синов шаклида синаб кўриш қобилияти, муаммоли масалалар ва вазифалар талабага нафақат материални қабул қилишнинг қулай суръати ва шаклини мустақил равишда танлашга имкон беради, балки уларни кенгайтиришга имкон беради ва билимларини чуқурлаштиради.

Университет тарихий таълимни модернизация қилиш жараёни инновацион ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Инновацион ҳаракатни ташкил этишнинг самарали шаклларидан бири минтақавий экспериментал майдонлар бўлиши мумкин, [3] уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- ўқитишнинг янги усуллари, шакллари ва воситаларини лойиҳалаш;
- шахсий таълимнинг янги тамойиллари, усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш;
- таълим, тарбия ва шахсий ривожланиш жараёнини бирлаштирган таълим амалиётининг янги моделларини яратиш.

Минтақавий тажриба майдончасининг ўзига хос хусусиятлари, биринчи навбатда, иштирокчилар таркиби билан аниқланиши керак. Турли хил ўқув юртларининг тарих ўқитувчилари ягона ижодий жамоада бирлашишлари керак: университетлар, ўрта махсус таълим муассасалари ва умумий таълим мактаблари. Бундай уюшма тарих ўқитишда узвийлик ва ўзаро боғлиқликни таъминлай олади.

Яна бир ўзига хос хусусият эксперимент шаклида – ўрта ва олий мактабларда тарихни ўқитишнинг инновацион технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш асосида ўқитувчилар ва тарих ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш [4]. Эксперимент иштирокчиларининг асосий тадқиқот объекти уларнинг касбий ижодий салоҳияти бўлиб, тадқиқот предмети эса тарихни ўқитишнинг инновацион усуллари, методлари, воситалари ва шакллари ҳисобланади. Эксперимент иштирокчиларининг ҳар бир гуруҳи учун тадқиқот фаолиятининг вазифалари тарих ўқитиладиган ўқув юртларининг турига қараб батафсил баён қилиниши керак бўлади. Минтақавий тажриба майдончаси иштирокчиларининг иш шакллари индивидуал, гуруҳли ва жамоавий тадқиқот фаолиятини ўз ичига олади.

Тадқиқот усуллари илмий-услубий, педагогик, психологик, тарихий адабиётларни таҳлил қилишни ўз ичига олади; тарихни ўқитиш тажрибасини тизимлаштириш ва умумлаштириш; муаллифлик усуллари ишлаб чиқиш ва экспериментал текшириш. Умумий муаммо бўйича тадқиқот ишлари аниқ белгиланган алгоритмга мувофиқ амалга оширилади:

- илмий-методик адабиётлар таҳлили асосида муаммонинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш;
- тарихни ўқитишнинг инновацион тажрибасини ўрганиш, тавсифлаш кейинги таҳлил билан;
- университетнинг тарих факултети базасида тажриба ишларини ўтказиш учун назарий тайёргарлик;
- муаллифнинг инновацион техникасини моделлаштириш;
- муаллифнинг инновацион усуллари экспериментал текшириш;
- педагогик ўқувларда олинган натижаларни жамоавий муҳокама қилиш;
- тадқиқот натижаларини илмий мақолалар шаклида рўйхатдан ўтказиш ва уларни нашр етиш;
- халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда иштирок етиш.

Шундай қилиб, локал тажриба платформаси қўшма жамоавий ижодий тадқиқот лойиҳаларида малака ошириш учун шароит яратади. Вилоятлардаги университетларнинг тарихий факултетлари асосида ҳар йили ижодий тадқиқот жамоавий лойиҳасининг бир шакли бўлган реконструкция кўргазмалари ўтказилиши мумкин. Тарих ўқитувчилари ва ўқитувчиларининг экспериментал ишлардаги иштироки касбий ижодкорлик қобилиятлари ва қобилиятларини шакллантиради ва ривожлантиради, уларни ўзгарувчанлик ва муқобил мактаб ва университет тарих таълими шароитида касбий фаолиятга тайёрлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Қиличева Ф.Б. Таълим иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2012.
2. Султанов Т. Проблемы развитие интеллектуального потенциала независимой Республики Узбекистан. Автореф. дисс... канд. филос. наук. – Тошкент: 1995. – 18 с.
3. Вяземский Е.Е., Стрелова О.Ю. Теория и методика преподавания истории: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений. – М.: ВЛАДОС, 2003. – 384 с.
4. Троицкий Ю.Л. Новая технология исторического образования // История. 1994. № 45; он же. Нужен ли школе учебник истории? // История. 1997. № 25.

ONA TILI VA O'QISH DARSLARINI MATN ORQALI INTEGRATSIYALASH METODIKASI

Kaziyeva Elvira Tursinbayevna

70110501 - "Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim)" mutaxassisligi 2-bosqich magistranti.

Nukus davlat pedagogika instituti, O'zbekiston

Annotatsiya: Ushbu maqola ona tili va adabiyot darslarini tashkil etishda mantlararo integratsiyalashuvdan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan bo'lib, turli metodlarning foydalari haqida aytib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Integratsiya, diogonostik tahlil, Piza test, Fesmu metodi, Sinkweyn metodi, operatsion metod, ona tili o'qitish metodikasi, metodisttek aloqadolik.

МЕТОДИКА ИНТЕГРАЦИИ РОЖДЕННОГО ЯЗЫКА И УРОКОВ ЧТЕНИЯ ЧЕРЕЗ ТЕКСТ

Казиева Элвира Турсынбаевна

70110501 - магистрант 2 ступени специальности "Теория и методика образования и обучения (начальное образование)".

*Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье освещаются особенности использования межкультурной интеграции в организации занятий по родному языку и литературе, упоминаются преимущества различных методов.

Ключевые слова: интеграция, диагностический анализ, тест Пизы, метод Фесмю, метод Синквейна, операционный метод, метод обучения родному языку, методологическая связь.

METHODOLOGY OF MOTHER LANGUAGE AND READING LESSONS INTEGRATION THROUGH THE TEXT

Kaziyeva Elvira Tursinbayevna

70110501 - Master's student of the 2nd stage of the specialty "Theory and Methodology of Education and Training (Primary Education)".

Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Abstract: This article sheds light on the specific features of using intercultural integration in the organization of native language and literature classes, and mentions the benefits of different methods.

Key words: Integration, diagnostic analysis, Pisa test, Fesmu method,

Sinkweyn method, operational method, native language teaching method, methodological connection.

Bugungi kunda ta'limga berilgan e'tiborning samarasi o'laroq yurtimiozda olib borilyotgan turli islohotlarning ta'lim bilan bog'liq jihatlariga e'tibor qaratadigan bo'lsak – zamonaviy ta'lim metodikalarining kundalik turmush hayotimiz bilan bog'liq jihatlarini biz ta'lim olayotgan oliy ta'lim muassasalari va maktab ta'lim tizimi bilan bevosita bog'lash o'rinlidir. Jumladan ona tili va adabiyot dars soatlarini tashkil etishda fanlararo va matnlar aro integratsiyalashuvning o'ziga xos xususiyatlari ham ilmiy ham nazariy jihatdan o'z samarasini berib kelmoqda.

V. S. Kukushin “Integratsiya – bu bir yoki bir nechta turli fanlar bo'yicha bir – biridan farq qiluvchi bilimlarning yaxlitlikka asoslangan xususiyatga ega bo'lgan tizimga birlashuvchi o'ziga xos jarayondir” deb baho beradi. “Fanlararo integratsiya haqida fikr almashishdan oldin integratsiya o'zi nima uni qanday qo'llash kerak yoki qo'llamasa ham bo'laveradimi singari savollarga javob topaylik. Integratsiya (lot. Integration - tiklash, to'ldirish, integer - butun) - bu fanlarning differensial jarayon davomida yaqinlashuvi va bog'lanish hosil qilishi hisoblanadi. Integratsiya jarayoni fanlar orasidagi aloqani yangi, yuqori sifatda birbiriga bog'lash bosqichi bo'lib, o'zini yuqori ko'rinishda namoyon eta olish lozim bo'ladi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, integratsiya jarayoni ildizlari uzoq o'tmishdagi xalq va ilmiy pedagogikaga asoslangan. o'tmishdagi xalq pedagogikasida didaktika ta'sirining ruhiy-pedagogik xususiyati hamda 200 psixologik-pedagogik bog'liqlik to'g'risida K.D.Usheniskiy shunday degan edi: “Har qanday fan tomonidan xabar qilinayotgan bilim va g'oya dunyo va hayotga keng nigoh va yorituvchan holatda berilishi lozim”. O'sha davrlarda ham olimlar fanlar o'rtasidagi bog'lanishni ya'ni, integratsiyani qo'llash taqdim etilayotgan bilimlar hayotga keng nigoh tashlash imkonini berishini alohida ta'kidlab o'tishgan” [1].

Ona tili va adabiyot darslarining tashkil etilishida pedagoglar tomonidan darsning sifatli tarzda tashkil etilishi va qolaversa, amaliyotda qo'llanilayotgan usul va metodlarning ahamiyati o'laroq ta'lim tizimi bugungi kunda keng ahamiyatga sazovor bo'lib kelmoqda. Bunda darsning tashkil etilishidan kelib chiqib, turli mitedlarning stilistik majumini ishlab chiqish, tajribada sinalgan metodlardan unumki foydalanish dolzarb masalalardan biridir. Ona tili va adabiyot darslarini tashkil etishda turli metodlardan o'laroq piza testlar, pizza matnlarning amaliyotda qo'llanilishi samarali ekanligidan kelib chiqib ushbu metodning qo'llanishi anchga qulaylikni tashkil etadi. Ona tili darsliklarining tarkibiy qismiga kirgan mashqlar tarkibini tashkil etadigan matnlarning aksariyat qismi tayyor adabiy vositalar sifatida adabiyot darslarida o'qitiladigan roman, qissa, hikoyalar tarkibidan olinib,

mashqning qonun qoidasiga mos kelgan tartibdagina kitobning mavzuga aloqador bo‘lgan qismiga kirgiziladi. Bunda miza testlar va piza matnlardan foydalanish ancha foyda beradi. Misol uchun berilgan pizza testdan har bir talaba o‘z dunyoqarashi bilim ko‘nikmalaridan foydalangan holda javob berishi, mashqda so‘ralgan vazifalarni bajarishi kerak bo‘ladi. Piza testlar har ikkala fanning o‘zaro integratsiyalashuvi natijasida talabaning ham mantiqiy ham ilmiy jihatdan fikrlash qobiliyatiga ta‘sir etadi. Quyidagi mashqa e‘tibor qaratamiz. Mashqda ona tili va adabiyot fanlarining integratsiyalashuvi natijasida shakllangan mashqning mazmuni quyidagicha:

1 – mashq.

Quyida berilgan matn yuzasidan xatolikka uchragan so‘zlarning imloviy xatoliklarini izohlang hamda so‘z qo‘llash bilan bog‘liq bo‘lgan xatoliklarni belgilang. Mantiqiy jihatdan matn to‘g‘ri tuzilgan ekanligiga ishonch hosil qiling?

“Qora ammam har kecha qo‘limga sho‘t paxta bog‘laydi. So‘rpaxta yaxshi - yu hidini yomon ko‘raman. Tag‘in o‘zimmikini bog‘lasa, mayliydi, ammam paxtani o‘zi ho‘llaydi. Dadam o‘shandayam kelmadi. Sog‘inib ketdim” [2]. Bunda talaba berilgan matn yuzasidan topshiriqlarni bajarish chog‘ida avvalgiga qaraganda ko‘proq fikrlashga, imlovliq, mantiqiy, uslubiy jihatdan xato va kamchiliklarni topishga erishadi.

Bundan tashqari fanlarari integratsiyani shakllantiruvchi amaliy metodlar ham mavjud bo‘lib ularning qo‘llanilish o‘rni, stilistikasi, strukturaviy tuzilishi, ma‘lum qonun - qoidalar birlashmasi ham mavjud. Anashunday metodlardan FESMU va SINKWEYN metodlarining samarasi o‘laroq pedagoglarga tavsiya etilyotgani sabab ushbu metodlarning boshqa fanlar bilan integratsiyaga kirishuvi mavjud bo‘lib, notiqlik san‘atining FESMU metodi bilan aloqadorligi va “Munozara” intellektual musobaqasi ishtirokchilarini yetishtirishda, SINKWEYN metodining esa geografiya, tarix va matematika fanlari bilan aloqadorlikni shakllantirishida o‘ziga xoslik mavjudligi yuzasidan fanlararo integratsiyani shakllantiruvchi va qolaversa, uning turli tarmoqlari - matnli tarzda, sur‘atli tarzda, audio tarzda va boshqacha uslublarda berilishida namoyon bo‘ladi.

Tadqiqotchi B.S.Abdullayeva o‘zaro fanlararo aloqadorlikni quyidagi turlarga ajratadi:

1. Mazmunli;
2. Operatsion;
3. Metodik;
4. Tashkiliy

Integratsiyashtirilgan darslar bolalarning dunyoqarashida bir butunlikni, voqealar uzviyligini tushunishni tabiatan anglab yetishga o‘rgatadi. Shuni alohida hisobga olish kerakki, maktablardagi boshlang‘ich sinflarda

darslarning integratsion bog'lanishlari ilmiy jihatdan ham ishlab chiqilgan. Mavjud turli fikrlar va qarashlar esa bir-biriga zid va qarashli bo'lmaganligi sababli integratsiya muammosi hamon bahsli masalalardan biri bo'lib qolmoqda [3].

Umumiy qilib olganda, ona tili va adabiyot darslarini tashkil etishda fanlararo integratsiyalardan o'zaro foydalanish va bunda matnlarni aloqadorlikni shakllantirishda Ona tili o'qitish metodikasi samarali foyda beradi. Bunda turli metodlar amaliyotidan foydalanish bilan birgalikda amalda qo'llanilayotgan eksperimentni har tomonlama tahlil etish, integratsiya tarzida tanlanib havola qiliyotgan matnning strukturaviy tuzilishini inobatga olgan holda, kommunikativ birliklar va qolaversa, predikatik uslublar hamohangligida darslarning namunali va mazmunli tashkil topishi ahamiyatli hisoblanadi. Universitet va pedagogika institutlarining filologiya fakulteti talabalari uchun dasrlk sifatida chop etilgan "Ona tilini o'qitish metodikasi" kitobi mualliflari: G'ulomov, Qodirov, Ernazarova, Bobomurodova, Alavutdinova, Karimjonovalarning fikriga ko'ra Ona tili va adabiyot fanlarining matnlari integratsiyalashuvini ta'minlashda Diagonostik tahlil bir muncha ahamiyat kasb etadi. "Diagonostika tushunchasi yunoncha so'zdan kelib chiqqan bo'lib, "aniqlashga qodir" degan ma'noni ifodalaydi. Diagonostik tahlil olingan yozma ishlar, o'tkazilgan savol - javoblar va kuzatishlar asosida uyushtiriladi va u uch bosqichni o'z ichiga oladi:

Birinchi bosqich tadqiqot predmetini aniqlash, xatolarning oldini olish, bartaraf etish, so'z zaxirasini oshirish.

Ikkinchi bosqich - yuzaga kelgan murakkab holatning kelib chiqish sabablarini aniqlashdir.

Uchinchi bosqich – yuzaga kelgan murakkab holatni bartaraf etish yo'llarini belgilashdan iborat" [4].

Shunday qilib zamonaviy texnologiyalardan foydalangan holatda dars soatlarini tashkil etar ekanmiz, keng jamoatchilik va ilm - fan ahli orasida keng mushohadalarga sazovor bo'lib kelyotgan ona tili va adabiyot darslarini tashkil etishda matnlar ustida integratsiyalarni shakllantirishda uslub, so'z qo'llash mahorati va ilmiy yondashuv o'z samarasini bermay qolmaydi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinf o'quvchilari uchun dasrlk mualliflari - N. Mahmudov, A. Sobirov, Sh. Sattorov, SH. Toshmirzayeva, D. Mannopovalar ham yuqorida yuritilgan fikrlarga qo'shiladi. 60 – mashqqa ahamiyat qarating: "Matnda yo'l qo'yilgan xatolarni tog'rilab, daftaringizga yozing. Qaysi a'zolarida sodir bo'lgan tovushlarda xatolikka yo'l qo'yiladi?" [5].

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, maktablarda va Oliy ta'lim muassasalarida ona tili va adabiyot darslarini matnlar bila birgalikda integratsiyalashtirishning o'ziga xos xususiyatlari yuksak ahamiyat kasb

etadi.

ADABIYOTLAR

1. Ortiqova Nargiz Baxtiyorovna “Fanlararo integratsiyaning ta’limdagi ahamiyati”. Nizomiy nomidagio TDPU 1- kurs magistranti.
2. Hoshimov o’tkir “Ikki eshik orasi” /roman/ “Adabiyot barhayot asarlar” turkumi. T: “Olm-ziyo zakovat”, 2019.
3. Xurramova Zarnigor Juraqul qizi “Ona tilini o’qitishda integrative yondashuv” Bitiruv malakaviy ishi. Toshkent – 2018
4. A. G’ulomov, M. Qodirov, M. Ernazarova, A. Bobomurodova, N. Alavutdinova, V. Karimjonova. “Ona tili o’qitish metodikasi” (Universitet va pedagogika institutlarining filologiya fakulteti talabalari uchun darslik). Toshkent: “Fan va texnologiya” 2012.
5. N. Mahmudov, A. Sobirov, Sh, Sattarov, SH. Toshmirzayeva, D. Mannopova Ona tili darslik (Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 5 – sinfi uchun darslik. Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi nashryot – matbaa ijodiy uyi -2022.

ONA TILI DARSLARIDA O‘QUCHILARNING NUTQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH

Kurbaniyazova Diluar Bektemir qi ‘zi ‘

*“Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang‘ich ta’lim)”
mutaxassisligi bo‘yicha 2-kurs magistranti.*

Nukus davlat pedagogika instituti, O‘zbekiston

Annotatsiya: Ushbu maqolada ona tili darslarida o‘quvchilar nutqini o‘stirishning asosiy yo‘nalishlari haqida so‘z boradi. Nutq o‘stirishning usullari izohlanadi. Ushbu sohadagi pedagogik mahorat va uning asosiy tamoyillari haqida fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Nutq, matn, so‘z, nutq o‘stirish, tafakkur, muhokama, ijodiy matn.

РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ РЕЧИ УЧАЩИХСЯ НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА

Курбаниязова Дилуар Бектемир Кизи

*Магистрант 2-курса по специальности «Теория и методика
образования и воспитания (Начальное образование)»*

*Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье рассказывается об основных направлениях развития культуры речи учащихся на уроках по родному языку. Объясняются приемы развития речи. Обсуждается педагогическое мастерство в этой области и его основные принципы.

Ключевые слова: Речь, текст, слово, культура речи, развитие, мышление, обсуждение, творческий текст.

DEVELOPMENT OF SPEECH CULTURE OF STUDENTS IN NATIVE LANGUAGE CLASSES

Kurbaniyazova Diluar Bektemir Khizi

*Master’s student of the 2nd year in the specialty of “Theory and
Methods of Education and Upbringing (Primary Education)”*

Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Abstract: This article is about the main directions of development of students’ speech in mother tongue classes. Methods of speech development are explained. Pedagogical skill in this field and its main principles are discussed.

Key words: Speech, text, word, speech development, thinking, discussion,

creative text.

Hozirgi kunda axborot texnologiyalari tinimsiz rivojlanayotgan paytda yangi innovatsion texnologiyalarga asoslanib ta'limning dunyo standartlariga mos darsliklar yaratish asosiy talablardan biridir. Har sohada bo'lgani kabi hozirgi o'zbek adabiy tili qurilishining ilmiy tahlillari va grammatik tizim, o'qituvchi - o'quvchi munosabatlari ham tubdan yangilanib bormoqda. Ona tili fanining yangilangan yo'nalishidan ko'zlangan maqsad o'quvchining ona tilida fikrini aniq ravon va tiniq nutqini shakllantirib bera olish. Nutq avvalo, aniq, mukammal va fikrlarni to'g'ri ifodalay olishi zarur. Ona tili fani o'quvchilarga so'zlarni to'g'ri tanlash, ularni o'rinli ishlata olish, o'z nutqiga nisbatan ehtiyotkorlik tuyg'usini shakllantirish kabi tushunchalarni o'rgatadi. Nutqning asosiy vositasi tildir. Til jamiyat a'zolari o'rtasida aloqa-aralashuv vazifasini bajaradi. Jamiyatda fikr almashish zaruriyatga asoslangan jarayon.

Ona tili darslarining asosiy maqsadi o'quvchilarni mustaqil fikrlashga va o'z fikrini chiroyli ifodalashga xizmat qilishdan iborat. Bu borada bir necha usullar mavjud. Ular orasida keng tarqalgan usullardan biri ijodiy matn yaratishga o'rgatish. Bu usul o'z fikrini matn ko'rinishida ifodalash ona tili darslariga qo'yilgan talablarning hammasini o'zida to'liq shakllantira olgan eng samarali usul. U o'quvchining tafakkurini rivojlantiradi, so'z boyligini orttiradi. Ijodiy matn bir necha ko'rinishlarga ega bo'lib, tasviriy matn turida voqealar qatnashuvi kuzatilmaydi. Unda tabiat manzarasi, atrof - muhit, voqea - hodisa yoki mashg'ulot jarayoni tasvirlanadi. Matnning bu ko'rinishidan 5-7 sinf o'quvchilarida foydalanish mumkin. Ushbu usul murakkablik tug'dirmaydi. Eng qulay tomoni shundan iboratki, o'rganish jarayonida yil fasllari, maktab bog'i, cho'l, sahro, daryo, paxta dalasi va hokazo tasvirlarni yaratish mumkin. Tasvirlash kuzatuvchanlikka bog'liq holda yuzaga keladi [1].

Matnning ikkinchi ko'rinishi rivoyat. Rivoyat matni izchillikka moyilligi, ishtirok etuvchilar soni, dialogik nutqi kabi xususiyatlari bilan boshqalaridan farqlanadi. Matnning ushbu turida dalillar va ularning tafsilotlari alohida ahamiyatlidir. Ona tili darslarida keng qo'llaniladigan matnning yana bir turi muhokama matni. U so'zlovchi izohlab bergan voqea-hodisaga o'z munosabatini anglatadi. Bunda o'quvchi o'z fikrini isbotlash uchun dalillar to'playdi va uni asoslab berishga harakat qiladi. Jarayon kuzatish, taqqoslash natijalariga tayanib ma'lum fikrni inkor etadi hamda bu haqidagi o'zining hukmlarini e'lon qiladi. Muhokama tarzidagi matnlar o'zaro bir-biriga zid bo'lgan tushunchalar o'rtasida yuzaga keladi. Ma'lumki, nutq og'zaki va yozma ko'rinishda bo'ladi. Har ikkala nutqni o'stirishga qaratilgan matnlar va o'quvchilar yaratadigan matnlar til hodisalarining mohiyatini anglashga xizmat qiladi. Biri ikkinchisini to'ldirib turadi. Yana shuni ham aytib o'tish kerakki, she'riy asar mazmunini nasriy yo'lda bayon etishni talab qilib qo'yish o'quvchilarning nutqi rivojlanishida ijobiy natijalar beradi.

Matn mazmunini o'zgartirish ya'ni ixchamlashtirish yoki kengaytirish og'zaki nutqning rivojlanishiga yordam beradi. Ushbu jarayonda ma'lum mavzu matnini kengaygan tarzda ifodalash talab qilinadi.

Ogʻzaki nutqni rivojlantirishda matn mazmunini saralab gapirish usulidan foydalaniladi. Oʻquvchi oʻqigan yoki eshitgan mavzusining mazmunini toʻliq soʻzlab berishi shart emas, balki aynan oʻrganilayotgan til hodisasiga aloqador joylarini aniqlab uning mazmunini izohlab beradi. Ona tili darslarida ogʻzaki nutqni rivojlantirishda xotira mashqlari yaxshi samara beradi. “Bolalar maktabda oʻqish davrida 750 dan ziyod har xil grammatik tushunchalar va taʼriflarga duch keladi. 6500 - 7000 atrofida turli hajm va murakkablikdagi topshiriqlarni bajaradi”. Barcha usullarni qoʻllagan holda hosil qilingan nazariy ilm, koʻnikmalarni amalda ishlata bilish grammatik topshiriqli matnlar yaratish ona tili darslarida koʻp ishlatiladigan ijodiy mashgʻulot turlaridan boʻlib, ular samarali natija bera olishi bilan ahamiyatlidir.

Nutq oʻstirishda 3 yoʻnalishga ajratiladi:

1. Soʻz ustida ishlash.
2. Soʻz birikmasi ustida ishlash.
3. Bogʻlanishli nutq ustida ishlash.

Har uchchala yoʻnalish parallel tarzda faoliyat olib boradi. Lugʻat ishi gap uchun kerakli material hozirlaydi. Soʻz birikmasi va gap ustida ishlash bogʻlanishli nutqqa tayyorlaydi. Yozma nutqni rivojlantirish ogʻzaki nutqqa qaraganda ancha murakkab jarayon. Sababi bu jarayonda oʻquvchilarning grammatik va mazmunan toʻgʻri jumla qurishi har soʻzni oʻz oʻrnida qoʻllay olishi, fikrni ixcham, izchil tarzda ifodalash talab qilinadi. “Pedagogik adabiyotlarda berilgan ilmiy maʼlumotlarga qaraganda 2 yoshli bolalar 30dan 100 gacha, 4 yoshli bolalar 1000dan 4000 gacha, 7 yoshli bolalar 3000 dan 7000 gacha, 10-11yoshli bolalar 8000dan 15000 gacha 14-15 yoshdagilar 11000dan 18000gacha soʻzni bilishlari lozim” [2].

Ona tili mashgʻulotlarida oʻquvchilar nutqini rivojlantirishga qarshi harakat qiladigan faoliyatlar mavjud. Ular oʻquvchilarning uyda, koʻchada tojik, turkman, qozoq yoki boshqa sheva tillarida soʻzlashishi. Nutqning toʻgʻri rivojlanishi uchun adabiy til meʼyorlariga rioya qilish talab etiladi.

Xulosa oʻrnida aytish joizki, nutq kishilik jamiyatining asosidir. Nutqni oʻstirish uchun bir qancha mashgʻulotlar olib borish zarur. Oʻquvchilar eʼtiborini bir xillikda tortib boʻlmaydi. Oʻquvchilar birxillikdan zerikadi. Shu boisdan ham nutqni oʻstirishda har doim har xil metod va oʻyinlardan foydalanish kerak.

Muhtaram prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev “Havas qilsa arziydigan ulugʻ ajdodlarimiz bor, havas qilsa arziydigan beqiyos boyliklarimiz bor va men ishonaman nasib etsa, havas qilsa arziydigan buyuk kelajagimiz, buyuk adabiyotimiz va sanʼatimiz ham albatta boʻladi” deb taʼkidlagan edi. Ravon nutq, mustahkam oʻzlashgan bilim buyuk kelajak sari yetaklaydigan yoʻldir.

ADABIYOTLAR

1. A.Muhiddinov “Oʻquv jarayonida nutq faoliyati” Toshkent-1995
2. Q.Abdullayeva “Nutq oʻstirish” Toshkent-1980
3. V.M.Karimova, R.I.Sunnatova, R.N.Tojiboyeva “Mustaqil fikrlash” Toshkent-2000.

УҚУВЧИЛАРДА БОЛА ХУҚУҚЛАРИГА ОИД БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*Кадрекова Алмаз Кудьяровна
Нукус Давлат педагогика институти
Бошлангич таълим кафедраси п.ф.ф.д (PhD)*

Аннотация: ўқувчиларда бола ҳуқуқларига оид билимларни шакллантиришида волонтерлик фаолиятини ҳақида, умумий ўрта таълим мактабларида бола ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши билан боғлиқ мазкур йўналишидаги фаолиятни олиб боришида давлат органлари билан бир қаторда жамоат таъшилотлари билан ҳам узвий ҳамкорлиги, болалар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишида Сардорлар кенгаши имкониятидан фойдаланиши самарали натижаларга эришиши имконини бериши.

Таянч сўзлар: болалар, болалар ҳуқуқларини таъминлаш, бола ҳуқуқлари, толерантлик, волонтерлик фаолият, конституция, болалар фаровонлигини таъминлаш, мактаб.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДОБРОВОЛЬЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО ФОРМИРОВАНИЮ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ О СВОИХ ПРАВАХ

*Кадрекова Алмаз Кудьяровна
Нукус Государственный педагогический институт
- дарснинг барча босқичларида қўлланиладиган модулли ўқитиш технологиялари

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда ўқув жараёнининг барча босқичларида қўллаш учун қулай бўлган универсал характердаги модулли ўқитиш технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Модулли ўқитиш технологияларини танлашда таяниладиган асосий принциплардан бири уйғунлашганлик, мужассамлашганлик принциpidир. Модулли ўқитиш технологиялари интеграциялашган ўқув мақсадларига нисбатан осонроқ эришиш имконини беради.

Модулли ўқитиш технологиялари ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда алоҳида ўрин тутадиган тескари алоқани таъминлашга ҳам хизмат қилади. Тескари алоқа шундай педагогик жараёнки, унда муайян ҳаракатлар, вазиятлар баҳсли масалалар ҳақида ахборот берилади. Ушбу масалалар ва вазиятлар мақсадга эришишни таъминлайди. Самарали ташкил этилган қайта алоқа ўқув фаолиятини такомиллаштиришнинг асоси ҳисобланади. Тескари алоқа ўқитувчига ўқувчиларнинг ютуқлари, муаммолари, ўқув жараёнининг сифати

ҳақида ахборот берувчи инструмент ҳисобланди. Бундай инструмент туфайли ўқитувчида ўқув жараёнининг бориши ҳақида аниқ тасаввур шаклланади.

Маълумки ўқув жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг таҳлили ва назорати асосида аниқланади. Ўқувчиларнинг интеллектуал фаолияти улар томонидан ўзлаштирилган билимлар ёрдамида жадаллашади. Мазкур билимларни ўқувчиларга тақдим этишда модулли ўқитиш технологиялари катта имкониятларга эга. Модулли ўқитиш технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини ташкил этишнинг муҳим талабларидан бири ушбу технологияларни мақсадга мувофиқ тарзда қўллашдан иборат. Модулли ўқитиш технологияларни ўқув мақсадлари билан боғлиқ тарзда ўз ўрнида қўллаш ўқувчиларнинг ўқув материалларини самарали ўзлаштиришларини таъминлайди.

Модулли ўқитиш технологиялари қўллаш жараёнида ўқитувчи ўқувчилар билан диалог ўрнатиш, ҳамкорликка киришиш, мустақил фикрлашга ундаш, ностандарт қарорлар қабул қилишлари учун қулай шароит яратиш, муваффақият қозонишга руҳлантириш, ўйлаш, танқидий фикрлаш муҳим хулосалар чиқариш, фаразларни илгари суришларига кўмаклашиш имкониятига эга бўлади. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда модулли технологияларни қўллаш жараёнининг таркибий тузилиш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Мазкур педагогик жараён ўқув материалларини тизимли тарзда ўқувчиларга тақдим этишда йўналтирилган модулли ўқитиш технологиялари ва ўқувчиларни интеллектуал ривожлантирувчи дидактик материаллардан ташкил топади. Ўқитувчи ўқув ахборотларини чуқур ўзлаштириш ҳақида ўқувчиларга тавсиялар бериб бунинг учун зарур бўлган ҳаракат усуллари ўзлаштиришга ундайди. Ўқитувчи модулли ўқитиш технологияларини ўқув жараёнида қўллаш учун муайян мезонларга таянади. Модулли ўқитиш технологиялари биринчи навбатда фанлараро алоқадорликни таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда ўқув предметининг мазмунида ўқув бирликларини интеграциялашга кўмаклашади.

Модулли ўқитиш технологиясини қўллашдан асосий мақсад ўқувчининг ўқув фаолиятини модулли ёндашув асосида ташкил этиб, билимларни ўзлаштириш босқичлари мантиқий жиҳатдан бир-бирини тақозо этади. Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг ўқув ахборотларини ўзлаштиришлари, идрок қилишлари, тушунишлари, фикрлашлари, эслаб қолишлари, умумлаштиришлари, тизимлаштиришлари, қўллашларига эътибор қаратилади. Модулли ўқитиш технологияларини қўллаш ўқув жараёнини муаммоли ташкил этишни тақозо қилади. Модулли ўқитиш технологиялари ўқув ахборотларининг асосий қисмларини қайта-

қайта такрорлаган ҳолда ўзлаштириш имконини беради. Бундай ўқув жараёнлари ўқув бирликларини ўзлаштириш ва улар ёрдамида фаолият усулларини эгаллашга кўмаклашади. Модулли ўқитиш жараёнида ўқув материаллари нафақат матнлар шаклида балки, жадваллар, чизмалар, қиёсий тавсифномалар, диаграммалар шаклида ҳам ўқувчиларга тақдим этилади.

Модулли ўқитиш технологияларини қўллашда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш. Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг билим ва ахборотларни ўзлаштирганликлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш;

- ўқувчиларни ижодий-интеллектуал фаоллик кўрсатишга ундаш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва ўқув жараёнига тузатишлар киритиш;

- ҳар бир мавзу ўзлаштирилгандан кейин жорий ва оралик назоратни амалга ошириш учун топшириқларни тузиш. Бунда назоратнинг бир қатор турларидан, жумладан, ўз-ўзини назорат қилиш, синфдошларини ўқув ҳаракатлари натижаларини назорат қилиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини назорат қилиш ва баҳолаш кабиларни амалга ошириш. Ҳар қандай назорат ўзининг муайян мақсад ва вазифаларига эга.

- модулли ўқитиш технологиялари қўллангач, якуний назоратни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай назорат ўқувчилар ўзлаштирган ахборотлар уларнинг интеллектуал соҳалари қай даражада ривожланганлигини кўрсатиши лозим;

- якуний назорат ишлари ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ва интеллектуал ривожланишида бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатса ўқувчиларга тақдим этилган билимлар ва ахборотлар бойитилиб, улар фаолиятини жадаллаштирувчи модулли ўқитиш технологияларини қўллаш тавсия этилади;

- модулли технологияларни ўқув жараёнига тизимли тарзда киритиш ва қўллаш тавсия этилади. Анъанавий ўқитиш жараёнида модулли технологияларни қўллаш самарадорликка эришиш имконини беради. Масалан 5-11 синфларда ўқув ахборотларини ўқувчиларга муайян изчилликда маъруза шаклида тақдим этиш мумкин. Бунда модулли ўқитиш технологиялари билан ўқув-билув фаолиятининг барча шакллари, усуллари, методлари, технологиялари уйғунлашади ва ўқув жараёни маҳсулдорлигини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, муайян дарсларда гуруҳли иш усулидан фойдаланиш, жуфтликларда ишлашгни ташкил этиш кабилар шулар жумласидандир.

Модулли ўқитиш технологиялари билан ўқув жараёнида қўлланиладигна ва ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш имконини берадиган усул ва методлар уйғунлашиш имкониятига эга. Бу эса ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш, дидактик воситаларни интеграциялаш, ўқув мақсадалрини самарали оптималлаштириш имконини беради. Модулли ўқитиш технологиялари ёрдамида ҳар ўқувчини интеллектуал жиҳатдан фаоллаштириш мумкин. Модулли ўқитиш технологиялар ёрдамида ўқувчилар ўзаро ҳамкорликда ишлайдилар ва бир-бирларини қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўладилар. Бундай дарсларда ўқитувчилар индивидуал назорат, ўқувчи билан индивидуал ишлаш, мустақил иш турларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг бажарган ишларига тузатишлар киритиш, зарур маслаҳатлар беришга муваффақ бўладилар. Шу билан бир қаторда ўқувчилар ижодий-интеллектуал лаёқатларини намоён қилишга эришадилар.

Модулли ўқитиш технологиялари ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишларини таъминлашни кафолатлайди. Натижада ўқувчилар мустақил ақлий фаолиятнинг юқори даражаларини эгаллайдилар. Ўқувчиларда мустақил, мантиқий фикрлаш, воқеа-ҳодисаларни танқидий баҳолаш фаразларини илгари суриш каби ақлий фаолият усуллари шаклланади. Модулли ўқитиш технологияларини қўллаш натижасида ўқитувчиларнинг ўқув жараёнидаги ташаббускорликлари, креатив ёндашув кўникмалари ривожланади. Субъект-субъект муносабатларининг ҳамкорликка асосланган шакли вужудга келади. Модулли ўқитиш технологиялари ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини бошқариш ва уларга маслаҳатлар бериш ўқитувчининг биринчи даражали вазифалари сирасига киради.

Ўқитувчининг ўқув жараёнидаги мавқеъи ўзгариши натижасида касбий фаоллик вужудга келади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув ҳамда интеллектуал фаолиятини модулли ўқитиш технологиялари ёрдамида бошқаради. Бунда ўқитувчининг асосий вазифаларидан бир модулли ўқитиш технологияларини қўллашга мўлжалланган ўқув жараёни мақсадалрини муваффақиятли уйғунлаштиришдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятларини ривожлантириш жараёнини лойиҳалаштиради. Бунда ўқитувчи биринчи навбатда синергетик ёндашувга таянади.

ПЕДАГОГИК СИНЕРГЕТИКА – (юнон. *sunergeia*— ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) педагогик тизимларнинг ўз-ўзини мустақил тарзда ташкил этиш назарияси, ҳамкорликдаги педагогик жараёнларни бошқариш, номунтазам педагогик ҳодисаларни ўрганиш, педагогик вазиятларни янгича изоҳлаш, мураккаб педагогик жараёнларнинг

табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услубидир .

Синергетик ёндашув доирасида ўқитувчи ўқув жараёнига алоҳида тайёргарлик кўради. Уни лойиҳалаштиради ва ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтиради. Бундай ўқув жараёни ўқитувчи учун ҳам ўқувчи учун ҳам ривожлантирувчи характер касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Педагогика. Энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.- 424 б.

2. Сафарова Р.Г. Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларни фанлар кесимида таснифлаш //Методик қўлланма - “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 11 б.т.

3. Сафарова Р.Г Модулли технологиялардан ўқувчиларнинг креатив қобилиятлари ва маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари. “Узлуксиз таълим тизимида модулли ўқитиш технологияларини қўллаш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” мавзусида республика миқёсида илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент, 2018 йил 18-19 октябрь, - 10-13-бетлар.

4. Третьяков П.И. Сенновский И.Б. Технология модульного обучения в школе. Практико-ориентированная монография. - Москва.: 1997 г.

5. Жанпейсова М.М. Модульная технология как средство развития ученика-Алматы, 2001.

**PEDAGOGIK FAOLIYATDA UCHRAYDIGAN RISKLAR VA
ULARNI BOSHQARISHGA BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARNI
TAYYORLASH MASALALARI**

*Kurbaniyazova Zamira Kalbaevna,
Pedagogika fanlari doktori, dotsent.
Nukus davlat pedagogika instituti, O‘zbekiston*

Annotatsiya. Maqolada “risk”, “pedagogik risk” va “pedagogik riskologiya” tushunchalari tahlil etilib, pedagogik jarayonlarda uchraydigan risklarning mazmuni ochib berilgan va guruhlarga ajratilgan. Pedagogik risklarning pedagogik faoliyatda uchraydigan turli xil konflikt (ziddiyat)lar bilan bog‘liqlik jihatlari to‘xtab o‘tilgan. Pedagogik jarayonda paydo bo‘ladigan ziddiyatlar kelib chiqishiga sabab bo‘ladigan o‘quvchilarning toifalari aniqlangan. Shuningdek, maqolada risklarni boshqarish va uning bosqichlari aniqlangan bo‘lib, bo‘lajak o‘qituvchilarni pedagogik faoliyatga pedagogik va psixologik tayyorlash yo‘llari haqida fikr yuritilgan.

Tayanch so‘zlar: risk, riskologiya, pedagogik risk, to‘siqlar, bo‘ysundirish, kompromiss, qochish va integratsiya, konflikt (ziddiyat), risklarni boshqarish, risklarni boshqarish bosqichlari, pedagogik risklarning oldini olish va hal etish.

**РИСКИ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И
ПОДГОТОВКА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ К УПРАВЛЕНИЮ ИМИ**

*Курбаниязова Замира Калбаевна,
Доктор педагогических наук, доцент.
Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация. В статье проанализированы понятия «риск», «педагогический риск» и «педагогическая рискология», раскрыты и подразделены на группы содержание рисков, встречающихся в педагогических процессах. Сделан акцент на аспекты, связанные с различными конфликтами (противоречиями), встречающимися в педагогической деятельности педагогических рисков. Выявлены категории студентов, которые провоцируют конфликты, возникающие в педагогическом процессе. А также, в статье определены управление рисками и его этапы, отражены пути педагогической и психологической подготовки будущих учителей к педагогической деятельности.

Ключевые слова: риск, рискология, педагогический риск, барьеры, подчинение, компромисс, избегание и интеграция, конфликт

(противоречие), управление рисками, этапы управления рисками, предотвращение и разрешение педагогических рисков.

RISKS ENCOUNTERED IN PEDAGOGICAL ACTIVITIES AND ISSUES OF PREPARING FUTURE TEACHERS TO MANAGE THEM

*Kurbaniyazova Zamira Kalbaevna,
Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor.
Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Summary. Annotation. The article analyzes the concepts of «risk», «pedagogical risk» and «pedagogical riskology», reveals and divides into groups the content of risks arising in pedagogical processes. Pedagogical risks are associated with various conflicts in pedagogical activity. The categories of students that cause conflicts that arise in the pedagogical process are identified. The article also gives a definition of risk management and its stages, and also discusses the ways of pedagogical and psychological preparation of future teachers for pedagogical activity.

Key words: risk, riskology, pedagogical risk, obstacles, submission, compromise, avoidance and integration, conflict (conflict), risk management, risk management stages, prevention and resolution of pedagogical risk.

Hammamizga ma'lumki, bugungi kunda yurtimizda ta'limni rivojlantirishning hozirgi bosqichida o'qituvchining ijtimoiy-pedagogik faoliyati murakkablashib bormoqda va bu faoliyat jarayonida pedagog-o'qituvchilar turli xil risklarga duch keladi. "Risk" tushunchasi yunon tilidan olinib, "risikion", ya'ni "g'oya", "jarlik", - degan ma'noni bildirib, faoliyat natijasi noaniqligidan va muvaffaqiyatsizlikka uchragan taqdirda salbiy oqibatlardan iborat bo'lgan vaziyatning tavsifi hisoblanadi. Ta'lim tizimida uchraydigan turli xil risklar pedagogika fanining alohida tarmog'i bo'lgan pedagogik riskologiyaning alohida fan sifatida shakllanishi va rivojlanishiga asos bo'lib xizmat qiladi. Umumiy ta'rifda riskologiya – bu riskning mohiyati, uning sabablari, namoyon bo'lish shakli, odamlar xayotidagi o'rnini o'rganadigan fandır. Pedagogik riskologiya esa ijtimoiy-pedagogik faoliyat omillari va ularning pedagogning kasbiy deformatsiyasiga hamda muqarrar tanlovda kasbiy faoliyatining o'ziga xos xususiyatlariga ta'siri to'g'risidagi integrativ ilm va kasbiy-pedagogik risklarni ilmiy tadqiq etishning yangi yo'nalishi hisoblanadi. Pedagogik jarayonlarda risklar paydo bo'lganda, muvaffaqiyatli faoliyatni qo'llab-quvvatlovchi va uni amalga oshirish jarayonida risklarni minimallashtirishga yordam beradigan o'qituvchini qo'llab-quvvatlashning samarali tizimini tashkil etish muammosi vujudga

keladi.

I.G.Abramova, E.X.Mixaylova, M.M.Potashnik, E.R.Xabibulin, N.N.Sabinina kabi olimlar pedagogik jarayonlardagi risklar yuzasidan o'zlarining ilmiy izlanishlarini olib borgan. SHu kabi pedagogik va psixologik adabiyotlarni tahlil qilish natijasida ta'lim tizimida yuzaga chiqadigan risklarni qo'yidagicha guruhlashtirish mumkin.

Birinchi guruh o'quv-bilish jarayonini tashkil etish va amalga oshirish jarayonida M.Bityanov, V.V.Rubtsov va boshqalarni bevosita maktabning ta'lim makonida yuzaga keladigan xatarlar bilan bog'liq bo'lib, ularning sabablari maktab dasturlarining murakkabligi, ta'lim mazmunining haddan tashqari yuklanishi; vaqt etishmasligi bilan bog'liq bo'lgan yuqori o'quv yuki; maktabni yuqori o'quv stavkalariga yo'naltirish; samarasiz o'qitish usullari; bolalar jamoasining bolani rad etishi yoki tengdoshlari bilan do'stona munosabatlarning yo'qligi, o'qituvchining salbiy munosabati va boshqalar.

Ikkinchi guruhga kasbiy faoliyatning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib, ta'lim jarayoni ishtirokchilari (o'qituvchilar, psixologlar, ta'lim muassasalari rahbarlari), kasbiy deformatsiya va noto'g'ri moslashuv (E.I.Rogov, L.M.Mitina, E.S.Asmakovets, YU.A.YUdchits, V.E.Paxal'yan, I.A.Baeva va boshqalar) bilan bog'liq risklar kiradi.

Maktab ta'lim makonining uchinchi guruh risklari maktab davrida bolaga salbiy ta'sir ko'rsatadigan noqulay omillar xisoblangan oilaviy xatarlar (I.Dubrovina, K.Limanskaya, V.V.Rubtsov) tufayli kelib chiqadi, shu jumladan: bolani bitta ota-ona tomonidan tarbiyalash; asrab oluvchi ota-onalar (o'gay ota yoki o'gay ona, qarindoshlar, shuningdek ular bilan doimiy yashaydigan ota-onalar) tomonidan tarbiyalash; agar ota-ona o'zini baxtsiz his qilsa va oilada yopiq bo'lsa, hayotga nisbatan ijobiy his-tuyg'ular va qarashlarni shakllantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratolmaydi.

To'rtinchi guruhga maktabning ta'lim maydoniga bilvosita ta'sir ko'rsatadigan va noqulay ekologik vaziyat ta'siri bilan belgilanadigan atrof-muhit omillari bilan bog'liq ekologik xatarlar kiradi. E.G.Kovalyova, M.N.Stepanova va D.I.Vasyutkinalarning fikriga ko'ra, maktabning ta'lim maydoni bir vaqtning o'zida ko'plab atrof-muhit omillarining (antropogen va texnogen, ijtimoiy-iqtisodiy, ijtimoiy-psixologik va boshqalar) ta'siriga uchraydi [6: 26-31bet].

Ma'lumki, o'qituvchilik kasbi jamiyat bilan chambarchas bog'liq kasb hisoblanadi. SHuning uchun jamiyatda bo'layotgan o'zgarishlar pedagogik kasbiga tashqi ta'sir etuvchi omil sifatida qaraladi. G.V.Mixaylovaning fikricha [7], tashqi omillarga siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va texnologik omillar kiradi. SHunday ekan, ta'limda ijtimoiy-pedagogik faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun bo'lajak o'qituvchilar ehtimoliy risklarni bartaraf etish yoki kamaytirish chora-tadbirlarini oldindan prognozlash malakasiga ega

bo'lishga tayyorlash maqsadga muvofiqdir. Ayniqsa, bo'lajak o'qituvchilarni turli risklarga tayyorlash ishlari eng avvalo ta'lim-tarbiya jarayonida yuzaga keladigan ziddiyatlarni bartaraf etish layoqatining shakllanishi bilan bog'liqdir. Ziddiyat, ya'ni konflikt deganimizda tomonlarning yoki hamkorlikdagi sub'ektlarning qarama-qarshi yo'nalishdagi manfaatlari, maqsadlari, pozitsiyalari, fikr va qarashlarining to'qnashuvi tushuniladi. Ziddiyat har doim ham yuzaga kelgan ziddiyatlarni hal etishning samarali usuli bo'lib hisoblanmaydi, chunki ziddiyat jarayonida paydo bo'ladigan kuchli emotsiyalar oqibatida tafakkur jarayonlari sekinlashadi, uning doirasi torayadi, psixikaning eng sodda qatlamlari (instinktlar, impul'siv xatti-harakatlar) ishga tushadi. Ammo aqliy mulohaza ziddiyatlarni hal qilishning yagona yo'li ziddiyatga kirish ekanligini taqozo etsa, bu jarayondagi tashabbuskorlikni o'z qo'lingizga olishingiz lozim. Chunki ziddiyatga ongli tarzda kirish orqali uni boshqarish mumkin. Shuni esda tutish lozimki, doimiy tarzda ko'p ziddiyatga kirish sog'liq uchun zararlidir. Ziddiyatni qanday qilib boshqarish mumkin? Buning uchun kishidan o'z emotsiyalarini nazorat qilish, qalbaki sabablardan haqiqiy sabablarni ajratib olish, ziddiyatni lokallashtirish, faqat himoyaga diqqatni qaratishdan qochish, tashabbuskorlikni o'z qo'lida ushlab turish talab etiladi. Ziddiyatni hal etishning to'rtta yo'li mavjud: bo'ysundirish, kompromiss, qochish va integratsiya. Oxirgi yo'l eng qiyin, lekin uni amalga oshirish mumkin.

Ijtimoiy hayotda uchraydigan har qanday ziddatlardan chiqib ketish yo'llarini bilmaslik, muammolarini hal etish va qiyinchiliklarni engib o'tishga harakat qilish insonlarda turli hil emotsional stresslarga olib keladi hamda uning psixik va jismoniy sog'lig'iga putur etkazadi. Psixologiya ilmida bunday holatlar to'siqlar dep ataladi. Shular orasida muamladagi to'siqlar turli xil ziddiyatlarning paydo bo'lishiga sabab bo'ladigan omillar bilan bog'liq bo'ladi. Pedagogik jarayonlarda ham o'qituvchilarni stress holati, jizakilik, asabiylikka, salbiy emotsiyalar, zo'riqish va agressivlik singari holatlarga olib keladigan omillar mavjud. Bularga o'qituvchilarning o'z ishi va kasbiga bo'lgan qiziqishlarining so'nishi, o'z ishiga salbiy munosabat, qarama-qarshi istaklar va manfaatlar, xarakterdagi nomutanosibligi to'sig'i kiradi. Asosan 20-25 foiz kishilarda xarakter yoki temperamentning ma'lum qirralari shunday kuchli namoyon bo'lgan bo'ladiki, ma'lum sharoitlarda muomala jarayonida ziddiyatlarga, asab zo'riqishlariga olib kelishi mumkin. Shuni yodda tutish kerakki, har qanday kishining o'z "nozik joy"lari, ojiz tomonlari bo'ladiki, muomalada xuddi shu tomonlarni tanqid ostiga olish yaramaydi.

Ijtimoiy hayotda ziddiyatlarning kelib chiqishiga sabab bo'ladigan muammolarning yana biri – bu insonlardagi ko'chli emotsional stress bilan bog'liq bo'lgan nevroz hastaligi hisoblanadi. Nevrozga do'chor bo'lgan

insonlarda ziddiyatlar tez-tez yuzaga keladi va ular chuqurroq va og‘irroq kechadi. SHuningdek, g‘am-qayg‘u, g‘azab va jahl ham nevrozga olib keladi. Bunday holatlar o‘zining ahvolidan qoniqmaslik, hayotdagi turli xil fojeli voqea va hodisalar oqibatida yuzaga keladi. Xalqimizda “Jahl kelganda, aql ketadi” degan maqol behudaga aytilmaydi. SHuning uchun, g‘azablanganda, jahl chiq-qanda turgan odam o‘tirish, o‘tirgan odamga esa yotish maslahat beriladi. Bu o‘rinda asosiy e‘tibor muskullarni bo‘shashtirishga qaratilishi kerak.

Ijtimoiy hayotda uchraydigan muammolardan yana biri – bu insonlar orasidagi muamala texnikasi va ko‘nikmalarini bilmaslik bilan bog‘liq. Bunda «muomaladagi monopulyatsiya, «pozitsiyaga ega bo‘li», «rol», «niqob» singari tushunchalar muomala usullaridan o‘zlarining g‘arazli maqsadida foydalanadigan shaxslarga nisbatan qo‘llaniladi.

SHu o‘rinda pedagogik jarayonda paydo bo‘ladigan ziddiyatlar va ularni keltirib chiqaruvchi sabablarga to‘xtalib o‘tsak. Pedagogik jarayonda paydo bo‘ladigan ziddiyatlar kelib chiqishiga quyidagi toifadagi o‘quvchilar sabab bo‘ladi:

1. Oilasi notinch, oilaviy munosabatlarda keskinliklar mavjud bo‘lgan bolalar ko‘pincha sinfda “jizzakilik” qilib, arzimagan sabablar tufayli ham tengdoshlari va kattalar bilan munosabatlari taranglashadi, ularni odatda o‘qituvchilari “tarbiyasi og‘ir” deb ta’riflaydilar.

2. Tarbiyasida, kamol topishida xatoliklarga yo‘l qo‘yilgan – infantil, o‘ta erka yoki injiq qilib tarbiyalangan bolalarda fanlarni o‘zlashti-rishda bilimlar bilan tizimli shug‘ullanish uchun iroda etishmaydi. Hissiy qo‘zg‘alish va tormozlanish kamchiliklar ham bilimlarni egallash va sinf jamoasiga kirishib ketishga to‘sqinlik qiladi.

3. Ruhiy rivojlanish sustlashgan bolalar ham darslar va berilayotgan bilimlarni o‘zlashtirishi qiyinlashgani va murakkablashib borishi natijasida bilimlarning mazmuni va ma’nosini egallashga qiynaladilar, bu holat ularda asabiylikka, janjalkashlikka moyillikni kuchaytiradi. CHunki dars ular uchun mashaqqatli – ish bo‘lib qoladi.

4. Iqtidorli o‘quvchilar. Ular ma’lum fan dasturida belgilangan bilimlarni tez o‘zlashtirib olishlari oqibatida dars davomida berilayotgan bilimlar darajasidan qoniqmaydilar. Bu holat esa o‘quvchining zerikishiga, ko‘pincha sinfdan ajralib qolishiga hamda o‘qituvchi bilan kelisha olmasligiga olib keladi. Natijada ular o‘quv jarayonida turli ziddiyatlar kelib chiqishiga sababchi bo‘ladilar.

5. Bolalarning boshqalarga taqlid qilishi natijasida yuzaga keladigan ziddiyatlar. O‘smirlik davrida “kattalik hissi”ni tuyish, o‘z-o‘zini tan oldirishga intilish natijasida o‘zidan kattalarga, kino aktyor-lariga, asar qahramonlariga va boshqa ular uchun sevimli qahramonlarga taqlid qilib sinfdagi tartib-

intizomni buzadilar, ahloq normalariga rioya qilishni istamaydilar.

Risklarni boshqarish – murakkab va ko‘p bosqichli jarayon bo‘lib, u harakatlar ketma-ketligiga qarab shartli ravishda bir necha bosqichlarga bo‘linishi mumkin. Risklarni boshqarish jarayonining mantig‘i keng tarqalgan tadqiqotlar asosida uning besh bosqichi aniqlandi:

1) risklarni aniqlash (aniqlash, ehtimollikni baholash, oqibatlarini prognoz qilish);

2) risklarni boshqarish usullarini tanlash (al’ternativ usullarni tahlil qilish, optimallarini tanlash);

3) risklarni boshqarish dasturini ishlab chiqish (tanlangan usullar asosida risk ehtimolini kamaytirish va ularning salbiy oqibatlarini kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlari ko‘zda tutilgan);

4) ishlab chiqilgan dasturni amalga oshirish (rejalashtirilgan tadbirlarni amalda bajarish);

5) risklarni boshqarish natijalarini baholash (zarur hollarda dasturni korrektsiyalash).

Demak, bo‘lajak o‘qituvchilarni bu kabi ziddiyat va risklarga tayyorlashda ushbu beshta bosqich asosida ish olib borish kutilgan natijalarni beradi. SHU o‘rinda tayyorlikning o‘zi nima?-degan savol tug‘iladi.

Tayyorlik ikki hil ma’noga ega bo‘lib, ulardan birinchisi biror ishni qilishga rozilikni ifodalaydi, ikkinchisida esa – hamma narsa qilib bo‘lingan holat, hamma narsa biror narsaga tayyor. Birinchi ma’noda faoliyatga qaratilgan ixtiyoriy va ongli qaror haqida gapiralayapti, ikkinchisida, u qarorning bajarilishini ta’minlaydigan holat sifatida ishlatiladi.

Harakatga tayyorlik holati jismoniy tayyorgarlik, harakatning zarur neyrodinamik xavfsizligi, tayyorgarlikning psixologik sharoitlari farqlanadigan turli darajalar va tomonlarni xarakterlovchi omillar kombinatsiyasi bilan belgilanadi.

Funksional yondashuvning ma’nosi, tayyorlik shaxsning o‘zini ruhiy va jismoniy safarbar qilish malakasi sifatida muayyan ruhiy holatini, vaqtinchalik holatni, aniqrog‘i, qisqa muddatli yoki uzoq muddatli, hozirgi paytda mavjud bo‘lgan holatni tavsiflaydi, ruhiy funktsiyalarni faollashtiradi.

Faoliyatga tayyorlik turli tarkibiy qismlarning tuzilmasi yoki asoslari tizimi shaklida talqin qilinadi, bunda kasbiy faoliyatga tayyorlik quyidagi komponentlar sifatida ajralib turadi:

- kasbga qiziqishni, kasbiy faoliyatga muvofiq munosabatni tavsiflovchi motivatsion;

- o‘z ichida professionallikni talab qiladigan yo‘naltiruvchi;

- kasbiy faoliyatga kompleks yondashuvni o‘z ichiga olgan faoliyatli;

- kasbiy faoliyat jarayonida o‘zini o‘zi boshqarishni irodaviy;

- baholovchi yoki refleksiv.

Psixologik tayyorlik mehnat predmetining resurslarini muayyan faoliyat yoki mehnat vazifasini operativ yoki uzoq muddatli bajarish uchun mehnat sub`ekti resurslarini safarbar qilish bilan tavsiflanadi. SHu bilan birga tayyorlik, umuman, organizmning biror harakat yoki reaksiyaga moslash-tirilgan tayyorgarlik holatini anglatadi, insonning biror tajribadan foyda olishga tayyor holatini tavsiflaydi.

Buni nisbatan sodda va biologik jihatdan yoki kutilmagan to`siqlar paydo bo`lganda o`z vazifalarini muvaffaqiyatli bajarishga, bilim, tajriba, shaxsiy fazilatlaridan to`g`ri foydalanishga, o`zini tuta bilishga va faoliyatini qayta tiklashga yordam beradigan murakkab kognitiv va rivojlanish holati sifatida tushunish mumkin.

Uzoq muddatli tayyorgarlik tizimli ravishda: muayyan faoliyat turiga, kasbga ijobiy munosabat; xarakter xususiyatlari, qobiliyatlari, temperament, motivatsiya, faoliyat talablariga mos; zarur bilim, ko`nikma va qobiliyatlar; idrok, e`tibor, fikrlashning barqaror kasbiy muhim xususiyatlarini, shuningdek hissiy va irodaviy jarayonlarni o`z ichiga oladi.

Vaqtinchalik tayyorlik bo`lajak vaziyatning xususiyatlari va talablarini aks ettiradi, uning asosiy xususiyatlari nisbiy barqarorlik, faoliyat jarayoniga ta`sir etish samaradorligi, tayyorlik strukturasi maqsadga erishish uchun optimal sharoitlarga muvofiqligi.

SHunday qilib, kasbiy faoliyat jarayonida faoliyatga psixologik tayyorlikning shakllanishi kasbiy yo`naltirilgan munosabatlar, motivlar, shaxs xususiyatlarining shakllanishi hamda uning shart-sharoitlarini baholash bilan bog`liq.

Murakkab faoliyatga psixologik tayyorgarlikning dinamik tuzilishi shaxsiy xususiyatlarni o`z ichiga olgan yaxlit ta`limdir, ularning asosiylari:

- motivatsion – topshiriqni muvaffaqiyatli bajarish zarurati, faoliyatga qiziqish, muvaffaqiyatga erishish va o`zini eng yaxshi tomondan ko`rsatish istagi;

- kognitiv – mas`uliyatni, ish vazifasini tushunish, faoliyatning yakuniy natijalariga erishish va o`zi uchun ahamiyatini baholash (obro`, maqom jihatidan), vaziyatdagi mumkin bo`lgan o`zgarishlarni taqdim etish va h.k.;

- hissiy – kasbiy va ijtimoiy mas`uliyat hissi, muvaffaqiyatga ishonch, ilhom;

- kuchli irodali – o`z-o`zini boshqarish va kuchlarni safarbar qilish, vazifaga diqqatni jamlash, chalg`ituvchi ta`sirlardan ehtiyot bo`lish, shubhalarni, qo`rqishni engish.

Yuqoridagilarni hisobga olgan holda aytsak, faoliyatga psixologik tayyorlikni shakllantirish o`zaro bog`liq bo`lgan tartib va harakatlar ketma-ketligidir:

- jamiyat, jamoa yoki vazifaning ehtiyojlari, talablarini bilish;

- hal qilinishi ehtiyojlarni qondirishga olib keladigan vazifalarning maqsadlarini anglash;
- bo'lajak tadbirlarni o'tkazish shartlarini tushunish va baholash, muammolarni hal qilish va ushbu turdagi talablarni qondirish bilan bog'liq tajribani yangilash;
- tajriba asosida muammolarni hal qilish yoki talablarni bajarishning eng oqilona va mumkin bo'lgan (yordamchi) usullarini kelajakdagi faol-iyat shartlarini baholash;
- kelgusi tadbirlar o'tkaziladigan sharoitlarni tushunish va baholash, vazifalarni hal qilish va shu kabi talablarga javob berish bilan bog'liq tajribani yangilash;
- vazifalarni hal etishning eng oqilona va mumkin bo'lgan (yordamchi) yo'llarini aniqlash yoki tajriba asosida talablarni bajarish va faoliyat-ning bo'lajak shartlarini baholash;
- aqliy, hissiy, motivatsion va irodaviy jarayonlarning namoyon bo'lishini bashorat qilish, imkoniyatlar nisbati, da'volar darajasi va ma'lum natijaga erishish zarurligini baholash;
- sharoit va vazifalarga muvofiq kuchlarni safarbar etish, autosuggestiya, maqsadga muvaffaqiyatli erishishga ishonish.

SHuning uchun o'qituvchi ayni paytda ta'lim-tarbiya jarayonining sub'ekti bo'lishi kerak. Ta'lim jarayonining sub'ekti sifatida o'qituvchi pedagogda erkin va ongli o'z-o'zini aniqlashni nazarda tutuvchi loyihalovchi, konstruktor, tashkilotchi va bevosita ishtirokchi, muayyan shaxsiy ekzistentsial pozitsiyani tashuvchi vazifasini bajaradi.

Zamonaviy sharoitda ijodiy fikrlaydigan, faol va har tomonlama rivojlangan shaxs ijtimoiy taraqqiyotga hissa qo'shishi mumkin, natijada o'qituvchi shaxsiga, uning psixologik va kasbiy tayyorgarligiga qo'yiladigan talablar ortadi. Endi har qachongidan ham chuqur kasbiy tayyorgarlikni, mas'uliyatni, bilimlarni yangilash va boyitishga intilishni birlashtiruvchi mutaxassislariga ehtiyoj tug'iladi, buning uchun bo'lajak o'qituvchining psixologik tayyorgarligi, o'z-o'zini anglashi va kasbiy o'zligini shakllantirish muhim ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ – 5847 – сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887 – сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ҚММВ: 06/22/60/0082-



son 29.01.2022-у.

3. Абрамова И.Г. Теория педагогического риска. дис. ... д-ра пед. наук. – СПб., 1996. – 381 с.

4. Баева И.А. Психологическая безопасность в образовании. – Санкт-Петербург, Изд-во «Союз», 2002г. – 271с.

5. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 29 б. 11-12.

6. Ковалёва Е.Г., Степанова М.Н., Васюткина Д.И. Система управления рисками кризисных и чрезвычайных ситуаций в высших учебных заведениях. “Риски в изменяющейся социальной реальности: проблема прогнозирования и управления. //Материалы международной научно-парктической конференции Г.Белгород, 2015. Стр. 26-31.

7. Михайлова Н. В. Методы оценки и анализа рисков. — Казань: Молодой ученый, 2021. – С.86-92.

8. Убайдуллаев К., Курбаниязова З.К., Хабибуллаев Б.Г. Жоқары оқыў орынлары педагог кадрларының кәсіплик компетентлиги ҳәм педагогикалық шеберлигин жетилистириў: оқыў-методикалық қолланба. –Нөкис, 2018, - 14б.

ОСНОВНЫЕ ПОЛОЖЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЭТНОПЕДАГОГИКИ КАК НАУКИ В УСЛОВИЯХ НОВОЙ ПАРАДИГМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

Курбаниязов Махсетбай Далибаевич
преподаватель Нукусского государственного педагогического
института имени Ажинияза

Аннотация: В данной статье рассматривается анализ этнопедагогика как формы выражения правовой ментальности народов, а также основные принципы национального воспитания обеспечивающее единство достижений народной педагогика и научной педагогика.

Ключевые слова: национальное воспитание, этнопедагогика, этнография, воспитательный идеал, этнофора.

ЯНГИ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИ ШАРТЛАРИДА ЭТНОПЕДАГОГИКА ФАН СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Курбаниязов Махсетбай Далибаевич
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти
ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада халқлар ҳуқуқий менталитетини ифодалаш шакли сифатида этнопедагогиканинг таҳлили ҳамда миллий тарбиянинг асосий тамойиллари, халқ педагогикаси ва илмий педагогика ютуқлари бирлигини таъминловчи масалалар кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: миллий тарбия, этнопедагогика, этнография, тарбиявий идеал, этнофора.

THE MAIN PROVISIONS OF THE DEVELOPMENT OF ETHNOPEDAGOGY AS A SCIENCE IN THE CONDITIONS OF A NEW PARADIGM OF EDUCATION

Kurbaniyazov Makhsetbay Dalibayevich
teacher at Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Abstract: This article discusses the analysis of ethnopedagogy as a form of expression of the legal mentality of peoples, as well as the basic principles of national education, ensuring the unity of the achievements of folk pedagogy and scientific pedagogy.

Key words: national education, ethnopedagogy, ethnography, educational ideal, ethnophora.

Введение. Опыт развития теории и практики воспитания убедительно свидетельствует, что в большинстве своем у каждого народа исторически сложилась собственная национальная система воспитания и образования, которая отражает ментальные особенности этого народа и является частью его культуры.

Отметим, что основные принципы национального воспитания обеспечивают единство достижений народной педагогики и научной педагогики.

Национальная система воспитания воспроизводит нравственный и интеллектуальный потенциал соответствующего народа, создает условия для развития природных задатков. Национальное воспитание предполагает глубокое изучение народа, его истории, культуры, духовности и на этой основе - познание каждым воспитанником самого себя как индивидуальности, части своей нации.

Анализ публикаций по ментальности народов, в частности по правовой ментальности, свидетельствует о том, что эта проблема интересует многих ученых и ученых разных областей знаний. Несмотря на значительное внимание уделяемому правовому менталитету среди ученых, недостаточно освещенным остается вопрос правового менталитета в контексте проявления его в этнопедагогике.

Для должного понимания значения этнопедагогике как формы и благополучия и одновременно сохранения и развития правовой ментальности народов следует, прежде всего, подчеркнуть ее философских основах.

Чтобы по-настоящему познать свой народ необходимо изучить его историю, язык, культуру, которая питалась в народной среде на протяжении многих веков, непрерывно развивалась, сохраняя при этом свои черты. Традиционная культура выражена в различных формах: материальной (здания, ремесла, орудия труда, одежда и т.д.) и духовной (традициях, обычаях, обрядах, устном народном творчестве).

Изучением этой коллективной народной культуры занимается специальная наука - этнография.

Название это происходит от греческих слов *ethnos* - народ и *grapho* - пишу, что означает народописание.

Итак, этнография - это одна из областей исторической науки, занимающаяся изучением происхождения народов (этносов), процесса их развития, особенностей традиционного быта, материальной и духовной культуры.

Ученые ввели в педагогическую литературу термин «этнопедагогика» и дали ее научное определение.

Этнопедагогика - это наука об опыте народных масс в воспитании подрастающего поколения, их педагогических взглядах; это наука о

педагогике быта, педагогике семьи, народности, нации. Этническая педагогика исследует особенности национального характера, сложившегося под влиянием исторических условий [1].

Использование накопленного народом опыта в воспитании является ценным источником для возрождения и становления национального воспитания, ведь оно соответствует нраву, менталитету, особенностям национального характера.

Универсальной особенностью этнопедагогики является то, что она эффективно использует два основных направления направленности ребенка - подражание деятельности взрослых и стремление к познанию окружающего мира.

Этнопедагогические идеи глубже всего освещены в исторических, фольклорных, этнографических источниках и произведениях искусства. Эти воспитательные взгляды наших предков воспроизведены в традициях, обычаях, обрядах, праздниках.

Если мы хотим сохранить себя как живой национальный организм, то возвращение к традиционным устоям воспитания должны признать своим императивом - так можно сформулировать стратегию современного воспитания.

Использование накопленного народом опыта в воспитании подрастающего поколения является основой для возрождения национального воспитания. Цель воспитания в этнопедагогике сводилась к возвращению здорового, доброго, умного и трудолюбивого человека [2].

Если мы будем лишь пассивно наблюдать, как растет, развивается ребенок, то сам ребенок будет искать активного влияния авторитета, без которого он чувствует себя беспомощным.

И тогда вместо вашего влияния может прийти фактор, который будет только положительно действовать на ребенка.

Нет, мы должны с мужеством брать на себя ответственность, пользоваться влиянием своего на ребенка, дорожить наклоном ребенка, подчиняться им и искать средства, чтобы направить ребенка на хороший путь. Наша ответственность здесь очень велика, потому что почти исключительно от нас зависит, куда именно мы направим волю еще мало сознательного существа. Поэтому надо прежде всего, как можно лучше присмотреться, познать душевное и физическое состояние ребенка, разобраться в том, к чему привлекает ребенка и от чего его отвращает. Надо ласкательно вызвать его доверие, его откровенные признания, чтобы в отношениях между педагогом и ребенком не было страха.

Народные философские наблюдения и выводы, мироощущение и мировосприятие формировались под влиянием историко-

географических условий родного народа, его национального бытия. На каждом этапе развития каждая национальная система воспитания вбирала в себя лучшие достижения философского осмысления целей, задач, смысла жизни и исторических перспектив.

На основе народной философской мысли зарождались национальные традиции, обычаи, обряды, составляющие надежный фундамент системы воспитания подрастающего поколения.

В традициях и обычаях аккумулировались идеи, отражавшие осмысление правды, добра, красоты в народной жизни вообще и в деле правового воспитания детей в частности. А самое главное - фиксировались те образцы правомерного и неправомерного поведения и восприятия права и закона, которые были сформированы ментальностью народа на протяжении его этногенеза.

Национальное воспитание духовно воспроизводит в детях традиции родного народа, увековечивает в подрастающих поколениях самобытное, что есть в каждой нации, а также общечеловеческое, общее для всех наций мира. Воспитание формирует в детях носителей национальной культуры, творцов исторического пути родного народа, верных продолжателей дел, завещаний родителей [3].

Современное общество нуждается в модернизации системы национального воспитания, основой которой должна стать национальная идея в формировании молодого человека. Идеал национального воспитания - это человек-гражданин, патриот, профессионал, человек с присущими ему личностными качествами и чертами характера, мировоззрением и образом мышления, чувствами, поступками и поведением, направленными на развитие демократического гражданского общества, человек компетентный, ответственная, национально сознательная, с острым чувством принадлежности к родной земле, народу, признанием духовного единства поколений, общности культурного наследия; чувством патриотизма и преданности Родине, с гуманистической моралью, уважением к таким ценностям, как свобода, равенство, справедливость.

Главным ориентиром в системе воспитания любого народа является выработанный им воспитательный идеал, это - особое представление о том, каким должен был человек.

Исследователи в своих трудах главенствующую роль отводят этнонациональному воспитанию в процессе формирования воспитательного идеала, что обусловлено также актуальными социально-политическими явлениями в развитии общества. Они отличают как ключ для понимания специфики формирования воспитательного идеала в (этнопедагогике) определенную идею понимания человека.

Воспитательный идеал является самой динамичной, способной к изменениям и трансформациям педагогической категории.

Итак, каждый из народов на протяжении многих веков выработал свой воспитательный идеал. Вместе с тем, их всех объединяет стремление достичь совершенства в формировании человеческой личности.

Большое значение для правового воспитания имело и усвоение представителями каждого народов ценностей, которые, по мнению некоторых исследователей, существуют в трех основных формах, которые переходят друг в друга:

- общественные идеалы - сформированные общественным сознанием и присутствующие в нем обобщенные представления о совершенстве в разных сферах общественной жизни, в том числе в сфере права;

- предметы воплощения этих идеалов в действиях и произведениях конкретных людей;

- мотивационные структуры личности («модели должного»), пробуждающие ее к предметному воплощению в поведении и деятельности ценностных идеалов.

В контексте правовая ментальность народов в большинстве своем соответствует тем нормам, которые характеризует мировое право. Отметим, что поскольку право как один из способов духовно-практического освоения действительности несет в себе единство имманентного и трансцендентного, то на этой основе особое место в нем занимают идеи-ценности. Это - равенство, свобода, справедливость и другие, утвердившиеся как важнейшие и неотъемлемые от личных прав человека.

Для народов названные ценности имели еще большее значение, поскольку с их утверждением в правовом сознании народов связывалась сама возможность его выживания. По этой причине они занимали особенное место в педагогике.

Важное значение для правового образования подрастающих поколений имеют философские основы права, отраженные в мифологии, фольклоре, символической, календарно-семейной обрядности народов. В них фрагментарно находит своеобразная народная философия права, в которой право связывается с добром, красотой, правдой, справедливостью, миром и дружбой с представителями других народов.

Народная философия утверждала уважение человека, в частности ребенка, семьи, природы. На протяжении веков эти и другие понятия определяли характер жизни, народовластия, народного гуманизма, морали, эстетики [4].

Правовая ментальность, созданная в народе геополитическими условиями его бытия, формировала соответствующее понимание в

обществе значения человека, его жизни, убеждений, безопасности.

Постоянно развиваясь, национальное правовое воспитание углубляется, обогащается новым содержанием, формами и методами воздействия на подрастающие поколения. Однако не все то, что возникает в процессе развития такого воспитания, входит в его систему.

Национальная система правового воспитания включает в себя те компоненты, которые отвечают культурно-историческим достижениям нации, перспективам ее развития, материальным и духовным, в том числе правовым, ценностям и характеризуются их единством, целостностью, взаимозависимостью и взаимосвязью всех составляющих.

Ведущие идеи бытия народов охватывают всю национальную систему правового воспитания, интегрируют ее компоненты в целостную систему. А в основе этих идей находятся проявления ментальности народов, формируя общественные, в том числе правовые ориентации, обеспечивающие ментальное воспроизведение ее носителя.

От учета правовых традиций, в конечном счете, зависит успех модернизации права, и наибольшие успехи достигают те, кому удастся найти именно свой собственный, специфический образ современности, только свое, единственное в своем роде сочетание самобытной культуры, менталитета с идеей развития.

В процессе культурогенеза народная педагогика выработала самобытный комплекс традиционно-стереотипных норм и манер поведения, связанных с ментальными основами бытия.

Их уникальная переплетенность дает основания говорить о феномене типа поведения - устоявшейся системе морально-нравственных ценностей, созданных на основе народной философии жизни.

Главными ее составляющими являются традиционные отношения в обществе, институты побратимства, посестринства, кумовства, а также подсистемы своячества, доброжелательности, почитания, гостя, добрачного молодежного общения и т.д.

Сыграв важную коммуникативную роль, они в значительной степени определяют статус человека в социальной, общественной, семейной иерархии отношений.

Стабильность и стереотипность указанных норм и правил поведения, межличностных отношений является важным фактором сохранения внутреннего единства общества, его способности противостоять внешним воздействиям.

Главной средой, где формируются нравственные нормы родственных и этносоциальных отношений, является семья и община. Мощным фактором, обеспечивающим их соблюдение, является общественное мнение, выполняющее регулятивные и охраняющие функции по

соблюдению этих правил поведения.

Общество обеспечивало строгое соблюдение норм обычного права, обеспечивавших сохранение этнической идентичности на разных этапах развития народов.

Отдельный срез этнонормативной культуры раскрывается через невербальные (визуальные) способы межчеловеческой коммуникации, несущие информацию о стереотипах поведения и большое значение символов в правовой коммуникации.

В традиционной системе у народов ярко отражаются их давние мировоззренческие представления и стереотипизированные эмоциональные реакции. Они являются проявлением ментально-психической составляющей в психике представителя этноса.

Ведь, по определению психологов, именно ментально-психическая составляющая является психоэнергетическим потенциалом, который образовался в процессе жизнедеятельности этноса от зарождения до наших дней и передается через бессознательный уровень каждому этнофору (психика каждого человека).

Так, рукопожатие, в разных комбинациях бытующее в широком этнокультурном ареале, в гносеологическом плане относится к одному из средств физических контактов, регламентированных, в частности, нормами обычного права. Этот ритуал в почитании человека народная педагогика определяла первоочередным.

В современной этнопедагогике утрачено много ее традиционных черт. По-видимому, это проявление одной из закономерностей жизнедеятельности общества.

Однако современная культура не может обходиться без реставрации важнейших, наиболее существенных идей-концептов, которые в прошлом помогли этносу выжить и развиваться, а в сегодняшних условиях могут помочь сохранить специфику этноментального и правового бытия народа. Эти идеи-концепты, являются, первоисточками национальной культуры - духовно-ментальными атрибутами этноса, которые являются душой народа.

Выводы. Исходя из всего вышесказанного, можно утверждать, что этнопедагогика - это сфера общественной и государственной жизни этноса, включающая в себя две стороны единого процесса в форме специальной и народной педагогики. Каждая из этих сторон является выражением правовой ментальности народов.

Правовая ментальность народов, выражающаяся, в частности, в содержании народной педагогики, имеет свойство, являясь относительно самостоятельной сферой бытия, в свою очередь, влиять на развитие этого народа.



ЛИТЕРАТУРА

1. Арсадиев Ш.М. Методология современной этнопедагогика. - М., 2013. - 320 с.
2. Волков Г.Н. Этнопедагогика. - М., 1997. - 54 с.
3. Хайруллин Р.З. Формирование культуры межнационального общения и толерантности в молодежной среде. - М., 2009. - 93 с.
4. Слостенин В.А. Этнопедагогические факторы мультикультурного образования. - М., 2004. - 170 с.

9-SINF ONA TILI DARSLARIDA MATN TUZILISHIGA DOIR TA'LIM MAZMUNI

*Mavlonova Klaraxon Maxmutovna, Alisher Navoiy nomidagi
Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti
Ona tili va adabiyot ta'limi kafedrasida dotsenti,
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

Annotatsiya. Maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinf ona tili darslarida nazariy ma'lumotlaridan yozma nutqni ijodiylik tavsifida o'rgatish, matnning (murakkab sintaktik butunlikning) tuzilishiga xos til xususiyatlarini ta'lim mazmunida aks ettirish haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: matn tuzilishi, muhokama-matn, abzas, uyushiq bo'laklar, undalma, sodda va qo'shma gap, tinish belgilari.

ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ СОДЕРЖАНИЕ ПО СТРУКТУРЕ ТЕКСТА НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА В 9 КЛАССЕ

*Мавлонова Кларахон Махмутовна,
Ташкентский государственный университет узбекского языка и
литературы имени Алишера Навои
доцент кафедры Родного языка и литературного образования,
доктор философии в педагогических наук*

Аннотация. В статье описываются процессы об обучении письменной речи при описании творчества по теоретической информации в 9-х классах родного языка общеобразовательных школ, отражении языковых особенностей, характерных для структуры текста (сложного синтаксического целого) в учебном содержании.

Ключевые слова: структура текста, дискуссионный текст, абзац, связные предложения, обращение, простое и сложное предложение, знаки препинания.

EDUCATIONAL CONTENT ON THE STRUCTURE OF THE TEXT IN THE LESSONS OF THE NATIVE LANGUAGE IN GRADE 9

*Mavlonova Klarakhan Makhmutovna,
Doctor of Philosophy in Pedagogy (PhD), Associate Professor of
Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after
Alisher Navo'i.*

Annotation. The article describes the processes of teaching written speech when describing creativity on the basis of theoretical information in the 9th grade of the native language of general education schools, reflecting

the language features characteristic of the structure of the text (a complex syntactic whole) in the educational content.

Keywords: text structure, discussion text, paragraph, connected sentences, appeal, simple and complex sentences, punctuation marks.

Dunyoda globallashuv sharoitida ona tilini matn yarata olish darajasida o'qitish mazmunini takomillashtirishga e'tibor qaratilmoqda. Xususan, Buyuk Britaniya, Germaniya, Koreya, Shveysariya, Vengriya, Rossiya va Xitoydagi yetakchi oliy ta'lim muassasalarida til va adabiyot fanlarini esse yoza bilish (matn yaratish) sari yo'naltirgan holda o'qitish vazifalari qo'yildi, ta'lim mazmuni va metodlariga aniqliklar kiritila boshlandi, o'qitish jarayoniga texnologiyalar, interaktiv usullarni tatbiq etishga kirishildi. Shuningdek, ta'lim oluvchilarning lingvistik va nutqiy kompetensiyasini shakllantirishda adabiy asarlardan foydalanish, asar tahlili orqali tilga oid bilimlarni chuqurroq egallash, ona tili darslarida badiiy asarning til xususiyatlarini matn yaratish darajasida o'rganilmoqda, matn tuzilishiga doir ta'lim mazmuni va metodlarini ishlab chiqishning nazariy masalalari tadqiq etilmoqda. Ona tilining matn tuzilishi bilan bog'liq me'yorlaridan, nazariy ma'lumotlaridan yozma nutqni ijodiylik tavsifida o'rgatish, matnning (murakkab sintaktik butunlikning) tuzilishiga xos til xususiyatlarini ta'lim mazmunida aks ettirish, o'quvchilarning mantiqiy izchillikda, fikrlarni o'zaro bog'lanishda ifodalash tarzidagi ijodiy ishlarga monand qobiliyatlarini yuksaltirish maqsadida foydalanish orqali ta'lim sifatini oshirish kabi ustuvor yo'nalishlarda ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda.

O'quvchilarni matniy jihatdan savodxon qilib tarbiyalash, matniy savodxonlik asosida ularni hayotga tayyorlashdek mas'uliyatli, o'ta murakkab, ayni paytda kuchli zaruriyat hisoblanadi. Ushbu yo'nalishdagi ishlar, shubhasiz, ona tili ta'limi zimmasiga yuklanadi. Quyida mazkur ilmiy-metodik muammoning yechimiga qaratilgan tadqiqotimizdan o'rin olgan 9-sinfda matn tuzilishini o'rganishga doir qoidalar xususida so'z yuritamiz.

9-sinf ona tili darslarida matn tuzilishi ustidagi ishlar qo'shma gap sintaksis bilan bog'lab quyi sinflarda o'tilganlarga nisbatan tadrijiy ravishda davom ettirilar ekan, bu jarayon o'tilganlarni takrorlash, yangi tushunchalar bo'yicha tuzilishi lozim bshlgan qoidalarning mavzularini rejalashtirish tavsifida bo'ladi. O'quvchilarning matniy bilimlari ikki yo'nalishda tadqiq etilishi maqsadga muvofiqdir:

- 1) matnda qo'shma gap turlarini asta-sekin ko'paytirib borish;
- 2) qo'shma gapga doir bilim elementlaridan matn tuzilishiga aloqadorlari asosida foydalanish.

Qo'shma gaplar matn tarkibida o'ziga xos vazifani bajaradi. Lekin matnda qo'shma gapning mazmuni ikki mustaqil sodda gap beradigan mazmun bilan

bir xil bo‘lishi mumkin bo‘lsa ham, ohang jihatdan bir-biridan farq qiladi: qo‘shma gapda fikrni qisqiv ifodalash bor, ikki mustaqil gapda esa sodda gaplar predikativligi, salmoqli ohang ustuvorlik qiladi.

S.Boymirzayevaning “Badiiy matnda qo‘shma gap” nomli risolasida dastlab matn haqida gapiriladi, so‘ngra qo‘shma gaplar bayoniga o‘tiladi [1; 114]. Risolada asosiy e‘tibor mazkur sintaktik birliklarning matnda namoyon bo‘lishini ta‘minlovchi ma‘noviy, stilistik, pragmatik omillarni aniqlashga qaratilgan. Muallifning fikricha, “Shaxsning til birliklaridan foydalanish mahorati zaminida uning idiolekti, ya‘ni individual lisoniy faoliyat zahirasi yotadi” [1; 12].

9-sinfda o‘quvchilar qo‘shma gap turlari zahirasidan matn tuzishda unumli foydalanishi uning faoliyatini mazmudor qiladi.

Ikki sodda gap qo‘shma gapga birlasha olganidek, qo‘shma gap ham o‘z navba tilda ikki sodda gapga ajrala oladi. Bunday ajratishlarda matndagi sodda gaplar predikatlariga urg‘u berishdan, intonatsion xususiyatidan kelib chiqiladi. Shunday bo‘lgach, biz qo‘shma gap bo‘yicha o‘tiladigan mavzularda zaruriyatga qarab matn tarkibida qo‘shma gapni sodda gaplarga ajratish imkoniyatlari bilan bog‘liq yumushlarini ado etishni o‘z oldimizga maqsad qilib qo‘yamiz.

S.Boymirzayevaning ta‘kidlashicha, “Matn yoki matn yaxlitligi lisoniy belgilarning sintaktik, semantik, pragmatik bog‘lanishi asosida tashkil topadigan tugal tuzilmadir. Shu sababli matnning matn bo‘lishini, uning tabiatini belgilovchi asosiy xususiyat sifatida nutqiy sintaktik birliklar – gap va nutqiy aktlarning yagona bir matn tizimida birikuvini ta‘minlovchi qoidalarni e‘tirof etganimiz ma‘qulroqdir” [1; 5].

Matn yaratishda nutqiy vazifalaridan kelib chiqiladi: “Ma‘lumki, nutqiy muloqot jarayonida lisoniy birliklar ijtimoiy, kognitiv, ruhiy va axborot yetkazish kabi vazifalarni bajaradilar” [2].

Matn tuzilishini o‘rganish ishini qaysi qo‘shma gap turlari bilan bog‘liq mavzularni o‘tish bilan bog‘lashda qo‘shma gapning quyidagi jihatlari nazarda tutildi:

1. Qo‘shma gapni tashkil etuvchi sodda gaplarni bog‘lovchi vositalar ikki mustaqil sodda gapni qo‘shma gap hosil qilmasdan bog‘lay oladi. Masalan, Do‘stlikdan o‘tadigan hech narsa yo‘q, shuning uchun do‘st orttirish imkoniyatini sira qo‘ldan boy berma (“Hikmatnoma”dan). To‘g‘ri so‘z har narsadan yaxshi, biroq yolg‘onchi va chaqimchi dan eshitilgan to‘g‘ri so‘z ham yoqimsizdir.

Keltirilgan ikkala qo‘shma gap sodda gaplarga ajratilsa, bog‘lovchi vositalar (shuning uchun, biroq) ushbu sodda gapni qo‘shma gap hosil qilmay bog‘lay oladi: Do‘stlikdan o‘tadigan hech narsa yo‘q. Shuning uchun do‘st orttirish imkoniyatini sira qo‘ldan boy berma (“Hikmatnoma”dan). To‘g‘ri

soʻz har narsadan yaxshi. Biroq yolgʻonchi va chaqimchi dan eshitilgan toʻgʻri soʻz ham yoqimsizdir.

2. Qoʻshma gapni tashkil etuvchi sodda gaplarni bogʻovchi vositalar ikki mustaqil sodda gapni qoʻshma gap hosil qilmasdan bogʻay olmaydi. Masalan, Toʻsatdan eshik sharaqlab ochildi va ostonada Ertoyev paydo boʻldi. Roʻparadagi gʻoring bagʻridan qora tutun koʻtarildi va u yerdan yoʻtal tovushi eshitildi (Oybek). Ushbu ikkala qoʻshma gap ikki sodda gapga ajratilsa, bogʻlovchi vositalar (va) mustaqil gaplarni qoʻshma gap hosil qilmay bogʻlamaydi.

Aytilganlarni nazarda tutgan holda 9-sinfda oʻrganiladigan mavzular orasidan birinchi guruhga mansublarini aniqlab chiqish lozim boʻladi. Matn tuzilishiga doir qoidalarni shu mavzularni oʻrganish jarayonida tashkil etish imkoniyati mavjudligi uchun shu mavzular bilan bogʻlanishda taʼlim mazmuni b6lgilanadi. Taʼlim mazmuni ikki turli boʻladi:

1) qoʻshma gap qismlarini bogʻlovchi vosita quyi sinflarda, xususan, 7–8-sinflarda oʻrganilgan boʻlsa, ularni takrorlash, malakalarni tiklash rejalashtiriladi;

2) aksincha boʻlsa, bogʻlovchi vosita qoʻshma gap qismlarini ham, matnda mustaqil gaplarni ham bogʻlashda qatnashadi, degan mazmunda tanishtiriladi.

Xullas, 9-sinfda matn tuzilishiga doir qoidalar bilan bogʻliq taʼlim mazmunini belgilashda quyi sinflarda oʻtilganlarni takrorlash va yangi tushunchalarni kiritish yoʻlidan boriladi. Takrorlash oʻquv yili avvalida 8-sinfda oʻrganilgan ayrim mavzular (dasturda belgilangan mavzular) oʻquv yili boshida takrorlanar ekan, shu mavzular beradigan imkoniyatlar nazarda tutiladi. Chunonchi, quyidagi mavzular bilan bogʻlanish mumkin:

4-dars. Uyushiq va ajratilgan boʻlaklar boʻyicha oʻtilganlarni takrorlash.

5-dars. Undalmali, kirish soʻzli gaplar boʻyicha oʻtilganlarni takrorlash.

Lekin quyi sinflarda matn tuzilishi boʻyicha oʻrganilgan ayrim qoidalarni takrorlash ishi shu bilan chegaralanmaydi: Qoʻshma gap turlaridan ayrimlari 7-va 8-sinfda[3] oʻrganilgan bogʻlovchi vositalar bilan uygʻun holda kelganda, qoidalar takrorlanadi yoki shunchaki esga tushirib oʻtiladi. Quyidagi dars mavzulari shu tarzda boyitilishi mumkin: Zidlov bogʻlovchilari yordamida bogʻlangan qoʻshma gaplar (13-dars). Ayiruv bogʻlovchilari yordamida bogʻlangan qoʻshma gaplar (14-dars). Inkori bogʻlovchisi yordamida bogʻlangan qoʻshma gaplar (15-dars). Ergash gapni bosh gapga bogʻlovchi vositalar (21-dars). Ergashtiruvchi bogʻlovchili ergashgan qoʻshma gaplar (22-dars). Koʻmakchili qurilmalar yordamida ergashgan qoʻshma gaplar (23-dars). Koʻrsatish olmoshili ergashgan qoʻshma gaplar (26-dars). Koʻchirma va oʻzlashtirma gaplar (42-dars). Koʻchirma gaplarni oʻzlashtirma gapga aylantirish (43-dars). Matn va uning maqsadi. Hikoya matni (46-dars). Tasviriy matn (47-dars). Muhokama matni (48-dars).

Ushbu mavzularni oʻtish jarayonida gaplarni oʻzaro bogʻlashda

foydalaniladigan bog‘lovchi vositalar aynan takrorlanmaydi, balki vositalar ko‘lami kengaytiriladi. Masalan, shuning uchun bog‘lovchisi shu sababli, shu tufayli, shunga ko‘ra kabi bir qancha olmoshli birikmalar bilan boyitiladi.

Ona tili o‘qitish metodikasida insho bilan bog‘liq metodik terminlar birmuncha shakllangan edi. Ushbu davrda rivoya-insho, tasvir-insho, muhokama-insho terminlarini ishlatish ilmiy asoslangan va ma‘qul topilgan edi. Ushbu terminlar matnga nisbatan ham shu tarzda qo‘llangan: rivoya matn (hikoya matni emas, bayoniy matn ham emas), tasvir-matn (tasviriy matn emas), muhokama-matn (muhokama matni emas). Biz ham ushbu an‘anani davom ettirib, rivoya-matn, tasvir-matn, muhokama-matn terminlaridan foydalandik.

8-sifda tasvir-matn, rivoya matn qismlarining birinchi gapi variantlari taqdim etilgan bo‘lsa, 9-sinfda asosiy qism bilan bog‘liq komponentlar o‘rganilishi mumkin.

Muhokama-matnda abzas quyidagi mazmundagi gap yoki gaplardan boshlanadi:

- 1) biror muammoli masalani ilgari surish;
- 2) rejalashtirilgan navbatdagi masalani tilga olish (...masalasiga kelsak,...);
- 3) tasnif moddalaridan birini tilga olish (birinchi bosqichda, birinchidan, birinchi masala va h.k.);
- 4) o‘rganilayotgan masalani tilga olish (...tahlil qilar ekanmiz,...);
- 5) bayon qilinadigan masalaga e‘tiborni qaratish (shuni ham ta‘kidlash kerakki,...);
- 6) avvalaytilganlarni umumlashtirish (ushbu tavsiflarni umumlashtiradigan bir xususiyat mavjud);
- 7) masalaning tanishlik darajasiga, haqqoniyligiga ishora qilish (ma‘lumki, sir emaski, odatda, darhaqiqat, aslida) va boshqalar [3];

Yangi, lekin 9-sinf [4]da o‘tiladigan quyidagi dars mavzulari bilan bog‘lanadigan qoidalar:

16-dars. Bo‘lsa, esa so‘zlari yordamida bog‘langan qo‘shma gaplar

35-dars. Bog‘lovchisiz qo‘shma gaplarning boshqa qo‘shma gap turlari bilan ma‘nodoshligi

54-dars. Tire va qo‘shirnoqning qo‘llanishi

53-dars. Ikki nuqta va nuqtali vergulning ishlatilishi

55-dars. Ko‘p nuqta va qavsning ishlatilishi

Nihoyat, matn tuzilishiga doir 5–8-sinflarda o‘rganilgan qoidalarning tadrijiy davomi sifatida 9-sinfda o‘rganiladigan mavzular bilan bog‘lanmagan holda yangilari ishlab chiqiladi. Ushbu qoidalar ustida o‘quv yili mobaynida o‘tiladigan mavzular beridigan imkoniyatga qarab ish olib boriladi:

- 1) rivoya-matnning asosiy qismida voqea-hodisalar bayonidagi izchillik;
- 2) tasvir-matnning asosiy qismida voqea-hodisalar bayonidagi izchillik;

3) muhokama-matnning asosiy qismida voqea-hodisalar bayonidagi izchillik;

4) muhokama matn qismlarining oxirgi gapi;

5) matn tuzishda uslubiy qoidalarning amal qilishi.

Bir qator qoidalar o‘quv yili oxirida takrorlanadi [5], shu maqsadda savol va topshiriqlar, mashqlar bajariladi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, yuqorida ajratib chiqilgan mavzular doirasida ta’lim mazmunini belgilash, metodik tavsiyalarni ishlab chiqish orqali o‘quvchilarning matn tuzilishiga oid ko‘nikmalarini izchillik asosida shakllantirish hamda ularning mustaqil ravishda to‘g‘ri va mazmunli matn yaratish malakasini egallashlariga erishiladi.

Adabiyotlar:

1. Боймирзаева С. Бадий матнда қўшма гап. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008.

2. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 75–78 б.

3. Yo‘ldoshev R., Rixsiyeva M. Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2019. –157 b.

4. Ona tili: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik/ N.M. Mahmudov, A. Nurmonov, A.Sh. Sobirov. – Toshkent:Tasvir, 2019. – 128-b.

5. Mavlonova K. va b. Matn tuzilishiga oid qoidalar. O‘quv-metodik qo‘llanma. – Toshkent: Nodirabegim, 2021. – 86 b.

THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF TEACHING PRIMARY SCHOOL STUDENTS BASED ON INFORMATION AND PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES

*Mirzabekova Gumshagul Xojabekovna
Senior Lecturer, Department of Primary Education*

*Abdijabbarova Jamilya Tilepbaevna
Senior Lecturer, Department of Primary Education,
Nukus State Pedagogical Institute Named After Ajiniyaz, Uzbekistan*

Abstract: This article deals with the theoretical and practical foundations of teaching primary school students on the basis of information and pedagogical technologies, the concept and types of pedagogical technology for the implementation of innovative technologies.

Keywords: pedagogy, student, information, technology, innovation, teacher.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ

*Мырзабекова Гумшагул Хожабековна
старший преподаватель, кафедры «Начальное образование»*

*Абдижаббарова Жамиля Тилепбаевна
старший преподаватель, кафедры «Начальное образование»,
Нукусского государственного педагогического института,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические и практические основы обучения учащихся начальных классов на основе информационно-педагогических технологий, понятие и виды педагогической технологии реализации инновационных технологий.

Ключевые слова: педагогика, студент, информация, технология, инновация, учитель.

AXBOROT VA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BOSHLANG‘INCHI SINIF O‘QUVCHILARINI O‘QITISHNING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI

*Mirzabekova Gumshagul Xojabekovna
katta o‘qituvchi “Boshlang‘ich ta’lim” kafedrası*

*Abdijabbarova Jamilya Tilepbaevna
katta o‘qituvchi “Boshlang‘ich ta’lim” kafedrası
Nukus davlat pedagogika instituti, O‘zbekiston*

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini axborot-pedagogik texnologiyalar asosida o‘qitishning nazariy va amaliy asoslari, innovatsion texnologiyalarni amaliyotga tatbiq etish pedagogik texnologiya tushunchasi va turlari haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: pedagogika, talaba, axborot, texnologiya, innovatsiya, o‘qituvchi.

In recent years, in the press, scientific literature, numerous conferences and meetings, as well as official documents “New pedagogical technologie”, “Advanced pedagogical technologies”, “Educational technologies”, “Educational technologies”, “Traditional pedagogical technologies”, “Non-traditional pedagogical technologies”. technologies, “Innovative (such concepts as new directions, new, newly introduced, new-like, non-traditional) pedagogical technologies 44. Since the concept of pedagogical technology is often used in pedagogical literature, opinions, attitudes and definitions to it are also different. Here are a few examples: “Pedagogical technology is the application of the ideas of systematization of education or systematization of teaching in the classroom to pedagogy (T. Sokomoto); “A systematized set of all means, tools and methods used to achieve pedagogical goals, and the procedure for their action” (M. V. Klarin); “Educational technology is the systematic application of scientific and other knowledge in solving practical problems” (T.Galbright); “Pedagogical technology is a process that guarantees the formation of personal qualities previously given to them as a product of the influence of a teacher (educator) on students (students) under certain conditions and using teaching (education) means” (N. Saidakhmedov); “Pedagogical technology is the design of the process of forming a student team, capable of guaranteeing pedagogical success, regardless of the skill of the teacher” (V. P. Bepalko). According to V. Fefelov: “Pedagogical technology is a complex, interconnected and interacting block system that forms, develops and prepares a student based on the graduate model at a certain stage of education” In summary, UNESCO defines: “Pedagogical technology is a systematic approach to the creation, use and definition of the process of teaching and learning, taking into account technical and human capabilities and their interrelations, which aims to optimize the forms of learning. From

the above definitions, it can be seen that a systematic approach to education, unlike other approaches, determines the features of pedagogical technology. Thematic, defining learning objectives, designing the educational process, ensuring pedagogical success, interdependence and interacting blocks are important features and characteristics of pedagogical technology. In at the same time, it is necessary to include the reproducibility of technology in this series of symbols. It is known that the expected results are guaranteed in production, especially in technology used in industry. Also, the process of assembling parts created on the basis of thematic working drawings can be performed sequentially, repeatedly, that is, technological the cycle can be repeated, for example, imagine the process of creating cars produced at the joint venture “UzDaewooAvto” in Asaka. The same technological process, unique for each department of the enterprise, is repeated over and over again. the sample can be produced cars of the same appearance and quality. This feature of the technology is directly related to the pedagogical technological process. In the pedagogical process, it is more difficult to create a repeating, repeating cycle. This is due to the fact that the purpose of training, the content of the educational task, the variety of educational material, cognitive activity, the degree of mastering the individual characteristics of the student in many respects create certain difficulties.

However, to achieve success in the educational process, it is necessary to create a feedback of pedagogical technology, taking into account these difficulties. This fact was studied by Uzbek scientists U.N. Nishonaliev and B.L. Farberman gives the following definition of pedagogical technology: “Pedagogical technology is characterized by a clear setting of learning objectives, a guarantee of the final result, ensuring the repeatability of the learning process and the presence of rapid feedback” - defining learning goals, adjusting the process and learning goals, its guaranteed results, the presence of consistent feedback. Thus, the concept of pedagogical technology, in particular, new, innovative pedagogical technology The educational system consists of several interrelated components:

1. Shahe (swimmer);
2. Learning objectives;
3. Content of training;
4. Didactic (educational) process;
5. Forms of organization;
6. Pedagogical methods or technologies;

7. Teacher (tutor). As in the case with any theory, this system consists of two legitimate directions: x and a1: didactic (educational) tasks and ways to implement these tasks. Conventionally, if didactic (educational) questions include goals, forms, means, methods, they can be attributed to methods of

implementation. Within the framework of this system, pedagogical methods or pedagogical technologies can be distinguished. Pedagogical technologies are an innovative approach to the educational process. This is an expression of social engineering thinking in pedagogy, a certain standardization of the process of education and upbringing. In particular, the rejection of preaching, oral teaching methods, computer-assisted teaching, technical teaching aids, a leader, an organizer, a student's cognitive activity consultant, a guide to the final result - a teacher, organizing students' independent work under the guidance of teachers lies in the fact that the leader has the ability to achieve almost the same end result. In particular, the current situation is especially important in the current period of training of specialists capable of meeting the requirements of the standards of the leading countries of the world, where uniform educational standards have been introduced. As a result of the organization of the learning process based on pedagogical technologies, educational goals are determined or predicted, the expected end result is a positive qualitative change, a repetitive cycle of the learning process is created, a quick reverse occurs or learning goals are adjusted. It should be noted that, according to the Uzbek scientist N. Saidakhmedov, "teachers often do not distinguish between methodology and technology. The methodology consists of a set of recommendations for organizing and conducting the educational process. The purpose of the methodology is to translate the theories of the subject into a concrete, plane of events ... Pedagogical technology is a mutual combat of the educational process; Organizational organization, construction, implementation, definition of components, achievement of goals, taking into account the available opportunities. Or PC is a set of procedures that resume the student's professional activity and guarantee the final result in education. Technology differs from methodology in its flexibility, variety of results, efficiency, the need for preliminary design" (Saidakhmedov N. *New pedagogical technologies*, V. 2003, p. 7). Pedagogical technologies used in practice can be divided into 12 types (G.K. Selevko, *Modern educational technologies*, M. 1998):

1. By the level of application (general pedagogical; special subject; local, modular, narrow pedagogical).

2. On a philosophical basis (materialism, idealism, dialectical, metaphysical, humanistic, anti - humanistic, anthroposophy, theosophy, pragmatism, existentialism, Zionism).

3. About the leading factors of mental development (biogenic, sociogenic, psychogenic, idealistic).

4. About the concept of assimilation (associative - reflexive, developing, behavioral, gestalt technology, suggestive, neurolinguistic).

5. About the personality structure (informational, operational, emotional,

self-developing, heuristic and practical).

6. According to the content and nature of the structure (educational-pedagogical, secular - religious, general educational and professional, humanitarian-technocratic, diversified technologies, special - subject and monotechologies and polytechnologies).

7. By organizational forms (classroom, alternative, academic, individual, group, group learning, stratified learning).

8. By the type of organization and management of cognitive activity (classical lectures; reading with the help of audiovisual techniques; “consulting system”; learning with the help of books; “tutor» system; “program training” by V.P. Bespalko).

9. About the approach to the child (authoritarian, didactic - centric, personality-oriented technologies, collaborative technologies, free education technologies, esoteric technologies).

10. Priority methods (reproductive, explanatory, developing, problematic, creative, programmatic, interactive, gaming, self - learning, informational).

11. On the modernization of existing traditional systems (based on the humanization and democratization of relations; on the basis of the activation and acceleration of children’s activities; on the basis of organizational and managerial efficiency; on the basis of methodological and didactic reconstruction of educational work). materials;

12. Taxation by categories of tuberculosis recipients (mass technology, advanced training, filler; technology of working with inappropriate, technology of working with twins). X, in the most developed countries of the world, such as AKD1, Great Britain, Japan, Germany, Turkey and Korea, as a result of such a new systematic approach to education, student learning is at a high level. In particular, 75% of the 50,000 swimmers trained as pedagogical technology experimenters in South Korea received positive feedback. In general, only the best swimmers can achieve such an indicator. The use of effective innovative pedagogical technologies in educational institutions of the republic leads to further improvement of educational processes, bringing the quality of education up to world standards, training personnel in accordance with the requirements of the Unified State Educational Standards. In the future, pedagogical technology will become richer both theoretically and practically. The Uzbek people will create a solid technical foundation in accordance with the national characteristics of pedagogy, the ideas of the ideology of national development.

The emergence and development of a technological approach to the educational process, including teaching, has a long history. From the history of our schools, from the research of our scientists, it is known that the development of this approach to the educational process can be divided into three stages. At the first stage, the learning process is carried out only by the teacher, the experience and knowledge accumulated by mankind are transferred to the student only through the teacher. At the second stage, textbooks and manuals began to be published. Didactic materials appeared

to help the teacher. At the third stage, the content of learning technology became richer than before: technical means for teachers and students, learning machines were added, and the concept of programmed learning appeared. New approaches have begun to emerge to help maintain the effectiveness of education. A technological approach to the problem of raising the efficiency of education to a high level appeared in the 1930s. During this period, the concept of “pedagogical technique⁴¹” appeared in the specialized literature, defined as learning; and as a set of methods and tools for effective organization. In the 1940s and early 1950s, the period of introducing technical teaching aids into the educational process began.

In particular, cinema, radio, controls, and ways of using them are equated to pedagogical technologies. In the mid-1950s, a movement arose in world pedagogy to organize the learning process in a unique «technological» way. However, in the 1960s, the variety of teaching methods made it difficult to use them effectively, and it became necessary to create a common scientific basis for these methods. As a result, the technology of pedagogical methods, the theoretical and practical foundations of teaching technology began to take shape. In 1961, the Pedagogical Technology magazine began to be published in AKD1. In 1964 the journal “Pedagogical Technology and Program Education”⁴⁴ was published in England, in 1965 in Japan, in 1971 in Italy “Pedagogical Technology”⁴⁴.

LINKS AND RECOMMENDED READING

1. Karimov I.A. “A harmoniously developed generation is the basis of the Uzbek comb” T. Akula Publishing and Printing Concern, Tashkent, 1997

2. I.A. Karimov, “Uzbekistan’s path of prosperity and development” T. “Uzbekistan” 1992

3. I.A. Karimov, “We see our future with our ashes” Volume 7, T. “Uzbekistan”, 1998

4. Karimov I.A. “Let the ideology of our society serve the people, the nation of the nation” Tashkent. “Uzbekistan” 1998

5. I.A. Karimov, “Uzbekistan is striving for the 21st century, and” Speech by the President at the 14th session of the Oliy Majlis of the first convocation April 14, 1999 Tashkent, “Uzbekistan” - 1999.

6. Karimov I.A. Report of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on the priorities of deepening economic reforms for 2007. Tashkent, February 2007

7. I.A. Karimov, “High spirituality is an invincible force”, Tashkent, “Spirituality” - 2008.

8. Decree of the President on the National Program for the Development of School Education for 2004-2009. Tashkent, May 21, 2004

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нажимова Айсара Дуйсенбаевна

*педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, Ажиниёз
номидаги Нукус давлат педагогика институти. a.nazhimova@mail.ru*

Аннотация: Мақолада таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш масалалари ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: янги сўзлар, грамматик воситалар, нутқий малакалар, нотаниш морфологик шакллар, синтактик қурилмалар, тил ҳодисалари

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ РЕЧИ УЧАЩИХСЯ НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА

Нажимова Айсара Дуйсенбаевна

*доктор философии по педагогическим наукам PhD, Нукусский
государственный педагогический институт им. Ажинияза.
a.nazhimova@mail.ru*

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы развития речи учащихся на уроках родного языка начальных классов, где обучение ведется на узбекском и каракалпакском языках.

Ключевые слова: новые слова, грамматические приемы, речевые навыки, незнакомые морфологические формы, синтаксические приемы, языковые явления.

Issues of listening to pupils' speech in mother tongue lessons

Najimova Aysara Duysenbaevna

*Ph.D., Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Nukus State
Pedagogical Institute named after Ajiniyaz. a.nazhimova@mail.ru*

Annotation: The article describes the issues of teaching pupils' speech in the mother tongue lessons of primary grades, where education is conducted in Uzbek and Karakalpak languages.

Key words: new words, grammatical devices, speech skills, unfamiliar morphological forms, syntactic devices, language phenomena

«Ona tili o'quv fanidan milliy o'quv dasturi»da нутқий компетенциялар бўйича умумий ўрта таълим битирувчиларига қўйиладиган талаблар «Оғзаки нутқ малакаси», «Ёзма нутқ малакаси», «Англаш (ўқиш ва тушуниш, тинглаб тушуниш) малакаси» рунклари остида баён

қилинган. Ушбу талаблар ўқувчилар нутқининг коммуникатив жиҳатдан шаклланган даражасини ифода этади. Лингвистик компетенциялар эса тил сатҳлари (фонетика, лексикология ва б.) бўйича лингвистик билимларни кўзда тутган ҳолда лингвистик малакалар белгиланган бўлиб, «... ни тўғри қўллай олиш», «...ни тўғри ёза олиш» тарзида тавсифланган. Ушбу талаблар бевосита тил бирликларини ўргатиш, нутқда фаоллаштириш билан боғлиқ таълимий жараёнларга ишора қилади [1].

Ўқувчилар нутқини янги сўзлар, сўзларнинг янги маъно қирралари, нутқда ишлатилмайдиган грамматик воситалар билан бойитиш жараёни нутқнинг миқдорий ва сифат ўзгаришларини таъминлайди, нутқ ўстириш чора-тадбирлари айна шу жараёнда амалга оширилади. Ушбу тадбирлар орқали фикрни аниқ, тушунарли, мазмунли ифодалаш кўникмалари устида мунтазам суратда иш олиб борилади. Г.Г.Никитина бу хусусида шундай ёзади: «Бошланғич мактабга тадбиқан нутқ ўстириш деганда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма шаклларда тўлақонли нутқий мулоқотга тайёрлигини таъминловчи нутқий малакалар йиғиндисини шакллантириш англанади» [2]. Бу малакалар нутқ ўстириш мазмуни доирасидагина белгиланиши мумкин: янги сўзларни, сўз шаклларини эслаб қолиб гаплар таркибида ишлатиш малакаси, сўзларни ўзаро боғлашда янгитанишилган боғловчи воситалардан фойдаланиш малакаси, боғланишли нутқ малакаси ва ҳоказо. Нутқнинг ўсганлик даражаси ҳам шу каби малакаларнинг шаклланган ёки шаклланмаганлигига қараб аниқланади. Ю.В.Ганьшинанинг изоҳлашича, нутқий малака – бу қуйидаги параметрлар асосидаги операциялар: онгнинг иштирок этмаслиги, тўлиқ автоматиклик, тил меъёрларига мослик, меъёрий суръат (тезлик), бажаришнинг барқарорлиги» [3].

Сўз, сўз шакллари, гап турларини ўқувчилар нутқига олиб кириш, фаоллаштириш учун маҳсулдор (продуктив) нутқий машқлар, Н.Н.Коробова таъкидлаганидек, нутқий амалиётни [4] ташкил этиш лозим бўлади.

Ўқувчилар бошланғич синфларда ўқиш, математика, табиат, мусиқа, тасвирий санъат, меҳнат ва бошқа ўқув фанлари дарсларида, айниқса, ўқиш дарсларида ўқиладиган бадиий асарлар, илмий матнлар сўз бойлиги устида ишлашда муҳим аҳамият касб этади. М.Р.Львов манбалардан олиб келтирган маълумотларга кўра, 7 яшар болалар 3 мингтадан 7 мингтагача, мактабни битириш даврига келиб эса 8 мингтадан 15 мингтагача сўз ўзлаштирадидилар. Демак, ҳар куни ўқувчининг сўз бойлигига 5–8 та сўз келиб қўшилади. М.Р.Львов келтирган ҳисобларга қараганда, мактабда рус тили дарслари орқали 8 мингтадан 15 мингтагача бўлган янги сўзларнинг ярмидан кўпи эгалланади. Ҳар бир она тили

дарсида 3–4 та янги сўзни режалаштириш нормал ҳолат саналади. Бунга сўзнинг кўп маънолилиги, эмоционал бўёғи, бирикувчанлиги, қўлланиш хусусиятлари кўшилса, бу миқдор 5–6 та бирликка кўтарилиши мумкин [5].


«Она тили о‘қитиш методикаси» дарслигида нутқ ўстириш мазмуни хусусида куйидаги аниқ тавсияни ўқиш мумкин: «Ҳар қандай нутқнинг мазмуни, материали бўлиши лозим. Бу материал қанчалик тўлиқ, бой, қимматли бўлса, унинг баёни шунчалик мазмунли бўлади. Шундай экан, ўқувчилар нутқини ўстиришнинг иккинчи шарти нутққа оид машқларнинг материали ҳақида, бола нутқи мазмунли бўлиши учун ғамхўрлик қилиш ҳисобланади» [6].

Одатда, таниш сўзлар, таниш, ўзлашиб кетган грамматик воситалар доирасида ўтказиладиган савол-жавоблар, “ҳикоя қилишлар” нутқни ривожлантирмайди. Шу нарса қоида қилиб олинadиган бўлса, дарсада аввал лексик ва грамматик материаллар устида иш олиб бориш, сўнг бу ишлар пировардида нутқий машқларни ташкил этиш, назорат қилиб бориш маъқул бўлади. Нутқ маҳсулини яратиш жараёнида фаоллаштириладиган янги сўзлар, нотаниш морфологик шакллар, синтактик қурилмалар, ушбу қурилмаларни юзага келтиришда иштирок этадиган боғловчи воситалар, нутқий этикетлар миқдори, уларнинг ўқувчилар томонидан эгалланганлик даражаси бажариладиган ишлар кўламини белгилаб беради.

Маҳсулдор нутқий фаолият мустақилликни талаб этади: айти шу жиҳати билан улар репродуктив, айтиқса, рецептив характердаги нутқий фаолиятдан ажратиб, фарқлантириб туради, нутқ ўстириш, машқларнинг турларини, уларнинг бошқа машқларга нисбатини тўғри белгилаш учун асос саналади. Нутқ ўстириш мазмуни ҳам ушбу нутқий фаолият турларига, нутқий машқларнинг характерига монанд белгиланади, сўзлашув услубига оид тил ҳодисаларини нутққа олиб кириш таъминланади. Таълим мазмунида адабий тилга хос бадий, илмий, сўзлашув услубга оид билимларни ўргатиш режалаштирилмоғи даркор. Она тили дарсларининг алоҳида босқичида махсус ташкил этиладиган маҳсулдор, қисман, репродуктив нутқий машқлар (гап тузиш, матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, баён, ҳикоялаш, матн яратиш, иншо) шу мақсад учун хизмат қилади. О.О.Харченко айтганидек, матнга доир компетенцияни (текстовая компетенция) [7] эгаллаш содир бўлади, айти пайтда матндан ташқари чиқилади. Айтир методист олимлар баён ва иншо мавзуларини ҳам нутқ ўстириш мазмунига (лингвистик асосларга) киритадилар.

Юқорида баён этилган мушоҳада ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда нутқ ўстиришни куйидаги модель (структура) кўринишида

таъсирлашимиз мумкин.



Нутқ ўстириш модели (структура)

Таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар ўқувчиларининг нутқини ўстириш мазмуни юқорида баён этилган тавсиялар шаклига келтирилмоғи, боғланишли нутқини ўстириш сари йўналтирилмоғи лозим, деб ўйлаймиз. Ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш деганда асосан гапларнинг ўзаро мантиқий изчилликда бўлиши, боғловчи воситаларнинг қўлланиши, мавзунинг очилиши, тўлиқ ёритилиши тушунилади. С.В.Юртаевнинг «Влияние тенденции речевого развития на организацию образовательного процесса» мавзусидаги мақоласида нутқ ўстириш мазмуни дастурий талаблар даражасида умумлаштириб кўрсатилади [8]. Ушбу дастурий талабларда матннинг таркибий қисмлари, қурилиши алоҳида ўрин тутди. Бунда абзац, гаплар гуруҳлари, маъновий қисмлар устидаги ишлар; нутқни таҳрир қилиш каби масалалар ўз ифодасини топади.

Ўқитувчининг ўқувчилар нутқини ўстириш билан боғлиқ асосий фаолияти юқоридагилар билан чекланмаслиги керак. Н.И.Политова ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш муаммолари ҳақида изланар экан, гап, матн устидаги барча ишлар жараёнида уларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш зарур, деган хулосага келади [9]. Демак, ушбу йўналишдаги ишлар ҳам таълим мазмунида ўз аксини топиши лозим.

Муайян сўзлар, сўз шакллари ва синтактик қурилмалар ўқувчиларнинг нутқ тажрибасига сингиб улгурган бўлса, она тили дарсларида шу тушунчалар билан боғлиқ мавзу бўйича ўтиладиган назарий маълумотлар уларга нима мақсадда берилади, бундай вазиятда

нутқни ўстириш деганда нимани тушуниш керак, деган ҳақли савол туғилади. Саволга жавоб бериш учун қуйидаги уч масалани ўрганиб чиқиш тақозо қилинади:

1) ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқида беҳато ва хатолар билан ишлатиладиган, шунингдек, улар фойдаланмайдиган тил ҳодисаларини аниқлаш;

2) «Ана тили» ва «Она тили» дарсликларидаги машқ материалларида болалар дуч келадиган таниш, яхши ўзлашмаган ёки нотаниш тил ҳодисаларини (лексика, морфологик шакллар, синтактик қурилмалар, улар билан боғлиқ равишда тиниш белгилари) ажратиб чиқиш;

3) ўқувчиларнинг нутқ тажрибаси ҳамда «Ана тили» ва «Она тили» дарсликларидаги назарий маълумотларда морфологик шаклларнинг айтилиши ва ёзилиши, қўлланиши ҳақида, синтактик бирликлар юзасидан бериладиган билимларга бўлган эҳтиёж ва заруриятни белгилаб олиш.

Хуллас, нутқ ўстиришнинг вазифаси ўқувчиларни ҳаётда (турмушда) бўладиган мулоқотга (коммуникацияга) тайёрлашдир. Бу тайёргарлик, бир томондан, лексик жиҳатдан бўлса, иккинчи томондан, грамматик жиҳатдан, учинчи томондан, бевосита коммуникация малакаларини эгаллаш, ахлоқий тарбия топиш жиҳатидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ona tili o'quv fanidan milliy o'quv dasturi. 2022–2023 o'quv yili. Toshkent: Respublika ta'lim markazi, 2022. – 5–8-betlar.

2. Никитина Г.Г. Обучение младших школьников творческим работам на основе интеграции языковой и литературной подготовки. Составление рассказа по серии сюжетных картинок. // Начальная школа. – 2007. – № 5. – С. 55–57.

3. Ганьшина Ю.В. Формирование культуры речи младших школьников на литературном материале: Автореф. дисс. ... канд. педнаук. Рязань, 2007. – 28 с.

4. Коробова Н.Н. Речевое развитие младшего школьника // Начальная школа. – 2008. №10. – С. 44–46.

5. Львов М.Р. Методика развития речи младших школьников: Пособие для учителя. – 2-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1985. – 176с.

6. Qosimova K., Matjonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. -T.: Noshir, 2009. - 163 b.

7. Харченко О.О. Через постижение «тайн языка» – к текстовой компетенции // Начальная школа. – 2007. – № 5. – С. 36–43.

8. Юртаев С.В. Влияние тенденции речевого развития на организацию образовательного процесса // Начальная школа. – 2007. – № 5. – С. 29-35.

9. Политова Н. И. Развитие речи учащихся начальных классов на уроках русского языка: Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 1984. – 191 с.

QORAQALPOQ VA INGLIZ TILLARI GRAMMATIKASINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI, ULARDAGI FARQLAR VA INTERFERENSIYA HODISASI

Norqulova Muqaddas Baxriddinovna

*Ajiniyoz nomidagi Nukus Davlat Pedagogika Instituti, O'zbekiston
1-kurs tayanch doktoranti*

Annotatsiya: Mazkur maqolada qoraqalpoq va ingliz tillari grammatikasining rivojlanish tarixi va bosqichlari, ikki til o'rtasidagi grammatik, leksik hamda fonetik jihatdan farqlar va o'rgatishdagi qiyinchiliklar, xorijiy tilni o'rganish davomida ona tilining unga bo'lgan ta'siri haqida so'z yuritilgan. Ingliz tili bilimlarni yanada shakllantirish bo'yicha takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: Qoraqalpoq tili grammatikasi, ingliz tili grammatikasi, morfologiya, sintaksis, fonetika, leksika, so'z yasash, gaptuzish, interferensiya.

STAGES OF KARAKALPAK AND ENGLISH GRAMMAR DEVELOPMENT, THEIR DIFFERENCES AND THE PHENOMENON OF INTERFERENCE

Norkulova Mukaddas Baxriddinovna,

1st year basic doctoral student of

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz, Uzbekistan

Annotation: In this article, the history and stages of the development of Karakalpak and English grammar, grammatical, lexical and phonetic differences between the two languages and difficulties in teaching, the influence of the mother tongue on foreign language learning are discussed. z is maintained. Suggestions for further formation of English language knowledge are given.

Key words: Karakalpak language grammar, English grammar, morphology, syntax, phonetics, lexicon, word formation, sentence structure, interference

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ КАРАКАЛПАКСКОЙ И АНГЛИЙСКОЙ ГРАММАТИКИ, ИХ РАЗЛИЧИЯ И ЯВЛЕНИЕ ИНТЕРФЕРЕНЦИИ

Норкулова Мукаддас Бахриддиновна

1 курс базового докторанта

*Нукусского государственного педагогического института имени
Ажинияза, Узбекистан*

Аннотация: В данной статье обсуждаются история и этапы развития каракалпакской и английской грамматики, грамматические, лексические и фонетические различия двух языков и трудности в обучении, влияние родного языка на изучение иностранного языка. поддерживается. Даны предложения по дальнейшему формированию

знаний английского языка.

Ключевые слова: грамматика каракалпакского языка, английская грамматика, морфология, синтаксис, фонетика, лексика, словообразование, структура предложения, интерференция.

Qoraqalpoq tili kelib chiqishiga ko'ra Oltoy tillarining Turkiy tarmoq Qipchoq guruhidagi No'g'ay qipchoq ost guruhiga mansub bo'lib, ingliz tili esa hind yevropa til oilasining german guruhiga mansub. Qoraqalpoq tili va ingliz tillari bir-biridan grammatik, fonetik, leksik jihatdan keskin farq qiladi. Shuning uchun ham ingliz tili o'rgatishda va o'rganishda ma'lum bir qiyinchiliklar yuzaga keladi. Ularning bir-biriga o'xshash yagona jihati bu orfografik jihatdan ikkalasi ham lotin yozuviga asoslanganligidadir. Qoraqalpoq tili, asosan, 2 ta; shimoli-sharqiy va janubi-g'arbiy lahjalarga bo'linadi, bu lahjalar fonetik jihatdan o'zaro farqlanadi. Adabiy qoraqalpoq tili XX asrning 1-yarmida shimoliy-sharqiy lahja asosida shakllangan. Qoraqalpoq tilida boshqa ko'pchilik turkiy tillarida bo'lganidek, umumturkiy so'zlardan tashqari, arab, eroniy, rus tillaridan o'zlashgan so'zlar ko'pchilikni tashkil qiladi. Qoraqalpoq tilining o'ziga xos belgilari: unlilar ohangdoshligi-singarmonizm mavjud, masalan kunler (kunlar), umumturkiy ch undoshi sh bilan shay (choy) shig'iw (chiqish), sh esa s undoshi bilan almashadi bas (bosh), qash (qosh), tas (tosh). Ayrim so'zlarda g' undoshi o'rnida v, g undoshi o'rnida y ishlatiladi [1, 23]. Qoraqalpoq tilini chuqur o'rganish N.A.Baskakov tomonidan boshlangan, uning 1932-yilda qoraqalpoq tilining 1-grammatikasini yozgan va 1952-yilda "Qoraqalpoq tili" fundamental asarini nashr ettirgan. "Grammatika"- morfologiya va sintaksisni o'z ichiga olgan prinsip va qoidalar to'plamidir [2, 56].

Ingliz tili grammatikasi tarixi XVI asr oxirida Uilyam Bullokarning "Ingliz tili grammatikasi" risolasidan boshlanadi. Ilk asarlarda ingliz tili grammatikasining tuzilishi va qonunlari lotin tiliga asoslangan edi. 1586-yilda yozilgan bu asar, 1534-yilda nashr etilgan, o'sha paytda Angliya maktablarida qo'llaniladigan Uilyam Lilining "Lotin tili grammatikasi" kitobini asos qilib olgandi. O'sha davrda har qanday ilmiy asar lotin tilida yozilishi shart edi. Keyinchalik har qanday muallifning ingliz tili uchun maxsus qonun qoidalarni o'rnatishga bo'lgan urinishlari, konservativ fikrlovchilar tomonidan lotin tilidagi qoidalarni ekvivalentini keltirish bilan qattiq inkor etilardi. XIX asrga kelibgina Lindli Myurrey "Ingliz tilidagi holatlar qadimgi yunon va lotin tilidan farq qiladi" degan fikrni ilgari surdi. XVII asrda erkin savdoning oshishi, uning ortidan keladigan ijtimoiy o'zgarishlar, hamda inglizlarning xalqaro savdodagi rolini oshishi boshqa tilda so'zlashuvchilar orasida ingliz tili grammatikasiga bo'lgan talabni keltirib chiqardi. Yevropada ingliz tili grammatika to'g'risidagi kitoblar nashr etila boshlandi, ingliz tilini

bilmaydigan o'z ona tilida so'zlashadigan savdogarlar, ayollar, bolalar va oddiy xalq uchun ham foydali bo'ldi. XVIII asr boshlariga kelib ta'limga bo'lgan e'tibor kuchayganligi sababli, retseptiv grammtiklar yetishib chiqa boshladi. Jon Braytland "Ingliz tili grammatikasi" (1759) va Jeyms Grinfudni "Ingliz tilining amaliy grammatikasi Bo'yicha esse" kabi ko'plab asarlar yozildi. Robert Lout, Oksford va London episkopi, ibroniy she'riyat professori, eng mashhur grammatiklardan biri 1762-yilda "Ingliz tili grammatikasiga qisqacha kirish" asarini yozdi. Dastlab 16 ta grammatik mavzudan tashkil topgan risola yozilgan bo'lsa, keyinchalik XIX asr boshlariga kelib 270 ta yangi grammatik nomlardan tashkil topgan 900 ta kitob yozilgan edi.

1745-yilda Ann Fisher tomonidan grammatika asoslangan asar, uni birinchi ayol grammatiki sifatida mashhur qildi. XVIII asr retseptiv grammatiklari nomi bilan tarixda qolgan bo'lib, Amerikada 1765-yilda Nyu York shahridagi Kingsli kollej asoschisi va birinchi direktori rohib, doktor Samuel Jonson "Ingliz tili grammatikasi" asarini nashr etdi. Bu asar oson tilda yozilgan bo'lib, keyinchalik uni ibroniy grammatikasi bilan qiyoslangan tarzda yana nashr etdi, u o'quvchilarga ikki tilni ham o'rgatishni maqsad qilgan edi. Grammatikani asosiy tamoyillari bilish sobiq qullardan tortib, to'quvchi va reyls boshqaruvchilarigacha o'z martabalarini oshirishlari uchun zarur edi. Britaniyalik bir necha olim ayollar 1790-yillarga kelib 12 grammatik asarlarni yozishdi, bir necha o'n yillar davomida qayta-qayta nashr etildi. Ingliz tilini grammatikasini bilish nafaqat to'g'ri yozish balki boshqa tillarni o'rganish uchun ham zarur ekanligi ko'rindi [5].

Zamonaviy tilshunoslik XIX asrga kelib, fonologiyani o'z ichiga olgan holda tizimlashtirildi. Ingliz tili grammatikasi esa Yevropada yashovchi qiyosiy va tarixiy tilshunoslar tomonidan o'rganildi. 1832-yilda Daniyalik filolog Rasmus Rask hind-yevropa tillari bo'yicha qiyosiy tadqiqotlariga asoslangan "Engelsk Formale" ingliz tili Grammatik asarini nashr etdi. Nemis filolog Yakob Grimm o'zining "deuteche Grammar" asarida ingliz tili gap strukturasi haqida fikr yuritgan. Nemis tarixiy tilshunosi Eduard Adolf Metzner 1860-1865 yillar oralig'ida 1700 sahifalik "Inglizcha grammatika" asarini nashr etdi. Og'zaki ingliz tili fonologiyasini o'rganish uchun xalqaro maktab paydo bo'di, u o'z ichiga turli universitet o'qituvchilari, talabalari va ilmiy izlanuvchilarni qamrab olgan edi. Britaniyalik tilshunos Genri Sviftning "Ingliz tilining yangi grammatikasi: mantiqiy va tarixiy", Maetznerning "A new English dictionary on historical principles" 1884 yilda yozilgan keyinchalik 1895 yildagi Oksford dictionary kitobiga asos bo'lib xizmat qilgan. Keyingi keng qamrovli ingliz tili grammatikalari daniyalik tilshunos Genri Svit va gollandiyalik Otto Jeperson birgalikda "Zamonaviy ingliz tili strukturasi" tarixiy tamoyillar ustida ishlab, birinchi jild "Ovozlar va imlolar" (1909) va yana qirq yilda shu kitobning davomi bo'lgan olti jildlik

asarni yozib tugatishdi. XX asr boshlariga kelib Gollandiyaliklar ham bu an'anaga qo'shilgan, Poutsmaning 1904-1929 yillar oralig'ida nashr etilgan "Zamonaviy ingliz tili grammatikasi" asarini misol qilishimiz mumkin. Ingliz tili grammatikasini rivojlanish tarixi mana shunday rivojlangan bo'lib, u hozirgi kunga qadar o'zgarishlar va yangilanishlar bilan yanada boyib bormoqda.

"Ingliz tilining grammatik qoidalari, -tilning o'ziga xosligi bilan belgilanadi, lekin foydalanish qoidalari va foydalanish maqsadga muvofiqligi nutq jamoatchiligi tomonidan aniqlanadi" –Jozef Muqalel [3, 89] Ingliz tili o'rgatish yondashuvlari, 1998.

Fonetik jihatdan ingliz tilida so'zda ko'plab harflar bo'lishiga qaramasadan, ba'zilar talaffuz qilinmaydi. Masalan: technique [tek'ni:k], language (lengvij), structure (strakche) deb o'qiladi. Qoraqalpoq va ingliz tillarining talaffuzi bir biridan keskin farq qiladi. Grammatik jihatdan ushbu tilning farqlari: so'z yasashida qoraqalpoq tilida so'z yasash qo'shimchalar orqali paydo bo'ladi. Ingliz tilida ham shunday 3 turdagi qo'shimchalar bor prefix, suffix va circumfix, change-changeable, safe-unsafe, believe-unbelievable [4, 12]. So'z turkumlari; ot, sifat, son, fe'l, ravish, olmosh, bog'lovchi, his-hayajon, taqlid, modal so'zlar ikki tilde ham mavjud. Artikl va predlog qoraqalpoq tilida yo'q. Predlog qo'shimcha sifatida qoraqalpoq tilida namoyon bo'ladi, ayrim o'rinlarda esa predlogni tarjima qilolmaymiz: insist on, try on, go on. Gap tuzilishida: Ingliz tilida avval ega, kesim keyin ikkinchi darajali bo'laklar keladi, ba'zan esa o'rnini almashtiradi ayniqsa inversiya hodisasida o'quvchilar tarjimada va gapni tushunishda qiyinchiliklarga duch kelishadi. Qoraqalpoq tilida avval ega keyin ikkinchi darajali bo'laklar va oxirida kesim keladi. O'z ona tillarining ta'sirida o'quvchilar gapni noto'g'ri qurishadi. Masalan: Men yangi kitob sotib oldim - I a new book bought deb aytishadi. Aslida I bought a new book. Ingliz tilidagi zamonlarning ko'pligi ya'ni 16 ta zamon va ularning qoidalari, strukturasi ayniqsa ba'zilarining qisman bir-biridan farq qilishi, o'quvchilarda tushunmovchiliklarni keltirib chiqaradi. Qoraqalpoq tilida esa 3 ta zamon bor Hozirgi, o'tgan va kelasi zamonlar. Har qanday yangi tilni o'rganish davomida, dastlab o'rganuvchi o'z ona tili yordamida yangi tilni angelaydi, va ona tilining yangi tilga ta'siri o'rganuvchini yangi tilni mukammal o'rganunigacha kuzatiladi.

Hozirgi kunda maktablarda ingliz tilining to'rt ta qobiliyati (o'qish, yozish, eshitish va tinglash) bo'yicha o'quvchilarni bilim darajasini shakllantirish yo'lga qo'yilgan bo'lib, Grammatik kompetensiyani kuchaytirish bo'lgan e'tibor kamaymoqda. Bizning fikrimizcha, ingliz tilida grammatik kompetensiya va yetarli lug'at boyligiga ega o'quvchining ingliz tili qobiliyatlarini shakllantirishdagi muammolarini tezda bartaraf etsa bo'ladi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ingliz tili darsi hafta davomida



3 soatni ya'ni 135 minutni tashkil qiladi, biz uchun xorijiy til hisoblangan ingliz tilini mukammal o'rganish uchun bu vaqt yetarlicha hisoblanmaydi. Yurtimizda o'zbek, qoraqalpoq, turkman, qozoq va rus sinflarida o'quvchilar ta'lim olishadi, shu bilan bir qatorda, agar ta'lim tili ingliz tili bo'lgan sinflarni ham ko'paytirilsa, o'quvchilar xorijiy tilni yanada tezroq o'zlashtirishlari osonlashardi deb o'ylaymiz.

ADABIYOTLAR

1. Qarlibayeva Naushegul. Qaraqalpaq tilida so'z jasaliwin uyretiw metodikasi Nukus 2021
2. Baskakov N.A "Qaraqalpaq tili" T. Ii 1-qism, M 1952 yil
3. Jozef Muqalel "The methods of teaching English grammar", 1998
4. Richard Nordquist "English grammar" Washington 2018
5. Wikipedia.org The history of English grammar

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-КОГНИТИВ ПОТЕНЦИАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Оттепбергенов Жеткербай Сакбергенович

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада «кредит-модуль тизими» ва «интеллектуал-когнитив салоҳият» масалалари илмий феномен сифатида таҳлил қилинган. Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг когнитив-интеллектуал салоҳиятини ошириш ва мустақил таълим олиш модели ёритилган.

Таяниш тушунчалар: таълимнинг сифати, таълимий модуль, кредит-модуль тизими, билиш фаолияти, интеллектуал-когнитив салоҳият, талабаларнинг мустақил ишлаши.

ФОРМИРОВАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО-КОГНИТИВНОГО ПОТЕНЦИАЛА СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ КРЕДИТНО- МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЫ

Оттепбергенов Жеткербай Сакбергенович

Доктор философии по педагогическим наукам (PhD), доцент.

Нукусский государственный педагогический институт, Узбекистан

Аннотация: В статье четко вводятся понятия «кредитный модуль», «когнитивный», «компетенция». Анализ педагогической деятельности по формированию навыков познавательной деятельности у студентов высшей школы. Показана алгоритмическая модель познания и самостоятельного обучения преподавательского состава и студентов в процессе обучения.

Ключевые слова: «кредитный модуль», «знания», «познавательный», «компетентность», познавательная деятельность.

FORMATION OF INTELLECTUAL COGNITIVE POTENTIAL OF STUDENTS ON THE BASIS OF CREDIT-MODULE SYSTEM

Otepbergenov Jetkerbay Sakbergenovich

Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical Sciences, Associate

Professor. Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Annotation: The article clearly introduces the concepts of «credit module», «cognitive», «competence». Analysis of pedagogical activity on the formation of cognitive skills among students of higher education. An

algorithmic model of cognition and independent learning of teaching staff and students in the teaching process is shown.

Key words: «credit module», «knowledge», «cognitive», «competence», cognitive activity.

Ўзбекистон Республикаси жамиятида содир бўлаётган ўзгаришлар ижтимоий ривожланиш парадигмасининг ўзгариши, умуман таълим тизимига, хусусан, олий таълим тизимига янги талабларни қўмоқда. Жамият барқарор ўз-ўзини ривожлантириш, таълим ва ўз-ўзини тарбиялаш зарурати билан ажралиб турадиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун ўзгаришлар ва янгиланишлар долзарбдир. Таълим мамлакат иқтисодиётининг асосига айланган ҳаётнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки у ижтимоий ҳаётимизнинг, илм-фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши даражасини англатади. Бизга маълумки, бугунги кунда маънан етук, ўз касбини мукамал эгаллаган, касбий компетенцияларга эга рақобатбардош кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, таълим соҳасида бўлажак педагог-кадрларни тайёрлаш, олий таълим муассасаларида таълимнинг сифатини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳар томонлама ривожланган комил шахсни тарбиялашдек мураккаб ва ўз навбатида шарафли вазифани бажаришда педагог-кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш туғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамият касб этди [1]. Фармоннинг ижросини таъминлашга доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31-декабрдаги «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги 824-сон Қарори бевосита олий таълим тизимини ислоҳ қилишга асос бўлган меъёрий ҳужжат бўлди. Унга кўра олий таълим муассасаларининг кредит-модуль тизимига ўтиши таълимнинг сифат даражасининг кўтарилишининг асосий омилларининг бири сифатида белгиланган [2]. Бу борада ўзининг илмий изланишларини олиб борган олим, Р.И.Уразғалиева таълимни ташкил этишнинг кредит-модуль тизими талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фаолияти кўникмаларини шакллантириш омили эканлигини илмий асослаган. Унинг фикрича, таълимни ташкил этишнинг кредит-модуль тизими ўқув жараёнини ташкил этиш модели бўлиб, у модулли ўқитиш технологиялари ва кредит таълим бўлинмаларини уйғунлаштиришга асосланган [5].

Ўзининг номланишидан кўриниб турганидек кредит-модуль тизими

иккита, яъни «модуль» ва «кредит» сингари илмий феноменлардан ташкил топган. Модульли таълим деганимизда асосан билимларни назорат қилиш билан мослашган, яхлитлик ва тугалланганликка эга ўқиш ахборотидаги мантиқ билан белгиланган бўлим тушунилади. Унга тегишли методик материаллар ўқиш курснинг мундарижали бўлаги таълимий модул ҳисобланади. Ўқиш модули эса ҳар битта ўқиш топшириғини бажариш вақти, назорат ва ҳисобга олиш усуллари, ўқиш материалларини ўрганишни ўз ичига олади. Яъни, модулли ўқитишнинг моҳияти шундани иборатки, таълим олувчи (талаба) ўзига таклиф этилган индивидуал ўқиш дастурлари асосида мустақил иш олиб боради. Бу каби ўқиш дастурларида ҳаракатларнинг режаси, ахборотлар блоки, ўқитиш натижаларига эришиш бўйича методик тавсияномалар бўлиши зурур. Ўқитувчи бу шароитда кузатиши, маслаҳат бериши, ахборотларни ўзлаштириш бўйича ҳаракатларди яратиши сингари вазифаларни бажариши талаб этилади.

Кредит тизими нафақат ўқув юкламасини, балки талабанинг барча ютуқларини ҳисобга олиш имконини беради. Талаба ўрганиш ва ўзлаштириш учун керакли микдордаги ўқув фанларини танлайди, уларни маълум вақт ичида ўзлаштириш мажбуриятини олади. Бу модуль назоратининг объектив маълумотларидан далолат беради. Таълим жараёнини бундай ташкил этиш талабаларни таълимнинг мазмунини сифатли ўзлаштиришига йўналтиради. Агар анъанавий таълимда ўқитувчи тайёр билим ва кўникмаларнинг таржимони, талаба эса, асосан, пассив сўзловчи вазифасини бажарса кредит-модуль тизимида ўқитувчи талабанинг билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг когнитив ва интеллектуал фаолият ташкилотчиси ҳисобланади. Р.И.Уразғалиеванинг фикрига кўра, кредит модуллари тизими бўйича ўқитиш талабалар томонидан ҳар бир модулнинг таркибий мазмуни билан ўқув материалнинг (модуларнинг) мантиқий тўлдирилган қисмларидан иборат олдиндан ишлаб чиқилган модул дастури бўйича ўқув материални дискрет режимда ўрганишни ташкил этишни ва талабалар билимини баҳолаш тизимини назарда тутати [5].

Бугунги кунда «Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби туғрисида»ги низоми асосида ушбу тизими 6 та босқич асосида таълим жараёни амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай янгилик, янгиланиш ва инновацияларнинг халқимизнинг ижтимоий ҳаётига кириб келиши ва тўлиқ жорий этилишида муайян камчиликлар, қарама-қаршиликларнинг юзага келиши табиий. Юртимиз олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиш жараёнида ўзига ҳос қийинчиликларга ҳам дуч келмоқда. Яъни, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ўқитишни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимига ўтиш жараёни сустралмоқда. Олимларнинг фикрига кўра, бу секинлашувнинг сабабларидан бири бу техник тараққиёт эмас, балки кредитга ўтиш билан бирга талабаларнинг таълим фаолиятида етарли кўникмаларга эга бўлмаслиги билан боғлиқдир.

Маълумки, таълимни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимида бутун ўқув жараёнининг учдан икки қисми ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчисиз талабанинг мустақил ишига бағишланади. Лекин, олий таълимда педагогик фаолиятнинг ушбу жиҳатини назорат қилмаслик кўпинча талабалар ўртасида тарбиялаш фаолиятини ташкил этишнинг мантиқсиз усуллари қўллашга олиб келади. Олий таълимда таълимни ташкил этишнинг кредит-модуль тизими доирасида даставвал талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фаолияти ва интеллектуал-когнитив салоҳиятга эришишга доир компетенция кўникмаларини шакллантириш муаммосини ҳал этишни талаб этади. Педагогика илмида «интеллектуаллик» ва «когнитивлик» алоҳида илмий феноменлар сифатида ўрганилиб келинган. Бизнинг назаримизда интеллектуаллик когнитивлик асосида ривожланиб боради ва бир-бирини тўлдириб, шахснинг юксак салоҳиятга эришишига замин яратади. Шу нуқтаи нардан бугунги кунда ёшларнинг, айниқса бўлғуси кадрлар сифатида талабаларнинг интеллектуал-когнитив салоҳиятини ривожлантиришга қизиқиш бошланди. Бунга мисол педагог олим З.Р.Мухамедиева томонидан олиб борилган илмий ишлар алоҳида эътиборимизни жалб этди. Олима ҳам талабаларнинг интеллектуал-когнитив салоҳиятини ривожлантиришда биринчи навбатда талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишда уларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишни тавсия этади [3]. Ҳақиқатдан ҳам, олий таълим муассасаларида талабаларнинг интеллектуал-когнитив салоҳиятини ривожлантиришга доир тегишли илмий-услубий таъминот таълим тизимини кредит асосида ташкил этишда ижобий маҳаллий тажрибалар ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор педагогик тажрибаларидан фойдаланилаш талабаларнинг билиш фаолияти кўникмаларини самарали шакллантиришни таъминлашга замин яратади.

Кредит-модуль тизимида ўқитиш асосан фан бўйича билим ва уларни амалий фаолиятга айлантириш, билиш кўникмаларининг энг мураккаб туридир. Чунки у ўз-ўзини акс эттириш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўз билимлари ва қобилиятларини ўзи аниқлаши, мустақил равишда ўзлаштириш жараёнлари билан боғлиқ ва талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир. Олий таълимда таълимни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг интеллектуал билиш фаолияти кўникмаларини шакллантиришга доир билимларни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини тартибга солиш ва билимларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда мутахассислик, танлов асосида ўқув траекторияси асосида билиш фаолияти кўникмаларини шакллантиришда талабанинг ҳаётий тажрибасини бойитиш ва ўзгартиришга эришиш мумкин. Демак, талабаларнинг интеллектуал-когнитив, яъни билиш фаолияти кўникмаларини шакллантиришда кредит-модуль тизимининг педагогик салоҳияти қўйидагилар билан белгиланади:

- ўқитишнинг кредит-модуль тизимининг очиклиги ва

концептуаллиги,

- контент бирликларини меъёрлашга йўналтирилган кредитлар бўйича баҳолашга диалектик муқобил сифатида талабаларнинг билиш кўникмаларини шакллантириш диагностикасининг қўшимча усуллари қўллашга бўлган эҳтиёжнинг вужудга келиши,


- талабаларнинг мустақил таълим фаолиятида ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини ўзи назорат қилиш шакллари ишлаб чиқиш,

- талабанинг билиш фаолияти кўникмаларини шакллантириш талабани ҳар хил турдаги мустақил ишларга жалб қилиш, ўз-ўзини ривожлантиришнинг индивидуал лойиҳаларини ишлаб чиқиш

- билиш ва мустақил ўқиш фаолияти кўникмаларини шакллантиришда талабаларнинг мотивларининг ижобий динамикасини таъминловчи таълим фаолиятини йўлга қўйиш;

- талабаларнинг мустақил иши учун ўзгарувчан илмий-методик таъминот банкининг яратилиши, яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-методик мажмуалар, ахборот базалари ва замонавий ишланмаларни талаба фаоллигини оширишдаги имкониятларининг кенглиги ва ҳ.к.

Демак, кредит-модуль тизимида талабаларнинг интеллектуал-когнитив салоҳиятини оширишда аниқ белгиланган мақсадга эришишга доир таълим олишга бўлган ёндашувларни, тамойилларни, функцияларни туғри танлаш ва талабаларнинг билим олиш тизимини таълим траекториялари доирасида ташкил этиш кафолатланган натижаларга олиб келади.



Демак, талабаларнинг интеллектуал-когнитив фаолияти кўникмаларини шакллантириш омили сифатида ўқитишни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимидан фойдаланиш кўйдагиларни ўз ичига олади;

– талабалар томонидан халқаро, Болония жараёни мазмунини асослаш жараёнида қабул қилинган қонунларни ўрганиш асосида билимларни бойитиш ва муаммонинг мунозарали муҳокамаси, кредит-модулларига ўтиш даврида олий таълим соҳасида билим олиш фаолияти ва ўз-ўзини тарбиялаш имкониятларини танқидий баҳолаган ҳолда ғояларни илгари суриш;

— талабанинг ривожлантириш субъекти ролида иштирок этишини ва амалга оширишни ўз ичига олган технологияларни, яъни танқидий фикрлаш, интерфаол методларни қўллаш, муаммоли вазиятлар яратиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини алгоритмлаш, амалий ишларни амалга ошириш;

– фаннинг мақсади, тадқиқот майдони, асосий назарий бўлимлар, мавзулар кўрсатилган фанлар ўқув режалари мажмуаси билан ўқитишни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимида талабаларнинг билиш фаолияти кўникмаларини шакллантириш жараёнини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш ва мустақил ўқиш фаолияти учун тадқиқот ва лойиҳа топшириқлари, уларни амалга ошириш муддатлари, асосий ва қўшимча адабиётлар билан таъминлаш;

Ўқитишни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимида энг асосийси талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг меҳнат қадрияти сифатидаги устунлик ролини англаши асосида уларнинг когнитив компетенциялари ривожланиб боради. Талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши ва когнитив компетенциясин шакллантириш фаолияти кўникмаларини шакллантиришда таълимни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимининг педагогик имкониятлари очиб берилиши зарур.

Талабанинг ўз-ўзини тарбиялаш фаолияти кўникмаларини ва когнитив компетенциясин шакллантириш шакллантириш омили сифатида ўқитишни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимидан фойдаланиш моделини амалга ошириш самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар ишлаб чиқиш зарурлиги келиб чиқади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш туғрисида»ги 2020 йил 29-октябрдаги ПФ-6097-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2020 й., 06/20/6097/1431-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31-декабрдаги «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги 824-сон Қарори. онун ҳужжатлари маълумотлари миллий

базаси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/5193564>.

3. Мухаммадиева З.Р. Теоретические основы развития интеллектуально-когнитивного потенциала студентов в условиях кредитной системы обучения в вузах Республики Таджикистан. Автореф. дисс к.п.н. – Душанбе. 2013 г. – 24 с.

4. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020 й

5. Уразғалиева Р.И. «Кредитно-модульная система организации обучения как фактор формирования умений самообразовательной деятельности студента». Автореф. Дисс к.п.н., - Оренбург. - 2010.



**ИҚТИСОСЛАШГАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИҚТИДОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
КОГНИТИВ ПЕДАГОГИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Пазылов Мирбек Арзыевич

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ихтисослиги I-босқич таянч докторанти

Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон

mp-1984@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислохотлари, иқтисослаштирилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг ихтидорини ривожлантириши масалалари, замонавий таълим технологиялари асносида таълимга когнитив ёндашиши ва когнитив педагогиканинг аҳамият ҳусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ихтисослаштирилган мактаб, иқтидор, интернат, Когнитив педагогика, когнитив таълим, ёндашув, модел, интенсив, классик, Қозоғистон, Россия, Малайзия, Техрон, Сан-Диего, маданият, неврология, психология, ақл фалсафаси, лингвистика, антропология, артефакт, идеял.

**ОСОБЕННОСТИ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ПЕДАГОГИКИ
В РАЗВИТИИ ТАЛАНТОВ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Пазылов Мирбек Арзыевич

13.00.01 - Теория педагогика. История педагогических учений

специализация I ступень базовый докторант

Нукусский государственный педагогический институт,

Узбекистан mp-1984@mail.ru

Аннотация: В данной статье рассматриваются образовательные реформы, проводимые в нашей стране, вопросы развития талантов учащихся в процессе специализированного образования, когнитивный подход к обучению и значение когнитивной педагогики в контексте современных образовательных технологий.

Ключевые слова: Специализированная школа, одеранность, интернат, Когнитивная педагогика, когнитивное образование, подход, модел, интенсивный, классический? Казакистан, Россия, Малайзия, Техран, культура, неврология, психология, философия разума, лингвистика, антропология, артефакт, идеял.

CHARACTERISTICS OF COGNITIVE PEDAGOGY IN THE

DEVELOPMENT OF STUDENTS' TALENT IN THE PROCESS OF SPECIALIZED EDUCATION

Pazylov Mirbek Arzyevich

*13.00.01-Theory of pedagogy. History of pedagogical teachings
specialization stage I base doctoral student
Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Annotation: This article discusses the educational reforms carried out in our country, the issues of developing students' talent in the process of specialized education, the cognitive approach to education and the importance of cognitive pedagogy in the context of modern educational technologies.

Keywords: Specialized school, talent, boarding school, Cognitive pedagogy, cognitive education, approach, model, intensive, classic, Kazakhstan, Russia, Malaysia, Techron, San-Diego, culture, neurology, psychology, philosophy of mind, linguistics, anthropology, artifact, ideal.

Кириш. Иқтисослаштирилган мактаб таълими замонавий умумтаълимнинг юқори сифатининг мавжудлигига қаратилган бўлиб, иқтидорли ўқувчиларнинг умуммаданий ва ақлий ривожланишига, шунингдек индивидуал психологик ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олган таълимнинг қадирияти ва ахлоқий аҳамиятини тушунишида асосланади. Иқтисослашган таълим давлат таълим стандартларининг компетенциявий ёндашув ғояларига таянган ҳолда, таълим йўналишини амалга ошириш, фаолият давомида юзага келган муаммоларнинг назарий жиҳатдан ечимини топиш ва уларни амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар тўғрисида»ги Низомида (05.05.2022) «Иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш» [1] ва бир қанча уствор вазифалари белгилаб берилди.

Юртимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги ўзгаришлар, жамият ва мамлакатимиз тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларида амалга оширилаётган ислохатлар, олдинги ренессанс даври вакиллари ишининг чин маънода давоми бўлиб ҳисобланади. Қолаверди юртимизда олиб борилаётган «... ислохотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак» -[2] деган юксак когнитив ғоялар педагогика

фани тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади.

Асосий қисм. Иқтидорнинг тараққиёти, иқтисослаштирилган таълим жараёнини самарали ташкиллаштириш ва чуқурлаштирилган таълим турлари вазибаларини бажаришга қаратилган бўлиб, у бугунги кунда замонавий янгиликлар асосида амалга оширилади. «Иқтисослаштирилган таълим тизими мактаб таълими мазмунини модернизациялаш муаммоси шароитида барча даражадаги (бошланғич, ўрта ва олий) таълимнинг ҳамкорлигига асосланади» [3]. Иқтисослаштирилган таълим мактабларида янги кўникма малакаларга эга бўлган ва ўзи танлаган соҳасини ёки йўлини аниқ биладиган комил инсонни тарбиялаб етилиштириш зарур бўлади. Комил инсонни тарбиялаш учун эса комилликни ўзида сингдирган касб фидойиси, педагог зарур бўлади. «Комил инсон-бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот» [4] ҳисобланади.

Бола ёш ҳусусиятларига қараб жисмоний, психологик ва физиологик жиҳатдан ўзгариб ривожланиб боради, айниқса бу ривожланиш болалик ва ўсмирлик даврларида тезлашади. Инсоннинг ушбу даврларда «... ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши, ўзгариши билан шахс сифатида камолга етади. Бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди» [5]. Демак ўқувчининг ихтидорини тўғри аниқлаш, тўғри баҳолаш, турли вазиятларда, фаолият жараёнида кузатиб бориш ва ижодий салоҳиятини тўғри йўлга қўйиш керак бўлади. Ўқитувчидаги бу каби малака ва кўникмаларнинг қолаверди педагогик иқтидорини ривожлантиришда талаб этиладиган нарса ўз касбига когнитив ёндашиш ва когнитив педагогика асосларини ҳам педагогиканинг бошқа тармоқлари каби ўзлаштириши аҳамиятли ҳисобланади. Сабаби, ўқитишда когнитив ёндашиш ўқувчи тафаккуридаги ўй фикрларни такомиллаштириш билан бирга, ижодий қобилиятининг ривожланишига ва келажакда жамиятга фойдали иқтидорни кашф этиш имконияти ҳам яратилади. Бунинг учун эса когнитив педагогика назарияларини теранг ўрганиш лозим.

«Когнитив педагогика-инсоннинг ўзаро таъсир қилувчи махсус ташкил этилган ва уюшган билим тизимларини ўз ичига олган дунёни англови тизим сифатида қарашларини акс еттиради. Унда тарбиявий самара олиш мақсадида мослаштирилган когнитив психология назарияси, методологияси ва воситаларидан фойдаланилади» [6,10-11]. Бунинг учун эса ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал билим қобилиятларини ҳисобга олиб, билиш қобилиятларининг

ривожланишига олиб келадиган шароитларни яратиши ва таъминлаши лозим. Аниқроғи. «Когнитив педагогикада анъанавий классик мактабларга хос бўлган хулқ-атвор йўналишидан фарқли ўларок, когнитив тузилмалар ва инсон воситаларига, уларни ташкил этиш ва ривожлантириш усулларига таълим алоқалари орқали алоҳида эътибор берилади» [6,90]. Чунки замонавий таълим шароити ва унда илм-фан сирларини олиш иштиёқидаги ёшлар, ҳар қандай педагог учун асосий объект бўлиб ҳисобланади, бу эса касбий такрорланиш форматидан, кундалик янгилашиш ғояларининг илгари сурилишини, яъни, ўз устида кўпроқ ишлаш форматига ўтишни талаб қилади.

Буни биз таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий ва эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи педагогика фанининг тизими деб оладиган бўлсак, бу тизимнинг узлуксиз ишлаши ўқитувчи ва ўқувчининг билиш ҳамкорлигини чуқурлаштириш механизмлари орқали амалга оширилади. «Когнитив педагогика нуқтаи назаридан нафақат таълимнинг таркибий томонини, унинг ахборот асосини, балки талаба ўз мақсадларига эришиш учун билим воситаларини қандай эгаллашини ва улардан фойдаланишини баҳолаш муҳимдир» [7]. Шунинг учун манбаларда «Когнитив педагогиканинг вазифаларидан бири рационал интеллектни қуриш ва ривожлантиришда вакиллик ва тушунишнинг аҳамиятини аниқлашдир»- [8] дея эътироф этилиб, ўқувчи онгида тасвирлашдан, тушунишга ўтиши, таълим жараёнининг ҳар қандай субъекти когнитив вазифа сифатида баҳоланади.

Аслини олганда «Когнитив фан, билиш соҳаси-таксономиянинг асосий, энг кўп қулланадиган ва ишлаб чиқилган соҳаси. Ўқитувчи кундалик амалиётида программалар, дарсликларда илгари суриладиган таълим мақсадларининг кўпчилигини-материалларни эслаб қолиш ва қайта хотирлашдан тортиб то муаммоларни ҳал қилишгача ўз ичига олади» [9]. Когнитив фан соҳаси бўйича педагогик фикр-мулоҳазалар, илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигини, ўқувчиларнинг иқтидор ва истеъдод қобилиятларини ривожлантиришда асосий локомотив фан соҳалардан бири эканлигини қуришимиз мумкин.

Кўпчилик ривожланган давлатларда масофавий таълимни ривожлантириш бўйича режа ю лойихалар йўқ эмас эди. Бундай лойихалар Европа давлатларида фақат олий ва ўрта таълим соҳаларида тажриба сифатида ёки амалиётда қўлланилиб кўрилган, такомиллаштирилган ва ривожлантирилган бўлиши мумкин, аммо дунё масофавий мактаб таълимига таёр эмас эди. 2020-йилдан бутун дунёда COVID-19 вирусининг кенг тарқалиши, нафақат олий ва ўрта таълимда, балки, мактаб таълим тизимида ҳам фавқулотда ҳолат бўлди десак тўғри бўлади. Аммо, вақт ҳар қандай нарсанинг ечимини топгани сингари,

замонавий технологияларнинг ривожланиши ва бутун дунёда интернет ва компьютернинг тараққиёти муаммонинг ёрқин ечими бўлди. Дунё масофавий таълимни тан олди ва инсоният яратилаётган замонавий технологияларнинг ҳаёт учун зарур жиҳатларини англай бошлади. Айниқса МДХ давлатларининг мактаб таълими ўқитувчи-ўқувчилар оналари учун ҳам бу кутилмаган янгилик бўлди. Мактаб ўқувчиларнинг билим олишида тарафларнинг маъсулияти ортди. Олимлар пандемия даврида ўқитишнинг когнитив ёндашувларини тадқиқ қила бошлади ва когнитив педагогиканинг аҳамиятли жиҳатларини ўрганишга эътибор қаратди.

Жумладан Ш.С.Дуйсенбаева ва бошқалар томонидан ёзилган мақолада барча таълим тизимлари анъанавий таълимдан, масофавий таълимга ўтганлиги, бу таълимнинг турли даражалардаги синф ўқиш форматига тақлид қилиши ҳақида айтилади. Айниқса масофавий таълим даврида «Виртуал симуляциялар талабаларни ноаниқ қарорлар қабул қилишга, жараён ва ҳодисаларнинг моҳиятини яхшироқ тушунишга, уларнинг билим олиш натижалари, шу жумладан ўрганишда акс эттиришга, асосийси хабардор бўлишга ўргатишнинг ажойиб усули ҳисобланади» [10,1611] деб когнитив педагогика асосида фанларни ўрганиш ва ўқитиш ёндашувларининг аҳамиятли жиҳатларини ва «Замонавий когнитив педагогикада конструктив моделлар етакчи бўлиб, улар, хусусан, коннективизмни келтириб чиқарди, бу тармоқни ўрганиш парадигмаси сифатида, инсондан ташқарида сақланадиган ташқи билимларни технология ва маданиятда қандай ишлатишга жавоб беради» [10,1612] деб ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтади.

Педагогика фанининг умумий шакли ва таълим-тарбиянинг назарий асосларини очиб берувчи соҳаси бу дидактика ҳисобланади. Ўқитиш таълим масканларида педагог мутахассис томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият тури бўлиб «Ўқитувчи ўқитиш жараёнида ўқувчиларига фақатгина билим бериш билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг онгига, ҳиссиётига, хулқ-атворида ва ҳатти-ҳаракатларига ҳам кучли таъсир қилади» [11].

Рус олимлари Ярославцева Н. В, ва бошқаларнинг биргаликда ёзган мақоласида биз юқорида таъкидлаб ўтган дидактик ёндашувлар, яъни ўқитишни ишлаб чиқариш жараёнига айлантиришнинг когнитив педагогика ва когнитив таълим технологиялари, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги ҳусусида долзарб фикрлар билдирилган. Қолаверди «...таълимнинг когнитив томонини, кутилаётган натижаларнинг параметрик майдони билан тавсифланган, таълимнинг операцион ва психо-эмоционал таркибий қисмлари билан бирлаштирадиган, муҳим хусусиятларга эга бўлган, когнитив таълим технологияси ҳақида фикр беради» - [12] деб ўз тадқиқот ишларининг маъно-мазмуни ҳусусида

сўз юритади. Таълим жараёнининг таъсирчанглигининг самарадор параметрини ташкил этиш орқали ҳал қилинадиган педагогик шароитларда фаолият турларининг юзага келадиган муаммолари, амалиётда маълум шароитларни ташкиллаштириш орқали ҳал қилиниши муаллифлар томонидан эътироф этилади.

Демак когнитив таълимнинг назарий асослари ва амалий таъсирчанглиги, замонавий таълим шароитида кўплаб имкониятларни яратиш хусусиятига эгаллигини Техрон ва Тарбият Модернас Университети вакиллари Маҳмуд Талхаби ва Али Наури «Foundations of cognitive education: Issues and opportunities» (Procedia - Social and Behavioral Sciences 32 (2012) 385 – 390) яъни «Когнитив таълим асослари: масалалар ва имкониятлар» номли мақоласида ҳам билдириб ўтган. Мақола муаллифлари когнитив таълимнинг хусусиятларига эътибор қаратиб унинг моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Когнитив таълим нима? Бу академик интизомми? Унинг ўзига хос таърифи, тарихи ва методологияси борми? деган саволлар асносида фикр-мулоҳазаларини билдиришга мушарраф бўлган. Когнитив таълим ривожланиб бораётган фан йўналиши эканлигини таъкидлаб айрим муҳим йўналишларини тушунтириб беради.

«Бизнинг онгимиз (миямиз) қандай ишлашини, янги маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш учун мия ва танадан қандай фойдаланаётганимизни, онгимиз, (миямиз) қандай ўзгариши ва ривожланишини, миямизга етказилган зарар, ногиронлик ва бошқа муаммоларга қандай ҳисса қўшишини билиш-буларнинг барчаси тадқиқот ҳаракатлари олдинга силжиш учун катта имкониятларга эга илм-фан ва ўрганиш амалиёти» [13,385] деб когнитив таълим фанларни ўрганишга ва амалиётда қўлланиш малакасини оширишда қобилиятни ривожлантириш, қолаверди қўллашга йўналтирилган ёндашув сифатида таърифлаш мумкинлигини эътироф этади.

Шунингдек психология, неврология, лингвистика, антропология ва фалсафа фанлари билан узвий боғлиқ тарафларига тўхталиб «Когнитив таълим бошқа когнитив фанлардан (масалан, неврология, психология, ақл фалсафаси, лингвистик ва антропология) озиқланган бўлса-да, когнитив таълим когнитив фанлар учун ҳам баъзи таъсир ва қўлланмаларга эга» - [13,386] деб бир-бирига боғлиқ бўлган тарафларга эътибор қаратади ва когнитив таълим, тафаккурнинг ишлаш жараёнлари ва қобилиятнинг шаклланиши ҳақидаги саволларга жавоб излашда қўл келишини таъкидлайди.

Когнитив фан соҳасида инсон табиатида маданий ҳисса қўшиш усулини кўриб чиқишни мақсад қилган Америкалик психолог, Сандиего университети (Калифорния) профессори, Майкл Коул «Culture and Cognitive Science» (Маданият ва когнитив фан) мақоласида когнитив фаннинг келиб чиқиши ва асосий ғояларнинг қисқача тарихини тақдим этиб бошлаган. Муаллиф когнитив таълимга маданиятни киритишнинг долзарб масалалари хусусида асосий эътиборини қаратади. Мақолада

когнитив таълимнинг ривожланишида ўз хиссасини қўшган Гоуард Гарднернинг меҳнат фаолиятига назар солади. Бу ерда когнитив фаннинг такомиллашиш жараёни ва Г.Гарднернинг амалга оширган ишлари, учрашган илм вакиллари, ўтказилган чора-тадбирлар ҳусусида ва жараёнга хомийларнинг жалб этилганлиги, бу орқали махсус фонд ташкиллаштирилганлиги ҳақида айтиб ўтилади. Натижада когнитив таълимнинг пайдо бўлганлигини Г.Гарднер расман эълон қилиб «Соҳани вужудга келтирган нарса-бу умумий тадқиқот мақсади: онгнинг вакиллик ва ҳисоблаш имкониятлари, уларнинг миядаги таркибий, функционал вакиллигини кашф етиш» -[14,4] деб иддао қилган.

Шунингдек Майкл Коул мақоласининг Артефактларнинг фанда сунъийлашиши деб номланган қисмида «Артефактлар орқали инсон ҳаракатларининг воситачилигини, инсон онги қонуниятларида марказий ўрин деб қабул қиладиган кенг назариялар оиласидан биридир» [14,8] деб бир қатор давлатларнинг анъаналарини тарбия назарияси сифатида баҳолаган олимларнинг асарларида баён этилган қарашларини таҳлил қилади ва «артефакт-бу моддий дунёнинг, инсон ҳаракатига йўналтирилган мақсадга қўшилиш тарихи давомида ўзгартирилган жиҳати. Уларни яратиш ва ишлатиш жараёнида амалга оширилган ўзгаришлар туфайли артефактлар бир вақтнинг ўзида идеал (концептуал) ва материалдир» [14,9] деб ўз тушунчасини билдириб ўтади. Бунда идеал деб моддий объектларни, мақсадга йўналтирилган инсон ҳаракатларини, яратилган жараёнини ва бугунги кунда воситачилик қиладиган инсон таъсирчанлигининг иштирокини назарда тутди. Когнитив артефакт ва унинг беш ўлчови бошқалар ҳақида бир қанча маълумотларни бериб ўтади.

С.Ф.Сергеев ўз мақоласида когнитив педагогиканинг катталарни ўқитишда самаралилигини, уларнинг билимни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатган ҳолда Когнитив педагогика фани орқали уларнинг бир неча кўникмаларга эга бўлиши мумкинлигини ва кўйида кўрсатилган кўникмаларни фаолияти давомида амалга ошириши мумкинлигини таъкидлаб ўтади:

1. Талаба таълим жараёнида етакчи ўринга эга бўлиши (ўқиш мавзуси, вақти ва шарт-шароитларини танлаш ташаббуси, хизмат кўрсатувчи, ўқув дастури).

2. Катталар ҳаётий (кундалик, ижтимоий, касбий) тажрибага ега бўлиб, у таълимнинг муҳим манбаи сифатида ишлатилиши мумкин, шунингдек унинг самарадорлигини чекловчи омил ҳисобланади (идрок ва хулқ-атвор стереотиплари).

3. Катталар ҳаётий муҳим муаммони ҳал қилишга, маълум бир мақсадга эришишга ўргатилади (катталар, мактаб ўқувчилари ва талабаларидан фарқли ўлароқ, олинган билим, кўникмаларни қўллашнинг маълум бир соҳасига эътибор беришади, дастлаб ўрганишнинг якуний мақсадини тасаввур қилишади).

4. Талаба машғулот давомида олинган кўникма, тажриба, билим ва фазилатларни дарҳол қўллашга ишонади.

5. Катталарнинг ўқув фаолияти асосан ўқув жараёнини чеклайдиган ёки унга ҳисса қўшадиган вақтинчалик, фазовий, кундалик, касбий, ижтимоий омиллар билан белгиланади.

6. Вояга етган талаба машғулоти самарадорлигини мустақил равишда баҳолайди ва уни давом еттириш, чуқурлаштириш, тўғрисида қарор қабул қилади [15].

Илмий манбаларда катталар таълимига урғу берилган. Шу ўринда «Катталар ким?» деган ўринли савол пайдо бўлади. Агар когнитив педагогика сўзидан келиб чиқадиган бўлсак, бизнингча «Катталар» сўзи маълум бир педагогик мутахассисликка таёрланаётган ва ушбу йўналишда таълим олаётган, олий ўқув юртлари талабалари назарда тутилса. Айрим манбаларда билдирилган фикр-мулоҳазаларда эса малака ошириш институти талабалари, яъни таълим масканларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ўз билим, қўникмаларини, янги замонавий технологиялар асносида такомиллаштириш ва малакасини ошириш мақсадида ҳар 2-3 йилда борадиган курсларда таълим олувчи педагог мутахассислар эътироф этилган.

Хулоса. Манбаларда айтилган катталарни ўқитувчилар деб оладиган бўлсак, когнитив педагогика ўқитувчиларни ўқитиш фани ҳисобланади. Когнитив таълим ва когнитив ёндашув ҳам педагог кадрларга зарур таълим жараёнининг ривожланиши деб олишимиз мумкин. Қолаверди ўқувчининг иқтидорини, билиш фаолиятини ривожлантиришда ушбу фаннинг имконияти кенг ҳисобланади. Деярли бир аср давомида фақатгина жаҳон олимларининг илмий тадқиқот ишларида ўзининг долзарб характерга эга эканлигини кўрсатиб келаётган когнитив педагогика, педагогиканинг бошқа тармоқлари сингари юртимизнинг педагогика олий таълим муассасалари ва малака ошириш институтлари дарс жадвалидан ҳанузгача ўрин эгалламаётгани биров ўйга солади. Сабаби, ушбу фаннинг хусусияти ўқувчиларнинг ижодий ва эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи тизимнинг узлуксиз ишлашида ўқитувчи ва ўқувчининг билиш ҳамкорлигини чуқурлаштириш технологиялари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса нафақат ихтисослаштирилган таълим масканларида, балки умумтаълим мактабларида ҳам ўқувчиларнинг иқтидорини ривожлантиришда аҳамиятли саналади.

Сўзимиз сўнгида замонавий таълим тизимида когнитив ёндашув асосида ўқитишни ташкил этиш когнитив педагогикани чуқур ўрганиш талаб этилади. Бу эса нафақат ўқувчиларда илмий дунёқарашни кенгайтиради, балки илм-фаннинг ва таълим ислоҳотларининг ҳаётга тадбиқ этилишида ҳиссаси ортган бўлар эди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар тўғрисида»ги 233-сон Низоми (05.05.2022)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. 24.01.2020. president.uz
3. Корниенко Т.В., Потапов А.А., Петрова Т.Н. Профильное обучение школьников средствами медиаобразования Монография Санкт-Петербург-2020 /7, 10-стр/
4. Н.Комилов «Тасаввуф» Тошкент-2009., /130-бет/
5. Р.Мавлонова, Б.Нормуродова, Н.Раҳманкулова «Тарбиявий ишлар методикаси» Тошкент-2010 /149-бет/
6. С.Ф.Сергеев, М.Е.Бершадский, О.М.Чаросова и т.д «Когнитивная педагогика: технологии электронного обучения в профессиональном развитии педагога» Якутск 2016. /стр 10, 11, 90 /
7. С.Ф.Сергеев. «Когнитивная педагогика: Пользовательские свойства инструментов познания» журнал «Образовательные технологии» №4 2022. /стр 70/
8. Н.П.Лябина «Когнитивная педагогика» <https://revolution.allbest.ru>
9. М.Х.Саидов, Л.В.Перегудов, З.Т.Тохиров «Олий таълим (Луғат маълумотнома)» Тошкент-2003. /142-бет/
10. Ш.С.Дуйсенбаева, Г.К.Касимова, М.Р.Арпентиева, А.Д.Мингхат «Cognitive Pedagogy and Teaching Approaches Via eLearning System». Linguistica Antverpiensia, 2021 /1611, 1612 бетлар/
11. Қ.Қосназаров, А.Пазылов, А.Тилегенов «Педагогика» Нөкис-2009. /137-бет/
12. Ярославцева Н. В, Беляков А. А., Тухватуллин Б. Т, и др. «Когнитивная технология обучения: сущность, эффективность и результативность» (Перспективы науки и образования. 2020. №1. (12-стр)
13. Маҳмуд Талхаби, Али Наури «Foundations of cognitive education: Issues and opportunities» (Procedia - Social and Behavioral Sciences 32. 2012. /385, 386 бет/
14. М.Коул «Culture and Cognitive Science» Outlines №1. 2003. 4,8,9-бет.
15. С.Ф.Сергеев. «Когнитивная педагогика: особенности научения и образования взрослых» (Серия «ВЕСТНИКА СВФУ» № 3 (03) 2016. /33-стр/

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ МАҚСАДЛАРИ

Пирниязова Шолпан Отениязовна

Бошлангич таълим кафедраси ўқитувчиси

Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада она тили дарсларида ўқувчиларни фанга қизиқтириш мақсадни аниқлаш. Дарсларда ўқувчилар қизиқтиришининг асосий омили нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш, саводли сўзлаш, саводли ёзишни таъминловчи таълим мазмунга қиравчи тил бирликларини тўғри талаффуз қилиш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: қизиқиш, талаффуз, фонетика, орфоэпия, графика, орфография, лексика, морфология, коммуникатив ёндашув, мажмуавий ёндашув.

ОБЩИЕ И ЛИЧНОСТНЫЕ ЦЕЛИ ОБУЧЕНИЯ РОДНОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Пирниязова Шолпан Отениязовна

Преподаватель кафедры “Начальное образование”

*Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В этой статье обсуждаются конкретные цели для того, чтобы заинтересовать учащихся на уроках родного языка. В ходе работы были обсуждены вопросы развития речи и её культуры, грамотной речи, произношения и письма, обеспечения грамотности обучения.

Ключевые слова: заинтересованность, произношение, фонетика, орфоэпия, графика, орфография, лексика, морфология, коммуникативное отношение, группы.

COMMON AND PERSONAL PURPOSES OF TEACHING THE NATIVE LANGUAGE IN PRIMARY CLASSES

Pirniyazova Sholpan Oteniyazovna

Lecturer of the Department of “Primary education”

Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Annotation: This article discusses specific goals in order to interest students in their native language lessons. In the course of the work, the issues of the development of speech and its culture, literate speech, pronunciation and writing, ensuring the literacy of education were discussed.

Keywords: interest, pronunciation, phonetics, orthoepy, graphics, spelling, vocabulary, morphology, communicative attitude, groups.

Она тили дарсларида ўқувчиларни фанга қизиқтириш мақсадни маълум қилишдан бошланади. Шунга кўра тил таълимини ташкил этиш, материал танлаш, ўрганиш жараёнида амал қилинадиган бош (муҳим, асосий) принциплардан бири умумий ва хусусий мақсадларни белгилаб олиш принциpidир. Зеро, таълим мазмуни ва унга доир материаллардан тортиб то ўқитиш усуллари ҳамда эришиладиган натижаларгача она тили таълимининг умумий ва хусусий мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади.

Она тили дарсларида ўқувчиларни ўқув фанига қизиқтиришнинг асосий омили нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш, саводли сўзлаш, саводли ёзишни таъминловчи таълим мазмуни бўлиб, ушбу мазмунга кирувчи тил бирликларини тўғри талаффуз қилиш, бехато ёзиш, фикрни тингловчига манзур бўладиган тарзда баён қилиш даражасида ўзлаштириш мақсади орқали намоён бўлади. Шундай экан, она тилини ўқитишдан кўзланадиган асосий мақсад ўқувчиларга уни ўргатиш: унинг қонун-қоидалари, тил ҳодисалари бойлиги, нафосати ҳақида изчил тушунча шакллантира бориш, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлигини сингдириш ҳисобланади. Табиийки, бошланғич синфларда тилнинг қонун-қоидалари юзасидан элементар билимлар берилади.

Она тили муайян бир йўналишда эмас, балки тил сатҳлари ҳамда нутқий фаолият турлари билан боғлиқ равишда бир қанча умумий ва хусусий йўналишларда ўрганилади. Чунончи, тил сатҳларидан фонетика ва орфоэпия меъёрлари, графика ва орфография, лексика (лексикология), морфология, синтаксис, пунктуация йўналишлари бўйича алоҳида йўналишлар белгиланади. Ҳар бир йўналиш ўзига хос мақсадлар билан ажралиб туради.

Таъкидлаш зарурки, она тили таълимида она тилининг ўзини (қонун-қоидаларини) ўрганиш борасида қуйидаги умумий мақсадлар ажратилади:

– ёшларни она тилидан саводхон қилиб тарбиялаш мақсади (нутқий ва лингвистик компетенцияларни эгаллаш);

– она тилида нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш (нутқий ва лингвистик компетенцияларни шакллантириш).

Яхлит дарс учун умумий бир мақсад белгиланади. Ушбу умумий мақсад дарс босқичларининг хусусий мақсадлари тарзида тармоқланади, яъни дарс структурасидан (босқичларидан) келиб чиққан ҳолда умумий мақсад доирасида хусусий мақсадлар белгиланади.

Бошланғич синфлар она тили дарслари структурасида қуйидаги

таълим мақсадига хос компонентларни ажратиш мумкин:

- янги билим бериш мақсади;
- билимга доир дастлабки кўникма ҳосил қилиш мақсади;
- кўникмани малакага айлантириш мақсади;
- ўтилганларни такрорлаш мақсади;
- тил ҳодисасини тадқиқ этиш мақсади;
- уйга вазифв бериш, уй вазифасини текшириш мақсади;
- ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш мақсадлари;
- матн асосида табиат ва жамиятга доир маълумотлар билан таништириш мақсади;
- матн асосида тарбия бериш мақсади;
- матн тузишга доир қоидаларни ўрганиш мақсадлари;
- оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш мақсади;
- шеърӣй материал, бадий асардан парча асосида эстетик тарбия бериш мақсади.

Тил сатҳлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, нутқий фаолият турлари устидаги ишлар тегишли нутқий намуналар мисолида ташкил этилади. Масалан, нутқни тинглаб тушуниш, ўқиш билан боғлиқ тадбирлар матнлар асосида коммуникатив ёндашув аспектида уюштирилади. Шу боисдан мисоллар қуйидаги шаклларда бўлади: товуш-ҳарфлар, сўзлар, сўз шакллари, боғланмаган гаплар, матнлар (наср ва назм).

Алоҳида олинган гаплар ва матнлар турли мазмундаги ҳамда аҳамияти турлича бўлган ахборотга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан она тилини ўрганишнинг яна қуйидаги мақсадлари ажратилади:

7. она тили воситасида ахборот олиш ёки узатиш мақсадлари.
8. она тили воситасида ўқувчиларга тарбия бериш мақсадлари.
9. она тили бойликларини эгаллаш мақсадлари;

Шунга кўра ўқувчиларнинг она тили дарсларида қизиқишларини уйғотиш, фаоллаштириш ва барқарорлаштиришда педагогика, психология ва методика назарияси ҳамда амалиёти нуқтаи назаридан мажмуавий ёндашувга асосланиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик ва методик жиҳатдан қараганда, ўқитувчининг ўқимишлилиги, сўзамоллиги, тарбиявий таъсир кўрсата олиши, дарсларни саводли ташкил этиш маҳорати, дарсда бажариладиган иш турлари ва машқларнинг мақсади ҳамда вазифаларини билган ҳолда танлаши каби фаолият мазмуни ўқувчиларнинг қизиқишларини таъминлаш ва сақлаб туриш муваффақиятини таъминлайди, дарс самарадорлигини кафолатлайди.

Кўринадики, она тили дарсларида ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотишкўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Бу ўринда М.Б.Шодмонованинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: «Боболаримиз фарзандига дарс



ўтадиган домлани обдон суриштириб, сўнг қарор қабул қилишган. Уша дамдаёқ она тилининг савод ўргатиш билан боғлиқ, адабиётнинг миллат маънавияти, демакки, бугуни ва келажакнинг тарбиялашдек вазифаси аён бўлган. Бугунга келиб, бу эътибор бирмунча сусайгани айрим она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг айнан ўқитиш методикасидан беҳабарлиги, ўқувчини дарсга қизиқтириш, ортидан эргаштириш малакасига эга эмаслигида намоён бўляпти» [1]. «Ўқувчини билим олишга қизиқтириш, баркамол шахсга айлантириш учун ўқитувчи ўз соҳасининг билимдони бўлиши ҳамда замон талабларига мос илғор педагогик технологиялар билан қуролланиши зарур» [2].

Инсон борки, нимага қўл урмасин, маълум мақсадни кўзда тутди. Ҳатто чақалоқнинг йиғисиди ҳам мақсад бор. Масалан, қорин тўйдириш мақсади. Йиғидаги мақсад аниқ. Лекин бирор мақсадсиз, шунчаки бажариладиган юмушлар ҳам бўлади. Масалан, боғда бирор томонга кесак отиб ўтириш. Дарсда бажариладиган айрим иш турлари ўқувчи англамагани учун мақсадсиздай туюлади. Ваҳоланки, ҳар бир иш тури ўз мақсадига эга. Лекин бу мақсад ўқувчини қизиқтирмаслиги мумкин. Англаган мақсад, айниқса, кучли қизиқиш уйғотган мақсад ўқувчини самарали ишлашга ундайди. Психологик жиҳатдан ўқувчиларда она тили қонун-қоидаларини маълум мақсад билан ўрганишга барқарор қизиқиш уйғотиш, мотивация пайдо қилиш, бор иродаси, куч-ғайратини сафарбар қилиш дарс натижадорлигини ошириш, тил сезгирлигини ишга тушириш имконини беради.

Ҳикоялашдан коммуникативлик, яъни тингловчига таъсир этадиган қилиб гапириш мақсади маълум қилинса, ўқувчи ўзининг сўзларини бошқалар қандай қабул қилишини ўйлай бошлайди, мустақил равишда тузаётган гапларининг тушунарли, ишонарли бўлишига ҳаракат қилади, айтмоқчи бўлган фикрларини етказишга интилади, тингловчиларнинг муносабатини ҳис этади. Бундай ҳикоялашдан юзага келадиган таъсири шу даражада бўлиши керакки, масалан, гап бирор манзил (оромгоҳ ёки б.) ҳақида борса, тингловчилар ўзларини шу манзилда бўлгандай ҳис қилишлари лозим.

Дарс босқичининг мақсадини белгилашда бажариладиган ишлар жараёнидан кўзланадиган мақсадгина эмас, балки босқич якуни ҳам назарда тутилмоғи зарур. Босқичнинг аввалидан кўра кўпроқ якуни ўйлашга мажбур қилиши керак. Г.К.Ҳасанова ушбу жараённи қуйидаги тарзда маълум даражада аниқ тавсифлайди: «Бошланғич синф ўқувчиларида ўз фаолиятини баҳолаш ва ташҳислаш кўникмаларини самарали шакллантириш учун дастлаб бу жараённинг мазмуини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки мазкур жараённинг мазмуини белгилаш, ушбу жараённинг мақсади, вазифалари, ўзига

хос хусусиятлари, босқичларини ойдннлаштиришни талаб қилмоқда» [3]. Бошқача айтганда, баҳолаш ва ташҳислаш учун бутун жараён ўқитувчининг кўз олдида гавдаланиши, аниқ режалаштирилиши керак.

Шубҳасиз, Г.К.Ҳасанова тавсифлаган жараён олдиндан яхшилаб ўйлаб олиниши даркор. Х.С.Боқиева бу хусусда шундай ёзади: «Мантиқий машқларни устида ишлашдан олдин, ўқитувчи дарсликдаги ўқув материалларининг мавзуси ва мақсадини белгилаши, кўрғазмали куролларни тайёрлаши ҳамда таҳлил усулини аниқлаб олиши лозим» [4]. Аён бўладики, ўқитувчи дарсда адо этиладиган барча иш турлари бўйича, юқорида тавсифланганидек, таёргарлик ишларини олиб бориши тўғри бўлади.

Қоидалар нутқнинг тўғрилигини таъминлайди. Шундай бўлгач, дарснинг, дарс босқичининг мақсадини нутқ билан боғлашга ҳаракат қилиш лозим. К.Қосимова, Н.Убайдулаеваларнинг уқтиришича, «Тилни ўрганишни нутқ ҳақидаги умумий тушунчадан бошлаш билан ўқитувчи дарснинг бошланғич босқичидаёқ ўқувчиларга кишилар ҳаётида тилнинг роли, шунингдек, тилни ўрганишдан асосий мақсадни тушунтириш имкониятига эга бўлади» [5].

Методик, психологик, педагогик адабиётларда компетентлилик ва компетенция тушунчаларини маънодошлар сифатида фаол ишлайдилар. Хош, компетенция тушунчаси нимани англатади? Методист олимлар бу саволга жавоб топиш учун биринчи навбатда ўқувчиларнинг ўзлари амалий биладиган она тилининг нимасини ўрганмоқчи эканликларини, яъни эҳтиёжларини аниқлаш, таълим мақсадини янада аниқроқ қилиб белгилаш зарур деб ҳисоблайдилар. Кузатишлардан, олинган ёзма ишлардан (диктант, баён) маълумки, болалар кўплаб имло ва

пунктуацион хатоларга йўл қўядилар. Ёзма ишларни текшириш пайтида ўқитувчи бу хатоларни тузатиб кетади. Лекин кейинги ёзма ишларда айнан шу хатоларнинг аксарият қисми такрор учрайверади. Хатолар узоқ машқлардан кейингина камая боради. Лекин уларнинг ўрнини янгидан-янги хатолар эгаллайверади. Лингвистик компетенция устидаги ишлар қандай мазмунда ташкил этилса, саводхонлик таъминланади? Бу савол кўпчиликни қийнамоқда. Компетенциянинг ўзи нима? У қай даражада шаклланиши кераклиги ҳам маъхум.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да компетенция сўзига шундай изоҳ берилган: «КОМПЕТЕНЦИЯ» [лот. Competenc – лаёқатли, муносиб бўлмоқ] 1. муайян орган ёкимансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доирси, ваколат.

2. Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси» [1]. 2-рақам билан ажратилган изоҳ тил соҳасидаги компетенция (компетентлилик) маъносига мос келади. Тилни билиш шу тилда нутқни эгаллаганликдан кўра кўпроқ тилнинг лисоний асосларини билишни англатади. Лингвистик компетенция деганда ҳам шу маъно сақланади.

М.П.Целикова компетенция тушунчасини қуйидагича кенг изоҳлайди: «Диққат марказида она тилининг қадриятли асосларини ўзлаштириш бўйича шахснинг нутқий ривож ва ўз-ўзини ривожлантириш борасидаги ижодий имкониятлари, ўқувчининг фаол фаолияти ётади. Ушбу даражадаги таълим олишнинг муваффақияти аввалги босқичга назар ташлаш ва кейингисига мўлжал олганликка боғлиқ. Замонавий таълимдаги тенденция олинган билимлар ҳажминигина эмас, балки таълимнинг турли хил компонентларини билиб олиш учун ривожлантирувчи асоснинг ўзига ҳам боғлиқдир» [2]. «Бу борада айна ўқувчининг ҳар қандай тил фактларида, хусусан, синтактик фактларда аксар хилма-хил маъно оттенкаларини кўра олиш қобилиятига таяниш катта роль ўйнайдик, шу туфайли тил орқали мулоқоти орқали ифодаланаётган фикрларнинг ҳаракатчан манзараси жонли ва асл бўла боради» [3]. Лекин ушбу фикрларда олинган билимлар ҳақида гапириладию, бу билимларнинг нималардан иборат эканлиги аниқ айтилмайди.

Тил соҳасидаги компетентлилик нутқийгина эмас, моҳиятан тилнинг қонун-қоидалари билан боғлиқ интеллектуал (ақлий) ривожланишни ўзида мужассамлаштиради. М.П.Целикова бу ҳақда шундай ёзади: «Интеллектуал ривожланиш билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишидангина эмас, балки боланинг назарий тафаккурини камол топтиришдан, индивидуал (ментал) ақлий тажрибасини бойтишдан, умумўқув компетенцияларини шакллантиришдан ҳам иборат» [4].

Кўринадики, М.П.Целикова компетенция ва компетентлиликни она тилига доир билимларни эгаллаш, тил фактларини, уларнинг турфв маъноларини ўрганиш ва қўллай олган ҳолда нутқ ўстириш, ўқувчининг интеллетуал (ақлий) фаолиятини фаоллаштириш билан боғлайди. Бундай компетенция ва компетентлилик шахснинг ўзи учунгина эмас, ёнверигадагилар учун ҳам ёрдами тегадиган даражани назарда тутяди, Тил шахснинг ўзи учунгина эгалланса, яъни саводли гапирадиган, саводли ёзадиган, ўқиш ёки тинглаш орқали саводли равишда ахборот ола одладигван даража учун эса амалий эгалланадиган кўникма ва малакаларнинг ўзи кифоя қилади..

Ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, бир одам балиқ овлаб ўтирган балиқчининг олдига бориб, бир-иккита тутган балиғидан беришни илтимос қилади. Балиқчи ўйлайди: бир-иикита балиқ берсам, уни еб бўлгандан кейин бирор балиқчининг олдига келиб, балиқ сўрайди, агар қармоқ берсам, у ўзи балиқ тутиб еяверади, лекин қармоқ сув остидаги илдизлардан бирига илиниб қолса, ип узилиб, қармоқ шу ерда қолади, агар мен бу кишига қармоқ ясашни ўргатсам, у ҳар қандай вазиятда балиқ овлай беради. Шу мулоҳаза билан у балиқ сўраб келган кишига қармоқ ясашни ўргатган экан. Тил соҳасида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Ўқитувчи ёзяман деган ўқувчига ёзаявман деб, яъни а кўшиб талаффуз қилгин деб маслаҳат беради. Кейинги сафар ўқувчи ёзаявман деб ёзганда, а қўшмасдан ёзгин деб тушунтиради. Ўқувчи ўқитувчининг бир-бирига зид икки хил маслаҳат берганига ҳайрон бўлиб юради, холос. Бу вазиятда ўқувчида билим етишмаган бўлади. Агар ўқитувчи ўқувчига а кўшиб талаффуз қил деганда, талаффузда а кўшиб айтилади, ёзувда қўшмасдан ёзилади, деса, ўқувчи ўзи учун керак бўлган қоидани осон бўлгани учун ёдламасдан, машқлар ёрдамида мустақамламасдан, бир умрга эслаб қолади. Ушбу вазиятда ўқувчи билимга эга бўлиб, тил амалини онгли равишда бажаради. У бошқаларга ҳам тушунтириш лаёқатини қўлга киритади.

Хуллас, амалий фаолиятда кимдир тилнинг бирор соҳаси бўйича компетентли (лаёқатли) бўлса, у маслаҳат сўраган одамга ёрдам бера олади. Бирор киши бирор мутахассиснинг олдига бориб, ундан маслаҳат олмоқчи бўлса, уни билган одамлардан шу мутахассис маслаҳат бера олиш-олмаслигини сўрайди. Улар ўша мутахассис сен сўраётган масалада компетентли эмас ёки компетентли деб айтиши мумкин. Бу даражадаги компетентлилик ижтимоий аҳамият касб этади. Лекин мактаб она тили таълимида тилни эгаллашнинг қайси даражаси назарда тутилаётгани аниқ эмас.

«Методика преподавания русского языка в школе» номли дарсликда куйидаги мазмундаги изоҳ берилади: «Ўқувчиларнинг тил ва нутқ

ҳақидаги билимларда компетентлиги тилнинг (унинг фонетикаси, лексикаси, сўз ясалиши, морфология ва синтаксисининг) ва нутқнинг (унинг матний асосси, услуб турларива фикр баён қилишнинг ташкил этиш типларининг) барча томонлари, иккала оғзаки ва ёзма шакллари, адабий тил меъёрларини ўрганиш натижасида таъминланади. Булар ҳаммаси, уларни ўзлаштиришнинг етарлича пухталиги ўқувчиларга тилдан ўз нутқида онгли равишда фойдаланишни, тилни мулоқот воситаси сифатида қўллашда ўз-ўзини назорат қилиш учун асосни таъминлаб беради» [5]. Дарсликда компетенцияга берилган тавсифдан ҳам маълум бўладики, ўқувчилар она тилининг барча сатҳларини элементар ўрганишлари керак.

М.П.Целикованинг таъкидлашича, компетенцияга берилган тавсифлар орасида Т.М. Балихинанинг қуйидаги тавсифига эътиборни қаратади: биринчидан, билим ва малакаларни эгаллаш савияси, сифати, тўлиқлиги, чуқурлиги; иккинчидан, билим ва малакаларнинг қўлами (диапазони), кенглиги, системалилиги, анланганлиги; учинчидан, билим ва малакалардан стандарт ва ностандирт вариатив вазиятларда фойдаланишга қодирлик; технология ҳамда фаолиятни ташкил этишда тез мослаша билишлик – компетенциянинг оперативлиги, қайишқоқлиги; тўртинчидан, ўз фаолиятини ва атрофидагиларнинг фаолитини рационал ташкил қила олишлик ва режалаштира билишлик компетенциянинг жиддий аломатларидир [6]. Ушбу тавсифда «рационально организовать и планировать свою деятельность и деятельность окружающих» деган ифода шуни англатадики, ўқувчиларда шаклландиган компетенция фақат унинг ўзи учун эмас, балки атрофидагилар учун ҳам хизмат қилиши керак. Бошқача айтганда, билимларни компетенция даражасида эгаллаган ўқувчи атрофидагиларга зарур пайтларда ўз маслаҳати билан ёрдам бера олади, хатоларини кўрсатиб, тегишли қонидани айтиб, хатосини тузатишга ундайди.

Демак, компетенция она тилини ўрганиш жараёнида ўқувчининг ўзи учунгина шаклландиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси эмас, балки ўзининг ва ўзгаларнинг саводхонлиги, яъни оммавий саводхонлик учун хизмат қиладиган воситадир. Бундай таърифда юқори даража аниқ ифода топади. Компетенцияни олган билим, кўникма ва малакалари асосида бирор фаолиятни бажариш, бошқариш, тўғри йўлга қўйиш, шу орқали ижтимоий тил маданиятини кўтаришга хизмат қилиш лаёқати, деб таърифлаш мумкин.

Хуллас, методик адабиётларда компетенция ва компетентлилик асосан билим, кўникма ва малакаларни онгли равишда эгаллаш йўсинлари, мўлжаллари, даражалари баён қилинар экан, бу фикрлар қанчалик ҳар хил талқинга эга бўлмасин, тилнинг қонун-қоиаларини



Ўрганиш зарур деган хулоса чиқаришга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР

10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. Е – М. Тузатилган 2-нашри. Тошкент: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2020. – 396-бет.

11. Целикова М.П. Развитие аналитических способностей учащихся при изучении синтаксиса в условиях непрерывного образования: Автореферат дисс. ... доктора педагогических наук – М.: 2011. – С. 3. <http://dissertation2.narod.ru/avtoreferats>

12. Целикова М.П. Развитие аналитических способностей учащихся при изучении синтаксиса в условиях непрерывного образования: Автореферат дисс. ... доктора педагогических наук – М.: 2011. – С. 6-7. <http://dissertation2.narod.ru/avtoreferats>

13. Целикова М.П. Развитие аналитических способностей учащихся при изучении синтаксиса в условиях непрерывного образования: Автореферат дисс. ... доктора педагогических наук – М.: 2011. – С. 6.

5. Методика преподавания русского языка в школе: Учебник для студ. высш. учеб. заведений / М.Т.Баранов, Н.А.Ипполитова, Т.А.Ладыженская, М.Р.Львов. Под ред. М.Т.Баранова. – М.: Издательский центр «Академия», – С. 23.

7. Целикова М.П. Развитие аналитических способностей учащихся при изучении синтаксиса в условиях непрерывного образования: Автореферат дисс. ... доктора педагогических наук – М.: 2011. – С.22.

ШАХС ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Тулепова Гулбахар Аскарровна

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи
ихтисослиги I-босқич таянч докторанти.

Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириши энг долзарб муаммо эканлиги, бу соҳадаги ҳукумат қарорлари ва уларнинг ижроси масалалари баён этилган. Маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, таълим муассасаси, давлат ва жамиятнинг уйғунлашуви муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мана шу уйғунлашув натижасида давлатимиз ва жамиятимиз кутган баркамол авлод шаклланиши зарурлиги таъкидланган.

Баркамол авлоднинг шаклланишига оид тарихий педагогик мерос, халқаро тарихий тажрибалар ва миллий қадриятларни уйғунлаштириши масалалари қайд этилган.

Калит сўзлар: ўқувчи, соғлом турмуш тарзи, таълим-тарбия, жисмоний тарбия, оила, таълим муассасаси, баркамол авлод, мустақил фикр, ҳамкорлик, халқаро тажриба.

РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ФИЗИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ ЛИЧНОСТИ

Тулепова Гульбахар Аскарровна

13.00.01-Педагогическая теория. Докторант I-ступени по
специальности история педагогических учений.

Нукуский государственный педагогический институт,
Узбекистан

Аннотация. В статье утверждается, что формирование здорового образа жизни среди студентов является наиболее актуальной проблемой, рассматриваются вопросы государственных решений в этой сфере и их реализации. В процессе воспитания психически и физически здорового поколения важна гармония семьи, учебного заведения, государства и общества, и в результате этой гармонии подчеркивается формирование всесторонне развитого поколения, ожидаемого нашим государством и обществом.

Отмечается историко-педагогическое наследие, международный исторический опыт и вопросы гармонизации национальных ценностей, связанные с формированием зрелого поколения.

Ключевые слова: студент, здоровый образ жизни, воспитание,

физическая культура, семья, образовательное учреждение, зрелое поколение, независимое мышление, сотрудничество, международный опыт.

THE ROLE OF HISTORICAL VALUES IN THE PHYSICAL EDUCATION OF THE INDIVIDUAL

Tulepova Gulbakhar Askarovna

13.00.01-Pedagogical theory. Doctoral student of the 1st stage in the specialty history of pedagogical teachings.

Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Annotation. The article states that the formation of a healthy lifestyle among students is the most urgent problem, issues of government decisions in this area and their implementation. In the process of educating a mentally and physically healthy generation, the harmony of the family, educational institution, state and society is important, and as a result of this harmony, the formation of the comprehensively developed generation expected by our state and society is emphasized.

Historical and pedagogical heritage, international historical experience and issues of harmonization of national values related to the formation of a mature generation are noted.

Key words: student, healthy lifestyle, upbringing, physical education, family, educational institution, mature generation, independent thinking, cooperation, international experience

Республикамизда ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буни ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсати мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4063-сон қарорида аҳолининг ёшига қараб, умумий жисмоний тайёргарлигини белгиловчи спорт меъёрларини ўз ичига олган «Алпомиш» ва «Барчиной» тестларининг аҳолининг кенг қатламлари ўртасида мусобақа тарзида доимий равишда ўтказилишини ташкил қилиш, ғолиб ва совриндорларнинг I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан рағбатлантиришга оид кўрсатмалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги «Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб

қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида” 65-сон қарорида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли одатлардан асраш ҳамда ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва бошқаларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини самарали ташкил этиш тизимини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимизнинг Ватан ва мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўядиган, қалбида ўти ва эрк туйғуси жўшиб турган, ғайратли билимдон ёш кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериб келаётганлиги, уларни катта умид ва ишонч билан қўллаб-қувватлаши бежиз эмас. Чунки, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни камолга етказиш – фақат миллий эҳтиёжгина бўлиб қолмасдан, балки умумдавлат аҳамиятига эга масала ҳисобланади.

Мамлакатимизда туғилиб ўсган, шу маконда яшаб, улғаяётган ҳар бир ёш давлатимиз, жамиятимиз нигоҳида. Уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий меросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги удумлар билан таништириб бориш барчамизнинг бурчимиздир.

Маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, таълим муассасаси, давлат ва жамиятнинг уйғунлашуви муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мана шу уйғунлашув натижасида давлатимиз ва жамиятимиз кутган баркамол авлод шаклланади.

Баркамол авлоднинг шаклланиши тўғрисида гап борар экан, бу борадаги тарихий педагогик меросга таянишимиз лозим. Баркамол авлодни шакллантиришга оид халқаро тарихий тажрибаларни ҳам ўрганишимиз ва миллий қадриятлар билан уйғунлаштиришимиз зарур.

Жумладан, қадимги Ҳиндистонда ёшлар таълим-тарбияси жараёни ривожланиши ўзига хос педагогик аҳамиятга эга. Шунингдек, Ҳиндистонда таълим-тарбия асосининг муҳим омили сифатида ёшларнинг шаклланишида диний мафкураларнинг аҳамияти бекиёс. Улар: брахманизм (индуизм), кейинчалик буддизм.

Брахманларда юксак ақл-идрок, заковат, кшатрийларда-куч ва жасорат, Вайшаларда-меҳнатсеварлик ва чидам, шудраларда эса – итоат етакчи хусусият ҳисобланган. Юқори табақа вакилларигагина хос инсон бахтли ҳаёт кечирishi учун яратилган деган ғоя асосида идеал тарбия тўғрисидаги қарашлар мажмуи шаклланган.

Бундай идеал тарбия жараёнининг асосини:

1. Ақлий ривожланиш (фикрнинг равшанлиги, мақсаднинг аниқлиги, тиниқ идрок);

2. Ахлоқий маданият (шахсинг ижобий хусусиятлари);
3. Маънавий ривожланиш (шахсинг ўз-ўзини англаши);
4. Жисмоний етуклик (чиниқиш, ўз танасини бошқара олиш);
5. Нафосат тарбияси (табиат ва гўзаллика муҳаббат, дадиллик ҳамда вазмин-босиқлик) ташкил этган.

Ҳинд-орийларнинг “Бхагаватапурана” ривоятида идеал тарбиянинг намунаси сифатида илоҳий ҳамда донишманд Кришнани тарбиялаш жараёни изчил тасвирланган.

Шоҳ-жангчи-чўпон Кришна ўз тенгқурлари орасида биргаликдаги жисмоний ўйинлар ва меҳнат фаолияти орқали ўсиб боради. Кейинчалик ота-онаси уни донишманд браҳманга тарбиялашга беради. Кришна икки ой давомида тиришқоқлик билан Ведаларни ўрганиб, турли хил сир-саноат, санъат ва малакаларнинг донишманд билағонига айланди.

Ибн Синонинг тиббиёт фанига оид умумий назарий ва амалий масалаларига бағишланган энг йирик асари “Тиб қонунлари” бўлиб, у 5 та катта китобдан иборат. Ўз мазмунига кўра ушбу асар тиббий билимларнинг нодир мажмуаси – қомуси ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил ҳар тарафлама ёритиб беради. Биринчи китобда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети, вазифалари, бўлим ва усуллари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблар, белгилари, соғлиқни сақлаш йўллари, инсон анатомияси каби назарий маълумотлар баён этилади. Иккинчи китобда эса “Қонун”нинг оддий дориларига бағишланган ўсимликлардан тайёрланувчи 760 та дорининг хусусиятлари, уларнинг тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари ҳақида фикрлар юритилади. Учинчи китобда инсоннинг айрим аъзолари, жумладан, бош мия, асаб, кўз, қулоқ, бурун, томоқ, қорин касалликлари таҳлил этилади. Ушбу асарнинг тўртинчи китоби инсон организмнинг умумий касалликларига бағишланган. Унда иситмалар, жарроҳлик масалалари, суяк синиши, жароҳатланиш, уларни даволаш усуллари ва юқумли касалликлар тавсифланади. Ниҳоят, “Қонун”нинг бешинчи китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён этилади.

Ибн Сино ушбу асарда инсон комолотида жисмоний тарбиянинг аҳамиятини алоҳида кўрсатади. Инсон ёшлик чоғидан бошлаб сиҳат-саломатликни сақлаш учун ҳам жисмоний машғулотлар билан шуғулланиши зарур.

Алломанинг фикрича, инсон жисмоний машғулотлар билан ўз вақтида ва мустақил шуғулланиб борса, ҳеч қандай даволанишга муҳтож бўлмайди. Жисмоний тарбия инсон руҳиятини тетиклаштиради. Аммо жисмоний машғулотлар ортиқча бўлмаслиги керак, акс ҳолда чарчаб қолиш ҳолати мавжуд бўлади. Жисмоний машғулотларни бутунлай

ташлаб юбориш эса баданнинг қариб, тезда ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Ибн Сино илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий ҳаракатлари деб билади. Чунки илм, илм-фанга интилиш – инсонни маънавий юксакликка кўтаради, жамият равнақининг асосий омилларидан бўлиб ҳисобланади.

Алломанинг фикрича, таълим-тарбия, аввало, ақлий тарбия, ёш авлодга илм-фан сирларини ўргатиш, бу борада жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади.

Абу Райҳон Беруний тан ва руҳ поклиги масаласини ҳам ўртага ташлайди. Оилада тозалик, покизалик ва тартиблилик мавжуд экан, у ерда маънавий поклик ҳам бўлади. Бу фикрни у танни тоза тутиш билан чеклаб қолмасдан, балки кўп ҳаракат қилишга чақиради. Унинг қалб ва ҳаракат ҳақидаги фикри инсоннинг тани ва руҳи поклигини, бир бутунлиги ҳақидаги ғоя билан боғлиқдир. Бу нарса бугунги кун талаби, яъни бола тарбиясида жисмоний соғломлик ва маънавий бойлик ўртасидаги ўзаро мутаносиблик билан ҳамоҳангдир.

Берунийнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари ҳам ижтимоий педагогик аҳамиятга эга. У ўзининг “Ҳиндистон” номли асарида бу категорияларнинг талқинини анча чуқурроқ очиб беради. Унинг курсатиб утишича, одам-одамни таламайдиган ва хурламайдиган, ёлғончилик булмаган даврларда одамлар тинч тотув яшаганлар, улар ўртасида оқибат бўлган, ўзаро кўплаб савобли ишлар қилишганлар. Бинобарин бундай маънавий муҳит болаларнинг ўсишига, унинг тарбиясига ижобий таъсир қилади. Олижаноблик, одамгарчилик жамиятда қарор топса, бу фазилатлар кишилар ҳаётий фаолиятига кириб бориши осон булади деган фикр олға суради.

Олимларнинг қайд этишича, Амир Темур болалик ва ёшлик чоғларидаёқ, ҳарбий-спорт ўйинлари ва машғулотлари билан жиддий шуғулланган, танаси ва руҳини чиниқтирган. Ёш Темурбек, жисмоний тарбия ва спортга оид ўйинларни махсус навкар-мураббийлардан олган, руҳиятни чиниқтириш ва руҳий тарбияга оид машғулотлар билан отасининг пири Шайх Шамсиддин Кулол даргоҳида шуғулланган.

XIX аср охири XX аср бошларида дастлаб Қримнинг жаҳонга машҳур бўлган Боқчасарой шаҳрида, кейинроқ эса Қозон, Кавказ ва Туркистонда вужудга келган ва ривожланиб, такомиллашиб борган янги усул мактаблари ўзидан аввалги ўқув-ўқитув ишларидан анча фарқли, анча ижобий бўлиб, Марказий Осиё, Кавказ, Қирим шунингдек, Россиянинг жануби-шарқий ўлкаларидаги чечен ва ингуш, татар, бошқирд, қалмиқ, чуваш, ёқут каби мусулмон халқлари педагогикаси тарихида ўзига хос ўринга эга. Бу халқлар педагогика тарихини

ўрганишда янги усул мактаби тарафдорларининг маърифатпарварлик фаолияти ва таълим-тарбия ҳақидаги қарашларини четлаб ўтиш мумкин эмас. Бу ҳаракатнинг тарафдорлари Туркистонда ҳам анчагина бўлиб, унинг йирик намояндалари: Маҳмудхўжа Беҳбудий (1878-1919), Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдурауф Фитрат (1884-1939), Исоқхон Ибрат (1862-1937), Саидрасул Азизий (1866-1933), Абдулла Авлоний (1878-1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929), Саидахмад Сиддиқий (1864-1927), Садриддин Айний (1878-1954), Абдукодир Шакурӣ (1875-1943), Исматулла Раҳматуллаев (1883-1962) каби маърифатпарварлар эди. Улар янги усулдаги мактаблар очиш билан бирга ўлка ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлар.

Абдулла Авлоний айтганидек, илм олиш соғломликни талаб этади. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур, чунки ўқимок ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, соғлом вужуд лозимдур».

Беҳбудий бола тарбиясида оила, мактаб ва маҳалланинг ролини кўрсатар экан, уларнинг жисмоний, гигиеник тарбиясига ҳам эътиборни қаратмоқ лозим эканлигини уқтиради. Бундай қарашларни унинг «Ҳифзи сиҳат оила» (Оиланинг саломатлигини сақлаш) мақоласида баён этилади. Болаларни жуда ёшлиқдан тозаликка ўргатмоқ, ҳар хилча ёмон иллатлардан сақламоқ лозимлигини айтади. Болаларнинг ёш вақтларидан ишқий ғазаллар ўқишларига йўл қўймаслик керак, дейди. Айниқса, қизлар тарбияси ҳақида гапириб, бунда ўта эҳтиёткорлик лозим, дейди.

Жисмоний ва маънавий жихатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратиш, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг саломатлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайди. Чунки соғлом, маънавий етук ва баркамол авлод мустаҳкам оиладагина тарбия топади. Оиладаги соғлом муҳит фарзандлар камолини белгилайди.

Ҳадиси шарифда «Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши одоб-ахлоқдан буюкроқ мерос беролмайди», дейилганидек, фарзандларимиз хулқи, тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашишимиз лозим. Болалардаги инсоний фазилатлар уларнинг ёшига қараб дастлаб ўйинлар, кейинчалик ўқиш ва ниҳоят меҳнат орқали шаклланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бола тарбиясини қуйидаги босқичларда олиб бориш мақсадга мувофиқ:

- Ахлоқий тарбия;
- Жисмоний чиниқтириш;

– Ақлий ривожлантириш;

Мазкур босқичларни бола онгида шакллантириш учун оила институтининг таълим-тарбия соҳаси – мактабгача таълим ташкилоти, мактаб, лицей-коллежлар ва олий ўқув юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим.

Бир сўз билан айтганда, ҳамма инсонлар қандай касб эгаси бўлиши, нима иш қилишидан қатъи назар оилада бахтли бўлишга ҳақлидирлар. Бахтли мустаҳкам оила эса унинг ҳар бир аъзоси ўз бурч ва вазифаларини тўлиқ англаб етиб, масъулият билан адо этгандагина мукамал бўлади. Бунинг учун ҳар бир оила аъзоси жисмонан бақувват, ақлан зийрак, теран фикрлайдиган бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4063-сон қарори: 2018 йил 18 декабрь // Lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида” 65-сон қарори: 2019 йил 29 январь // Lex.uz

3. Шодиметов Ю. Соғлом турмуш тарзи ижтимоий гигиеник ва экологик муаммолар. Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, -1991 й. -118 б.

ҲИКОЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ

*Турымбетова Замира Баймагамбетовна
Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси
Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон*

Аннотация: Мақола ҳикоя қилиш орқали ўқувчилар нутқни ўстириш методикасини шакллантириш, унинг ривожланиш босқичлари, тамойиллари ва қонуниятлари, ўқувчиларнинг саводхонлигини таъминлаш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда адабий нутқ меъёрларига риоя қилиш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: ҳикоя қилиш, методика, дидактик таъминот, методик таъминот, модель, ДТС, узлуксизлик, узвийлик, нутқ техникаси, нутқ маданияти, анъанавий ва ноанъанавий шакл, метод ва воситалар.

МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ РЕЧИ УЧАЩИХСЯ ПОСРЕДСТВОМ РАССКАЗЫВАНИЯ

*Турымбетова Замира Баймагамбетовна
Преподаватель кафедры “Начальное образование”
Нукусского государственного педагогического института,
Узбекистан*

Аннотация: Статья посвящена вопросам формирования методики развития речи учащихся через рассказывание, ее этапов развития, принципов и закономерностей, обеспечения грамотности учащихся, соблюдения ими норм литературной речи в устной и письменной речи.

Ключевые слова: повествование, методика, дидактическое обеспечение, методическое обеспечение, модель, ГОС, преемственность, непрерывность, техника речи, культура речи, традиционные и нетрадиционные формы, методы и средства.

METHODOLOGY FOR DEVELOPING STUDENTS' SPEECH THROUGH STORYING

*Turimbetova Zamira Baymagambetovna
Teacher of the Primary Education department
Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Annotation: The article is devoted to the formation of a methodology for the development of students' speech through storytelling, its stages of development, principles and patterns, ensuring the literacy of students, their compliance with the norms of literary speech in oral and written speech.

Key words: narration, methodology, didactic support, methodological support, model, GOS, continuity, continuity, speech technique, speech culture, traditional and non-traditional forms, methods and means.

Жаҳонда глобаллашув ва интеграция жараёнлари чуқурлашаётган бир шароитда бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини ҳар томонлама ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга эҳтиёж кучаймоқда. Шу боис ривожланган давлатларда ўқувчилар нутқини ўстириш методикасини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Жанубий Корея, Германия, Россия, Англияда фан ва таълим ютуқларини ўқув материаллари мазмунига сингдириб бориш, она тили таълим мазмунидаги асосий вазифа ўқитиш сифатини методик ошириш, она тили таълим мазмунининг узлуксизлигини ва самарадорлигини оширишга оид илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилган.

Жаҳонда бошланғич таълимга эътибор, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқувчилар нутқини ўстириш методикасини шакллантириш, дидактик таъминотининг босқичларини такомиллаштириш, бошланғич синф ўқувчилари нутқини ҳикоя қилиш орқали шакллантиришнинг интегрatív моделини такомиллаштириш, ўқувчиларининг нутқини методик таъминотини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда [1]. Ҳозирда бошланғич синф ўқувчиларида ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг интегрatív модели, бошланғич синф ўқувчиларида ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг методик таъминоти, бошланғич синф ўқувчиларида ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини такомиллашганлиги динамикаси бўйича илмий-тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, бошланғич таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини таъминлашда моддий омиллар билан бир қаторда, бошланғич синф ўқувчиларининг ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикаси шакллантириш методикасини такомиллаштириш даражаси, салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини шакллантириш ва тадкомиллаштириш давр талабларига мувофиқ фаолият юрита олишлари учун зарур шарт-шароит яратишда бошланғич таълим тизими алоҳида ўрин тутди [2]. Бошланғич синф ўқитувчиси бошланғич таълимнинг Давлат таълим стандарти бўйича ўқувчиларнинг мантиқий тафаккур қила олиш салоҳияти, ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш

методикаси ва ақлий ривожланиши, дунёқарашини коммуникатив саводхонлиги ва ўзини-ўзи англаш салоҳиятини шакллантириш, моддий борлиқ гўзалликларини ҳис эта олишга ўргатиш, нутқий фаолиятини кенгайтириш, ўқувчиларнинг эркин фикрлай олиш, ўзгалар фикрини англаш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда баён қила олиш кўникмаларини эгаллашларига эришиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг такомиллаштирилган давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори таълим-тарбия соҳасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикаси шакллантирилади [4]. Мазкур ҳикоя қилиш орқали ўқувчиларда нутқни ўстиришнинг методикаси шакллантирилади.

1.1-жадвал.

Ҳикоя қилиш орқали нутқни ўстириш маданияти

№ нутқни ўстириш маданияти нутқни ўстириш маданиятининг мазмуни

1. Ҳикоя қилиш маданияти Турли хил вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга самимий кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш қобилиятларини шакллантиришни назарда тутди

2. Ахборотлар билан ишлаш маданияти м е д и а м а н б а л а р д а н зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиатаълим саводхонлик маданиятига эга бўлиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутди

3. Сўзлашиш, мулоқотга киришиш маданияти р у х и й , интеллектуал ва креатив ривожлантиришда сўзлашиш маданиятига риоя этиш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутди

4. Ижтимоийлашув шароитида нутқий саодхонлик маданияти жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни тўғри англаш ва ҳис этиш ўзининг нутқий саводхонлик бурчини билиш, унга риоя қилиш,

меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш қобилиятларини шакллантиришни назарда тутди

5. Нутқий маданиятни оширишда ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди

6. Нутқ техникаси ва нутқ маданияти Нутқ маҳорати, овоз диапозони, овоз турлари, мимик ва пантомимик ҳатти-ҳаракатлардан фойдалана олиш қобилиятларини шакллантиришни назарда тутди

Ўқувчиларнинг бошланғич синфда она тили таълим мазмуни бўйича эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалари, уларга қўйилган талаблар давлат хужжати бўлган ўқув дастурида белгилаб берилган. Шунингдек, “Она тили” фан дастурида ҳам ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш жараёни ва унинг вазифалари аниқ кўрсатилган. Дастурга кўра, биринчи синфга келган болаларнинг саводини чиқариш элементар ўқиш ва ёзишга ўргатишдан бошланади. Улар бошланғич синф давомида сидирга ўқиш ва саводли ёзиш каби адабий тил меъёрларини эгаллайдилар. Савод ўргатиш дастурида савод ўргатиш жараёни икки даврга бўлиб кўрсатилган: алифбогача бўлган тайёрлов даври ва алифбо даври. «Алифбе» дарслигига асосланган ҳолда савод ўргатиш ўқув дарслари ўқувчиларни тўрт ой давомида элементар ўқишга, ёзув дарслари ва ёзишга ўргатиши лозим. Демак, савод ўргатиш дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларни ўзбек тилидаги барча товушлар ва ҳарфлар билан таништириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбек тилининг бой имкониятларидан бошланғич синф ўқувчиларини баҳраманд қилиш бошланғич таълим олдида турган муҳим вазифалардан саналади. “Она тили” фан дастури тилшуносликнинг бир қанча бўлимларини қамраб олган. Бу бўлимлар ўзаро ички боғланишда бўлиб, бошланғич синфларда уларни ўрганиш тилни бир бутун тизим методи сифатида ўзлаштиришни таъминласа-да, ўзига хос мураккабликларни ҳам келтириб чиқаради. Хусусан, тилшуносликнинг “Фонетика”, “Графика”, “Орфоэпия”, “Орфография” бўлимлари материаллари бошланғич таълимда биргина “Товушлар ва ҳарфлар” бўлимига, барча сўз туркумлари биргина “Сўз” бўлимига, бутун синтаксис “Ҳап” бўлимига бирлаштирилган. Бундан ташқари, тилнинг барча бўлимларини назарий ўрганиш жараёнида лексика ва имлони ўзлаштириб бориш назарда тутилади. Бошланғич синфларда она тилини ўқитиш жараёнида тилни амалий ўзлаштиришда ўқувчилар бир қанча

қийинчиликларга дуч келаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўқувчиларнинг бадиий матнни қайта яратиш, нутқини ёзма саводли ифодалаш талаб даражасида эмаслиги, шу нуқтаи назардан Ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Саводли ва ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш устида ишлаш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув-методик фаолиятининг асосий йўналиши ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстиришни шакллантиришдир. Бу она тилини амалий ўргатиш, мунтазам ва изчил ўргатиш, намуналар ва махсус машқлар асосида ўргатиш, нутқий хатоларнинг олдини олиш ва уларни тўғрилаш, адабий-бадиий нутқ шаклини ўргатиш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, “Она тили” ўқув фани дастуридаги мавзуларни пухта ўзлаштирилишига ёрдам берадиган, мустақил фикр юритиш Ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикаси, фикрини эркин ифодалаш, бошқалар фикрини тинглаш, мулоҳаза юритиш, улардан энг муҳимларини ажрата олиш, ўз фикрини илгари суриш, уни далиллаш, умумлаштириш ва хулосалашга ўргатадиган, ўқувчиларда тил материалидан фойдаланишга қизиқиш уйғотадиган, унда тилдан амалда фойдаланиш эҳтиёжини юзага келтирадиган, она тили таълими самарадорлигини оширишнинг омили сифатида эътироф этилаётган илғор ўқитиш усуллари ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш давр талабидир. Бу талабдан келиб чиқиб, она тили таълимига қуйидаги вазифалар юклатилади:

1) таълим жараёнини ташкил этувчи ўқувчи шахсига ўқув фаолияти субъектлари сифатида ёндашув;

2) ўқувчининг она тили таълим жараёнига ижодий ёндашувини таъминлаш;

3) бошланғич синф ўқитувчиларнинг она тили ўқитишнинг такомиллаштирилган анъанавий ва ноанъанавий шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш кўникмаси ва малакасини ўстириб бориш;

4) “Она тили” дарслари лойиҳасининг ҳар бир босқичига тил бирликлари устида ишлашни мунтазам сингдириш;

5) ўқувчиларнинг тилни амалий ўзлаштиришлари учун лексик-грамматик машқ топшириқларини бажариш усуллари такомиллаштира бориш;

6) ўқувчилар фаолиятини, ўзлаштириш даражасини доимий ўрганиб бориш, натижаларини таҳлил қилиш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини белгилай олиш.

Такомиллаштирилган ва ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстиришга таянилган ДТС нинг мақсади – умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар,

ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат [5].

Бугунги кунда, бошланғич синф ўқувчиларининг “Она тили” дарсларида ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини шакллантиришнинг асосий мақсади – ёш авлодни ҳар томонлама етук, жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган баркамол инсонлар этиб шакллантиришдан иборат. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етуқликни мужассам этади. Ўқувчиларнинг ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини шакллантириш учун халқ оғзаки ижоди, халқ эртақлари, ҳикоялар, афсоналар, болалар энциклопедияси ҳамда тасвирий ифодани акс эттирувчи болалар китоблари асосий ўрин тутаяди. Бундан ташқари Шарқ мутафаккирларининг мероси, шеър ва ғазаллари, бадиий ижод намуналари дастури амал бўлиб хизмат қилади. Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абулқосим Фирдавсий, Амур Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари алломаларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-таълимий қарашларига таяниб иш кўрилса, ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш ишлари янада мукамаллик касб этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, “Она тили” фани қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) ўқувчи шахсини Ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстиришга оид фикрлашга;

2) ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга қаратилган нутқий Ҳикоя қилишни ривожлантириш;

3) ўқувчиларда грамматикага оид билимларни (фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услубларига оид тушунчаларни) шакллантириш ва ривожлантириш;

4) она тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда фикрини тўғри ва раво баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган Ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстиришни шакллантириш.

Бошланғич таълимда – ўқувчиларнинг саводхонлигини таъминлаш, уларни оғзаки ва ёзма нутқида адабий нутқ меъёрларига риоя қилишга ўргатишдан иборат. Мазкур она тили ўқув дастури қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Савод ўргатиш ва нутқ ўстириш.

2. Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш [6].

Бошланғич таълимнинг илк саводга ўргатиш давриданоқ, ўқувчилар нутқини янги сўзлар ҳисобига бойитишга, таянч компетенцияларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Юқоридаги расмий манбаалардан келиб чиқиб, ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикаси, унинг ривожланиш босқичлари, тамойиллари ва қонуниятлари ҳақида педагог-олимларнинг назариялари таҳлил қилинди. Асосий назарий манбаларга таяниб, хусусий фикрлар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида бошланғич синф ўқувчиларида ҳикоя қилиш орқали нутқини ўстириш методикасини такомиллаштириш бошланғич таълим жараёнининг асоси бўлган, доимий диққат ва эътиборни талаб қиладиган, ўз аҳамиятини йўқотмайдиган педагогик вазифа бўлиб, анъанавий таълим тизими шароитида уй вазифаларини бажариш орқали ҳикоя қилиш нутқини ўстириш методик бир таъминотидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Сариев Ш. Бошланғич синф ўқиш дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш. Методик қўлланма. – Т.: Yurist-media markazi, 2010. – 76 б.

2. Сафарова Р. V-VI синф она тили дарсларида луғат бойлигини ошириш асосида ўқувчилар нутқини ўстириш. – Т.: ЎзПФТИ, 1994. – 32 б.

3. Таълим жараёнида нутқ маданиятини ривожлантириш масалалари // Ўзбек тили доимий 5-анжумани материал. – Т.: Шарқ, 1999. – 255 б.

4. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – Б. 141–142.

5. Тўхлиев Б., Иноғомова Р., Тилавова Г. Сўз туркумлари ва нутқ ўстириш методикаси. – Т.: ТДПУ, 2008. – 70 б.

6. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 314 б.

**BO‘LAJAK BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QITUVCHILARINING
AKMEOLOGIK KONTSEPTSIYASI***Utebaev Nawrizbek Marat uli**70110501 - “Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang‘ich ta’lim)” mutaxassisligi 2 - bosqich magistranti.**Nukus davlat pedagogika instituti, O‘zbekiston*

Annotatsiya: Ushbu maqolada bo‘lajak boshlang‘ich sinif oqutuvchilarining akmeologik kontsepsiyasini rivojlantirish, ta’lim va ta’rbiyani rivojlantirishda ilg‘or pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda darslarni modernizatsiyalash hamda ta’skil etish g‘oyalari ilgari surilgan.

Ka’lit so‘zlar. Zamanoviy, kontsepsiya, akmeologiya, modernizatsiya, texnologiya.

**AKMEОЛОГИЧЕСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ БУДУЩИХ
УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ***Utebaev Nawrizbek Marat uli**70110501 - «Теория и методика воспитания и обучения (начальное образование)» магистрант 2 ступени.**Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье представлены идеи будущих учителей начальных классов по разработке акмеологической концепции, модернизации и интерпретации уроков с использованием передовых педагогических технологий в развитии и интерпретации образования.

Ключевые слова. Современность, концепция, акмеология, модернизация, технология.

**ACMEOLOGICAL CONCEPT OF FUTURE PRIMARY
SCHOOL TEACHERS***Utebaev Nawrizbek Marat uli**70110501 – “Theory and methodology of education and training (primary education)” 2nd stage master’s student.**Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Annotation: this article presents ideas for the development of the acmeological concept of future primary school teachers, modernization and interpretation of classes using advanced pedagogical technologies in the

development of education and interpretation.

Key words. Modernity, concept, acmeology, modernization, technology.

Hayotimizning barcha jabhalari kabi ta'lim tizimini modernizatsiya qilish bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri bo'lib qolmoqda. Innovatsion ta'lim muhitini yaratish, uning xalqaro andozalarga to'liq mos kelishini ta'minlash bugungi shiddat bilan o'zgarib borayotgan ijtimoiy hayotda yoshlarimizning muvaffaqiyatli ijtimoiylashuvida muhim omil bo'lmoqda. Yosh avlod tarbiyasining maqsad, vazifalari va mazmunini yangilash tizimi oldida turgan dolzarb muammolardan biri. Bugungi kunda barchamiz chuqur anglab yetdikki, faqat zamonaviy asosda ta'lim olgan, dunyoning boshqa mamlakatlaridagi tengdoshlari bilan raqobatlasha oladigan, jismonan va ma'naviy jihatdan sog'lom yoshlargina biz boshlagan ishni davom ettira oladi va uni yangi bosqichga ko'tarishga qodir bo'ladi.

2020-yil 23-sentabrda qabul qilingan ORZ-637-sonli "Ta'lim to'g'risida"gi qonunning ta'lim bo'limida zamonaviy davrda amalga oshirilgan islohotlar o'z ifodasini topdi [1].

Shuningdek, "Ta'lim to'g'risida"gi qonunning 46-moddasida "Pedagogik xodimlarning vazifalari" bo'limida "o'qitishni sifatli qilish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan, ta'lim va tarbiyaning ilg'or va innovatsion shakl va usullaridan foydalanish" ko'rsatib o'tilgan. Shuningdek, oliy o'quv yurtlarida o'qituvchilarimizni zamon talablari asosida tarbiyalash va malakasini oshirish asosiy vazifalarimizdan biridir.

O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "Ta'lim sifati va kadrlar tayyorlash bo'yicha xalqaro standartlarni joriy etish orqali oliy ta'lim muassasalari faoliyati sifati va samaradorligini oshirish" [2] kabi muhim vazifalar belgilangan. Bu oliy ta'lim sifati va samaradorligini oshirish, bo'lajak o'qituvchilarning akmeologik kompetensiyasini rivojlantirish, intellektual salohiyatni rivojlantirishning pedagogik sharoit va mexanizmlarini takomillashtirish muhimligini ko'rsatadi.

Uning ustiga O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 27-fevraldagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish maqsadida mamlakatimizni iqtisodiy rivojlantirish, 2020-yil 27-fevraldagi PK-4623-son "Pedagogik ta'lim to'g'risidagi qarorida bo'lim va rivojlantirish faoliyati» qabul qilindi [3]. Bu yerda:

Ta'lim va o'qitish metodikasi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va xorijiy tillarni puxta egallagan, ta'lim jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalana oladigan professional o'qituvchilarni tayyorlash;

- pedagogik kasbga qiziqishi yuqori bo'lgan yoshlarni aniqlash va maqsadli tayyorlash va tarbiyalashning uzluksiz tizimini joriy etish;

- ilg'or xorijiy tajriba asosida ta'lim yo'nalishi va mutaxassisliklari bo'yicha pedagogik ta'lim sohasida o'quv rejalari va dasturlarini takomillashtirish, innovatsion kadrlar tayyorlash va ta'lim resurslarini yaratish va joriy etish;

- ta'lim sifatini oshirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, sohada ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasini ta'minlash orqali ilmiy va innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish;

- pedagog kadrlarning ehtiyoj va talablarini doimiy ravishda o'rganish, ular bilan hamkorlikni rivojlantirish, shuningdek, o'qituvchilar malakasini oshirishning ilmiy asoslangan istiqbolli rejalarini belgilash va amalga oshirish;

- raqamli texnologiyalarni oliy pedagogik ta'limga joriy etish, zamonaviy axborot-kommunikatsiya va ta'lim texnologiyalarini kuchli integratsiyalashuvini ta'minlash, o'qituvchilarning kasb mahoratini uzluksiz oshirish uchun qo'shimcha shart - sharoitlar yaratish natijasi.

Yuqori madaniyatli, amaliy kasbiy mahoratga ega, ta'lim, o'qitish metodikasi va baholash mezonlarini puxta egallagan zamonaviy pedagog kadrlarni shakllantirish jarayoni samaradorligini oshirish muammosi belgilab berildi.

Konseptuallashtirishning o'zi bu holatda boshqa vazifani bajaradi va uning ko'rinishi quyidagicha bo'lishi mumkin:

1) empirik tarzda to'plangan tajribani kontseptual asoslash;

2) faktlarga asoslanmagan holda rivojlanish yo'nalishidagi harakat namunaviy loyihasini aprior shakllantirish;

3) kontseptual loyihalarni va harakatning rivojlanish modelini taqqoslashga yordam beradigan mavhum tamoyillar.

Shunga ko'ra, mavjud pedagogik tushunchalarni tahlil qilish va yaratishda turli usullardan foydalanilganligiga ishonch hosil qildik. Bularga quyidagilar kiradi:

- aspektual yondashuv - tasvirlangan ob'ektning ayrim tomonlarini ajratish va ularni mezon-nazariy nuqtai nazardan bezash;

- sistematik yondashish - ob'ekt boshidanoq tizim sifatida qabul qilinadi va uning kontseptual tavsifi tizimli tahlil mantig'iga moslashtiriladi;

- genetik yondashuv - bu yondashuv doirasida kontseptsiya ob'ektning genezisini, unga kiritilgan protsessual tasvirni tavsiflashdan iborat.

Bizning tadqiqot ishimiz doirasida bo'lajak mutaxassislarni mehnatga tayyorlash kontseptsiyasini yaratishda talabalarning akmeologik kompetentsiyasini shakllantirish kontseptsiyasini yaratishning ilmiy shartlarini aniqlash vazifasi qo'yildi. Ularni mutaxassislar tayyorlash nazariyalarining akmeologik qonuniyatlari; tizimli, harakatga yo'naltirilgan, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim metodologiyasi, sub'ektiv, akmeologik

usullardan iborat.

Nazariy akmeologiya akmeologik qonunlar va qoidalarni tavsiflaydi. Hozirgi vaqtda psixologik qonunlar va qonuniyatlar bilan taqqoslanadigan va taqqoslanmaydigan akmeologik qonunlar va qonuniyatlarning turlari haqida ko‘plab munozaralar mavjud. Ular orasida haqiqatan ham ba’zi o‘xshashliklar mavjud bo‘lsa-da, ularning farqlarini ta’kidlash kerak.

Birinchidan, akmeologik qonunlar ob’ektiv barqaror aloqalar va munosabatlar bilan belgilanadi. Masalan, insonning iqtidori va uning kasbiy mahorat sari olg‘a siljishi o‘rtasidagi bog‘liqlik va munosabatlar. Bundan tashqari, insonning o‘zini o‘zi boshqarish darajasi va professionallikka o‘tish dinamikasi o‘rtasida doimiy bog‘liqlik mavjud. Bu erda munosabatlar proporsionaldir. Bunday doimiy aloqalar va munosabatlar juda ko‘p.

Ikkinchidan, akmeologik qonunlar ob’ektiv va sub’ektivdir. Ularning ob’ektivligi harakat shartlari bilan belgilanadi: qadriyatlar, jamiyatdagi standartlar, ular professionallik va professional odamlar bilan bog‘liq.

Uchinchidan, barqarorlik xususiyati bilan tavsiflangan qonunlar takrorlanuvchanlik bilan tavsiflanadi. Barqarorlik va takrorlanuvchanlik, masalan, professionallikni rivojlantirish bilan bog‘liq bo‘lgan akmeologik usullar va texnologiyalarning xilma-xilligini tavsiflaydi.

To‘rtinchidan, akmeologik qonuniyatlar psixologik qonuniyatlarga o‘xshash (B.F.Lomov tasnifiga ko‘ra) va ularning inson psixikasining rivojlanish jarayonlariga aloqadorligi bilan belgilanadi.

Beshinchidan, akmeologik qonunlar “nashrlar-qonunlar” tasnifiga kiradi.

Oltinchidan, psixologik qonunlar bilan solishtirganda, akmeologik qonunlar o‘zgaruvchan. Masalan, harakatning professionalligi yuqori ko‘rsatkichlarning barqarorligi bilan, shaxsning professionalligi esa “qat’iy” standartlar va shaxsiy xatti-harakatlar normalari bilan ajralib turadi, bu esa, albatta, bu qonuniyatlarning o‘zgaruvchanligini kamaytiradi. Bundan tashqari, standartlashtirilgan akmeologik texnologiyalardan foydalanish shaxsiy rivojlanish jarayonini belgilaydi. Tadqiqot mavzusi bo‘yicha tahlil qilingan nazariy va uslubiy adabiyotlardagi asosiy fikrlarni umumlashtirish oliy o‘quv yurtining bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining akmeologik kompetentsiyasini takomillashtirish konsepsiyasini ishlab chiqish uchun asos bo‘ldi.

Kasbiy ta’lim jarayonida kelajakdagi o‘qituvchining samarali akmeologik tayyorgarligi ma’lum shartlarga bog‘liq. Ulardan birinchisi, pedagogik ta’lim muassasalari o‘quvchilarida “har kimning o‘zi” falsafasi asosida ijodiy faoliyatga, o‘zlashtirish darajasida ishlashga tayyorligini shakllantirish, deb hisoblaymiz. Chunki shaxsning o‘z-o‘zini rivojlantirishi o‘z-o‘zini anglash, o‘z-o‘zini tarbiyalash, “o‘z-o‘zini takomillashtirish”, o‘z-o‘zini tarbiyalash, o‘z-o‘zini tartibga solish, baholash va boshqarish jarayonlarida amalga oshadi.

Olim S.M. Jaqipovning “O‘z-o‘zini tan olish, o‘z-o‘zini anglash, ijtimoiy talablarni mulohaza yuritish va eslab qolish orqali o‘z-o‘zini rivojlantirish shaxsning o‘zini o‘zi namoyon etishining asosidir” degan fikri fikrimizni asoslaydi [4].

Bakalavr darajasi-kelajakdagi maktab o‘qituvchisi uchun zarur bo‘lgan psixologik va pedagogik savodxonlikni va umumiy gumanitar sohani rivojlantirish bilan bog‘liq ilmiy va fundamental fan kompetentsiyalarini bajarish uchun ilmiy va pedagogik kadrlar muammosini hal qiladi. Unda talabalarni o‘quv, ilmiy va kasbiy faoliyatga jalb qilish, kelajakdagi kasbning nozik tomonlarini o‘zlashtirishga qaratilgan boshqa tadbirlarda ishtirok etish ularning kasbiy ahamiyatli fazilatlarini va ongini rivojlantirishni, turli vakolatlarni shakllantirishni ta’minlaydi.

Akmeologik kontseptsiyani ishlab chiqish va uni zamonaviy oliy ta’lim tizimiga tatbiq etish bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining kasbiy va ilmiy ijodkorligini rivojlantirishga yordam beradigan, ularning asosida akmeologik kompetentsiyani shakllantirish bilan ilmiy va kasbiy faoliyatda muvaffaqiyatga erishish uchun shaxsiy resurslaridan foydalanishga imkon beradigan muhim omil hisoblanadi. Universitetda mutaxassislarni tayyorlashning akmeologik kontseptsiyasi kelajakdagi universitet o‘qituvchisini kasbiy faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun sub’ektiv (men qila olaman) va ob’ektiv (qila olaman) tayyorlashni ta’minlaydigan printsiplar va qonuniyatlarni ochib beradigan uslubiy, nazariy va uslubiy xarakterdagi asosiy qoidalarning tavsifini o‘z ichiga oladi.

Shu munosabat bilan universitetlarda bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini tayyorlashning akmeologik kontseptsiyasini ishlab chiqishdan maqsad insonning asosiy mulki va uning kasbiy mahoratining eng muhim ko‘rsatkichi sifatida akmeologik kompetentsiyasini shakllantirishga qaratilgan akmeologik va pedagogik ta’sir usullari va shartlarini aniqlashdan iborat.

Biz ko‘rib chiqayotgan bo‘lajak mutaxassisning kasbiy faoliyatida cho‘qqiga chiqish muammosi insonning individual fazilatlarini bilan bog‘liq holda ko‘rib chiqiladi. Shu bilan birga, inson falsafasining asoschisi Suqrotning fikricha, ma’lum bir olijanob fazilat haqida bilimga ega bo‘lgan kishi o‘sha fazilatga erisha oladi. Izohlar, Arastuning fikricha, lazzatlanish – borliqning yetukligi va go‘zalligidir, inson uchun esa bu etuklik uning shaxs sifatidagi harakatlari va faoliyatining etukligidir.

Shuning uchun oliy o‘quv yurtlarida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini tayyorlashning akmeologik kontseptsiyasini yaratishdan maqsad insonning asosiy sifati va uning kasbiy mahoratining muhim ko‘rsatkichi sifatida akmeologik kompetentsiyani shakllantirishga qaratilgan akmeologik - pedagogik ta’sir ko‘rsatish usullari va shartlarini belgilashdan

iborat.

Mas'uliyat - bu shaxsning ma'lum bir vazifani, o'ziga yuklangan vazifani bajarishi va amalga oshirishidan ko'rinadigan axloqiy sifat; shaxsning ijtimoiy, axloqiy va huquqiy normalar va qoidalarga muvofiq o'z faoliyatini nazorat qilish qobiliyati, jamiyatda yoki jamoada qabul qilingan burch hissi. O'sib borayotgan shaxsda mas'uliyatni shakllantirish uchun ham o'qituvchi mas'ul bo'lishi kerak. Har bir inson o'z irodasi, kuchi va matonati bilan mas'uliyatni turlicha his qiladi. O'z burchiga mas'uliyat bilan yondashgan inson yaqinlari, do'stlari, hamkasblari, butun jamiyat tomonidan yuksak qadrlanadi, murakkab va mas'uliyatli vazifalarni ado etishda unga ishonch bildiriladi. Insonning maqsadlariga erishish, biznesdagi muvaffaqiyat ko'pincha bevosita uning mas'uliyat hissi bilan bog'liq. Ilmiy-tadqiqot ishlarimiz doirasida bo'lajak ilmiy-pedagogik mutaxassislar zimmasiga yuklatilgan mas'uliyatni ado etishi jamiyat oldidagi fuqarolik burchi bilan birga, ularning shaxsiy obro'-e'tiborini shakllantiradi, ishbilarmonlik mahoratini mustahkamlaydi. Aynan shu omillar ularning keskin vaziyatga ko'tarilishining asosidir.

Yuqoridagilarga qo'shimcha ravishda, biz akmeologik texnologiyalarga suyanamiz: ijodkorlikni rivojlantirishga e'tibor berish, murakkablik, ishlaydigan tizimning yuqori yutuqlarga erishish uchun harakatlanishiga imkon beruvchi omillarga tizimli ta'sir qilishni ta'minlash, shaxsning o'zini o'zi rivojlantirish va kasbiy faoliyat jarayonlarini optimallashtirish, tevarakatrofdagi olam bilan va o'z-o'zidan maqsadli munosabat o'rnatish kabi belgilar mavjudligini ta'kidlaymiz.

Xulosa qilib aytganda, kelajakdagi mutaxassislarni tayyorlashning akmeologik asoslari bu jarayonni akmeologik usullar nuqtai nazaridan ko'rib chiqishni o'z ichiga oladi. Akmeologiya uslubiy jihatdan fundamental va amaliy xarakterga ega bo'lgan murakkab fan sifatida ta'riflanadi. Uning fundamentalligi voqelikning boshqa fanlarda hisobga olinmagan qonuniyatlarini tan olish orqali oydinlashadi. Akmeologiyaning amaliy tabiati amaliyotga yo'naltirilgan akmeologik texnologiyalarda namoyon bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni. T.: 2020 yil, 23 sentyabr, O'RQ-637.
2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 27.02.2020 yildagi PQ-4623-son
4. Джакупов С.М. От смысловой теории мышления к концепции совместно-диалогической познавательной деятельности / Вопросы психологии, № 2 -2010. С. 46-55.

BOSHLANG'ICH SINFLALARDA TILNI O'RGATISH ORQALI ADABIY TIL NORMALARI ASOSIDA O'QUVCHILAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH

Utemuratov Bayrambay Kulmuratovich

*Qoraqalpog'iston Respublikasi Pedagoglarni yangi metodikalarga
urgatish milliy markazi Maktabgacha, boshlang'ch va maxsus ta'lim
metodikalari kafedrası f.f.n. dotsent*

Annotatsiya. Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilariga adabiy til normalarini urgatish, o'z fikrlarini og'zaki va yozma shaklda aniq bayon etish ko'nikmasini o'stirish yo'llari ko'rsatilgan. Shuningdek, til birligining nutqimizdagi o'rnini o'quvchilar o'zlashtirishini ta'minlash masalalari yoritilgan.

Kalt so'zlar: adabiy til, o'quvchi, dialektik tafakkur, so'z, orfografiya, grammatika, analiz va sintez, kommunikativlik, ko'nikma.

DEVELOPMENT OF STUDENTS' SPEECH BASED ON LITERARY LANGUAGE STANDARDS THROUGH LANGUAGE TEACHING IN PRIMARY GRADES

Utemuratov Bayrambay Kulmuratovich

*Associate Professor of the Department of Preschool, Primary and
Special Education Methods of the National Center for Training Teachers in
New Methods of the Republic of Karakalpakstan. associate professor.*

Summary: The article shows ways to grow the skill of Primary School students to emphasize the norms of the literary language, to clearly state their thoughts in oral and written form. In addition, the issues of ensuring the assimilation of students of the place of the language unit in our speech are covered.

Keywords: literary language, reader, dialectical thinking, vocabulary, spelling, grammar, analysis and synthesis, communicative, skill.

РАЗВИТИЕ РЕЧИ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ НОРМАТИВОВ ЛИТЕРАТУРНОГО ЯЗЫКА ЧЕРЕЗ ОБУЧЕНИЕ ЯЗЫКУ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Утемурагов Байрамбай Кулмурагович

*доцент кафедры методики дошкольного, начального и
специального образования Национального центра подготовки
педагогических кадров по новым методикам Республики
Каракалпакстан.*

Аннотация. В статье показаны способы воспитания у младших школьников умения подчеркивать нормы литературного языка, четко излагать свои мысли в устной и письменной форме. Освещаются также вопросы обеспечения усвоения учащимися места языковой единицы в нашей речи.

Ключевые слова: литературный язык, читатель, диалектическое мышление, лексика, орфография, грамматика, анализ и синтез, коммуникативность, мастерство.

Tildan bilim berishda o'quvchilarning hayotiy tajribasiga tayanish muhimdir. O'qituvchi nazariy xarakterdagi umumlashtirish zarur bo'lgan daliliy materiallarni yig'ish bosqichida ham, berilgan bilimlarni amaliyotga tatbiq etish uchun ham bolalarning hayotiy tajribasiga, nutqqa oid amaliyotiga tayanadi. Tilga oid bilimni o'rganish natijasida o'quvchilar nutq faoliyatining sifati o'zgaradi, adabiy til normalari shakllanadi. Tilni o'rganishni hayot bilan bog'lash dunyoning moddiyligini tushunishga asos yaratadi. Bu bilan bir paytda ona tili darslarining asosiy vazifalaridan biri bo'lmish o'quvchilarda to'g'ri kuzatish va o'z fikrlarini og'zaki va yozma shaklda aniq bayon etish ko'nikmasini o'stirish, adabiy til normalarini urgatish masalasi hal qilinadi. Bunda o'qituvchidan o'quvchilarda dialektik fikrlash ko'nikmasini shakllantirishga alohida e'tibor berish talab etiladi.

Dialektik tafakkur keng ma'noda hodisalarning boshqa hodisalar va jarayonlarga bog'liqligini hisobga olib, ularni har tomonlama mavjud belgilari yig'indisi bilan rivojlanishda ko'rish ko'nikmasini ta'rifiyladi. Tafakkurning bunday sifati o'quvchilarda asta-sekin shakllana boradi va o'z navbatida, ular kuzatish jarayonida dalillarni topish, ularni tahlil qilish va o'rganiladigan hodisalarning ayrim tomonlari o'zaro bog'liqligini aniqlashi, taqqoslashi va umumlashtirish ko'nikmasini egallashi, adabiy til norma talablari bilib boradilar. Keyingi yillarda o'quvchilarning o'quv faoliyati tobora izlanish xarakteriga ega bo'lmoqda.

Tilni o'rganishda boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun ayrim adabiy til qoidalari va aniqliklarni yodlab olish emas, balki atrofda hayotni kuzatish asosida o'quvchilarning adabiy manbalardan tayyor olingan til materialini maqsadga muvofiq analiz va sintez qilish etakchi hisoblanadi. O'rganiladigan grammatik va so'z yasalishiga oid, leksik tushunchalarning mavjud belgilarini aniqlash jarayonida faol qatnashish, bilib olingan dalillarni o'xshash va farqli tomondan qiyoslash, shuningdek, o'rganilgan nazariy bilimlarni har xil nutqiy faoliyatga ijodiy tatbiq etish – bularning barchasi o'quvchilarda dialektik fikrlash ko'nikmasini o'stirish uchun zamin va shart-sharoit yaratadi. Bunda muhim omillardan biri o'quvchilarning aqliy faoliyatini o'qituvchi tomonidan maqsadga muvofiq boshqarish, ularda

adabiy til normalari, orfografik, grammatik yoki leksik-uslubiy vazifalarni hal qilishning umumiy metodlarini shakllantirish hisoblanadi.

O'quvchilarga ta'lim-tarbiya berish vazifalaridan biri ularda ilmiy dunyoqarash elementlarini shakllantirishdir. Bu vazifani hal qilishdamaqsadga muvofiq ishlashning etakchi sharti – o'quvchini shaxs sifatida muvaffaqiyatli kamol toptirishdir. Quyida ko'rsatilgan omillar tilni o'rgatish bilan bog'liq holda o'quvchilarda ilmiy dunyoqarash elementlarini shakllantirish usulini belgilaydi.

Tilning ijtimoiy hodisa sifatidagi mohiyati uning kommunikativlik vazifasini ifodalashdan iboratdir. Maktabda, shu jumladan, boshlang'ich sinflarda tilni o'rgatishning etakchi yo'nalishi o'quvchilar tomonidan tilning aloqa vazifasini bajarishini tushunishlariga erishish hisoblanadi.

Til bilan tafakkur uzviy bog'liq bo'lib, tafakkur so'z vositasida yuzaga chiqadi. Til tafakkurning mahsuli hisoblanib, ongdan tashqarida o'zicha yashamaydi.

Til va tafakkur atrofimizni o'rab olgan moddiy borliqqa nisbatan ikkilamchidir. Tafakkur tashqi dunyoning tushunchadagi ifodasi hisoblanadi. So'z tushunchaning shartli nomini o'zida aks ettiradi. Dunyoda yo'q narsa ongda ham, tilda ham bo'lmaydi. Bu holat o'quvchilarda dunyoqarashni shakllantirish asosini tashkil etadi va didaktik tamoyillardan birini, ya'ni til atrofni o'rab olgan muhitni, voqelikni kuzatish jarayonida faol bilish faoliyati vaziyatida o'rganilishini belgilaydi. Bunday yondashish dunyoqarashning asosiy masalalardan biriga, ya'ni nima birlamchi: tabiat (materiya)mi yoki ongmi degan savolga javob tayyorlash hisoblanadi; materiya – birlamchi, ong – ikkilamchi degan tushunchadan o'quvchilarning xabardor bo'lishiga yordam beradi.

Til – barcha tomonlari o'zaro dialektik bog'lanishda va birlikda bo'lgan murakkab, ko'p qirrali hodisa. Aloqa jarayonida tilning barcha tomonlari, uning barcha jihatlari bir-biriga o'zaro ta'sir etadi, shunday sharoitdagina til o'zining aloqa quroli vazifasini bajara oladi.

Maktabda tilning barcha tomonlari (talaffuzi, adabiy til normalari, fonetikasi, leksikasi, grammatikasi, so'z yasalishi)ni o'zaro bog'liq holda o'rganish ona tilini o'rgatishdagi etakchi tamoyil bo'lib, uni amalga oshirish o'quvchilarning tilni murakkab, rivojlanuvchan, o'zaro bog'langan muhim tomonlarga ega bo'lgan hodisa sifatida anglab etishlari uchun ilmiy asos yaratadi. Tilning mohiyatini bunday idrok etish hodisalarining rivojlanuvchanligi va o'zaro bog'langan qismlardan tuzilishini tushunishga zamin hozirlaydi.

Ta'limdan maqsad o'quvchilarni ilmiy bilim va tushunchalar bilan qurollantirishdangina iborat bo'lmay, balki axloqqa oid bilim va tushunchalar asosida ular ongiga, turmush tarziga insoniy axloq me'yorlarini singdirishni, e'tiqodi va ma'naviyatini tarkib toptirishni ham nazarda tutadi.

Maktab tajribasi va maxsus tekshirishlar shuni ko'rsatadiki, yuqorida qayd etilgan dastlabki adabiy til qoidalarni o'quv jarayonida amalga oshirishda ijtimoiy hodisa sifatida til haqidagi bilimlar majmuasini to'g'ri tanlash, asosiy til hodisalarini va turlarini tushuntirishda o'qituvchining

tutgan metodologik yo‘lining aniqligi, o‘quvchilar fikrlashini faollashtirish, til nazariyasini o‘rgatishga asos bo‘ladigan til materialining yuqori sifatli bo‘lishi kabi dalillar hal qiluvchi ta‘sir etadi. Shubhasiz, har bir omil maktab tajribasida bir-biridan ajralgan holda bo‘lmaydi. Aksincha, ularning bir-biriga to‘g‘ri, maqsadga muvofiq ta‘siri ijobiy natija beradi. Adabiy til normalarini to‘g‘ri tanishtirish muhim ahamiyatga ega. Tilning ijtimoiy mohiyati uning aloqa vazifasini bajarishida ko‘rinadi. Uning jamiyat hayotidagi ahamiyatini aniq tushunishga yordam berish uchun quyidagi jihatlarga ahamiyat berish kerak.

O‘quv jarayonida har bir til birligining nutqimizdagi o‘rnini o‘quvchilar o‘zlashtirishini ta‘minlash zarur. O‘quvchilar tilning aloqa vazifasini tilning asosiy birliklari (fonema, morfema, so‘z, so‘z birikmasi, gap)ning vazifasini tushunish jarayonida o‘rganadilar.

O‘quvchilarning tilning o‘zaro aloqa vositasi ekanligini tushunishlari “Til har bir kishi, umuman, jamiyat hayotida qanday o‘rinni egallaydi?” savoliga javob topishda ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. O‘quvchilar sinfdan sinfga o‘tishi bilan bu savolga javob chuqurlashib va kengayib boradi. Til kishilarning birgalikdagi mehnat faoliyatida, yangiliklarni maslahatlashib tushunishida, yangi mashinalar ixtiro qilishda zarurligi haqida misollar topib, o‘z fikrlarini tasdiqlaydilar. Yoshlari ulg‘aygan sari o‘quvchilar odamning odam bo‘lishida tilning ahamiyatini tushuna boradilar. Mehnat va nutq kishini yaratadi, uni hayvonot olamidani ajratadi. Odam mehnat jarayonida o‘zining fikrlash faoliyatini rivojlantirish va nutqini o‘stirish bilan o‘zini doimo takomillashtirib boradi. Olamni, koinotni o‘zgartira borib, kishi yanada kamol topa boradi, uning adabiy tili ham boyiydi. Kishilar bilan, jamiyat a‘zolari bilan aloqa, munosabat, birgalikdagi mehnat har bir kishining o‘sishi, rivojlanishidagi zaruriy shartlardan hisoblanadi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining tilga ijtimoiy hodisa sifatida qarashini shakllantirishda tilning kelib chiqishi, tilda yangi so‘zlarning paydo bo‘lishi haqida ularniig saviyasiga mos bo‘lgan «sir»ni echish ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. O‘qituvchi o‘quvchilarga tilning bir kishi tomonidan maxsus o‘ylab chiqarilmaganini, u ibtidoiy odamlarning mehnat faoliyati bilan bog‘liq holda yaratilganini va asta-sekin rivojlanib borganini tushuntiradi. Yillar davomida tilning rivojlanishi orqali adabiy tiling shakilanganligi aytiladi.

Tilning rivojlanishi, ayrim so‘zlarning ma‘nolari haqidagi bilimni boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ot, sifat, son, fe‘lni o‘rganish jarayonida asta-sekin bilib oladilar. Bu o‘rinda «So‘zning tarkibi» bo‘limi katta imkoniyatga ega. O‘quvchilar bu bo‘lim materiallarini o‘rganish jarayonida tilimizning yangi so‘zlar bilan boyib borishi haqidagi muhim manbalar bilan, so‘z yasalishi bilan tanishadilar. Ma‘lumki, ko‘pgina yangi so‘zlar tilda mavjud bo‘lgan so‘zlar zaminida yaratiladi, tilda bor qoliplar kabi yasaladi: limon tipida limonzor, suvchi tipida bo‘zchi kabi. Tilda yangi so‘zning paydo bo‘lishi o‘zidan keyin bir xil asosli so‘zlar guruhining hosil bo‘lishiga sabab bo‘ladi: ishli, ishsiz, ishchi kabi.

Boshlang‘ich sinflarda tilning rivojlanishi, adabiy til normalari haqidagi masalalar maxsus o‘rganilmaydi. Tilga jamiyatning rivojlanishi bilan bog‘liq

holda rivojlanadigan hodisa sifatida ilmiy qarashga zamin yaratish muhim ahamiyatga ega. Tilning leksik tomoni boshqalariga nisbatan xarakatchan, tez rivojlanadigan bo'lgani uchun, til leksikasi misolida boshlang'ich sinf o'quvchilari saviyasiga mos ravishda jamiyatning rivojlanishi bilan bog'liq holda tilning ham rivojlanishi tushuntiriladi. Tilning leksik tarkibida yuz berayotgan o'zgarishlar yuzasidan o'qituvchi va o'quvchilarning kuzatishlari bolalarda dunyoni bilish haqidagi tasavvurini shakllantirishga mos material beradi. Tilning muloqot vositasi sifatidagi ahamiyati ajratilib boriladi².

Ona tilini o'rganish jarayonida o'quvchilarda adabiy til normalarini urgatish masalasini hal qilishda maktabda ona tilini o'rgatishga asos bo'ladigan material alohida qimmatga ega. Materialning haqiqiy tomoni, uning g'oyaviy yo'nalishi va badiiy ifodaliligi o'quvchilarning fikrlash faoliyatiga, his-tuyg'ulariga ta'sir etadi, atrof-muhit haqidagi bilimlarini kengaytiradi, tilga va uni yaratgan xalqqa qiziqishini tarbiyalaydi, o'quvchilarning umumiy taraqqiyoti darajasini o'stiradi va ularning shaxsiy sifatlarining, dunyoqarashlarining shakllanishiga ta'sir ko'rsatadi. Keyigi yillarda maktab ona tili darsliklari va o'qituvchilar uchun nashr qilingan qo'llanmalar materiali mazmuniga qo'yilgan talablar anchagina ortdi. Materialning asosiy mezonini matn va alohida gaplarning bilimni boyituvchi qimmati, leksik-uslubiy aniqligi, mavzu jihatdan xilma-xilligi, hayotning turli tomonlari bilan bog'lanishi, matnlarning g'oyaviy-mavzuviy yo'naltirilganligi, kichik yoshdagi o'quvchilarga mosligidir. O'quvchilarda adabiy til normalarini shakllantirish ko'p qirrali jarayon bo'lib, u maktabda va maktabdan tashqarida olib boriladigan o'quv-tarbiyaviy ishlarning barcha tizimida hal qilinadi.

Shunday qilib, tilni o'rganish jarayonida kichik yoshdagi o'quvchilarda adabiy til normalarini shakllantirishga o'qituvchining metodologik yondashuvi, o'quvchilar o'zlashtiradigan ijtimoiy hodisa sifatida rivojlanib boruvchi til haqidagi bilimlar majmuasi, o'quvchilar o'rganib oladigan bilish usuli, tilni o'rganishga asos bo'ladigan materialning bilim berishdagi, g'oyaviy-siyosiy va badiiy qimmati hal qiluvchi ta'sir ko'rsatadi.

ADABIYOTLAR

1. Safarova R., G'ulomov M., Inoyatova M. Savod o'rgatish darslari 1-sinf, o'qituvchilar uchun metodik qo'llanma –T.: Tafakkur, 2012, 11-bet.
2. Utemuratov B.Q. Baslawish klaslarda ana tilni oqituv metodlari Nókis, Qaraqalpaqstan, 2017 jil, 55 bet.

**TA'LIM JARAYONIDAGI YANGI TASHKILIY:
GEYMIFIKASIYADAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI**

Zarimbetova Gulzira Kosherbaevna

*“Boshlang‘ich ta‘lim” kafedrasida assistent o‘qituvchisi
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, Uzbekistan*

Аннотация: Мақоллада бoshlang‘ich o‘quvchilar adaptatsiyasi va bilimi darajasini oshirish, o‘yin shaklida ta‘lim va hayotni o‘zaro uyg‘unlashtirishga doir ishlar olib borish zarurati va zamonaviy geymifikatsiyalardan foydalanishda, o‘quvchilarga o‘z saviyasini oshirish, jamoada ishlash va real dunyo bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan qobiliyatlarga ega bo‘lish imkoniyatini beradi.

Kalit so‘zlar: Geymifikatsiya, Classcraft, XP-tajriba balli, AP-harakat balli, HP-salomatlik balli.

**НОВАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА:
ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИГРОФИКАЦИЯ**

Заримбетова Гульзира Кошербаевна

*Ассистент преподавателя кафедры «Начальное образование»
Нукусского государственного педагогического института, имени
Ажинияза, Узбекистан*

Аннотация: В статье рассматривается необходимость повышения уровня адаптации и знаний начинающих школьников, необходимость проведения работы по взаимной гармонизации обучения и жизни в игровой форме, а также использование современных геймификаций, позволяющих учащимся повысить свой уровень знания, работать в команде и приобретать навыки, связанные с взаимодействием с реальным миром.

Ключевые слова: Геймификация, Класскрафт, XP - очки опыта, AP - очки действия, HP - очки здоровья.

**A NEW ORGANIZATION IN THE EDUCATIONAL PROCESS:
OPPORTUNITIES OF USING GAMIFICATION**

Zarimbetova Gulzira Kosherbaevna

*Assistant teacher of the “Primary Education” department
Nukus State Pedagogical Institute Named After Ajiniyaz, Uzbekistan*

Annotation: The article deals with the need to improve the level of adaptation and knowledge of primary school pupils, the need to carry out work on the mutual harmonization of education and life in the form of a game,

and the use of modern gamifications, the opportunity to improve intellectual level, work in a team and acquire skills that are interconnected with the real world.

Key words: Gamification, Classcraft, XP - experience points, AP - Action points, HP - health points.

Mamlakatimizda bugungi kunda o'quvchilarga alohida e'tibor qaratilib, ularni jismonan sog'lom, aqliy rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, iqtidori va intellekti yuqori, hayotiy nuqtai nazariga ega, vatanparvar shaxs qilib tarbiyalash, ijtimoiy faolligini oshirish, ijodiy va intellektual salohiyatini qo'llab-quvvatlash ishlari olib borilmoqda. "O'qitish usullarini takomillashtirish, ta'lim-tarbiya jarayoniga individuallashtirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tatbiq etish: kichik yoshdan o'quvchilarda o'qishga qiziqish, sog'lom, kuchli va ta'sirchan motivatsiyani shakllantirish hamda kasb tanlash, kasbiy o'sishini mustaqil rejalashtirish, zamonaviy kasblarni egallash qobiliyatini rivojlantirish; zamonaviy darsliklar, o'quv-uslubiy qo'llanmalar uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalarni joriy etgan holda mul'timedia ilovalarini yaratish; Davlat ta'lim standartlarida ko'zda tutilgan kompetensiyalar va o'quv jarayonini interaktiv boshqarish mahorati tamoyillariga asoslangan pedagogik faoliyatni baholash mezonlarini ishlab chiqish; o'quv muddatlarini o'zgartirmagan holda o'quvchilar tomonidan o'zlashtirish kompetentligini ta'minlovchi zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanishni takomillashtirish" borasida qator vazifalar belgilab olingan. Bu borada o'quvchilarning mantiqiy tafakkurini shakllantirish, ularning ijodiy savodxonligini oshirish va rivojlantirish; o'z-o'zini anglash, boshqalar bilan muloqotda o'zini tuta bilish, o'zgal fikrini anglash, erkin fikr yuritish, iqtidori va o'z fikrini dadil bayon etishga o'rgatish kabi kompetensiyalarni shakllantirish va rivojlantirish talab etiladi. Buning uchun jahon tajribasini o'rganish, darslarni innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari asosida tashkil etish, zamonaviy interfaol usullar hamda dasturiy vositalardan foydalangan holda yuqori samaradorlikka erishish zarur. Respublikamizda umumiy o'rta ta'lim tizimi, ta'limda pedagogik texnologiyalar va innovatsiyalar sohalarida katta islohotlar amalga oshirilmoqda. Mazkur jarayon boshlang'ich o'quvchilar adaptatsiyasi va bilimi darajasini oshirish, o'yin shaklida ta'lim va hayotni o'zaro uyg'unlashtirishga doir ishlar olib borish zarurati mavjudligini ko'rsatdi.

"O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmonda: "Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish" kabi ustuvor vazifalar belgilangan. Bu esa geymifikatsiya texnologiyalarining

pedagogik-psixologik imkoniyatlari holatini tahlil etish, xorijiy tajribalar asosida geymifikatsiyani rivojlantirish, o'yinlarni ta'limga integratsiyasi orqali pedagogik imkoni Geymifikatsiya - o'yindan tashqari muhitda o'yin usullarini qo'llash.

Ma'lumki, o'yin texnologiyasi juda samarali, ko'p qirrali, osongina takrorlanadigan, ham ta'lim faoliyati uchun ham, funktsional muammolarni hal qilish uchun ham mos keladi. Ta'limda o'yinlashtirishdan foydalanish bir nechta funktsiyalarni bajarishi mumkin: o'quvchilarning motivatsiyasini oshirish, o'quv materialini o'zlashtirishga undash; talabani ta'lim jarayoniga jalb qilish, uni keyingi o'rganish va rivojlantirish uchun rag'batlantirish [1].

Maktab o'quvchilarini o'qitishning zamonaviy o'yin shakli onlayn rol o'ynash o'yini bo'lishi mumkin "Classcraft" [2]. "Classcraft" - bu o'qituvchi va talabalar sinfda o'ynaydigan bepul onlayn o'quv rolli o'yin. Ta'lim jarayonida geymifikatsiyani foydalanining ahamiati shundaki, o'quvchini darsga chinakam qiziqishini; uning jarayonga, shu jumladan eng "zerikarli" darslarda ham ishtirok etishini; o'yin faoliyati ishtirokchilarining diqqat, tushunish, qiziqish, idrok, fikrlash kabi aqliy jarayonlari faollashtirish. Kanadalik fizika o'qituvchisi SHon Yang 2013 yilda o'quvchilarni qiziqitirish va rag'batlantirishning yangi usullarini izlab, geymifikatsiya va veb-darslar g'oyasini ishlab chiqdi. Uning tajribasi asosida ClassCraft g'oyasi paydo bo'ldi. Bu o'yin o'qituvchi va talabalar sinfda o'ynaydigan bepul onlayn ta'lim-rolli o'yinidir.

Zamonaviy o'yinlar printsiplaridan foydalangan holda, u o'quvchilarga o'z saviyasini oshirish, jamoada ishlash va real dunyo bilan o'zaro bog'liq bo'lgan qobiliyatlarga ega bo'lish imkoniyatini beradi. Dars odatdagidek bo'lib o'tadi, o'yin esa o'quvchilar to'plagan ballarini hisoblash va qobiliyatlarning taqsimlanishini boshqaradi. Zamonaviy kompyuter o'yinlari tamoyillaridan foydalangan holda, u o'quvchilarga o'z darajasini oshirish, jamoada ishlash va real dunyo bilan o'zaro aloqada bo'lgan qobiliyatlarga ega bo'lish imkoniyatini beradi. O'quv dasturining o'ynoqi foni sifatida Classcraft butun o'quv yili uchun sinfni butunlay o'zgartiradi. "Sinf hunarmandchiligi" o'yini o'quvchilarning sinfdagi yaxshi va etarli darajada ishlamaganligi uchun mukofotlar, rag'batlantirish, jazolarni taqdim etadi: HP - health points (salomatlik ballari), masalan, darsga kechikish yoki uy vazifasini bajarmaslik uchun olib tashlash kerak; Masalan, darsda o'rganilayotgan mavzu bo'yicha to'liq javob yoki topshiriqni bajarishda qiynalayotgan boshqa talabaga yordam berish uchun to'plash uchun mos bo'lgan XP - experience points (tajriba ballari); to'plangan ballar yangi darajalarni "olish" va o'yinda tanlangan belgining qobiliyatlarini «ochish» ga yordam beradi; AP - Action points (harakat ballari), bu sizga o'yindagi ballaringizni ba'zi qobiliyatlardan foydalanish uchun ishlatish imkonini beradi, masalan, bajarilgan topshiriq

uchun yomon bahoni tuzatish; O‘yindagi darajangizni oshirish orqali olishingiz mumkin bo‘lgan PP - power points (quvvat balllari) (o‘yin boshida o‘qituvchi o‘yindagi darajani oshirish uchun o‘yinchi olishi kerak bo‘lgan maksimal XP miqdorini belgilaydi. va PP qo‘shing).

O‘quvchi o‘yindan oldin har qanday ochkolar sonini oldindan bilishi va uni o‘yin sozlamalarida ko‘rsatishi kerak. “Classcraft” da o‘yinni boshlashdan oldin, har bir talaba taqdim etilgan uchta sinfdan birini tanlash orqali xarakter yaratishi kerak: Healer (tabib), Mage (sehirgar) yoki Warrior (jangchi). Sinflarning har biri turli xil psixologik tipdagi o‘quvchilar uchun mo‘ljallangan “o‘ziga xos xususiyatlar” va “qobiliyatlarga” ega. O‘quvchilar topshiriqlarni bajarib, bir-biriga yordam berganda va o‘qituvchining savollariga javob berganda, yaratilgan belgilar tajriba balllarini oladi va o‘z darajasini oshiradi, yangi “qobiliyatlarni” ochadi. Yomon xatti-harakatlar (o‘yin atamasi) va yomon rivojlanish «salomatlik ballari» ning yo‘qolishiga olib keladi. Mashg‘ulotni odatdagi tarzda o‘tkazish tavsiya etiladi. Darsning «fonida» boshlangan o‘yin ball to‘plash va qobiliyatlarni taqsimlashni “boshqaradi”. Classcraft ulangan proyektor bilan bitta kompyuterda yoki o‘quvchilarning planshetlari yoki noutbuklarida o‘ynash mumkin. O‘yin platformasi har qanday dars yoki darsga moslashtirilishi va hatto butun bir semestr ishiga ham sozlanishi mumkin. Bir necha bosqichda intizom kursi doirasida sinfdan «Sinf ishlari»dan foydalanishga tayyorgarlik ko‘rish tavsiya etiladi: [3].

Birinchi bosqich: o‘yin sozlamalariga kirish uchun o‘qituvchini “Classcraft” multiplayer onlayn o‘yining veb-saytida ro‘yxatdan o‘tkazish (<https://game.classcraft.com>).

Ikkinchi bosqich: o‘z sahifalariga kirish uchun login va parollar tayinlangan holda o‘quvchilar guruhini ro‘yxatdan o‘tkazish

Uchinchi bosqich: bir guruh o‘quvchilar jurnalini shakllantirish

To‘rtinchi bosqich: qahramonlar tomonidan tegishli avatarga ega belgilarni tanlash (tabib, jangchi yoki sehirgar)

Beshinchi bosqich: o‘yin qoidalarini guruhga moslashtirish: o‘yinni sozlash, har bir o‘yinchining parametrlarini, qobiliyatlarini, voqealarini, jazosini, interfeysini, shablonlarini aniqlash

Barcha sozlamalarni bajarganingizdan so‘ng, chorak davomida “Classcraft” o‘yini har qanday kurs yoki modulda “fon” rolini o‘ynashi mumkin. O‘quvchilar o‘z “qobiliyatlarini”, “to‘plash” va “sarflash”, o‘z “qobiliyatlarini”, “foydalanish” va “yo‘qotish”, o‘z darajasini oshirish va “jangdahalokbo‘lish” imkoniyatiga ega va o‘qituvchi chorak oxirida to‘plangan ballarni o‘z ichiga oladi. odatiy baholash tizimi. Kanadalik fizika o‘qituvchisi va platforma asoschisi Shon Yang shunday dedi: “o‘quvchilar uchun sevimli mexanizm bo‘lgan o‘yindan foydalanib, men o‘quv jarayonida katta faollikka



erishdim. Classcraft o'quvchilarning o'zlari dars boshlanishini intiqlik bilan kutadigan dinamik ta'lim muhitini yaratdi. Ularning motivatsiyasi o'zgarishi bilanoq, ta'limga yondashuvning o'zi ham o'zgardi" Classcraft tizimi uni yanada kuchliroq va qiziqarli qilish uchun doimiy ravishda yangilanadi va yangilanadi. Ushbu platformadan o'quv jarayonida foydalanish darslarni chinakam unutilmas qiladi va o'quvchilarning fanni o'rganishdagi faolligini oshiradi. Bunday ta'lim texnologiyalaridan biri bu dunyoning xalqaro ta'lim muassasalarida keng qo'llaniladigan ta'limni geymifikatsiya qilishdir. Ushbu zamonaviy ta'limni maktab sharoitida o'rganish, rivojlantirish va qo'llash dolzarb ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Kontseptsiyasi// O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.04.2019 yildagi PF-5712-son Farmoni.

2. Орлова О.В., Титова В.Н. Геймификация как способ организации обучения. Вестник ТГПУ. 2015. №9(162).

3. Пахомова Т. Геймификация как средство подготовки студентов педагогического колледжа к решению профессиональных задач // Учёные записки ЗабГУ. Серия: Профессиональное образование, теория и методика обучения. 2015. №6 (65).

**SO‘ZLARNING IZOHI USTIDA ISHLASH ORQALI
BOSHLANG‘ICH SINFI O‘QUVCHILARINING NUTQINI
RIVOJLANTIRISH METODIKASINI AMALGA OSHIRISH**

Ziyayeva Gulnaz Adilbekovna

70110501- “Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang‘ich ta’lim)” mutaxassisligi 2-bosqich magistranti.

Nukus davlat pedagogika instituti, O‘zbekistan

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang‘ich sinfi o‘quvchilarining izohli so‘zlar yordamida nutq faoliyatini oshirish yuzasidan tavsiya qilingan ona tili o‘qitish metodikasining qator uslub va metodlari va ularning amaliy natijalari haqida fikr yuritilgan bo‘lib, nutqni rivojlantirish metodikasini amalga oshirish yuzasidan tajribada sinalayotgan ilmiy izlanishlar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Nutq, metodik birlik, nutq aspektlari, shaxsiy rivojlanish, ona tili o‘qitish metodikasi, notiqlik san’ati, nutq uslubi, og‘zaki va yozma nutq, strukturaviylik.

**РЕАЛИЗАЦИЯ МЕТОДОЛОГИИ РАЗВИТИЯ РЕЧИ
УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ ЧЕРЕЗ РАБОТУ ПО
ОБЪЯСНЕНИЮ СЛОВ**

Зияева Гульназ Адильбековна

70110501-Магистрант 2 ступени специальности “Теория и методика образования и обучения (начальное образование)

*“Нукусский Государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье обсуждаются ряд методов и приемов методики обучения родному языку и их практические результаты, рекомендуемые для повышения речевой активности учащихся начальных классов с помощью объяснительных слов, анализируется апробируемое научное исследование.

Ключевые слова: Речь, методологическое единство, аспекты речи, личностное развитие, методика обучения родному языку, искусство говорения, стиль речи, устная и письменная речь, структурность.

**IMPLEMENTATION OF THE METHODOLOGY OF SPEECH
DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS THROUGH
WORKING ON THE EXPLANATION OF WORDS**

Ziyayeva Gulnaz Adilbekovna

70110501-Master’s student of the 2nd stage of the specialty “Theory and Methodology of Education and Training (Primary Education)”

Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Abstract: In this article, a number of methods and methods of the mother tongue teaching method and their practical results, recommended for

increasing the speech activity of elementary school students with the help of explanatory words, are discussed. the scientific research being tested is analyzed.

Key words: Speech, methodological unity, aspects of speech, personal development, mother tongue teaching methodology, art of speaking, speech style, oral and written speech, structurality.

Joriy yilda amalga oshirilayotgan ishlarning samarasi o‘laroq ta’lim tizimini tubdan isloh qilish hamda ta’lim ko‘rsatkichlarining ma’lum darajada oshishini ta’minlash masalasi keng jamoatchilik va hozirgi Ilmiy adabiy jarayonida faoliyat olib borayotgan kishilarning eng oliy vazifalaridan biri sanaladi. Haqiqatdan ham, tilshunos va adabiyotshunoslar oldida turgan eng oliy vazifalaridan biri shundaki, kishilik jamiyatimizga foydasi tegasigan kadrlarni tayyorlash har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta’lim tizimidagi islohotlarining uzviyligini ta’limlash hamda ertamiz kelajaklari bo‘lgan yosh avlod tarbiyasi ustida ishlash borasida qator amaliy ishlar olib borilmoqda, «Bu borada maktab islohotlarining samaradorligini ta’minlash masalasi yetakchi bo‘lib asosan boshlang‘ich sinf o‘quvchilari bilan bog‘liqdir, negaki farzandlarimizga boshlang‘ich tarbiyaning berilishida kamchiliklarining bo‘lishi - vatanimizning kelajagiga daxldor masalalardan biridir» [1].

Maktablarning boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining dars ta’limini tashkil etishda sinf o‘quvchilarining nutq faoliyati bilan ishlash, qolaversa adabiy tilimizda keng tarzda qo‘llaniladigan so‘zlarning nutqiy faoliyatda ishlatilishi davomiyligida ularni to‘g‘ri tarzda qo‘llay bilish masalasi atroficha muhokamalarga arziydi deyish mumkin. Aytish lozimki, uy muhitidan yoki bog‘ch sharoitidan maktab ta’lim tizimining boshlang‘ich sinf o‘quvchilari qatoriga qo‘shilgandan so‘ng ular uchun yangiliklar qatorida hali eshitmagan, kundalik nutqiy muomala davomida ishlatmagan so‘z, jumla va iboralari bilan maktab ta’lim tizimining darsliklarida uchratishi mumkin. Anashunday holatlarning ijobiy tarzda hal etilishini nazorat qilish maqsadga muvofiqdir.

So‘zlar izohi ustida ishlash masalasi - bilamizki, notanish va yangi so‘zlarning bola psixologiyasida qabul qilishi va nutqiy faoliyati davomida qo‘llashi turli xil qiyinchiliklarga olib keladi, «Misol uchun maktab darsliklari tarkibida keluvchi ayrim so‘zlarning yozilish texnikasi, qo‘llanilishi texnikasi va ifoda shakli yuzasidan o‘zlashtirish davomiyligida turli xil qiyinchiliklar yuzaga keladi».² Maktab darsliklarining tarkibida keluvchi lug‘atlar ham so‘zimizning isboti yang‘lig‘ xizmat qiladi. O‘quvchilar uchun notanish va talaffuz qilinishi noqulay bo‘lgan so‘zlarning o‘zlashtirilishi uchun atroficha e‘tibor lozim bo‘ladi. Mashqlar yoki topshiriq va vazifalar tarkibida keluvchi lug‘at so‘zlarning o‘rganilish arajasi ham umumiylikni tashkil etgan holatda

boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqiy faoliyati ga ham sezilarli ta'sir etishini unutmazlik lozim.

So'zlarning izohi ustida ishlash orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqini oshirish metodikasi bugungi kunda eng dolzarb masalalar qatorida maktab ta'limining faoliyat tizimiga ta'sir etib turibdi. Umumiy qilib aytganda, ona tili o'qitish metodikasi, adabiyot o'qitish metodikasi, nutqni rivojlantirish metodikasi kabi faoliyatlarning asosiy negizida maktab ta'lim tizimida ta'lim olayotgan o'quvchining shaxsiy ko'nikma va bilim darajasini oshirishda xizmat qiladi. Shuni unutmazligimiz lozimki, boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan ishlashning tamoyillar va guruhlarga bo'linishi hodisasi ularning yosh toifasi va o'zlashtirish qobiliyatiga muvofiq bilim berish, o'quvchi yoshlarga yetkazib bera olish texnikasi ularning yosh fiziologik xususiyati hamda nutqiy darajasiga muvofiq tarzda xizmat qiladi. Bunda:

- birinchi sinf o'quvchilari bilan ishlashish - bunda o'quvchilarning yosh fiziologiyasidan kelib chiqqan holatda ko'p holatlarda ularga asosan bilimlarning axborot tarzda yetkazilishi hamda ushbu axborotlarning amaliy tarzda qo'llanilish amaliyoti nazarda tutiladi. "E'tibor qiling: boshlang'ich sinf o'quvchilarining birinchi sinflari bilan ishlashda ularga asosan bilimning akustik tarzda yetkazib berilishi ahamiyatli sanaladi", bunda o'qituvchi sinf o'quvchilariga harflar tizimi bilan tanishtirishda harflarning dastlab o'qituvchi talaffuzida to'g'ri talaffuz qilinishi, keyin esa sinf o'quvchilarining ommaviy tarzda talaffuz etilish texnikasi va qolaversa, qo'shimcha tariqasida audio, video rolliklardan foydalanish texnikasi orqali boshlang'ich akustik tajriba yuzaga kelishi kuzatiladi;

- ikkinchi sinf o'quvchilarining esa maktab ta'lim tizimida amalga oshirilyotgan islohotlarning samaraviyligi o'laroq, ularda nutq texnikasi va bilim berish tamoyillarining og'zaki nutq texnikasi bilan ishlash prinsplarida umumbirliklardan tashqari ularning dars tizimida yangi fanlar bilan chet tilarining ham o'zlashtirilish imkoniyati ularda nafaqat o'z ona tili balki, xorijiy tillarda ham so'zlashning mashq qilinishi yuzasidan nutqiy bo'linishlarning mutanosib tarzda yuzaga kelishi kuzatiladi. Bunda boshlang'ich sinf o'quvchisining nutqiy shakllanish jarayonida taqqoslash mezonlari yuzaga keladi. Bunga sabab esa ikkinchi sinf o'quvchilari faqatgina o'z ona tilisigina emas, unga qo'shimcha tarzda rus tili, ingliz tili, fransuz tili kabi boshqa fanlarni ham o'zlashtirishga kirishadi. Bunda o'z o'zidan Ruscha talaffuz, inglizcha talaffuz va o'z ona tilidagi talaffuzning yuzaga kelishi oqibatida nutqiy o'sishning yangicha ruhda va ko'p tarmoqlilikda o'rganilishi yuzaga keladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqini oshirishga sabab ularning shaxsiy dunyoqarash va Ong shaklining yanada rivojlanishini ta'minlash va qolaversa o'z fikrini, hissiyotlarini og'zaki va yozma ravishda bayon qilishi

nuqtai nazaridan yoz yoki og‘zaki nutq shakllana boradi. , «O‘quvchilar o‘z nutqini ifoda etishda xuddi kattalar qatori turli materiallardan foydalanishadi, bunda nutq uchun qulay bo‘lgan so‘z takrorlari, kirish so‘zlar, taqlid so‘zlar va boshqalarni misol tariqasida keltirish mumkin»[2].

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari yoki undan yuqori sinf o‘quvchilarining nutq jarayonini rivojlantirish yoki bo‘lmasa nutq madaniyatini egallashning qator aspektlari mavjud. Ular:

1. Shevalardan uzoqlashgan holatda adabiy til normalarini o‘zlashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari;

2. Malakali nutq shakllarining tajribalardan kelib chiqib ifodalanishi, bunda yozma va og‘zaki nutqning prinsplilik tarzda ifoda etilishining dolzarb ekanligi;

3. Boshlang‘ich sinflarda o‘qituvchilarning yo‘naltiruvchi kuch sifatida o‘z o‘quvchilarining nutqiy madaniyatini isloh qilish, negaki, boshlang‘ich sinf o‘quvchilari an‘anaviy tarzda o‘z muallimlaridan o‘rnak olib tarbiya olishining ahamiyatligi muhim sanaladi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining o‘zaro va yaxlit tarzda nutqini rivojlantirishda quyidagi masalalarga atroflicha yondashish lozim. Bular quyidagicha:

- So‘zlarning ustida imloviy jihatdan ishlash;
- nutq tarkibida ibora va birikmalarni qo‘llashi ustida ishlash masalasi;
- nutq tarkibida so‘zlarning o‘zaro bog‘lanishi ustida ishlash

va boshqalar yordamida kommunikativ jihatdan yaxlitlangan nutqni hosil qilish lozim bo‘ladi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari bilan ishlashish davomiyligida ularning nutqiy stilistikasi bilangina emas ularning bilim doirasi, odab - axloqi kabi jihatlarga ham e‘tibor qaratish lozim. Bu kabi holatlarda o‘qituvchi va pedagoglarning zimmasiga yuk yuklanadi. O‘quvchilar nutqini o‘stirishda aniq belgilangan bir qator talablarga rioya qilinadi.

1. O‘quvchilar nutqi mazmundor bo‘lishi;
2. Nutqda mantiqiylik bo‘lishi;
3. Nutq aniq bo‘lishi;
4. Nutq til vositalariga boy bo‘lishi;
5. Nutq tushunarli bo‘lishi;
6. Nutq ifodali bo‘lishi;
7. Nutq to‘g‘ri bo‘lishi;
8. Nutq madaniyatli bo‘lishi

Nutq o‘quvchilar tafakkurini o‘stirishda muhim vositadir. Nutq fikrni bayon etish vositasi bo‘libgina qolmay, uni shakllantirish quroli hamdir. Fikr nutqning psixologik asosi vazifasini bajaradi, uni o‘stirish sharti esa fikrni boyitish hisoblanadi. Aqliy faoliyat sistemasini egallash asosidagina nutqni muvaffaqiyatli o‘stirish mumkin. Shuning uchun o‘quvchilar nutqini

o‘stirish materialni tayyorlash, takomillashtirish, mavzuga oidini tanlash, joylashtirish, mantiqiy operatsiyalarga katta ahamiyat beriladi. Tafakkur til materiali yordamida nutqiy shakllantirilsa va bayon etilsagina muvaffaqiyatli o‘sadi. Tushuncha so‘zlar yoki so‘z birikmalari bilan ifodalanadi, shunday ekan, tushuncha til vositasi bo‘lgan so‘zda muhim aloqa materialiga aylanadi. Kishi tushuncha ifodalaydigan so‘z (so‘z birikmasi) ni bilsagina, shu tushunchaga asoslangan holda, tashqi nutqda fikrlash imkoniga ega bo‘ladi. Nutqda fikr shakllantiriladi, shu bilan birga, fikr nutqini yaratadi [3].

Haqiqatdan ham, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining nutq texnikasining yaxshi rivojlanishida so‘zlanayotgan nutq tarkibida mantiqlikning mavjud bo‘lishi, nutqning boy bo‘lib til vositalariga boy bo‘lishi va qolaversa nutqning ifodaviyligi yaxshi ta‘minlangan bo‘lsagina tinglovchining e‘tiborini torta oladi hamda unga tushunarli bo‘ladi. Shunga ko‘ra so‘zlanayotgan nutq to‘g‘ri bo‘lishi va nutq madaniyatiga to‘g‘ri kelgan holatda bo‘lishi maqsadga muvofiqdir.

Xulosa. Maktab ta‘limi doirasida bo‘shlang‘ich sinf o‘quvchilarining nutq faoliyatining to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilishini ta‘minlash va qolaversa, izohlanayotgan so‘zlarning muqobillari va ularning kundalik turmush tarzimizda qo‘llanilish tamoyillari va texnikasi bilan yaqindan tanishish, bilim normalariga muvofiq tarzda o‘zlashtirish bugungi kundfa maktab islohotlarining eng doilzarb masalalaridan biri sanaladi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari bilan sinf rahbari yoki boshqa biror fan o‘qituvchisining ishlashishi davomida ularda to‘g‘ri talaffuzning shakllanishi, akustik jihatdan to‘g‘ri baholanish albatta muhim vazifalardan biridir. Shunday ekan boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining nutq faoliyatini o‘stirish ular o‘rtasida namunali so‘z va iboralarning izohli variantlarini taqdim etish orqali ularga ham bilim ham amaliy tajriba berish mumkin bo‘ladi.

ADABIYOTLAR

1. Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus ta‘limning davlat ta‘lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida. Toshkent sh., 2017-yil 6 aprel 187-son.
2. Mirtojiev M., Mahmudov N. Til va madaniyat. Toshkent, “O‘zbekiston” 1992.
3. Mahliyo Jurayeva BDUning pedagogika institute talabasi “Boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilar nutqini o‘stirish yo‘llari” maqola “Science and Education” Scientific journal / ISS 2181-0842.

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ХАҚИДАГИ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР (“ЕДИГЕ” ДОСТОНИ МИСОЛИДА)

Досходжаева Амангуль

*Нукус давлат педагогика институти “Умумий педагогика ва
психология” кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация. Едиге достонида фарзанднинг дунегга келиши, ота-она болага қандай тарбия берганлиги, бола шундай камол топганлиги, ота-онанинг ҳар бир иш-ҳаракати, бола характерининг шаклланишига асосий сабаб бўлганлиги ҳақида баён этилган.

Калит сўзлари: оила, фарзанд тарбияси, халқ оғзаки ижоди, достон, қахрамонлик, қариндош-уруғчилик муносабатлари, маънавий-ахлоқий тарбия.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ МЫСЛИ О ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ (НА ПРИМЕРЕ В ЭПОСА “ЕДИГЕ”)

Досходжаева Амангуль

*Нукусский Государственный педагогический институт
старший преподаватель кафедры “Общая педагогика и
психология»*

Аннотация: В эпосе Едиге рассказывается о рождении ребенка, о том как вырос ребенок воспитанием данным родителями, о том как каждое действие родителей было причиной повлиявшее на характер ребенка.

Ключевые слова: семья, воспитание ребенка, устное народное творчество, эпос, героизм, родственные отношение, духовно-нравственное воспитание.

THE PEDAGOGICAL OPINIONS ABOUT THE CHILD’S UPBRINGING IN THE FAMILY (IN THE CASE OF «EDIGE’S» EPIC)

Doskhodjaeva Amangul

Nukus State Pedagogical Institute

Senior Teacher of the department “General Pedagogy and Psychology”

Annotation: In the epic of Edige is told about the birth of a child, how child was brought up with the upbringing of parents and stated how each action of parents was the reason which had great impact on the character of the child.

Key words: family, child’s upbringing, folk oral art, epic, heroism, family

relationship, spiritual and moral upbringing.

Оила тарбиясининг самарадорлигини оширишда қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди муҳим аҳамиятга эга. Масалан, “Едиге” достонининг Ерполат жиров вариантыга назар ташласак, оиладаги ота ва фарзанднинг ўз ўрни, дўстлик, вафодорлик, қаҳрамонлик, барқарорлик ва бошқа муносабатларнинг оиладан бошланишига гувоҳ бўламиз.

Тарбиянинг жуда мураккаб жараён эканлиги педагогик тажрибада синалган. Бу ҳолат қадим даврлардан бошлаб, бугунги кунгача кундалик турмушда инсоннинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиб келаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

“Едиге” достонида пари қиз ўзининг одамзод эмаслигини ҳисобга олиб, инсон зотига огоҳлантириш шартини беради. Тукли Азиз бу шартларни бажара олмайди. Натижада оила бузилади. Едиге дунёга келиши билан отасиз ва онасиз қолади. Бу сюжет дoston учун бошланадиган асосий тугун бўлиши билан бирга оиланинг муқаддаслигини барча тарбиянинг асоси оилада шаклланишини, унинг аҳамиятини бадий жихатдан акс эттиради. Етим қолган Едиге ўзи туғилган юртига, элига сиғмайди, тухмат қилишади. Шунда Едиге “ёмон учун яхшига қилич уриб, Ноғайнинг ҳақ қонини бўйнимга қўймасидан бошимни олиб кетай” [1;14-б.] деб ўйлайди. Едиге табиатан ботир, ақлли сиймо бўлгани учун эл ичида тинчликни сақлашга ҳаракат қилади. Едигенинг ушбу образи орқали юксак инсонийлик фазилати ғоят таъсирчанлик билан очиб берилган. Унинг эл тақдирига муносабати, сахийлиги, ҳар бир инсонда мана шундай туйғуларни уйғотишга ёрдам бериши мумкин. Фақат ўз бошининг ғамини эмас, бутун эл-юрти тинчлигини кўзлаган Едигенинг иш-ҳаракатига кўпроқ диққат қаратиб, махсус тўхталиб бутун бир элни ҳам, оила мисолида тушунтиришни такомиллаштириш зарур. Достонда ўз юридан, оиласидан айрилган инсон қалбининг яраланган қиёфаси:

Айрылган келден сонаман,
Гэх тутасып, гэх жанаман,
Алты айлық ауыр журттан,
Қостар таппай келемен. [1; 18-б.]

Ажралган кўлдан сўнаман,
Гоҳ туташиб, гоҳ ёнаман,
Олти ойлик оғир юртдан,
Хуштор топмай келаман.

деган сатрларида табиат қонуни бўлган кишиларнинг ижтимоий

уюшганлиги, оилавий бирдамлик, дўстликка зарурат сингари туйғулар чукур ёритиб берилган.

Мақседиме жетпедим,
“Еки аяқлыда бөле татыў,
Төрт аяқлыда бота татыў”
Мен апаның баласы,
Сен сиңлиниң баласы,
Ана сүтин емгенде,
Болар едик мийирман. [1; 31-б.].

“Мақсадимга етмадим,
“Икки оёқлида бўла тотув,
Тўрт оёқлида бўта тотув”
Мен опамнинг боласи,
Сен синглининг боласи,
Она сутини емганда,
Булар эдик меҳрибон”.

достондан келтирилган ушбу сатрларда таълим-тарбия мисолида оиладаги қариндош-уруғчилик муносабатларининг, умуман, типик характери муносабатлари илгари сурилган. Достондан шунингдек:

“Хан ўстине хан келсе,
Булда ханның мийнети,
Хан ўстине ел келсе,
Булда ханның дэўлети” [1;70 -б.].

“Хон устига хон келса,
Бу ҳам хоннинг меҳнати,
Хон устига эл келса,
Бу ҳам хоннинг давлати”

“Атам кўйеў болған жер,
Енем келин болған жер,
Ийилип сәлем берген жер
Киндик қаным тамған жер” [1; 87-б.].

“Отам куёв бўлган ер,
Онам келин бўлган ер,
Эгилиб салом берган ер,
Киндик қоним томган ер”

келтирилган мисолларда кишиларнинг турмуш тажрибасидаги хикматли сўзлар бирикмаси шаклидаги халқ билан халқнинг, эл билан

элнинг бирлиги, хоннинг давлати, раҳбарнинг давлати эканлиги каби синоним сўз бирикмалари билан нақл шаклида насиҳат қилинади. Бундай ҳикматли сўзларни ўқиган ҳар бир инсонга ҳамжиҳатлик, дўстлик муносабатларининг жуда зарур эканлигини англашилади. Иккинчи мисолдаги туғилиб ўсган Ватанни эъзозлаш, ота-боболари макон қилган, киндик қони томган ер эканлиги энг яхши сўзлар билан баён этилган. “Отам куёв бўлган ер”- отасининг ёшлиги, энг яхши кунлари, “Онам келин бўлган ер”- сатрлари билан янада тўлдирилиб, туғилган ернинг эркинлиги, шодлиги тасвирланган. Мазкур қаторларни ўқиган ҳар бир инсонда Ватанга муҳаббат туйғуси ортиб, унинг кадр-қиммати чексиз эканлигини ич-ичидан ҳис қилади.

“Едиге” достонида ота бошига тушган қайғу фарзанди бошига ҳам тушади. Едиге ўз юртига сиғдирилмай, ёт элларга кетганида, ўғли Нураддинни ҳам унинг душманлари қувғин қилади:

“Жылқышы қустың баласы,
Жылғада болар уясы,
Жылға түбин суў алса,
Жылап шығар енеси” [1; 46-б.].

“Йилқичи қушнинг боласи,
Жилғада бўлар уяси,
Жилға тубини сув олса,
Йиғлаб чикар онаси”

Чорасиз қолган онаси мажозий маънода ушбу сатрларни айтади. Дунёдаги барча оналар, хаттоки қушларнинг, ҳайвонларнинг барчаси ҳам ўз фарзандларини фақатгина дунёга келтириб қўймасдан, уларнинг вояга етиши, яшаши учун доим шароит яратиб беради. Достонда мана шундай ғоя юксак маҳорат билан тасвирланган. Қуйида, яна бир мисол келтирамиз:

“Шийрин екен бота,
Мийрман екен ата” [1;101-б.].

“Ширин экан бўталоқ,
Меҳрибон экан отаси”

Мазкур сатрлар орқали ота ва боланинг бир-бирига муносабати табиат қонуниятларига бўйсунган ҳолда ҳеч бир бўёқларсиз, ранг-баранг кўринишда, инсондаги оталик ва оналик туйғулари англашилади. Шунингдек, достонда оилада отанинг фарзанд тарбиясидаги роли катта эканлиги қуйидаги мисолларда ўз аксини топган:

“Бай баласы байға усар,
Байлаўлы турған тайға усар,

Бий баласы бийге усар,
Бийик-бийик таўға усар,
Хан баласы ханға усар,
Уяда сунқар палапан
Тымсалы оған мегзер.

Қул баласы қулға усар,
Қулағы кесик ийтке усар,
Ағай менен Тағайға,
Патшалықтың ықтыяры қалған соң,
Жесир қатын, жетим ул,
Булардың күни неге усар ” [1; 34-б.].

“Бой боласи бойга ўхшар,
Боғланиб турган тойга ўхшар,
Бек боласи бекка ўхшар,
Баланд-баланд тоққа ўхшар,
Хон боласи хонга ўхшар,
Уяда шунқор полапон,
Тимсоли унга ўхшар.

Қўл боласи қўлга ўхшар,
Қулоғи кесик итга ўхшар,
Оғай билан Тоғайға,
Подшоҳнинг ихтиёри қолган сўнг,
Тул хотин, етим ўғил,
Буларнинг куни кимга ўхшар”

деган ўхшатишлар орқали намоён бўлади. Ота-она болага қандай тарбия берса, бола шундай камол топади. Тарбиянинг кўпгина қисми иш-ҳаракатлар орқали ҳам таъсир қиладиган жараён. Ота-онанинг “Ҳар бир иш-ҳаракати, касб-хунари бола характерининг шаклланишига асосий сабаб бўлади ”. Ушбу ғоялар мана шу қаторларда тўлдирилиб борилган:

“Қырымнан ләшкер атланса,
Султан дейди ағасы,
Сөйлейтуғын шешенниң,
Тилинде болар шекери,
Жүретуғын арысланның,
Сексен жигит нөкери” [1; 33-б.].

“Қримдан лашкар отланса,

Султон дейди оғаси,
Сўзлайдиган чечаннинг,
Тилида бўлар шакари,
Юрадиган арслоннинг,
Саксон йигит навқари”

келтирилган мисолларда ҳар бир ишни кўлидан келадиган одам қилса, ярашиши, ботир ботирлик қиёфасида, “Қуш сўйса ҳам қассоб сўйсин” қабилида, подшо, подшолик савлати билан ўз ишларини бажаргани яхши эканлиги тасвирланса, иккинчи мисолда, боланинг ота-онани ўз ўрнида ҳурмат қилмаслигидан жабр кўрган она тилидан баён этилган кинояли сўзлари орқали ўз маъносини топади. Достондаги бу сюжет бераҳм болаларнинг ҳикматли сўзлардан сўнг ўз жазоларини олиши халқ мақолларида берилган “Отага нима қилсанг, олдинга шу келади”, деган тарбиявий сўзлар таъсирида билдирилган. Ота-она олдида фарзанднинг фарзи ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган, ўлчови, чеки йўқ. Достонда тарбияни ҳар бир ёш ўсмир онгига сингдирадиган бундай таъсирчан сюжетлар жуда кўплаб учрайди.

Қорақалпоқ халқи халқ оғзаки ижоди орқали ўсмирларни мард, ботир, Ватанига содиқ, ота-анасига меҳрибон, дўстлик, қариндошлик туйғулари юқори, дунёқараши кенг бўлишига таъсир қилиб келмоқда. Халқ ижоди намуналари, шу жумладан, катта ҳажмли достонларда бой сюжет воқеалари орқали турмушнинг кўпгина қирраларига олиб бориб, мана шу ердан ҳар томонлама тарбиявий нуқтаи назардан фикрлар уйғотади. Бу фикрларнинг бадиий образлар орқали ҳар бир ёш авлодга маънавий-ахлоқий жиҳатдан таъсири катта бўлганлиги боис халқ ҳаётидан кенг ўрин олган.

Адабиётлар

- 1.Едиге (Ерполат жыраў варианты). Нөкис - Қарақалпақстан 1990.
- 2.Қарақалпақ аъдебиетининг тарихи. Дүзиўши Қ.Мәмбетназаров Билим баспасы Нөкис 1996.

ОРОЛ БУЙИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДАН ЭКОЛОГ-ТАРҒИБОТЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Хожанов Баҳадыр Кеунимжаевич

Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон

Аннотация: Мазкур мақолада ёшлар ўртасида экологик билимларни самарали тарғиб этиши, уларда табиат ва атроф –муҳитга нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириши, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларидан эколог-тарғиботчилар тайёрлаш ўта долзарб муаммо сифатида ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Тарғибот, ташивиқот, экологик ташивиқот-тарғибот, экологик онгсизлик, экологик идрок, экологик тафаккур, экологик маъсуллик, экологик фаоллик, экологик фаолиятсизлик, экологик маданият, экологик маданиятсизлик экологик маънавият.

ВОПРОСЫ ПОДГОТОВКИ ЭКОЛОГОВ-ПРОПАГАНДИСТОВ ИЗ ШКОЛЬНИКОВ ПРИАРАЛЬЕ

Хожанов Баҳадыр Кеунимжаевич

Преподаватель кафедры Начальное образование

*Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье в качестве актуальной проблемы выделены эффективное продвижение экологических знаний среди молодежи, формирование у них положительного отношения к природе и окружающей среде, подготовка экологов-пропагандистов из учащихся общеобразовательных школ.

Ключевые слова: Пропаганда, поощрение, экологическая поощрения-пропаганда, экологическое бессознательство, экологическое восприятие, экологическое мышление, экологическое обязательство, экологическое активность, экологическое пассивность, экологическая культура, экологическое некультурность, экологическое духовность.

ISSUES OF TRAINING ECOLOGISTS-PROPAGANDISTS FROM SCHOOLCHILDREN NEAR THE ARAL SEA

Xojanov Bahadir Keunimjaevich

Teacher of the Primary Education department

Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Abstract: This article highlights the effective promotion of environmental knowledge among young people, the formation of a positive attitude towards nature and the environment, the training of environmentalists-propagandists from students of secondary schools as an urgent problem.

Key words: Propaganda, encouragement, ecological promotion-

propaganda, ecological unconsciousness, ecological perception, ecological thinking, ecological obligation, ecological activity, ecological passivity, ecological culture, ecological non-culture, ecological spirituality.

Табиат ва жамият борасида ғамхўрлик кўрсатиладиган жамиятдагина инсон ва табиат ўзаро муносабатларининг ҳақиқий қулай-шакллари мавжуд бўла олади. Бундай жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза этишга, ернинг шўрланиши, сувнинг ифлосланиши, ўлканинг флора, фауна системасининг бузилиши, атроф-муҳитни асрашга даъват қилиш мақсадлари ўртасида ҳеч қандай зарурат бўлмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун курашишга даъват этиш, тарғибот- ташвиқот ишларини олиб бориш сўзсиз, мустақил республикамиздаги ҳар бир ўқувчининг фуқаролик бурчига айланмоғи лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшларнинг экологик онггини шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири – уларда табиатга бўлган ахлоқий муносабатларни тарбиялашдир.

Табиатни севиш, сув, тупроқ, олов ва ҳавони эъзозлаш, дунёдаги жамики эзгу амалларни пок ва бус-бутун сақлашга даъват этиши, инсоният ўзи ўсиб улғайган она – заминни, атроф муҳитни юксак эътиқод - ила ардоқлашга ҳозирги авлодларга ўтмиш аجدодлардан қолган меросдир. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб, то исломгача бўлган барча динлар томонидан муносиб қадрлаб келинган. Мактаб ўқувчилари аввало, инсон, унинг маданиятини, табиат, табиатни ташкил этувчи (қуёш, ҳаво, сув, тупроқ) компонентларини ва табиат муҳофазасига оид энг зарур тушунчалар моҳиятини билишга ҳаракат қилишлари керак бўлади [1].

Ана шундагина, ўсимликларни пайҳон қилмаслик, гулларни юлмаслик, ўрмонлар, кўчаларда юрганда шовқин чиқармаслик; атрофга ахлат тўкмаслик, ёнғин чиқармаслик, дарахтларни кесмаслик; тупроқ, ҳаво, сувни ифлос қилмаслик, йиртқич ҳайвонларни ўлдириш мумкин эмаслиги, энергия, Ер ва сувдан унумли фойдаланиш зарурлиги англаб етади. Бу эса, ўқувчида ўз Ватани шарафини онгли равишда ҳимоя қилишга, унинг қонун, қарорларини сидқидилдан бажарадиган инсон сифатида табиат ва унинг компонентларини қўриқлашга, унинг энг яқин ишончли дўсти ва ҳимоячиси бўлишга даъват этади [2].

Инсонни ўраб турган табиий муҳит ва унинг бойликларини биладиган, ундан тежамкорлик билан фойдаланадиган, сақлайдиган, табиат бойлигига, гўзаллигига гўзаллик кўшадиган, ижтимоий ва табиий қонунларни биладиган билимдон шахсни шакллантириш экологик тарбиянинг мақсади ҳисобланади. Шундай экан, умумий ўрта таълим

мактаб ўқувчиларига экологик билим беришда мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар зиммасига жуда катта маъсулият юклайди.

Ўқитувчи ҳар бир дарс мавзусининг экологик мақсади, мазмуни, вазибалари ва истиқболларини кўра билиши, мавзунинг экологик мақсади таълим-тарбия жараёнининг умумий манфаатларига мос бўлиши ва у билан узвий боғланганлигини аниқ тасаввур қилиши зарур.

Шундай экан, биз ўқувчиларга экологик-тарғибот ишларини дарсдан ташқари тарбиявий машғулотлар жараёнида амалга ошириш масаласини ўз илмий тадқиқот ишимиз мазмунида илмий-назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги кунда Орол бўйи умумий ўрта таълим мактабларида синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш масаласи қандай йўлга қўйилганлиги ва ўқувчиларнинг экологик билимларни эгаллаганлик даражасини билиш мақсадида ўқувчиларга анкета саволлари тарқатилди ва улардан айримларини келтириб ўтмоқчимиз:

«Экологик тарғибот-ташвиқот сўзининг маъноси Сизнингча, нимани англатади?» - саволига ўқувчиларимиз «Табиат учун ҳафли бўлган муносабат»-деб тушунишини, айримлари эса «Сувни исроф қилмаслик, дарахтларни синдирмаслик, ариқларга аҳлатларни ташламасликни тушунаман» - деб жавоб беришган. Бундан кўришимиз мумкинки, мактаб ўқувчилар экология ва экологик тарғибот-ташвиқот сўзларининг мазмун моҳиятига тўлиқ тушуниб етмаганлар тўлиқ тушунчаларга эга ҳам эмаслар.

Келтирилган жавоблардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда мактабларимизда экологик тарғиботчилик ишларга кам эътибор берилаётганлигини, бу эса ҳали мактабларимизда бу борада анча иш олиб бориш кераклиги, мактабларда дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда бу масалаларга катта аҳамият қаратиш кераклигини кўришимиз мумкин.

Мазкур масала юзасидан ўқитувчи ва ўқувчиларда қизиқиш ва эҳтиёжларининг катталиги тажриба- синов ишларимизда аниқланди. Демак, бу масалаларни тўғри йўлга қўйишда методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини эътироф этишни жоиз.

Биз тадқиқот ишимизни олиб бориш жараёнида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш орқали эколог-тарғиботчиларни тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратдик. Дарсдан ташқари экологик тарғиботчилик тадбирлари (конференция, давра суҳбатлари, илмий - амалий анжуманлар, экологик ҳафталиклар, экологик кечалар, экспедиция ва экскурсияларташкил этиш) ўқувчиларнинг экологик-тарғибот, ташвиқот ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришда, уларда

экологик маданият, эътиқод ва экологик-тарғиботчиликка боғлиқ дунёқарашни таркиб топтиришда катта имкониятларга эга эканлиги аниқланди.

Эколог-тарғиботчилик мазмунида дарсдан ташқари уюштирилаётган машғулотларга тажрибавий мактаблар жамоасининг умумий иши сифатида қаралди. Зеро, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида экологик билимлар ҳақида мустақил фикрлаши, тафаккурни бойитиш, дунёқарашини қарор топтириш учун замин ҳозирлашга хизмат қилувчи фаолиятнинг ташкил этилиши баркамол, соғлом авлодни шунингдек, эколог-тарғиботчиларни тарбиялаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўқувчиларда экологик-тарғиботчилик фаолиятни шакллантиришга йўналтирилган дарсдан ташқари машғулотлар куйидаги метод ва шакллар ёрдамида амалга оширилади:

а) Ўқувчилар онгига таъсир этувчи тарбия методларига- ҳикоя, тушунтириш, таъкидлаш, маъруза, экологик-тарғиботчилик масаласида суҳбат, намуна кўрсатиш, баҳс мунозаралар.

б) Ижтимоий хулқ тажрибаларини орттириш ва фаолиятини ташкил этиш методлари- топшириқ бериш, тарбияловчи вазиятлардан фойдаланиш, такрорлаш, педагогик талаб.

в) Экологик тарбия жараёнида ўқувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш, кайфиятини кўтариш, руҳлантириш.

Эколог - тарғиботчилар жамоасида юзага келган соғлом психологик муҳит, ўзаро ҳамжихатлик, бир-бирига бўлган ишонч ва ҳурмат дарсдан ташқари экологик-тарғиботчилик тадбирларининг самарали бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дарсдан ташқари ишлар ўқувчиларда ҳамкорлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, касб-хунарга қизиқиш ҳислатларини тарбиялайди. Ўқувчиларни табиат ва инсон ҳаётига оид бўлган қизиқарли фактлар, тушунчалар, кўникмалар билан қуроллантиради. Энг муҳими ўқувчиларнинг экологик билимларини оширади, унга бўлган қизиқишлари ортади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Орол буйи мактаб ўқувчиларидан эколог-тарғиботчилар тайёрлашнинг аҳамияти шундаки:

- биринчидан, ўқувчиларда экологик-тарғиботчилик билимларни ўзлаштиришга нисбатан мойиллик ва қизиқишни шакллантиришга замин яратилади;

- иккинчидан, ўқувчиларда экологик-тарғиботчилик билимларини ўзлаштириш ҳаётий зарурият эканлиги ва уни бошқаларга тарғиб этиш хавфсиз ҳаёт тарзи гарови эканлиги борасидаги тушунча ҳосил қилинади;

- учинчидан, ўқувчиларда экологик - тарғиботчилик борасидаги



билимларини мустақил равишда ўзлаштириш кўникмасини тарбияланади;

- тўртинчидан, ўқувчиларга атроф-муҳит экологияси ва шахсий гигиена озодалигига нисбатан юксак маъсулият туйғусини қарор топтиришида ёрдам беради;

- бешинчидан, ўқувчиларнинг атроф-муҳит экологияси, шунингдек, шахсий саломатликни муҳофазалаш ва тарғиб этиш борасидаги амалий ҳаракатларни ташкил эта олиш кўникма ва малакалари шаклланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Эргашев А. Умумий экология -Тошкент: Ўзбекистон, 2003
2. Ўзбекистон экологик ҳаракати дастури. Тошкент: «Chinor ENK» экологик нашриёт компанияси, 2009.

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ТУГРИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Худайбергенова Замира Ёсқақовна

*13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи
ихтисослиги 1-босқич докторанти.*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти,
Ўзбекистон*

*Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини
касбга тайёрлаш ва ўқувчиларга дарс бериш жараёнида учрайдиган
муаммоли вазиятлар таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар: таълим, сифат, имитация, технология, ўқитувчи,
талаба, ўқувчи, метод, синф, дарс.*

ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ ПРАВИЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Худайбергенова Замира Ёсқақовна

*Докторант 1 курса специальности 13.00.01-Теория педагогики.
История педагогических учений.*

*Нукусского государственного педагогического института,
Узбекистан,*

*Аннотация. В данной статье анализируются проблемные ситуации,
возникающие в процессе подготовки будущих учителей начальных
классов и обучения учащихся.*

*Ключевые слова: образование, качество, подражание, технология,
учитель, студент, ученик, метод, класс, урок.*

FORMING THE SKILLS OF CORRECT USE OF INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN FUTURE PRIMARY CLASS TEACHERS

Xudaybergenova Zamira Isqarovna

*13.00.01- Theory of pedagogy. Specialization in the history of
pedagogical teachings 1- stage doctoral student.*

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyoz, Uzbekistan

*Abstract. This article analyzes the problem situations encountered in the
process of training future primary school teachers and teaching students.*

Key words: education, quality, imitation, technology, teacher, student, reader, method, class, lesson.

Жамиатимизни ривожлантиришда келажак авлодга таълим - тарбия беришда бошланғич синф ўқитувчиларининг ўрни катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ўрганилган билимларни педагогик вазиятларда қўллай олишлари, ахборот коммуникацион технологиялардан туғри фойдалана олишлари, юқори таълимий ва тарбиявий сифатларга эга бўлишлари ва қўйидаги билимларни эгаллаган бўлишлари зарур;

- замонавий ва ижобий фикрлайдиган;
- ўз касбини севадиган;
- янгиликларга интилувчан;
- касбий билимини оширишда тинмай изланувчан;

- қизиқувчан, билимга чанқоқ, замон билан ҳамнафас бўлишлари керак. Малакали касбий билимга эга педагог – кадрлар билан таъминлаш олий таълим муассасасалари зиммасида бўлиб, талаба назарий билимларни ўқитувчи тамонидан оладиган бўлса амалий билимларни мактабда бўлиб ўтадиган амалиёт жараёнида шакллантириб боради бу - таълим сифатини оширида самарали натижа беради. Бугунги кунда рақобатга бардошли педагог кадрларни тайёрлаш ва таълим сифатини ошириш буйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 60110500 - Бошланғич таълим мутахасислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Таълим бериш жараёнида асосан ўқитиладиган фанлар мактаб билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бундан асосий мақсад – бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида бошланғич синфларда ўтиладиган фанларни ўқитиш усулларини ўргатиш, олган билимларини амалиётда қўллай олишда билим, кўникма, малакаларини шакллантиришдан иборат. Маҳоратли педагог - кадрларни тайёрлашимиз учун энг аввало уларда ўқитувчилик ҳиссини уйғатишимиз керак. Улар талабалик даврининг ўзидаёқ ўқитувчида бўлиши керак бўлган сифатларни билим ва педагогик маҳоратни ўзига сингдириб олишлари зарур. Бунинг учун талабаларга дарс берадиган ўқитувчи тажрибали, ўқитувчилик талабаларига жавоб бера оладиган маҳоратли бўлиши талаб этилади. Биз касбга тайёрлашда бир қатор замонавий таълим технологиялари ва таълим методларидан ва улар билан қаторда имитация ва имитацион ўйинлардан аҳамияти катта. Имитацион ўйинлар – бу фаолиятли ёндошув асосида ўзаро таъсир қилиш ва жамоавий қарорлар қабул қилиш учун кўп ўлчовли шарт-шароитларни яратадиган, фақат авроф муҳит моделини ва иширокчиларнинг интеллектуал фаоллигини симуляция қиладиган ўқув, ишлаб чиқариш, бошқарув ва ривожлантириш

интерактив ўйинларнинг махсус мажмуи [1].

Имитацияни турли хил вазиятларда, таълимда, оилада ва жамиатамизнинг ҳар бир соҳасида кузатшимиз мумкин. Мисол учун айтайлик боланинг отага таҳлид қилиши яъни ота оилада ўз оталик вазифасини тўлиқ ато этаётган бўлса фарзанд отасидаги яхши хислатларни ўзига сингдириб боришини ёки оилада онанинг фарзанд тарбиясида эътиборсизлиги охибатида фарзанднинг онадаги салбий хислатларни ўзига сингдириб боришларини тушунишимиз, яъни оилавий муносабатларда ҳам кўришимиз мумкин.

Расм 1.

Бундан ташқари талабаларда касбий билимларни шакллантиришда ҳаётий педагогик вазиятларга тайёрлашда, улардаги муаммоларни аниқлашда, касбий билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришда имитациядан фойдаланиш ўз самарасини берадиган усуллардан бири ҳисобланади.

Талаба таълим олиш билан бир қаторда ўқитувчининг педагогик билимларини ўз онгига сингдириб боришлари ва амалиёт жараёнида ўзида қўллаб кўришлари яхши самара беради. Амалиёт жараёнида учрайдиган ҳар қандай вазиятларни ўрганиб, таҳлил қилиб учраган педагогик вазиятларга туғри ечим топа олиши бу – талабанинг олган билим ва кўникмасининг шаклланиши ҳисобланади. Янги иш бошлаган ёш педагог кадрларда дарс ўтиш жараёнида турли хил педагогик муаммоли вазиятлар учрайди улар:

- ўз - ўзига бўлган ишончсизлик;
- олинган назарий билимларини амалиётда туғри қўллай олмаслик;
- дарснинг самарали ташкиллаштирилмаслиги;
- дарсга ўқитувчининг маънавий тайёр бўлмаслиги;
- ўз билими устида доимий изланмаслиги;
- ўқитувчининг билим бериш сифатининг пастлиги;
- замонавий АКТ дан туғри фойдалана олмаслиги в.х. каби педагогик

муаммолар дарсдаги кутилаётган мақсадга тўлиқ етиша олмаслигига сабаб бўлади. Ҳар бир талаба дарсда берилган вазифаларни мустақил бажара олишлари, фикрларини аниқ баён эта олишлари, қарор қабул қила олишлари ва ўзига бўлган ишончини оширишлари катта аҳамиятга эга. Ўқитувчининг дарс жараёнида олдинги хорижий тажрибалардан ва замонавий ахборот технологиялардан моҳирона фойдалана олиши, нутқ маданияти, ташқи кўриниши, дарсда ўзини бошқариши, ўз билимини талабаларга етказиб бера олиши, дарс жараёнида янги методлардан фойдаланган ҳолда талабалар диққатини дарсга жалб қилиб дарсни қизиқарли олиб бориши педагогик маҳорат ҳисобланиб ушбу сифатларга эга бўлган ўқитувчига талабаларнинг таҳлид қилиши

имитация ҳисобланади. Имитацион ўйинлар касбга тайёрлашда талабаларни шахсий ривожлантиришда ҳамда вазиятларга туғри қарор қабул қилишларида самарали усулларидан бири бўлиб, бугунги кунда имитация бўйича турли хил изланишлар олиб борилмоқда.

Имитацион ўйинлар – (фр.imitatio – тақлид қилиш, ўхшатма) – ишчан ўйинларнинг алоҳида тури. Машғулотларда бирон-бир ташкилот, корхона ёки тармоқларнинг фаолияти имитация қилинади, масалан касба уюшмалари кўмитаси, тарбиячилар кенгашини имитация қилиш ва ҳ.к. Инсонларнинг муайян фаолияти (режани муҳокама қилиш, суҳбат ўтказиш ва ҳ.к.), ёки ўша фаолият олиб бориладиган шароит ёки воқеалар (мс: йиғилишлар зали) ҳам имитация қилиниши мумкин. Имитацион ўйинларнинг сценарийси сюжетдан ташқари имитация қилинаётган жараёнлар ва объектларнинг тузилмаси ва вазифаларини ҳам ўз ичига олади [3]. Ушбу имитацион ўйинлар орқали талабалар сунъий яратилган педагогик вазиятларни ўрганадилар, вазият ечиш, қарор қабул қила олиш, ўз фикрларини туғри баён қилиш ва ўзларидаги педагогик муаммоларни ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Талабаларнинг касбий билимларни ошириш ва уларда

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик вазиятларни ўрганишлари, уларга туғри қарор қабул қила олишлари, назарий олган билимларини дарс жараёнида туғри қўллай олишларини ривожлантиришда ишбилармонлик ўйинларини фойданаишимиз мумкин. Имитацион ўйинлар каби ишбилармонлик ўйинлари ҳам талабаларга вазиятларни аниқлаш, туғри ечим қабул қилиш ва таҳлил қилишларида самарали ўйин усули ҳисобланади. Ишбилармонлик ўйини орқали талабалар жамоа бўлиб ишлайди ва белгили бир қоида асосида сунъий яратилган педагогик вазиятни ўрганади, таҳлил қилади, вазият ечимига қарор қабули қилинади.

Ишбилармонлик ўйини ўзида мутахассиснинг келажакдаги касбий фаолиятнинг предмети ва ижтимоий мазмунини тиклаш шаклини мужассамлаштиради, фаолият яхлитлигини белгиловчи шундай муносабатлар тизимини моделлаштиради [4].

Касбий билимларни эгаллашида ва уларни амалиётга тайёрлаш жараёнида ишбилармонлик ўйини самарали ўйинлардан ҳисобланиб талаба билим ва кўникмаларини ривожлантиради ва ушбу ўйин орқали турли хил ҳаётий педагогик вазиятлар имитация қилинади. Талаба ўйин жараёнида касбий фаолиятни ўзида синаб кўриш билан қаторда туғри мулоқатга кириша олиш, қарор қабул қила олиш, жамоа билан ишлаш, ўз фикрини туғри ифодалай олиш каби билимларини ривожлантиради..

Ишбилармонлик ўйинида ҳақиқий вазиятга ухшаш педагогик вазиятлар пайдо бўлади ва талабалар имитациялаш орқали муаммоли педагогик вазиятларни ўрганади, ўз - ўзини ўрганади, вазиятларни

таҳлил қилади, қарор қабул қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкин бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўз билимларни дарс жараёнида ўрганишлари, ўз-ўзини ривожлантиришлари, назарий олган билимларини амалиётда туғри қўллай олишлари, туғри қарор қабули қилишлари, ўз фикрини туғри ифода эта олишлари ва ўз қарорларини ҳимоя қилишларида педагогик муаммоли вазиятларни қўллаш самарали натижа беради. Ишбилармонлик ўйини талабанинг вазиятга туғри ечим топа олишларида ўз-ўзини англашида самарали ўйин усули ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бердиева Г.Ш. Фаолиятли ёндошув – ўқувчиларда қадриятли мулоқат маданиятини шакллантириш омили сифатида. Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2022 йил №2) ISSN 2181-1709 (P), 89 бет.

2. Расмлар интернет материалдан олинган <https://www.google.com/> 1расм.

3. О.Мусурманова, Х.Палуанова, К.Рискулова, З.Курбаниязова Педагогик атамалар луғати: Ўзбек, рус, инглиз тилларида / Т.: «TURON-IQVOL» 2019, 844 б [210 б].

4. Ишбилармонлик ўйинлари технологияси, <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/iqtisodiyot/ishbilarmonlik-yinlari-tehnologiyasi>



**BOSHLANG‘ICH SINFI O‘QUVCHILARINING ONA
TILI DARSLARIDA OG‘ZAKI VA YOZMA NUTQINI
RIVOJLANTIRISHNING O‘ZIGHA XOS XUSUSIYATLARI**

*Khudaybergenova Naorizbiyke Kanat qizi
“Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang‘ich ta’lim)”
mutaxassisligi bo‘yicha 2-kurs magistranti.
Nukus davlat pedagogika instituti, O‘zbekiston*

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang‘ich sinfi o‘quvchilarining og‘zaki va yozma nutqini oshirish yuzasidan fanlararo integratsiyalashuv hamda ona tili o‘qitish metodikasi fanida ushbu masala yuzasidan tadqiq etilgan nazariyalarning amaliyoti haqida so‘z yuritilgan bo‘lib, bir qator usul va metodlarning samaraviyligi baholab berilgan.

Kalit so‘zlar: Fanlararo integratsiya, prinsplilik, ona tili o‘qitish metodikasi, tarqatma materiallar; og‘zaki nutq, yozma nutq, shaxsiy dunyo qarash, pedagogik instenkt va an‘anaviy ta’lim.

**ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ УСТНОЙ И ПИСЬМЕННОЙ
РЕЧИ НА УРОКЕ РОДНОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ**

*Худайбергенова Науризбийке Канат кизи
Магистрант 2-курса по специальности «Теория и методика
образования и воспитания (Начальное образование)»
Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан*

Аннотация: В данной статье рассказывается о практике теорий, исследованных по данному вопросу в области межпредметной интеграции и методики обучения родному языку с целью совершенствования устной и письменной речи учащихся начальных классов, а также о ряде методов и методов повышения эффективности. был оценен.

Ключевые слова: междисциплинарная интеграция, принцип, методика обучения родному языку, раздаточный материал, устная речь, письменная речь, личностное мировоззрение, педагогическое чутье и традиционное образование.

**SPECIFIC CHARACTERISTICS OF THE DEVELOPING ORAL
AND WRITTEN SPEECH IN NATIVE LANGUAGE CLASSES OF
PRIMARY CLASS**

*Khudaybergenova Naorizbiyke Kanat Khizi
Master’s student of the 2nd year in the specialty of
“Theory and Methods of Education and Upbringing
(Primary Education)”
Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan*

Abstract: This article talks about the practice of theories researched on this issue in the field of interdisciplinary integration and methods of teaching the native language in order to improve the oral and written speech of primary school pupils, and a number of methods of efficiency has been evaluated.

Key words: Interdisciplinary integration, principle, methodology of the

teaching the natively language, handouts, oral speech, written speech, personal outlook, pedagogical instinct and traditional education.

Maktabgacha ta'lim sohasida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta'lim islohotlarining amaliy natijalari o'laroq maktab o'quvchilarining erishayotgan yutuqlari, g'alabalarining tub mohiyati sifatida boshlang'ich sinf o'quvchilarining dars tizimini namunali tarzda tashkil etish yuksak ahamiyat kasb etadi. Bunda boshlang'ich sinf o'quvchilarining ta'lim tizimida turli amaliy metodlarning to'g'ri ravishda qo'llanilishi maqsadga muvofiqlikni tashkil etadi hamda o'zing amaliy samaradorligini oshirishda xizmat qiladi. Maktab ta'limining bevosita ikki qismga ajratilishi hamda har ikkala bo'g'inning ham teng tarzda olib borilishi quvonarli holatdir.

Haqiqatdan ham, boshlang'ich ta'lim tizimi asnosida ta'lim olayotgan birinchi, ikkinchi, uchinchi va to'rtinchi sinf o'quvchilarining dars ta'lim tizimida nutqning har ikkala shakllari - og'zaki va yozma - shakllarini rivojlantirishga keng e'tibor qaratilib kelinmoqda. "Maktab metodikasi va ona tili o'qitish metodikasining nazariy - amaliy jihatdan ishlab chiqilgan topshiriqlar mezon, vazifalari boshlang'ich sinf o'quvchilarining og'zaki va yozma nutqlarini shakllantirishda xizmat qiladi"[1]. Bunda boshlang'ich sinf o'quvchilarining 1 - sinf ekanligidanoq ularga Alifbe kitobining harflar tizimini o'rgatish jarayonlari birinchi sinf o'quvchilari bilan akustik jihatdan ishlashuv masalasida e'tibor qaratiladi. Og'zaki nutqning keng va ravon tarzda rivojlanishida sinf o'quvchilarining o'zaro hor tarzda A, B, D, E kabi harflar tizimini takrorlashlaridan sabab ham ularning ovoz imkoniyatlarini ochishga kelgusida nutqning keng va ravon tarzda shakllanishiga turtki bo'ladi. Shu boisdan ham boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan ertak aytish, rasmlarga tarif berish, izohlab berish, rang ajratish kabi og'zaki nutq bilan ishlaydigan mashqlar ham og'zaki nutqni rivojlantirishga yo'naltirilgan bo'ladi. Bugungi kunda birinchi, ikkinchi, uchinchi va to'rtinchi sinf o'quvchilarining shaxsiy dunyoqarashi va nutq hamohangligini oshirish yuzasidan fanlar aro integratsiyalashuv masalasi keng jamoatchilik va ilm-fan sohasi olimlarining yutuqlaridan biri hisoblanadi. Amaliy jihatdan olib qaraydigan bo'lsak, an'anaviy ta'lim tizimida mashqlar tahlili, mavzu muhokamasi, gramatik qoidalar tizimidan ko'ra boshqa fanlar bilan o'zaro mutanosiblikda darslarmi amaliy tashkil etish maqsadga muvofiqdir. "Boshlang'ich sinflarning nutq shakllanishi va ovoz imkoniyatlariga e'tibor qaratish ahamiyatlilik jihatidan muhim sanaladi, sababi ikkinchi va uchinchi sinflarda ular boshqa fanlar:

- rus tili;
- ingliz tili;
- fransuz tili;
- qozoq tili;

- qoraqalpoq tilli maktablarda esa o'zbek tili kabilarning o'tilishi

boshlanib, boshlang'ich sinf o'quvchisi o'z tilida chiroyli va ravon so'zlashni o'rganishdan tashqari boshqa tillarni o'rganishga kirishadi, bu esa boshlang'ich sinf o'quvchisining nutqiy bo'linishlariga olib keladi" [2]. Ona tili o'qitish metodikasi fanining olimlari olib borgan tadqiqot ishlari yuzasidan boshlang'ich sinf o'quvchilarining yozma va og'zaki nutqlarining o'zaro shaxsiy mezonlarga muvofiq rivojlanishida quyidagilar keng samara ko'rsatadi deb baholashadi.

1 - jadval

Og'zaki nutqning o'shishida samara beradi	Yozma nutqning o'sishida samara beradi
1. Tinglash	1. Tasavvurning shakllanishi
2. So'zlab berish	3. Ko'p kitob o'qish
3. Turli tez aytishlar	4. So'zlab berish
4. Sinf ichida munozara	5. Prinsipial mashqlar
5. Fikrlay olish, qobiliyat	6. Ijodiy yaratuvchilik

Boshlang'ich sinf o'quvchilari o'rtasida nutqning har ikkala sohasi - og'zaki va yozma nutqlarda ham mukammallikni shakllantirish maqsadi yuzasidan ona tili kitoblari tarkibida keluvchi mashq va topshiriqlar matni sharhlida matnni ovoz chiqarib o'qing yoki sinfdagi o'rtoqlaringiz bilan muhokama qiling, ma'lumot bering kabi sharhlarni kuzatishingiz mumkin.

E'tibor bering.

256 - mashq.

“Berilgan matnni ovoz chiqarib o'qing va ushbu mavzu yuzasidan sinfdagi guruhlariga bo'ling munozara uyushtiring.

Bahor. Kunlar iliqlashgan. Oftob ham o'zing chifobaxsh nurlarini beminnat sochar ekan, yetar endi tabiat uyg'on - deydigandek bo'ladi go'ya. Bahorda bobo dehqonlar yerga urug' qadaydi va mehnat ishlari boshlanadi" [3].

Yuqorida namunaviy tarzda berilgan mashq yuzasidan sinfdagi mavzu yuzasidan munozara uyushtirish, berilgan matnni ovoz chiqarib o'qish, bahorgi ishlarning amaliyoti haqidagi suhbatlar bilan bir o'quvchi sharofati tufayli butun sinf ahli munozaraga kirishadi, bu holatda albata nutqning shakllanishi yuz beradi, tabiiyki bu holatda sinf o'quvchilari shevaga xos so'zlardan, turli xil qusurlardan, qo'pol, so'kinish so'zlardan holi suhbatlashish sinf o'qituvchisi tomonidan ta'minlanadi. “Mashqni o'qigan o'quvchi esa butun boshli sinf o'quvchilari ushbu mashqni eshitishlari uchun matnni - chiroyli va gapirish ohangiga muvofiq tarzda o'qiydi va bu esa ushbu o'quvchining notiqqligini oshirishda keng jamoatchilik qarshisida o'z fikrini oshkor qila olish qobiliyatlarining shakllanishiga olib keladi»[4].

Maktab o'quvchilarining aksariyat boshlang'ich sinflarida yozma nutq va savodxonlikni oshirish yuzasidan turli xildagi tanlovlar va musobaqalarning olib borilishi boshlang'ich sinf o'quvchilarining yozma nutq faoliyatini oshirishda xizmat qiladi. Yozma nutqni tashkil etishda boshlang'ich sinf o'quvchilarining faolligini ta'minlashda mashq va topshiriqlar yuzasidan topshiriqlar berish ahamiyatli bo'lishi maqsatga muvofiqdir. Bunda boshlang'ich sinf o'quvchilarining turli rasmlar va holatlar yuzasidan badiiylilikni saqlagan holatda mustaqil tarzda yozma matnlar tuzish, rasmga nom berish hamda ushbu rasmlar asnosida matn tuzib uni ifoda maqsadiga ko'ra kamchiliklarining topilishi bu birgina mashq bilan nutqning har ikkala tamoyillarining oshishiga xizmat qiladi. Bu kabi yozma nutqlarini vazifa va topshiriq tarzda berilishidan ko'zlangan maqsad quyidagicha:

- o'quvchilarning shaxsiy dunyoqarashini shakllantirishda dasturiy manba bo'luvchi ko'nikmalarini shakllantirish;
- matn tarkibida so'z qo'llay olish mahoratining yanada orttirilishiga erishish hamda ularning mantiqan ketma - ketligini nazorat qilish;
- imloviy yoki punktuacion xatoliklardan holi bo'lgan holda matn yaratishning yuzaga kelishi;
- boshlang'ich sinf o'quvchilarining matn tuzishda so'zlarning joylashuvi va muqobili so'zlar bilan ishlasha olishini ta'minlash;
- matn tuzishda badiiylilik, saviyaviylik, ilmiylik tamoyillarining yuzaga kelishining shaxsiy nazoratini ta'minlab berish;
- vaqt mezonlarini inobatga olgan holatda matnning tayyor holatga kelish texnikasining amaliy jihatdan shakllanishiga va qolaversa, yozuv ya'ni husniyatning yanada mukammal va chiroyli bo'lishiga erishish yuzasidan yozma nutq mavzusiga oid mashqlar tavsiya etiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining og'zaki va yozma nutqlari bilan ishlashishda ularning yosh kategoriyasi, o'zlashtirish darajalariga ham e'tiborda bo'lish zarur. "Biz yuqorida sanab o'tgan metodik qo'llanmalar boshlang'ich sinfning birinchi, ikkinchi o'quvchilari ushun zarur bo'lsa, uchinchi va to'rtinchi sinf o'quvchilarining nisbatan murakkab metodik jihatlar bilan individual tarzda ishlashi ta'minlanadi" [5].

Bunda uchinchi va to'rtinchi sinf o'quvchilarining ona tili va adabiyot o'qitish metodikasiga muvofiq tarzda mashqlarining samarali tarzda bajarilishiga erishiladi. Misol uchun: To'rtinchi sinf o'quvchilarida o'qish kitobining vaqtga solingan holatida "Kim ko'p so'z o'qish" kabi o'yinlarning tashkil etilishida o'quvchi sinf ichida ovoz chiqarib o'qiydi, demak bu sinf ichida shaxsiy nutqning rivojlanishiga olib keladi. Bundan tashqari, og'zaki nutqni rivojlantirishda turli eksperimentlardan ham foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bunday eksperimentlar qatorida chet el tajribalaridan unumli foydalanish masalasi ham yetakchilik qiladi.

O'qituvchining oldindan tayyorlangan tayyor tarqatma materiallar asosida tayyor audio yoki videorolliklarni sinfdagi barcha o'quvchilarga eshittiradi yoki qo'yib beradi. "Sinf o'quvchilari esa eshitgan yoki ko'rgan narsalarini boshqa bir chalg'ituvchi kuy, videodan so'ng aytib, tushuntirib berishlari ularning ham og'zaki tarzda gapirish tempining shakllanishiga, qolaversa, tasavvur dunyosi va shaxsiy dunyoqarashning shakllanishida keng samara beradi" [6]. Yozma nutqni shakllantirish, o'stirish borasida ham xuddi ana shunday eksperimentlarning o'tkazilishi maqsadga muvofiqdir. Bunda tayyor tarqatma material audio yoki video rollik boshlang'ich sinf o'quvchilariga qo'yib beriladi yoki eshittiriladi, ortidan boshqa bir chalg'ituvchi kuy yoki lavhalar taqdim etilgandan so'ng sinf o'quvchilaridan dastlabki audio yoki videorollikda ko'rgan, eshitgan narsalarini ketma-ketlikda yozma tarzda bayon etishlari so'raladi. Ushbu usul boshlang'ich sinf o'quvchilarida

- xotiraning mustahkamlanishi;
- yozma nutqning shakllanishi;
- dunyo qarashning oshishi;
- badiiy matn tuza olish kabi yosh xususiyatlarning oshishiga olib keladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining og'zaki va yozma nutqlarini rivojlantirish yuzasidan quyidagicha xulosaga kelish mumkin: boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan odatdagi ta'lim tizimiga muvofiqlikni saqlagan holda chet el tajribalaridan ham unumli foydalanish, ona tili o'qitish metodikasi fanining el ilg'or metod va uslublaridan foydalanish, ona tili darsliklarini o'qitish davomiyligini oshirishda boshlang'ich sinf o'quvchilarining og'zaki va yozma nutqini yanada orttirish yuzasidan fanlar aro integratsiyalashuvga alohida e'tibor qaratish maqsadga muvofiqdir.

ADABIYOTLAR

1. Abdullayev Y. Ona tili o'qituvchilarining ish tajribasidan. Toshkent, 1965.
2. Qosimova K. va boshqalar. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi fani dasturi. Toshkent, 1996.
3. Qosimova K. Boshlang'ich sinflarda imlosi qiyin so'zlarni o'rgatish. Toshkent, 1964.
4. Qosimova K. 4-sinfda ona tili darslari. Toshkent, 1978.
5. Qosimova K., Ubaydullayeva N. 2-sinfda ona tili darslari. Toshkent, 1987.
6. Ta'lim taraqqiyoti jurnali 7-maxsus son. Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi (Boshlang'ich ta'lim). Toshkent, 1999.

Журнал Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан 2020 йил 6 октябрда ўтган.

Журнал ҳар ойда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади.

Журналнинг ҳажми 60x84, 1/8, А-4;

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журнали 2020 йил октябрдан нашр этилмоқда.

Педагогика, психология, филология ва тилшунослик, математика, физика ва механика, техника фанлари, табиатшунослик, тарих ва фалсафа, туризм ва иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари, география соҳалардаги илмий ва илмий-услубий материалларни ўз ичига олади. Нашр қилинган материаллар муаллифлари Ўзбекистон Республикаси ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олимлари, тадқиқотчи-изланувчилари.

Журналнинг калит сўзлари:

Олий педагогик таълим назарияси ва амалиёти; умумий ва махсус педагогика ва психология, педагогика ва инновация, интеграция, Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг таълим тизими; таълим жараёни; кўп маданиятли ва минтақавий таълим; III Ренессанс, XXI асрдаги таълим; таълим ва тарбия соҳасидаги миллий ва қадрият устуворликлари; таълим сифатини мониторинг қилиш; узлуксиз педагогик таълим тизими; таълим дастурлари; умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартлари; ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги таълим технологиялари.

Гувоҳнома рақами № 8882
Бош муҳаррир: Б.Б.МАЪМУРОВ

Босишга рухсат этилди 20.12.2022. Буюртма №1347.
«Бухоро вилоят босмахонаси» МЧЖда чоп этилди.

